

Минг бир кечә



Иккинчи китоб

АРАБ ЭРТАКЛАРИ



28-55 КЕЧАЛАР

ИККИНЧИ КИТОБ

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2008

«Минг бир кечা» эртаклари ўз мавзуларининг кўплиги, ранго-ранглиги билан ҳам жаҳон адабиёти миқёсида шуҳрат қозонди. Бу араб эртаклари саккиз томлик китоб шаклида 1960 йилда Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти томонидан нашр қилинганди.

Кўпчилик китобхонларнинг талабларига биноан «Минг бир кечা» китобини янги кўринишда қайта нашр қилишни лозим топдик. Умид қиласизки, машҳур араб эртаклари китобхонларимиз учун ажойиб туҳфа бўлади.

Арабчадан Солиҳ Муталибов таржимаси
Шеърлар таржимони Собир Абдулла

Қайта нашр

ISBN 978-9943-08-295-3

© «Минг бир кечা». Араб эртаклари. Саккиз томлик. Ўзбекистон
Давлат бадиий адабиёт нашриёти. 1960 й.

© «Минг бир кечা». Араб эртаклари. 22-55 кечалар. Иккинчи
китоб. «Янги аср авлоди» нашриёти. 2008 й.



Ўиғирма саккизинчи

кеча

– **Ә**й саодатли шоҳ, – деб давом этди
Шаҳризод. – Даллол:

– Бориб пулини ол, – дебди.
Даллол сўзимдан шубҳаланган экан, зебигардонни бозор оқсоқолига олиб бориб берибди. Оқсоқол эса ҳокимга элтиб топширибди:

– Бу зебигардонни мен йўқотган эдим, – дебди ҳоким.

Мени кўз очиб юмгунча қоровуллар ўраб олдилар. Ҳоким ёнига олиб бордилар. Ҳоким зебигардон тўғрисида сўради. Мен даллолга айтган сўзимни айтдим. Ҳоким купди: «Тўғри эмас», – деди фазаб билан. Бошимни кўтаргунимча ҳам бўлмай кийимларимни ечиб, қамчи билан ура бошладилар. Калтак ўтди:

– Мен ўғирладим, – дедим қутулиб кетиш мақсадида, аммо бунинг эгасининг уйимда ўлганини айтмайман деб ўйлардим. Ўғирлаганимни ёзиб, қўлимни кесдилар, ёғ суриб боғладилар. Мен ҳушдан кетдим. Менга бир қадаҳ шароб бердилар, кўзимни очдим. Қўлимни ўраб, уйга қайтдим. Уй эгаси:

– Сен ўғирликда айбланибсан, энди ўзингга бошқа жой топ, уйни бўшат! – деди.

– Уй топгунча бир-икки кун сабр қил, – дедим. Кўнгандай бўлиб чиқиб кетди. Ўтириб ўйлар, тўхтовсиз ийфлар эдим. Бу аҳволда қандай қилиб юртимга бораман, деб қайфурман. Улар айбсизлигимни билмайдилар, деб ўйлардим. Икки кун қаттиқ оғридим. Учинчи куни бироз кўз очиб ётган эдим, уй эгаси, бозор оқсоқоли, яна бошқа



бир қанча одамлар кириб келишди. Мен чиқдим. Нима гап деб сүрадим. Улар мени боғлай бошладилар. Бўйнимга кишан солиб:

– Сендаги зебигардонни Дамашқ вазирига, қозиларга олиб борилганда, бундан уч йил олдин, шоҳнинг қизи билан бирга йўқолгани маълум бўлди, – дедилар.

Бу сўзни эшитишим биланоқ менда эс қолмади. Дилим парчаланди, ҳалокатимга шубҳам қолмади.

– Шоҳга тўғрисини айтаман. Хоҳласа ўлдирап, хоҳласа кечирар, – деб ўйладим. Шоҳ ҳузурига бордик. Шоҳ менга кўз қирини ташлаб, турганларга айтди:

– Ҳали, ўғри деб, қўлинни кесган йигитларинг шуми?

Бу сўзни эшитгач, бироз қўкрагим кўтарилиди.

– Ҳурматли шоҳ, – дедим мен. – Мен ўғри эмасман. Бу катта жиноят билан айблаб, бозор ўртасида мени қамчиладилар, иқрор бўлишга мажбур қилдилар. Мен қилмаган ишимга иқрор бўлдим, қўлимни кесдилар. Шоҳ: «Сенда гуноҳ йўқ», – деб бозор оқсоқолига пулни тўлашга буюрди. Бўйнимдан кишанни олдилар. Шоҳ бошқаларга уйдан чиқишини буюриб, фақат мени олиб қолди. Шоҳ менга тикилиб: «Эй ўғлим, воқеанинг тўғрисини айт! Бу зебигардон сенинг қўлингга қандай қилиб тушди?» – деди.

– Эй шоҳим, – дедим мен, – сенга тўғрисини айтаман, – деб биринчи хотин билан бўлган воқеани, у хотин қандай қилиб иккинчи хотинни келтирганини, у билан орада ўтган гапларни, эрталаб турганимда иккинчи хотинни калласи олинган ҳолда кўрганимни, бу ишни рашк юзасидан биринчи хотин қилган, деган фикрда эканимни ва бошқаларни бошдан-оёқ сўзладим. Бу сўзни тинглар экан, шоҳ бошини чайқаб, йиғлаб юборди. Ўзини тўхтата олмай, юзига рўмол тутиб, хўнграй бошлади. Бироздан сўнг у менга тикилиб:

– Эй ўғлим, – деди маъюс овоз билан, – сен айтган биринчи жувон менинг қизим. Мен уни жуда ҳам эҳтиётлик билан сақладим. Бўйи етгач, Қоҳирага юбордим. У амакисининг ўғлига эрга чиқди, эри ўлди. Ёнимга қайтиб



келди. Қоҳирадаёқ бузилган экан. Сенинг ёнингга тўрт марта борибди. Сўнгги марта ўзининг кичик синглисини олиб борибди. Улар икковлари ҳам бир онадан эдилар. Бир-бирларини яхши қўрадилар. Каттаси бу йўлга киргач, ўз сирини синглисига ҳам айтиб, уни қизиқтирган. Кичиги бирга боришни сўраган. У бирга олиб борган. Лекин шу куни унинг бир ўзи қайтган. Мен синглисини суриштирдим. У менга: «Билмайман», – деди. У синглиси ни қандай ўлдирганини онасига секингина сўзлаб берибди. Тинмай йифларди. «Энди мен ўлгунимча йифлайман», – дер эди. Сенинг сўзинг тўғри, ўғлим, – деди ниҳоят шоҳ. – Агар қарши бўлмасанг, мен сенга уларнинг ўгай сингиллари, кичик қизимни бераман. Бу қизим уларга ҳеч ўхшамайди. Мен сендан қалин ҳам олмайман, бутун тўйни ўзим қилиб бераман. Ўғлим бўласан!

Менга бу мартаба қаёқда эди.

– Марҳаматингиз учун ташаккур, – дедим. Ўша ондаёқ шоҳ қизи ва гувоҳларга одам юборди. Менга никоҳ хати ёздирди. Қизнинг ёнига кирдим.

Шоҳ бозор оқсоқолидан мен учун пул олдирди. Шоҳ ҳузурида эътиборим яхши эди. Шу йили отам ўлди. Шоҳ ўз томонидан отамдан қолган молларни келтириш учун одам юборди. Элчи отамдан қолган бутун пулларни менга келтириди. Мен ҳозир жуда бой ва жуда шод яшайман. Мана, қўлимнинг кесилиш тарихи, – деди йигит.

Мен таажжубландим. Уч кунгача йигит ёнида қолдим. У менга аллақанча пул берди, мен у ердан сизнинг шаҳринингизга қайтдим. Турмушим яхши эди. Шу кеч тасодифан букри воқеасига йўлиқдим.

– Бу воқеа букри воқеасидан қизиқ эмас, – дебди хитой шоҳи. – Шунинг учун сизларнинг ҳаммангизни, айниқса бу ҳодисага сабабчи бўлган машиначини ўлдиришим керак. Агар сен, – дебди шоҳ машиначига қараб, – букри воқеасидан қизиқроқ бир ҳикоя айтиб берсанг, жиноятларингни кечираман.

Машиначи ўрнидан туриб, ҳикоя бошлабди.

МАШИНАЧИ ҲИКОЯСИ

– Эй шоҳим, менинг ҳикоям буларнинг ҳаммасиникидан ҳам қизиқроқ, – деб сўз бошлабди у, – бу ҳодисага йўлиқмасимдан олдин эрталаб бир ўртоғимни-кида зиёфатда бўлдим. У ерда йигирмага яқин хунарманалар: машиначи, дурадгор, бўзчилар бор эди. Кун ёйилганда бизга овқат келтирдилар. Шу вақт уй эгаси бир чиройли ёш йигитни бошлаб кирди. У Бағдоддан келган мусофир экан. Йигит жуда яхши кийинглан эди. Фақат бироз оқсоқданарди. Биз билан саломлашди. Ҳаммамиз ўрнимиздан туриб, меҳмонни юқорига таклиф қилдик. У ўтирмақчи бўлган эди, орамизда ўтирган сартарошни кўргач, қайтиб чиқиб кетмоқчи бўлди. Биз ҳам, уй эгаси ҳам уни қайтардик. Кўп илтимос қилдик. Энг охири уй эгаси: «Нега кирдинг-у, не сабабдан чиқиб кетмоқчи бўлаётисан?» – деди.

– Хурматлилар, – деди у, – қаршилик қиласликларингизни сўрайман, сартарош шу ерда экан, мен ўтира олмайман.

Уй эгаси бу сўзни эшитиб, жуда ҳайрон бўлди. «Йигит бағдодлик бўлса, нега сартарошдан бунча чўчийди», деган хаёлга борди. Бизлар ундан сабабини сўрадик.

– Эй аҳли мажлис, – деди йигит, – Бағдодда шу сатарош туфайли оғир кулфатга йўлиқдим. Натижада оёғим оқсоқ бўлиб қолди. Шундан сўнг бу сартарош билан ҳеч бирга ўтирасликка, у бор юртда турасликка аҳд қилдим. Шу туфайли ўз юртим Бағдодни ҳам ташлаб чиққанман.

– Бўлган воқеани айт, – деб илтимос қилдик. Сартарошнинг ранги ўчди. Йигит сўз бошлади:

– Эй жамоат, – деди у, – отам Бағдоднинг бой савдогарларидан бири бўлиб, мендан бошқа ўғли йўқ эди. Улғайиб балоғатга етганимда отам ўлди. Кўпгина мол-дунё, қул, кулончи қолди. Яхши кийиниб, яхши ейдиган бўлдим. Нима учундир хотин зотини ёқтирас



эдим. Бир куни күчада кетаётган эдим, бирдан бир тұда хотин менга юзланди. Мен қочиб, боши берк күчага кириб қолдим. Бир ўриндиқ бор экан, шунга ўтиридим. Бирдан чап томонимдаги уйнинг деразаси очилиб, жуда ҳам чиройли бир қызға күзим тушди. У худди ўн түрт кечалик ойдек эди. Бундай гүзал қызни умримда күрмаган эдим. У дераза олдидаги гулларга сув қуяр эди. Ўнгта, чапга бир қаради-да, деразани беркитиб ғойиб бўлди. Юрагим ўртанди. Фикримни у ҳақдаги хаёллар чулғаб олди. Кун ботгунча ўша ерда ўтириб, фақат шу қиз тўғрисида ўйладим. Хотинларга нисбатан бўлган нафратим меҳрибонликка айланди. Бирдан ёнида мулозимлари билан шаҳар қозиси келиб отдан тушди-ю, ҳалиги уйга кирди. У қызning отаси эканлигини пайқадим. Куйиб-ёниб уйга қайтдим. Фамгин ўринга ётдим. Қуллар, канизаклар кириб, атрофимни ўраб ўтирилар. Мен чурқ этмадим, саволларига жавоб ҳам бермадим. Борган сари касалим оғирлашар эди. Одамлар кўргани кела бошладилар. Бир куни бир қари кампир кириб келди. Афтидан у сирни сезганга ўхшарди. Бош томонимга ўтириб, жуда ёқимли сўзлади.

– Эй ўғлим, – деди у ёқимли овоз билан, – нима сир ўтди. Менга айт! Балки мен ёрдам берарман.

Мен воқеани айтдим. «Жон болам, – деди кампир, – у Бағдод шаҳри қозисининг қизи бўлади. Сен кўрган уй – қызning ўз уйи. Отасининг уйи ичкарида, жуда ҳам катта, ҳашаматли. Қиз бир ўзи ўша уйда туради. Лекин отаси уни жуда ҳам эҳтиёт қилиб сақлайди. Мен уларни кига тез-тез бориб тураман. Сен унга фақат мен орқалигина етиша оласан! Белингни боғла».

Бу сўзни эшишиб, бироз тетикландим. Қариндош-урұллар ҳам суюна бошладилар. Эртасига мен тамоман соғайдим. Кампир қызникига борди. Лекин у анча ўзгариб, бўشاшиб қайтди.

– Айланай, ўғлим, – деди у хомуш, – бу тўғрида гап очган эдим, қызning айтганларини сен сўрама, мен айт-



май, – хүрсиниб, давом этди. «Эй кампир, агар яна шу сүздан оғиз очсанг, албатта, жазонгни бераман», – деди қыз менга. Оёқ-қўлим бўшаши. Қыз олдидан қандай чиққанимни сезмай қолдим. Лекин мен, албатта, иккинчи маротаба бораман.

Буни эшитиб, касалим яна зўрайди. Бир неча кун ўтгач, кампир кириб келди.

– Эй ўғлим, суюнчи бер, – деди у. Бу сўзни эшитгач, жоним қайтиб киргандек бўлди. Нима десанг тайёрман, дедим кампирга.

Кампир деди: «Кеча мен қизнинг уйига яна бордим. Кўзим ёшлиқ, дилим ғашлиқ эди. «Бунча ғамгинсан, буви», деди қыз. Мен йиғлаб: «Эй маликам, сени севган йигит томонидан келдим. У сенинг ишқингда ўларга етди», – дедим. Шу сўздан сўнг бироз кўнгли юмшади. «Қаерлик, ким у», – деди қыз. «Менинг ўғлим, боғнинг меваси, – дедим мен. – У сени бундан бир неча кун олдин деразадан гулга сув қуяётганингда кўрган экан, шундан бери эс-хуши сенда. Сени биринчи дафъа кўрганимдаги сўзингни айтганимдан бери унинг касали яна зўрайиб, ёстиқдан бошини ололмай қолди. Агар бу аҳвол яна чўзилгудек бўлса, унинг ўлиши муқаррар», – дедим. Ёш томчилари кўзимдан маржон каби оқарди. Қизнинг ранги учди. «Шулар ҳаммаси мен учунми», – деди у. «Албатта», – дедим. «Йигитга бор, мендан салом айт, – деди қыз. – Жума куни жума намозидан олдин келсин, мен унга эшик очаман. Бироз ўтирамиз. Отам намоздан келмасдан олдин чиқиб кетади».

Кампирнинг сўзини эшитганимдан сўнг ғамларим тарқалди. Кўнглим тинчиди, кампирга сарпо бердим. «Ғамташвишни ташла, кўнглингни шод эт», – деди кампир. Ҳеч қандай ғамим қолмади, дедим мен. Қариндош-урӯф, дўстларим менинг соғайишимга шодландилар. Кампир уйига кетди. Жумани кутиб ётдим. Жума куни кампир кириб келди. Аҳвол сўради. Мен тамоман соғайганимни билдирам. Кийимларимни кийдим, хушбўй гулоблар сеп-



дим. Одамларнинг намозга кетишини зориқиб кутардим. Шунда кампир: «Ҳали вақт эрта. Ҳаммомга борсанг, сочингни олдирсанг яхши бўлар эди. Айниқса касалдан тургансан», – деди. Мен жуда яхши, дедим. Олдин соч олдириб, сўнг ҳаммомга бормоқчи бўлдим-да, қулга:

– Бозорга бор, эслироқ, озода, эзмалик қилиб бошни оғритмайдиган бир сартарош айтиб кел, – дедим. Қул ана шу кишини олиб келди. У салом берди. Мен жавоб қайтардим.

– Дунёда ғам, ташвиш кўрма, қайғу-аламлардан халос бўл, – деб сўз бошлади у, – сочингни олдирасанми, қон олдирасанми? Ибн Аббос жума куни соч олдирганлардан етмиш хил касал даф бўлади дебдилар, яна шундай ривоят қилибдиларки, ҳар ким жума куни зулук солдирса – бутун умр кўз оғрифидан ва бошқа касалликлардан халос бўлармиш, – деб гапни чўзаётган эди, бу чўпчакларни бас қилиб, сочимни ол, ахир мен касалдан турган кишиман, дедим.

Қўлтиғидан бир рўмол чиқариб, унинг ичидан устурлоб¹ олди. У етти доиралик эди. Сартарош уни олиб, уйнинг ўртасига келди. Бошини куннинг тифига солиб, анча тикилиб тургач, яна гап бошлади:

– Билгилки, бугун, яъни жума куни ҳижрий сананинг етти юз олтмиш бешинчи йили, сафар ойининг ўнинчи куни. Искандар вақтидан етти минг уч юз йигирманчи йилдан саккиз даража, олти дақиқа ўтди. Бугун Мирриҳ Аторуд билан учрашган кундир. Бу нарса бугун соч олдиришнинг беҳад ва беадад хосиятли эканини кўрсатади. Бу нарса каминага яна бир фолни кўрсатадики, бугун сен бир киши билан учрашмоқчисан, бу иш жуда кўнгилли бўлади, ишнинг оқибати гап-сўзга айланишини сўзламаганим хўбдур.

– Жонимдан тўйдирдинг-ку, миямни қоқиб, қўлимга берадиганга ўхшайсан. Сени соч олдиргани чақирирган-

¹ Устурлоб – юлдузлар ҳаракатини кўрсатувчи асбоб.



ман. Ахир бу гапларни қўйиб, сочимни олсанг-чи, – дедим.

– Ҳудо ҳаққи, – деди сартарош, – агар азиз бошингда нима гаплар борлигини билганингда бугун ҳеч нарсага жаҳд қилмас эдинг. Мен сенга ўлдузлар тақозосига мувофиқ иш кўришни маслаҳат беради. Сен мендан миннатдор бўлишинг, қаршилик кўрсатмаслигинг керак. Ана энди ўзинг яхшилаб ўйлаб кўр. Бир йилгача хизматингни қилишга тайёрган. Пул ҳам олмайман.

– Бугун мени, албатта, бўғиб ўлдирап экансан, – дедим.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



– **Э**й саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод. – Бугун мени, албатта, бўғиб ўлдирап экансан...

Иигирма Сенга ўхшаш илму нужумга моҳир, до-
тўққизинчи нишманд сартарошни кўрмаган эдим. Лекин
кеча гапларинг сариқ чақага ҳам арзимайдиган
сафсатадан иборат эканлигини яхши била-
ман. Мен сени соч олдириш учун чақирганман-ку, – ҳали
у ёқдан, ҳали бу ёқдан бўлар-бўлмас сўзларни валдирай-
верасанми? Бу қандай гап?! «Ажабо, – деди сартарош, –
кам сўзлаганлигим туфайли еттига ака-ука ўртасида фақат
менгина «ассомит», яъни камсўз деган лақаб олганман, энг
кatta акам «албуқбук», яъни зэма, иккинчи акам «алҳад-
дор», яъни бақироқ, учинчиси «биқиқ», яъни ғалва, тўртинчиси
«алқуззуласвони», яъни очиқ оғиз, бешинчиси «алашшор»,
яъни олиб қочар, олтинчиси «шақолуқ», яъни лоғчиидир.

Сартарош сўзни улаб кетаётган эди, юрагим ёрилиб ўли-
шимга ақдим етди, хизматчини чақирдим. «Бунга тўрт динор
бериб жўнат! Соч олдиришнинг ҳожати йўқ», – дедим.

– Бу нима деган гап, – деб ҳовлиқди сартарош, – мен
сенга хизмат қилмай ҳақ олмайман. Албатта, хизмат қили-



шим керак, сен менинг қадримга етмасанг, мен сенинг қадрингта етаман, зероки, отанг раҳматуллоҳи алайҳ қўп соҳиби қарам киши эди. У ҳам худди шундай муборак бир кунда менга одам юборган эди, келдим. Олдида бир қанча ёру дўстлари ҳам бор эди. Менга қон олишни маслаҳат қилди. Мен дарҳол устурлобни қўтариб кўрдим. Қарасам, юлдузлар ҳисоби вақти манҳус² экан. Бас, қон олиш номувофиқ эди. Тақозойи илму нужумни отангта изҳор қилдим. Ихлос юзасидан лом-мим демади. Илму нужум тақозосига мувофиқ вақту соат келгунча кутди. Оз вақтдан кейин соати нажот киргани маълум бўлди. Қон олмоққа ружу қилдим. Марҳум отанг миннатдорчилик изҳор қилди. Аҳди мажлис ҳам мамнун бўлдилар. Хизматим учун раҳматлик отанг юз динор берди.

– Сендақаларга ўринсиз пул сочган отам гўрида тинчимасин, – дедим. Сартарош: «Астағфурулло, субҳонолло», – деб ҳовлиқиб, сўзини давом этдирди, – мен сени соҳиби идрок ва аҳли фаҳм деб гумон қилар эдим. Магарам сен касаллик таъсири билан бу қабила номарғуб сўзларни деб гуноҳ қилаётисан. Бас, сен бу нуқсондан маъзурсан. Куръони шарифда: «валкозиминалғайза валофина анииннос», дейилган. Мен кечираман. Не сабабдан бунча шошилаётганинга тушунмаяпман. Марҳум отанг мендан бемаслаҳат ҳеч иш қиласди. Зероки, ҳадиси шарифдаги маслаҳатнинг манфаатларини яхши билар эди. Сен яхши мулоҳаза қил, мендан кўра донороқ одам топа олмайсан. Мен оёқ устида туриб хизмат қилаётирман, аммо сен бўлсанг бир ерда ўтириб сиқилаётисан. Зероки, отангни ҳурмат қилганим учун чидайман.

Худо ҳаққи, гапни жуда чўздинг. Ахир сендан маслаҳат сўраётганим йўқ-ку! Сочимни олгин-у, йўлингдан қолма, дедим. «Биламан, – деди у чўзиб, – мендан қаттиқ хафа бўлдинг. Лекин мен ўзимга олмайман, кечираман. Зеро-

² Манҳус – эски тушунчага кўра иш қилиш учун мувофиқ бўлмаган вақт.



ки, ақплинг түлмаган, ҳали ёшсан. Яқингинада сени елкамга миндириб, мактабга олиб бориб құяр әдим».

– Худо хайр берсін, – дедім мен унға, – ишимдан қолдым. Сен ҳам үз йўлингга кет, мен ҳам ишимга борай. Шу қоқ у кўлига устарани олиб, қайрай бошлади. Ҳали қайрап, ҳали қайрап, ҳеч тўхтамас эди. Бир оёғини ердан бўшатиб, иккинчи оёғини ерга тираб, қайрайверди. Жоним ҳалқумимга келди. Ниҳоят сочимга устара урди-ю, яна гапга тушиб кетди.

– Эй ўғлим, китобларда шошиш – шайтоннинг иши, – деганлар:

Олдин ўйлаб иш қылган, охирида шошмайди,
Шафқат кутсанг бирордан, раҳмдил бўл ўзинг ҳам.
Зулм этмасанг бирорга, у ҳам ҳаддан ошмайди,
Уруғ сепсанг қанча кам, ҳосили ҳам шунча кам.

– Менинг мартабам қай даражада эканлигини билмайсан шекилли. Менинг қўлим шоҳлар, амирлар, вазирлар, ҳокимлар, фозилларнинг бошларига тегади, – деди-да, шу байтларни ўқиди:

Барча ҳунар – ипга тузилган дуру,
Дур ичиди қийматидир – сартарош.
Чунки агар ишга тушар бўлса у,
Таслим анга шоҳу гадо, ҳамма бош.

Гапни чўзаётган эди, – бу гапларингни қўйсанг-чи, ота! Юрагим сиқилиб кетди-ку, – дедім.

– Билишимча, хийла шошаётирсан, шекилли, – деди сартарош.

– Оҳ, уҳ, – дедім мен ғазаб билан.

– Сабрли бўл, болам, – деди сартарош, шошиш – шайтоннинг иши, шошиш – кишига фам-алам келтиради. Пайғамбаримиз шошилмаган иш яхши иш, деганлар. Сенинг ишининг мени шубҳага solaётir. Ишинг тўғрисида менга



маълумот берсанг. Зероки, бемаслаҳат қилган ҳаракатинг бенатижа қолмаса, деб қўрқаман, – деди-да, устарани ерга қўйди. Устурлобни қўлга олди. Уйнинг ўртасига бориб, куннинг тифига солди-да, анча тикилиб туриб, – салоти жумага андак, оз ҳам эмас, андак кўп ҳам эмас, тўппа-тўғри уч соат қолибди, – деди.

– Ҳадеб гапира берасанми, жигаримни эзиб юбординг-ку! – дедим мен ғазаб билан. Аввалгидаи устарани қайрай бошлади. Бироз соч олди.

– Бунчалик шошилаётганинг учун беҳад ташвишланяпман, – деб яна сўз бошлади у, – агар воқеани менга айтсанг, ўзинг учун яхши бўлар эди. Зероки, отанг ҳам мендан бемаслаҳат иш қилмас эди.

Кутулишнинг иложи йўқлигига кўзим етди. «Намоз вақти яқинлашиб қолди. Мен кишилар намоздан чиқмасдан олдин боришим керак. Бироз кеч қолсам иш бузилади», дер эдим ичимда.

– Сўзни қисқа қил, беҳуда гапларни кўй, бир ўртоғимниги зиёфатга бoramан, – дедим.

– Зап эслатдинг-да, ўғлим, – деди у, – сенинг бу сўзинг мен учун муборак бўлди, зероки, бир қанча одамларни бугун уйга меҳмонга таклиф қилган эдим. Лекин унутиб, ҳеч нарса ҳозирламаган эканман. Агар ҳозир сенинг сўзинг билан эсламасам, тоза ҳам шарманда бўлар эканман. Энди нима қиласман.

– Хотиржам бўл, – дедим мен, – агар мени тезроқ қутқазсанг, меҳмонларинга керак озиқ-овқатнинг ҳаммасини мен бераман. «Худо хайр берсин, меҳмонларим учун берадиганингни сўзла! Кўнглим тинчисин», – деб туриб олди. «Беш хил овқат, ўнта тузланган товуқ ва ҳар хил ширинликлар бор», – дедим мен. «Шуларни менга кўрсатсанг, кўнглим тинчиса», – деди у.

Мен ходимга уларни келтиришни буюрдим. Ходим ҳаммасини келтирди.

– Шароб етишмайди, – деди у. «У ҳам бор», – дедим. «Шаробни ҳам кўрсат, кўнгилда ташвиш қолмасин, – деди у.

Шароб келтиришга буюрдим. Ходим уни ҳам келтирди. «Беҳад миннатдорман, – деди у, – лекин тутатқи билан арт йўқ экан-да. Эллик динорлик уд, мушк– анбарни қутичаси билан тутқаздим. Вақт худди юрагим сингари танг эди.

– Хотиржам бўлдингми? Буларни ол-да, тез сочимни тўғрила, – дедим. «Ҳаммасини бирма-бир ўз қўлим билан ушлаб, аниқ кўрмагунча тинчланга олмайман», – деди сартарош. Ходим ҳамма нарсаларни бирма-бир очиб кўрсатди. Устарани ерга қўйиб, нарсаларни бирма-бир қўлидан ўтказди. Сўнг устарани қўлга олиб, бироз соч олди.

– Эй ўғлим, – деди у, яна сўз бошлаб, – мен сенга шукр этсамми? Ахир бугунги зиёфатим фақат сенинг эҳсонинг соясидагина юзага чиқади. Аммо меҳмонларим ҳам шунга арзидиган ҳурматли кишилардир, масалан: ҳаммомчи Зайтун, бўқоқ Ханнот, бемаъни мевафуруш, қуён бақдол, Сайд тучи, гўлаҳ Халил, тезакфуруш Абулқосим, ходимчи Абумакарриш, Қорабой зиқна, Салим қоровул, Бухит отбоқар. Буларнинг ҳар бирининг ўзлари үйнайдиган рақслари, ўқийдиган ғазаллари бор. Булар орасида кишини зериктирадиган эзма кишилар йўқ. Улар ҳаммалари камина ходиминг сингари камсухан, донишманддирлар. Бу дўстларимнинг ҳар бири, фазл билан ақлларни ўзларига жалб қиласилар. Агар бизнинг суҳбатимизга борсанг биз учун ҳам, ўзинг учун ҳам кўнгилли бўлар эди. Ҳалиги айтган дўстингникига бугун борма, зероки, ҳали сенда касаллик асари бор. Кўпинча зиёфатларда киши беҳуда гапларни кўп сўзловчи сергап, эзма одамларга дуч келади. Аммо ундан одамлар сенга тўғри қелмайди. Сен сиқиласан. Хафақон касали шундан бўлади.

– Худо хоҳласа, бошқа бир вақтда бораман, – дедим.

– Йўқ, – деди у, – шу кун боргин, вақт ғанимат, уларнинг суҳбатларидан баҳра ол!

Шоир айтганидай:



Бир нафаслик хурсандлигинг бой берма,
Фамга борма, сени шодлик кутмоқда.
Ташвишларга бүш күнглингдан жой берма,
Дам ғанимат, умринг ҳам тез ўтмоқда.

– Бу кунни эртага топа олмайсан, – деди давом этиб.

Фазабимдан кулар эдим. «Құявер! Бир амаллаб бориб келарман, аммо сен йўлингдан қолма! Дўстларинг сени кутиб тургандирлар», – дедим мен.

– Йўқ, – деди у, – мен сени у улуғ одамлар билан таништироқчиман. Аксар одамлар бемаза гапларни гапиравериб, диққатларингни ошириб юборадилар. Лекин булар ўзимга ўхшаш камсўздирлар. Зарур жойда икки оғиз гапирадилар. Бўлмаса йўқ. Агар сен уларни бир марта кўрсанг, бошқа улфатларни бутунлай йиғишириб қўяр эдинг.

– Албатта, бир кун бораман, – дедим мен.

– Шу бугун боришингни хоҳлар эдим, – деб яна сўзга тушиб кетди у, – бўлмаса маслаҳат шуки, меҳмонларимга берадиган нарсаларингни мен олиб борай, сен ҳам бирга бор ёки сен, албатта, ўз дўстим ёнига бораман дейдиган бўлсанг, мен бу нарсаларни уйга элтиб қўяйда, улар ўзлари еб-ичиб ўтирсинлар, мен қайтиб келайды, сен билан бирга борай. Дўстларимга бу иш ҳеч малол келмайди. Дарров қайтаман.

– Дўстларинг ёнига бор! Хурсандчилигингни қил! Менга ҳам дўстим ёнига боришга йўл бер!

– Мен сени ёлғиз юборишга ҳеч рози бўла олмайман, – деди...

– Билишимча, – деди у, – сен бирор хотин билан ваъдалашганга ўхшайсан, бўлмаса мени ўзинг билан бирга олиб борар эдинг, бу ҳақда мен бошқалардан кўра тажрибалиман, сенга ёрдам бераман. Қўрқаманки, сен бир бегона хотин ёнига борасан-да, бекорга бошинг кетади. Бағдод шаҳрида ҳеч ким бундай қилолмайди, айниқса жума куни! Бағдод ҳокими қандай даҳшатли ва

хұрматли киши эканини биласанми? Қўкнори хаёлларни қўй!

– Нима гаплар гапираёттанингни биласанми? – дедим мен ғазаб билан. Узоқ жим қолди, намоз вақти бўлган эди. Сочимни олиб битирди.

– Дўстларинга буларни олиб бор! Қайтгунингча мен сени кутаман, сўнг бирга борамиз, – дедим мен. Мақсадим – алдаб жўнатиш эди.

– Сен мени шундай қилиб алдаб жўнатасан-да, бир ўзинг борасан. Чорасиз балога учрайсан деб қўрқаман, – деди у, – албатта, мени кут! Сен билан бирга бориб, албатта, ёрдам бераман.

– Яхши, – дедим мен – лекин кўп куттириб қўйма!

Мен берган нарсаларни олди. Ташқари чиқди. Мен уйига кетди, деб ўйладим. У кетгач, ўрнимдан турдим. Кийимларимни кийдим. Уйдан чиқиб, тўппа-тўғри ўзим қўрган тор кўчага бордим. Даастлаб кўчага киргандаги ўтирган жойимда ўтирудим. Деразага кўз солдим. Кампир мени у ерда кутиб ўтирган экан. Кампирни кўриб ўрнимдан турдим. Кампир мени қиз ўтирган уйга олиб кирди. У ёқ, бу ёқларга кўз солар эдим. Қарасам, уй эгаси намоздан қайтди. Уйга кирди. Эшикни беркитди. Деразадан қарасам, сартарош эшик олдида турибди. Бу паънати қаердан топиб келди экан, деб ўйлардим. У нарсаларни ҳаммолдан жўнатиб, ўзи яширинча йўлимни пойлар экан. Баҳтга қарши бу фурсатда уйдаги чўрилардан бири хўжайнинга нисбатан гуноҳ қилган экан, хўжайн уни ура бошлабди. Орага қули кириб ажратмоқчи бўлган экан, хўжайнин қулини ҳам ура бошлабди. У ҳам қўшилишиб бақира бошлаган. Бадбаҳт сартарош ўзича хўжайнин ўша йигитни ураётган бўлса керак, деб ўйлабди. Бошини ерга уриб, дод-вой кўтарибди, кишиларни ёрдамга чақирибди. Атрофида тўпланган кишиларга: «Қозининг уйида менинг хўжамни уриб ўлдираётирлар», – дебди. Бу хабарни қариндош-уруғларимга етказибдилар. Улар ҳовлиқиб, ғазаб



билан йиғлаб кириб келдилар. Сартарош олдинда, улар орқада:

– Эй хўжамиз, – деб бақирап эдилар. «Афсус, ўлдирилармикин», деб бир-бирларидан сўрашар эдилар. Шовқин-сурон уй эгасига ҳам эшитилди. Қулларидан бирига:

– Нима гап, қараб кел, – деди у.

Қул югуриб чиқди-да, тез фурсатда хўжайин ёнига қайтди.

– Хўжайин, – деди қул қозига, – эшик олдида аллақанча эру аёллар тўпланиб, бизнинг уйга қараб: «Афсус ўлибди», деб бақираётирлар. Қози хавфланди-да, дарров ўрнидан туриб эшикни очди. Тўпланиб турган одамларни кўриб: «Нима гап», – деди қози. Одамлар: «Бизнинг хўжамизни нега ўлдиридинг?» – дедилар.

– Нега ўлдираман? У нима гуноҳ қилган экан? – деди қози.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Ўттизинчи

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод, – нега ўлдираман. У нима гуноҳ қилган экан, – деди қози.

– Додлаган товушни ўз қулоғим билан
кеча эшиздим, – деди сартарош, – бундан бироз
олдин сен уни қамчи билан урдинг.

– Уни менинг уйимга ким кирилган, қаердан келган,
қаерга кирган, – деди изтироб билан қози.

– Кўп бемазалик қилма, – деди сартарош қозига, –
мен унинг уйинга кириш сабабини биламан. Қизинг уни
яхши кўради. У ҳам қизингни севади. Шунинг учун
кирган. Қулларинга буюриб урдиргансан! Ўзим кириб
топиб чиқмасидан олдин хўжамизни чиқариб юбор!
Қариндошлари олиб кетсинлар. Бўлмаса бориб халифага
арз қилишдан ҳам тоймайман.

Қози одамлардан хижолат тортди.

– Гапинг рост бўлса, – деди у, – ўзинг кир-да, олиб чиқ! Сартарош ичкарига кирди.

Унинг кирганини кўргач, мен яширинишга ҳаракат қилдим. Панароқ жой тополмас эдим. Турган уйимда катта бир бўш сандиқ бор экан. Унинг ичига тушдим. Қопқоғини беркитдим, нафасимни чиқармас эдим. Сартарош уйга кириб, мени роса қидирган бўлса керак, ниҳоят, сандиқ қимиirlай бошлади. Аъзойи баданим бўшашиб кетди, у сандиқни елкасига қўйиб, уйдан чиқди. Мени тинч қўймаслигига ишонч ҳосил қилганлигим учун сандиқ қопқоғини очиб, ўзимни ерга отдим. Оёғим синди. Эшикка қарасам одамлар бениҳоя кўп экан, мен бундай катта йифинни биринчи кўришим. Ёнимда анчамунча олтин бор эди. Одамларни овора қилиб қўйиш мақсадида олтинни сочдим. Одамлар олтин териш билан машғул бўлганларидан, тўғри келган кўчага қочдим. Лънати сартарош кетимдан қувиб келар, мен қайси томонга қараб қочсам, ўша томонга қувиб бораарди.

– Хўжамга азоб бериб қийнамоқчи эдилар. Улар кўлидан саломат қутқаздим, – дерди у йўл-йўлакай.

– Эҳтиётсизлигинг туфайли ана шундай кулфатга йўлишиб қоларсан, деб ташвишланар эдим, – дерди менга. – Хайриятки, мен келдим, саломат қолдинг. Бўлмаса сен у ердан бутун чиқмас эдинг. Менга узун умр тила! Сени худди шу сингари ҳалокатлардан қутқазиб юрай.

– Қилмишинг етмасмиди, – дедим мен, – бозор ўртасида ҳар нарсалар деб валдираяпсан, орқамдан юриб нима қиласан? Жоним чиқишига оз қолди. Ундан қутулиш учун ўлимимга рози бўлдим. Ахири бозор ўртасидағи бир саройга кирдим. Хўжайнинга мени сартарошдан ҳимоя қилишни ўтиниб, сарой ҳужраларидан бирига кириб ўтирдим. Бу лънатидан қутулмайман шекилли, дер эдим ўз-ўзимга, афти-ангорини кўришга тоқатим йўқ эди. Ўша ондаёқ даллолларга киши юбордим. Қариндошларимдан бирига ваколат хати ёзиб бериб, бирорлардаги олди-



бердиларим ҳақида тушунтирдим. Бу ишларга мубошир³ тайинладим. Уларга ҳовли-жой, ер-сувларни сотишни буюрдим. Шаҳардан узоқлашдим. Шу кундан бошлаб мен у елим, шилкимдан нарироқ саёҳат қиласман. Бир неча кундан бери сизнинг шаҳрингизда туарар эдим. Бугун сиз зиёфатга чақирдингиз, мен кирдим. Қарасам, у лаънати турда ўтирибди. Энди мен бу ерда қандай ўтираман, – деди-да, мажлисдан чиқиб кетди. Бизлар сартарошдан бу воқеа ростми, деб сўрадик.

– Мен, – деди сартарош, – бу ишларни ўзимнинг донолигим, мардлигим, ҳамияткорлигим, у ота қадрдон ёш йигитга мурувват юзасидан қилдим. Агар мен бўлмасам, балки у ўлар эди. Кутулишига фақат мен сабабчи бўлдим. Оёғидан ажралганини гапиради-ю, жони омон қолганлигини ўйламайди. Агар мен эзма одам бўлганимда, унга яхшилик қилмаган бўлар эдим. Яна мен сизларга бошимдан кечирган бир воқеани айтиб берай. Ўзларингиз олти акам ичида камсўз, камсуханигимни тасдиқ қиласиз. Халифа Алмустансирун биллоҳ замонида мен Бағдодда бўлган эдим. У фақирларни, муҳтоҷларни, олимларни дўст тутар эди. Бир куни у ўн кишидан фазабланибди. Ҳоким уларни ўз ҳузурига кемада элтишга буюрибди. Ҳоким уларни кемага ўтқазар экан, мен воқеадан бехабар, булар бир зиёфатга кетаётган бўлсалар керак, кемада еб, ичиб, саёҳат қилиб келсалар керак, деб ўйладим. Булар орасида мендан бошқа кўнгил очар киши йўқдир, – дедим-да, ҳеч кимдан сўрамай кемага ўтирдим. Улар орасига жойлашдим. Аскарча кийинган бир неча одамлар пайдо бўлдилар. Улар билан баробар менинг ҳам бўйнимга киshan солдилар. Мен индамай тура бердим. Мана бу менинг мардлигим, камгаплигим эмасми, биродарлар? Ҳаммамизни кишангга боғлаб, Алмустансирун биллоҳ ҳузурига олиб бордилар. Халифа жаллодга у ўн кишининг калласини олишни буюрди.

³ Мубошир – вакил.

Жаллод бир чеккадан уларнинг бошини олди. Фақат мен қолдим, халифа мени кўриб: «Нега бунинг калласини олмадинг?» – деди. «Тайинланган ўн кишининг бошини олдим», – деди жаллод. «Сен тўққиз кишининг калласини олдинг, бу киши билан ўнта бўлади», – деди халифа.

Мен шунда ҳам чурқ этмадим.

– Йўқ, – деди жаллод, – кесилган калла ўнта бўлди. Санаб кўришингиз мумкин. Кесилган каллаларни биринкетин халифа ҳузурига келтирди. Роса ўнта эди. Халифа менга қаради:

– Нега жим турибсан, бу гуноҳкорлар орасида нега келдинг, – деди халифа.

– Эй халифам, – дедим мен, – Шайх Сомит, яъни камсўз деган мен бўламан, менда ҳикмат кўп. Ақтимнинг кўплигини айтасизми, зийрак, фаҳмилигимни айтасизми, камсўзлигимни айтасизми, аммо хунарим сартарошлиқ. Кечакийдан чиқиб келар эдим. Бу кишиларнинг кемага ўтириб келаётганларига кўзим тушди. Булар зиёфатга кетаётган бўлсалар керак, деб ўйладим-да, югуриб бориб улар орасига қўшилишиб олдим. Орадан кўп ўтмай маъмур ҳарбийлар келиб, буларнинг бўйинларига ҳам, менинг бўйнимга ҳам киshan солдилар. Камоли мардлигимдан, камсўзлигимдан ҳеч нарса демадим. Бу ишни мардларнинг марди қилади, холос. Бизларни сизнинг ҳузурингизга олиб келдилар. Сиз ўн кишининг калласини олишга буюрдингиз, жаллод олдида фақат мен қолдим. Лекин мен ўзимни кутутириш тўғрисида сизга бир оғиз ҳам сўз демадим.

Мардлик шунчалик бўлар-да! Менинг ҳамма ишларим мана шундай мардлик, камсўзликдан иборатдир. Мен ҳар вақт одамларга яхшилик қиламан. Лекин одамлар менга жуда ҳам арзимас мукофотлар берадилар, дедим.

Халифа мардлигимни, камгаплигимни дарров сезиб, қаҳ-қаҳ уриб кулди-да:

– Эй камгап киши, – деди менга, – олти аканг ҳам сенга ўхшаш доно, олим, камгапмилар?



– Агар акаларим менга ўхшасалар яшамасинлар, тирик қолмасинлар. Эй халифа, – дедим унга, – сен мени уларга ўхшатиб таҳқиқ қилинг, ахир улар ўзларининг кўрқоқликлари, камақуликлари, эзмаликлари, йўқ гаплар устида ваҳима қилишлари билан халқ орасида масхара бўлиб юрадилар-ку! Ахир уларнинг бири қийшиқ, бири кўр, бири дудуқ, бири букри, бири қулоқсиз, бири устки лабсиз-ку, эй халифам, эзма деб айблама! Зероки, мен гапнинг хонаси келганда, улардан мардлигим, улардан донолигимни исбот этиб беришим зарур бўлиб қолди. Мен бунга мажбур бўлдим.

Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос можароси бор. Мен сизга айтиб бераман.

САРТАРОШНИНГ БИРИНЧИ БИРОДАРИ

– Акаларимдан бири букри. Бағдодда машиначи эди, – деди у гап бошлаб. – Бир бойнинг дўконини ижара олиб, шу дўконда иш қиласр эди. Бой ўз уйи устидаги болохонада яшарди, болохонасининг ости тегирмон эди. Бир куни акам дўконда кийим тикиб ўтирган чоғида, бошини кўтариб, деразадан хўжайини уйига қараган экан, жуда ҳам чиройли бир хотинга кўзи тушибди. Шу ондаёқ унинг ҳуснига мубтало бўлибди. Ишни йиғишириб кўйиб, шу хотинга маҳлиё бўлган ҳолда кунни кеч қилибди. Эртасига дўконни жуда барвақт очибди. Бир нина ўтказиб, бир деразага қарайверибди. Яна кечагидай хотинга кўзи тушиб, ишқи зиёдалашибди. Бир неча кун шундай ўтибди. Бир чақалик ҳам иш қилмабди. Бир кун одатдагича, дўконига келиб ўтирган экан, хотин уни кўрибди. Унинг ҳаракатларидан воқеани англабди-да, кулиб қарабди, у ҳам кулибди. Бироқ хотин дарров яширинибди. Хотин ўзининг чўрисидан ипак кийимлик чиқазиб,



уни тез фурсатда тикиб беришни буюрибди. Чўри кийимликини берган экан, шундай дебди:

– Маликам сизга салом айтди. Мана шу кийимликдан кўйлак бичиб, яхшилаб тикиб беришингизни илтимос қилди.

– Бош устига, – дебди акам. Кийимликни ўша куниёқ тикиб берибди. Эртасига эрталаб чўри хотин келиб:

– Маликам сизга салом айтди, кечани қандай ўтказганингизни сўради. Маликамнинг кўнгли сиз билан бирга бўлиб, ҳеч ухлай олмади, – дебди-да, олдига бир кийимлик атлас қўйибди. – Маликам ана шу атласдан шу кун иккита лозим тикиб беришингизни илтимос қилдилар, – дебди.

– Жоним билан, – дебди менинг акам. – Маликага мендан салом деб, ҳар қандай хизматига доим тайёр эканимни айт! Кейин ўша ондаёқ акам ишни бошлабди. Қимирламай тикибди. Бироздан сўнг хотин унга деразадан қарабди. Ишорат билан салом берибди. Баъзан қўл билан, баъзан кўз қисиб, турли карашмалар қилибди. Бироздан сўнг хотин кўздан яшириниб, чўри эшикдан кириб келибди. Акам лозимларни унга тутқазибди. Чўри олиб кетибди. Кеч бўлгач, акам ўрнига ётибди. Бироқ у ҳар томонга ағдарилиб, ухлай олмабди. Эрталаб ўрнидан туриб, дўконига келиб ўтирибди. Чўри кириб келибди-да: «Хўжам сизни чақираётир», дебди.

Бу сўзни эшигиб, у қаттиқ қўрқибди. Унинг қаттиқ қўрқанлигини чўри сезибди-да:

– Баҳтли киши экансиз, – дебди у, – маликам яхшилигингиз учун сизни хўжамга таништириб қўймоқчиман, деяптилар. Сўнг сиз баҳузур сўзлаша берасиз.

Акам суюниб, чўри билан бирга борибди. Ҳалиги хотиннинг эри ёнига киргач, салом берибди. Хўжайин саломга жавоб қайтарибди. Акам олдига кўпгина кийимлик қўйиб, «шуларни тикинг», – дебди у. «Жоним билан», – дебди акам. Кечгacha йигирмата кўйлак бичибди. Ўша вақтгача ҳеч нарса емабди ҳам.



– Бунинг ҳаққи қанча бўлади, – дебди хўжайин. «Йигирма дирҳам», – дебди акам. «Йигирма дирҳам келтириб бер», – дебди хўжайин чўрига. Хотин ишора билан акамга, ҳақ олма, дегандек қилибди.

Акам: «Сендан ҳақ олмайман», дебди-да, кийимликларни кўтариб, йўлга тушибди. Буларнинг кийимларини тезроқ тикиб берай деб, дурустроқ овқат ҳам емабди. Чўри келиб: «Тайёрми?» – дебди. «Тайёр», – дебди акам. Сўнг кийимларни кўтарибди-да, уларга элтиб берибди. Хотиннинг эрига топшириб, ўзи қайтибди. Хотин акам тўғрисида эрига тушунирибди. Лекин бундан акамнинг хабари йўқ экан. Улар эр-хотин уни лақиплатиб, бепул кийим тикдирив олишибди. Акам эрталаб дўконига энди келган чофида, чўри хотин келиб: «Хўжам сизни чорлаёттир. Сиз билан сўзлашмоқчилар», дебди. Акам чўри хотин билан бирга бориб, хўжайин билан саломлашибди. Хўжайин акам ёнига бир қанча қалин кийимликлар келтирибди. Шулардан бешта чопон тикишни сўрабди. Акам бешта чопонлик бичибди. Уларни қўлтиқлаб дўконига келиб, чопонларни битказибди-да, хўжайнинга олиб бориб топширибди. Хўжайнинга кийимлар маъқул бўлибди. Токчадаги ҳамённи олиб беришларини сўрабди. Акам пулга кўлини узатиши билан хотин эрининг орқасидан келиб: «Ҳеч нарса олма», дегандек ишорат қилибди. «Қўйинг, хўжайин», – дебди акам ярим илжайиб ва ўрнидан туриб, чиқиб кетибди.

У эшакдан баттар хўрланибди. Чунки у беш жиҳатдан сиқилар: севги, чарчаганлик, очлик, пулсизлик, хўрлик бирлашиб, уни эзib ташлабди. Акам уларнинг ҳамма ишларини қилиб битиргач, улар бир ҳийла ишлатибдилар: ўзларининг чўриларига уни уйлантирмоқчи бўлибдилар. Хотин ёнига кирадиган кечаси: «Бу кеч тегирмонда ётгил! Турмушинг яхши бўлади», дебдилар. Акам тўғри бўлса керак деб, кечаси бир ўзи тегирмонда қолибди. Хотиннинг эри тегирмончига бориб, акамни дон тортишга мажбур қилишини буюрибди. Ярим кечада тегир-

мончи акам ёнига келиб: «Бу ҳўқиз жуда дангасалик қилаётир, ҳозир у томоман айланмай қўйди. Эрталабга ун тайёр қилиниши керак. Дон ҳали шундай турибди», деб тегирмон кажавасига буғдой тўлдирибди. Сўнг арқон олиб, акамнинг бўйнига боғлабди:

– Ҳа, бўл, тошни тез айлантири, сен фақат еб-ичишни билар экансан, холос-да, дон йирик қоляпти, тез айлантири, – деб, қамчин билан савалабди. Акам йиғлаб, додлармиш. Лекин унга ҳеч ким ёрдам бермасмиш. Тонг отгандагина буғдой оқариб, иш битибди. Эрталаб чўри хотин кириб келиб: «Мен сенинг аҳволинга жуда ачиндим. Мен билан бекам сенинг тўғрингда ташвишландик», дебди. Лекин акамда, камоли чарчаганликдан, жавоб бериш учун забон ҳам бўлмабди. Сўнг акам ўз уйига кетибди. Энди ўтирган экан, бирдан никоҳ хати ёзгани котиб кириб келиб, акамга салом берибди.

– Оқшомдан тонгача лаззат билан хотин қулоқлаганларнинг юзлари шундай бўлади, – дебди котиб кулиб.

– Алдоқчилар икки дунёда тинчимасин, – дебди акам котибга, – мен оқшомдан тонгача ҳўқиз ўрнида тегирмон тортдим-ку!

– Мен қаёқдан билай, воқеани айт, – дебди котиб.

Акам бўлган воқеани айтибди.

– Бас, маълум бўлдики, юлдузинг унинг юлдузи билан тўғри келмабди. Агар хоҳласанг мен никоҳни ўзгартираман, – дебди котиб.

– Сени қара, – дебди акам котибга, – яна бошқа ҳийланг йўқми?

Котиб шу ерда қолиб, акам чиқиб кетибди. Акам фоят оч, ҳамёнида пул ҳам йўқ экан, дўконда одамларнинг тикиши учун иш келтиришларини тўрт кўз билан кутибди.

Бир пайт чўри хотин кириб келиб: «Маликам чақираёттир», – дебди. «Йўлинга жўна, эй баччағар, маликанга ишим йўқ», – дебди акам пешоналарини тириштириб. Чўри бориб маликасига бу сўзни етказибди. Орадан кўп вақт ўтмай малика деразадан келиб кўринибди, у йиғлармиш:



– Эй ҳурматли севгилим! Нега сен билан ишим бўлмас экан, – деб зорланибди у.

Акам жавоб бермабди. Хотин тегирмонда бўлган гапга бунинг ҳеч дахли йўқлигини, шунинг учун у тамоман айбсиз эканини уқтирибди. Шу вақт акам хотинга кўз солибди. Хотиннинг ҳусни, ёқимли сўзлари ҳалиги қийноқларни супуриб ташлагандек бўлибди. Акам хотиндан ҳол-аҳвол сўрабди. Аёл бирозгина сўзлашгач, хайрлашиб кетибди. Акам энди ўтиришга унаётган экан, чўри хотин кириб келибди:

– Маликам, – дебди у, – сизга салом юборди, бугун хўжамиз меҳмонга бориб, ўша ерда ётиб қолар эканлар. У кетгандан сўнг сиз бизникига бориб, тонг отгунча маликам билан бирга бўлар экансиз.

Хотиннинг эри акамни хотинидан қай йўл билан ихлосини қайтариш тўғрисида сўзлаганда, хотини:

– Мен ўзим илож қиласман, бу шаҳардан уни қувғин қилдираман, – деган, лекин акам бу ишдан тамоман хабарсиз экан. Кеч бўлиб, чўри хотин келибди. У аками бирга олиб кетибди.

Хотин акамни кўриши биланоқ, мен сизни жуда соғинганман, деб бетидан ўпибди. Акам унинг юзига ҳали лабини теккизишга улгурмасданоқ, бирдан эри чиқиб келиб акамга бақирибди: «Сен билан фақат шаҳар ҳокими олдидагина сўзлашаман». Акам ялиннибди, лекин у қулоқ солмай, уни бемаъни сўзлар билан ҳақорат қилибди. Ниҳоят, акамни ҳоким олдига судраб борибди. Ҳоким акамга бир неча қамчи уриш, сўнг тяга тескари миндириб, шаҳар қўчаларини айлантириб, шармандайи-шармирип қилишни буюрибди.

Уни тяга тескари миндириб олиб борар эканлар, жарчи: «Номаҳрам хотинга ёпишган кишининг жазоси шу», деб бақирап эмиш. Акамни шаҳардан ҳайдадилар. Акам шаҳардан чиқди. Қаёққа боришини билмас эди. Мен орқасидан бориб, акамни топдим. Уни сақлаб қолишга сўз бердим. Шу вақтгача уни ўз уйимда сақлаб келаман.

Халифа менинг ҳикоямдан кулди.

– Балли, камсўз, доно одам, – деди-да, мени кетказиш учун ҳадя беришга буюрди.

– Мен бошқа акаларимнинг саргузаштларини айтиб бермагунча ҳеч нарса олмайман, лекин эзма деб айбламаслигингизни сўрайман, – дедим.

САРТАРОШНИНГ ИККИНЧИ БИРОДАРИ

– **Я**на бир акамни кишилар «Албуқбук» деб атар эдилар. У бир куни ўз иши билан кўчада кетаётиб, иттифоқо бир кампирга дуч келибди. «Бироз тур, эй киши, – дебди кампир, – сенда бир ишим бор, агар маъкул бўлса қилассан, бўлмаса ўзинг биларсан». Акам қулоқ солибди, кампир унга шундай дебди: «Мен сенга бир гап айтаман, шу ишни бажаришда ўзим йўл кўрсатаман. Фақат эзма бўлмаслигинг шарт».

– Қани айт-чи, – дебди акам.

– Яхши уйлар, яхши жойлар, ҳар турли мевалар фарқ пишиб, сувлар шарқираб оқаётган чиройли боғларни кўришга, ҳуснда яккаю ягона қизларни эрталабгача қучишига, албатта, қарши бўлмассанг керак. Лекин буларнинг ҳаммаси фақат мен айтганча иш қилганингда, эзмалик қилмаганингдагина бўлиши мумкин, – дебди кампир. «Бу иш учун нега мени танладинг», – деб сўрабди акам. Кампир:

– Сенда менга маъкул бўлган хислат бор. Фақат эзма бўлмаслигинг шарт, – деб айтдим-ку. – Жим тур, бу томонини менга қўйиб беравер, орқамдан келавер, – дебди-да, у йўлга тушибди. Акам кампир айтган нарсалар умидида унинг орқасидан бораверибди.

Бир ҳовлига кирибдилар. У ерда қуллар ҳам бор экан. Кампир зинадан болохонага чиқибди. Қараса, ғоят ҳашаматли бир сарой экан. Уй эгалари акамни кўргач:



– Сени бу ерга ким келтирди? – деб сўрашибди.
Кампир уларга қараб:

– Кўйинглар, унга тегманглар, чўчитманглар. Бу хизматкордир, мен яхши кўрганимдан ўзим олиб келдим, бу бизларга керак, – дебди.

Акам кампир билан жуда ҳам зийнатланган бир уйга кирибди. У ердаги хотинлар акамни кўргач, ўринларидан туриб салом берибдилар, ўзларининг ёnlаридан жой кўрсатибдилар. Бироз ўтгач, акамга қаттиқ шовқин-сурон эшитилибди. Бирдан бир неча канизаклар етиб келибдилар. Улар орасида, айниқса бир қиз жуда ҳам чиройли экан. Акам унга тикилибди, ўрнидан туриб эгилибди. Қиз ҳам унга салом бериб, ўзини билмасликка солиб, канизакларга қарабди. Қиз акамга юzlаниб: «Нима яхшилигинг, қандай фазилатинг бор?» – деб сўрабди.

– Яхшилигим ичимда, – дебди акам.

Қиз овқат келтиришни буюрибди. Унга овқат келтирибдилар. Қиз емакка ўтирибди, лекин кулишдан тўхтамасмиш. Акам унга қараган экан, қиз ўзини билмасликка солиб, канизакларига қарабди. Қиз акамга севги изҳор қилиб, ҳазиллашибди. Бефаҳм акам қизга жуда ҳам берилиб кетганидан ҳеч нарса сезмабди. У қиз мени яхши кўради, кутилган мақсадга эришаман, деган умидда экан. Овқатни еб бўлгач, ичимлик келтирибдилар. Сўнг яна ўнта чиройли канизак пайдо бўлибди. Уларнинг кўлларида ҳар турли созлар бор эмиш. Улар созга жўр бўлиб, ёқимли овозлари билан ашула айта бошлабдилар. Акам ҳайратланибди. Унга қадаҳ тутибдилар, ичибди. Сўнг қизлар ичибдилар. Акам ўрнидан туриб, ичаётганларга хушомадгўйлик билан «Софлиқ учун» дер, уларнинг ҳурматлари учун дамба-дам тиз чўкар экан. Сўнгра қиз акамга яна қадаҳ тутибди. Акам олиб иchar экан, қиз уни урибди. Шундан кейин акам чиқиб кетмоқчи бўлибди. Кампир кўзи билан «қайт» дегандек ишора қилибди. У қайтибди. Қиз ўтиришга буорган экан, у ўтирибди. Акам ҳеч сўзламабди. Қиз яна елка-

сига ура бошлабди. Бу етмагандек, канизакларга ҳам уришга буюрибди.

– Бу ерда яхшилик құрмәётірман, – дебди акам, кампирга. «Түғри», – дебди кампир. Улар акамни ҳушидан кеттүнча урибидилар. Сүңг акам ҳожатта чиқмоқчы бўлган экан. Кампир: «Бироз сабр қил, мақсадингга етасан», деб уни қайтарибди. «Қачонгача сабр қиласман, шапалоқ зарбидан ҳамма ёғим кўкариб кетди-ку», дебди акам.

– У мост бўлса, – дебди кампир, – мақсадингга етасан. Бироз сабр қил!

Акам ўз жойига келиб ўтирибди. Ҳамма канизаклар ўриниларидан турибидилар. Қиз канизакларга акамни тутунга тутиб, юзига сариқ ранг суришга буюрибди. Улар шундай қилибидилар.

Сүңг қиз шундай дебди: «Сени худо азиз қилсин, уйимга кирдинг, шартларимни ўрнига келтирдинг. Менга қаршилик қилғанларнинг ҳаммасини ҳайдаган эдим. Ким сабрли бўлса у мақсадига етади». «Эй маликам, – дебди акам, – мен сенинг қулингман». «Мен хушчақчақлиknни севаман. Менга итоат қилғанлар хоҳлаганларини оладилар», – дебди қиз. Бутун канизакларга баланд овоз билан ашула айтишни буюрибди. Сүңг бир канизакка:

– Сен бу кишини олиб бор-да, керакли ишни қил. Сүңг менинг олдимга келтир! – дебди.

Канизак қўлидан ушлаб олиб кетибди. Кампир бўлса унинг кетидан бориб: «Сабр қил, озгина қолди, мақсадингга етасан», – дебди. Акамнинг юзига мой сурибидилар. У қизга яқин келибди. Кампир ҳамон унинг ёнига келиб: «Бироз сабр қил», – дермиш. «Бу канизак нима қилмоқчи, айт», – деб сўрабди акам. «Бу ерда ҳеч қўнгилсиз нарса йўқ. Канизак сенинг қошингни бўяб, мўйловингни қирқади», – дебди кампир. «Бўёқ-ку, ювса кетади. Аммо мўйловни қирқтириш оғирроқ», – дебди акам. «Қаршилик қилма, ахир унинг қўнгли сенга боғланган», – дебди кампир. – Бироз сабр қил! Майли, қошингни бўясинлар, мўйловингни қирқсинлар!»



Канизак маликасига ишнинг битганини хабар қилибди.

– Энди фақат бир нарса қолди, – дебди қиз. – Унинг соқолини ҳам қирқ, ёшарсин.

Канизак акамга қизнинг буйруфини эшиттирибди. Аҳмоқ акам бўлса:

– Одамлардан таъна эшитиб, қандай юраман, – дебди.

– Юзингда унинг юзига қадаладиган нарса қолмаслиги учун буюрган ишини бажар, қизнинг юрагига ишқинг жойланган, бироз сабр қил – дебди кампир.

Акам канизакка бўйсуниб, соқолини қирдирибди. Канизак уни қиз олдига келтирибди. Қараса, қошлар бўялган, мўйлов, соқоллар қирқилган, юз турли хил рангларга бўялган эмиш. Қиз ажабланганидан ерга ётиб кулибди.

– Бу чиройли юз билан мени мафтун этдинг, – дебди қиз.

Акам ўрнидан туриб ўйнай бошлабди. Канизак унга ёстиқми, ҳар хил меваларми, нима учраса отаверибди. Ҳамма канизаклар ҳам қўлларига тушган нарсалар билан акамни эси оғиб, йиқилгунча урибдилар.

Кампир акамга:

– Энди мақсадингта етдинг, қилинмаган ҳеч ҳунар қолмади, фақат бир иш бор, у ҳам бўлса, маст бўлгач, қўйлак-иштонларингни ечиб, қип-яланғоч бўлмагунча ҳеч нарсага унамайди. Қиз сени ечинтириб, ўзини қувлашга буюради. Унинг ўзи олдинда қочиб юриб чопади. Сен кетидан қувлайсан, ана шунда у сенга бўйсунади. Кийимларингни еч, – дебди. Акам маст экан. Бутун кийимларини ечиб, яланғоч бўлибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Ўттиз биринчи кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод, – кийимларини ечиб, яланғоч бўлди. Канизак акамга: – Орқамдан қувла! Мен олдинда бораман. Агар мақсадинг менга етишиш бўлса, шу ишни ҳам қил, – дебди-ю, олдига тушиб чопа бошлабди. Акам орқасидан қувлабди. Бир уйда анча вақт қувишгач, иккинчи уйга ўтиб қувиша бошлабди. Қиз бир уйдан кириб, иккинчи уйдан чиқаверибди, акам унинг орқасидан эргашаверибди. Шаҳвоний нафси ғалаён қилиб, тамоман бир девона ҳолига келибди.

Шу орада акам юпқа бир тахтани босиб олган экан, тахта синиб кетибди-ю, тахта билан пастга, кўча ўртасига – одамлар устига йиқилиб тушибди. У ер терибурушлар растаси бўлиб, тумонат одам бири олиб, бири сотиб турган экан. Акам одамлар устига шундай зарб билан тушибдики, баъзиларнинг бўйни узилишга, бошқа бирорларнинг бели чиқишига оз қолибди. Акамни бундай шарманда ҳолда, яланғоч, юзу қошлари бўялган, соқол мўйлови қирқилган ҳолда кўриб, кишилар «Астаҳфурулло», деб ёқа ушлашибди. Баъзилар: «Башаранг қурсин», деб тескари қарабдилар, бирорлар қўлидаги тери билан бошига урибдилар, тепибдилар. Акамнинг эси оғиб, ийқилибди. Уни эшакка тескари миндириб, ҳоким ҳузурига олиб борибдилар. Ҳоким: «Бу ким?» деб сўрабди. Одамлар: – Бу тентакни бизлар танимаймиз. Лекин бу вазирнинг томидан шу аҳволда тери растасига йиқилиб тушди. Бизлар бу ерга келтирдик, – дебдилар.

Ҳоким уни юз қамчи уриб, шаҳардан ҳайдашни буюрибди. Мен орқасидан бориб учратдим. Одамларга билдирамай, ҳовлимга олиб келдим. Ҳар вақт ўз уйимда сақлаб, ош-сувидан хабар олиб турдим. Мен акамга нисбатан қилган бу мардонаворликни қайси мард қилган?!



САРТАРОШНИНГ УЧИНЧИ БИРОДАРИ

– **К**ейинги акамни сўрасангиз, – дедим халифага, – унинг исми «Биқиқ» бўлиб, кўзи кўр эди. Тила ниш учун бир кун бир ҳовли эшигини тақиллатиби.

Ҳовли эгаси: – Ким? – деб сўраганда, акам жавоб бермабди. Лекин акам ҳовли эгасининг эшик олдига келиб турганини сезган. Уй эгаси эшикни очиб, «Нима дейсан?» – деб сўраган.

– Худо йўлга бирор нарса садақа сўрайман. «Сен кўрмисан», – деган уй эгаси. «Ҳа», – деган акам.

– Бўлмаса қўлингни бер, – дебди уй эгаси.

Акам «бирор нарса берар экан», деб қўл узатиби. Тиланчининг қўлидан ушлаб, уйга олиб кирибди. Уни энг баланд болохонага олиб чиқибди. Акам бирор овқат ёки кийим-бош беради, деб хурсанд бўлибди.

Юқорига чиққандан кейин: – Нима сўрайсан, эй кўр?

– дебди хасис бой.

– Худо йўлига садақа сўрайман, – дебди акам.

– Худо берсинг, – дебди хасис бой.

– Нега шу сўзингизни пастда айта қолмадингиз, – дебди акам.

– Нега сен бошдаёқ садақа сўрамай, худди мен билан олди-бердиси бордай, эшик очтириб, тиланчилик қилдинг? «Нима қилмоқчисан?» – дебди акам. «Сенга берадиган ҳеч нарсам йўқ», – дебди бой. «Мени зинадан тушириб қўй». «Зина олдингда турибди, ўзинг тушиб кетавер!» – дебди бой. Акам азоб ва машаққат билан зинадан туша бошлабди. Бир неча зина қолганда оёғи тойиб, ийқилиб тушибди. Боши эшик қиррасига тегиб ёрилибди. У кўчага чиқиб, қаёққа боришини билмабди. Шу пайт ўзига ўхшаш бир неча кўр танишлари келиб қолишибди.

– Бугун қанча пул топдинг, – деб сўрашибди улар. Акам бўлган воқеани сўзлаб: – Бугун ёнимда қолган пулдан бироз сарф қиласман, – дебди акам ўртоқларига.

Хасис бой эса уларнинг орқасидан келаётган экан. Улар бойнинг келаётганини сезмабдилар. Акам ҳовлига келиб, уйига кирибди. Хасис бой ҳам унга билдирамай уйга кириб ўтирибди. Акам ўрнига ўтириб, ўз шерикларини кутибди.

Шериклари ҳам етиб келибдилар. Улар уйга кирганидан кейин, акам: – Эшикни беркитинглар, у ёқ, бу ёқни яхшилаб қаранглар! Бирор бегона кириб қолган бўлмасин, – дебди.

Хасис акамнинг сўзини эшитгандан кейин ўринидан турибди-да, шилга осиғлиқ турган бир арқонга осилиб олибди. Кўрлар уйнинг ҳамма томонини тимирскилаб қараб чиқибдилар. Ҳеч нарса ва ҳеч кимни учратмабдилар, кейин акамнинг ёнига келиб ўтирибдилар-да, ёnlаридағи пулни олиб, санай бошлабдилар. Ўн минг дирҳам экан. Улар ўзларига озгинадан пул олиб, қолган пулларини уйнинг бурчагига кўмибдилар. Қотган-қутган нонларини олиб ея бошлабдилар. Акам уйда бегона киши борлигини сезибди-да, шерикларига: – Ана бегона киши, – деб қичқирибди. Ҳаммалари биргалашиб бойни савалабдилар. Кўрлар қичқиришиб: – Биродарлар ёрдам қилинглар! Уйимизга ўғри кириб, пулимизни ўғирлаб олаётир, войдод-войдод, – дейишибди. Дарров одамлар тўпланибди. Ўғри кўрсатилган хасис бой ҳам кўзларини юмибди-да, ҳеч ким шубҳаланмайдиган кўр тусиға кириб: – Ҳозир ҳокимга бораман, арз қиласман, – деб додлабди. Орадан кўп ўтмай, ҳокимнинг малайлари уларнинг ҳаммасини олдига солиб, ҳоким ҳузурига олиб борибди. Улар орасида акам ҳам бор экан. Ҳоким яқинроқ келишни буюриб:

– Нима гап? – деб сўрабди. «Бизни яхшилаб исканжага олмагунингча, сирни аниқлай олмайсан, – деби хасис бой. – Оддин мендан бошла! Кейин мана бу йўлбошчилизни текшир», – деб акамни кўрсатибди.

Ҳоким хасис бойнинг орқасига тўрт юз дарра уришни буюрибди. Хасис бойга калтакнинг зарби ўтгандан кей-



ин бир кўзини очибди. Яна ура бошлаган эканлар, иккинчи кўзини ҳам очибди.

– Бу нима қилганинг, лаънати, – дебди ҳоким.

– Мени қутқазинг, бўлган воқеани айтиб бераман, – дебди хасис бой. Ҳоким қутқазишга ваъда берибди.

– Биз тўрт киши, – дебди у, – ўзимизни кўрликка солиб, одамларни алдаймиз, уйларига кирамиз, хотин-қизларини кўрамиз. Қулай топсак молларини олиб, ўзларини бўғиб ўлдирамиз.

Шундай қилиб, анчагина пул тўпладик. Ҳозир ўн минг дирҳам пулнимиз бор. Мен шерикларимга ўз ҳиссамни беринглар десам, улар мени урдилар, мен сендан ёрдам сўрайман. Буларнинг ҳар бирини мендан кўра қаттиқроқ урилса, қўzlари очилади.

Ҳоким уларни сиқа бошлабди. Савалашни акамдан бошлабди. Уни эси оғиб қолгунча урибдилар, лекин у кўзини очмабди.

– Тўхтатинглар, кўзини очар, – дебди ҳоким. Тўхтатидилар. Лекин унинг қўзи очилмабди. Ҳоким яна қолган ўртоқларини ҳам уришга буюрибди.

Хасис бой: – Кўзларингни очинглар, очмагунингларча барибир ураверадилар, қийнайдилар, – дебди.

Хасис пулни олиб келиш учун ҳоким томонидан бир киши қўшиб беришни сўрабди. «Булар барибир осонлик билан кўзларини очмайдилар. Кишилар олдида шарманда бўлишдан уяладилар», – дебди у.

Ҳоким пулни олиб келиш учун киши юборибди. Улар пулни олиб, ҳокимга келтириб берибдилар. Ҳоким уч минг дирҳамни хасис бойга берибди, қолган уч кўрни шаҳардан чиқарив юборишга фармон берибди.

Воқеани эшитиб, акамнинг кетидан бордим. Яширинча уни шаҳарга олиб келдим. Озиқ-овқатидан хабардор бўлиб турдим. Халифа кулиб: – Бунга мукофот беринглар, кетсин, – деди. Мен эътиroz билдиридим. Қолган акаларим воқеасини айтмагунча ҳеч нарса олмайман, дедим.



САРТАРОШНИНГ ТҮРТИНЧИ БИРОДАРИ

– **Я**на бир акам, – дедим халифага, – бир кўзли бўлиб, Бағдод шаҳрида қассоблик қиласарди. У бу ҳунари орқасидан бой-бадавлат яшарди, кўп дунё ортириди, шунинг орқасидан яхши уй-жойлар қуриб олди. Яхши юрди. Анча вақт шу хилда ҳаёт кечирди.

Кунларнинг бирида бир мўйсафид киши унинг дўкони ёнида тўхтабди. Бир қанча дирҳам пул бериб, гўшт беришини сўрабди. Акам гўшт тортиб берибди. Мўйсафид гўштни олиб, йўлга тушибди. Акам чолнинг берган дирҳамларига қараса, оппоқ, ялтироқ эмиш. Уларни бир томонга алоҳида қилиб айириб қўйибди. Мўйсафид ҳар куни гўшт олганда шу йўсин янги пул келтириб бераверибди. Беш ойдан ортиқроқ вақт ўтибди. Акам чолнинг пулинни айрим сандиққа солиб, маҳкам беркитиб сақлаб бораверибди. Бир куни йифиб қўйган пулига қул олмоқчи бўлиб сандиқни очиб қараса, пул эмас, ҳаммаси кесилтган оқ қоғозлар эмиш. Қассоб ўзини ерга уриб йиғлаб, бақирибди. Атрофини одамлар ўраб олибдилар. Қассоб одамларга воқеани тушунтириб берибди. Ҳамма бу воқеага ҳайрон бўлиб, нима дейишларини билмай, уй-уйларига тарқалишибди. Акам яна аввалгича қўй сўйиб, ўз ишини давом эттираверибди. Акам ўша гўшт олган чолнинг яна бир келишини кутиб тоқатсизланибди. Иттифоқ орадан кўп ўтмай мўйсафид гўшт олиш учун дўконга келибди. Акам унинг ёқасидан ушлаб, ҳоким олдига судрай бошлабди. Шунда у одамларга қараб:

– Бу хиёнаткор чолнинг менга қилган ишларини кўринглар, – дебди.

Чол бўлса: – Яхшиликча мени қўйиб юбор, бўлмаса одамлар орасида сирингни очиб, шармандайи-шармисор қиласан, – дебди. «Кимни шарманда қиласан», – дебди акам. «Сен қўй гўшти деб, одам гўштини сотишингни



фош қиласан». «Ёлғон сүзлама, лаънати», – дебди акам. «Бўлмаса одам гўшти осиб қўйилган дўкон кимнинг дўкони», – дебди чол. «Агар шундай бўлса молим ҳам, жоним ҳам – ҳаммаси сеники бўлсин!» – дебди акам.

– Биродарлар, – деби чол одамларга қараб, – бу бадбахт қассоб қўй гўшти деб, одам гўшти сотади. Ишон-масанглар, дўконини қаранглар! – дебди чол.

Одамлар дўконга бориб қарасалар, қўй эмас, одам осилиб турганмиш. Ҳамма бирдан акамга ёпишиб, уни судрай бошлабди.

– Эй муттаҳам, ифлос, шарманда, – деб ҳақорат қилибдилар. Акамнинг энг яқин кишилари бўлса, «Сен ҳали бизларга қўй гўшти деб одам гўштини сотиб юар-мидинг», – деб юзларига уришибди, тегишибди. Чол келиб унинг кўзига мўлжаллаб урган экан, акамнинг бир кўзи кўр бўлиб қолибди. Одамлар уни шаҳар ҳокими ёнига судраб борибдилар. «Бу муттаҳам қўй гўшти деб, одам гўшти сотиб, бизни алдаб юрган экан», – деб бўлган воқеани бирма-бир гапириб берибдилар.

– Жавоб бер! – дебди ҳоким ғазаб билан. Акам ўзини оқлашга уринибди. Лекин ҳоким қулоқ солмабди. Орқасига беш юз дарра уриб, ҳамма мол-мулки ва пуларини тортиб олишни буюрибди.

Агар моли кўп бўлмаганда, уриб ўлдиарканлар. Ни-ҳоят, уни шаҳардан бадарға қилибдилар. У шаҳардан чиқиб, қаёққа боришини билмай қолибди. Юра-юра бир катта шаҳарга етиб борибди. Ўзича ўйлаб-ўйлаб, ковуш тикиб тирикчилик қилишни маъқул топибди. Шу мақсад-да кичкина бир дўконча очибди. Кунларнинг бирида, бир иш билан бозорга бораётган экан, узоқдан келаёт-ган отларнинг туёқ товуши эшитилибди. Одамлардан:

- Нима гап? – деб сўрабди акам.
- Шоҳ овга кетяпти, – дебдилар.

Акам шоҳнинг ўтишини томоша қилиб турган экан, шоҳнинг кўзи акамга тушибди. У бошини қуий солибди. Шоҳ отининг жиловини орқага тортиб, аскарларига қараб-

ди-да, акамни қувишга буюрибди. Аскарлар акамни қувлаб күп урибдилар, қийнабдилар, ўлишига оз қолибди. Аммо қассоб бу ишнинг сабабини билмабди. Зўрбазўр уйига қайтибди. У бўлиб ўтган воқеани шоҳ ходимларидан бирига айтибди. У ерга йиқилибди. «Шоҳ кўзи қинғир одамларни ёқтирумайди. У бундай кишиларни кўрса ўлдирмагунча қўймайди», – дебди шоҳ одами. Бу сўзни эшитган акамни хавф-хатар босибди, бошқа шаҳарга қочишга қарор берибди. Ўша ондаёқ бошқа шаҳарга қочиб кетибди. Бошқа шаҳарга бориб, кўп йиллар яшабди. Бир куни у кўчага чиқибди, йўлда кетар экан, орқасидан келаётган отларнинг туёқ товушини эшитибди. Акам қўрқиб, беркиниш учун жой қидирибди, аммо қулай жой тополмабди. Қараса, қаршисида ёпиқ эшик турганмиш, уни очмоқчи бўлиб эшикни итарган экан, эшик ағанаб тушибди. Ичкари кириб, узун йўлакдан кетаётган экан, бирдан икки киши орқасидан келиб ушлаб, шундай дейишибди: – Сени уч кундан бери қидиравериб ҳалак бўлдик. Оёқларимизда оёқ қолмади. Сенинг касофатинга биз ухлаганимиз йўқ. «Нима ишларингиз бор?» – дебди акам.

– Сен бизларни шарманда қилиб, ҳийла билан уй эгасини сўймоқчи бўлгансан, – дейишибди улар. – Шерикларинг билан сенга унинг пулларини олиш етмадими? Бизни изтиробга солиб қўрқитаётган пичоғингни бер! – деб акамнинг ёнини тинтиб, белбоғига осилган пичоғини топиб олибдилар.

Акам уларга қараб: «Жуда қизиқ ва ажойиб воқеаларни бошдан кечиргандим», – дебди. «Қандай воқеаларни бошдан кечиргансан?» – деб сўрашибди улар. Акам бошимдан кечирган воқеаларни эшитиб, зора мени бўшатсалар деб, ҳаммасини айтиб берибди. Улар ҳатто бу саргузаштларга эътибор ҳам бермабдилар. Уни ёқасидан бўғиб урибдилар, кийимларини шилибдилар, баданидаги қамчи изларини кўриб: – Эй лаънати, агар сен ўғри, муттаҳам бўлмасанг орқангда қамчи излари қандай пай-



до бўлган, – деб ҳоким олдига судрабдилар. Акам ўзича:

– Гуноҳим билиниб қолди. Энди ҳоким мени ўлдирмай қўймайди, – деб йиғлабди.

Уни ҳоким ҳузурига олиб борибдилар. «Эй муттаҳам! Сен буларнинг уйига киши ўлдириш учун кирибсан. Киши ўлдиришга сени нима мажбур қилди?» – дебди ҳоким ғазаб билан. «Худо ҳаққи, эй ҳоким, – дебди акам. – Сўзларимга қулоқ солиб, эътибор беришингизни илтимос қиласман». «Еган калтакларингнинг излари ҳам жуда катта жиноят қилганингни исбот қилиб турибди. Одамларга жабр қилган ўғрининг сўзига қулоқ солиш адолатдан эмас», – дебди ҳоким.

У акамни юз дарра уришга, тяга тескари миндириб, шаҳар атрофини айлантиришга буюрибди. Қассобни тяга миндирибдилар. Одам гавжум жойларда тўхтатиб:

– Ўғрилар учун энг кичик жазо, – деб жар солибдилар.

Ҳоким акамни шаҳардан бадарга қилишга буюрибди. Акам шаҳардан чиқиб, боши оққан томонга жўнабди. Буни эшитиб, мен акам ёнига бордим. Аҳвол сўрадим. Акам воқеани айтди. Мен уни одамлардан яшириб, шаҳарга олиб келдим. Керакли ёрдамни қилиб келдим.

САРТАРОШНИНГ БЕШИНЧИ БИРОДАРИ

– **H**авбатдаги акамга келганда, – дедим халифага, – унинг икки қулоги кесилган, жуда камбағал эди. У тиланчилик қилиб кун кечирарди.

Бизларнинг отамиз қариб, мункайиб қолган, ўз йўлини эплай олмас даражага етган эди. У оғримасдан туриб, бир кунда вафот этди. Ундан етти юз дирҳам пул қолди. Ҳар биримиз юз дирҳамдан бўлишиб олдик. Бешинчи акам юз дирҳамни олиб ҳовлиқиб қолди, нима



қилишини билмас эди. Ўйлаб-ўйлаб, у пулига ҳар хил чинни асбоб олишга, чиннифурушлик қилишга жазм қилди. Шундай қилди ҳам. Юз дирҳамга чинни асбоб олди-да, бир катта гирдоб патнусга қўйиб, серқатнов бир ерда девор тагига ўтириб сота бошлади.

Акам молларини олдига қўйиб, ўзи деворга суюниб хаёлга чўмибди: «Юз дирҳамга чинни олдим, энди уни икки юз дирҳамга ўтказаман. Сўнг икки юз дирҳамга чинни оламан, уни тўрт юз дирҳамга сотаман. Сўнг у пулларга энг қимматбаҳо моллар оламан, улардан яна ҳам кўпроқ фойда қиласман. Сўнг яхши ҳовли оламан. Қуллар, отлар сотиб оламан, отга тилла эгар ҳам оламан. Яхши ейман, ичаман. Шаҳардаги донгдор яллачи-ларнинг ҳаммасини чақиртириб тураман, пулимни юз минг дирҳамга етказаман».

Патнус олдида акам ўзича хаёл суришда давом этди. «Пулим юз минг дирҳамга етгандагина шоҳлар, вазирларнинг қизига совчи юбораман. Айтишларига қараганда, вазирнинг қизи жуда чиройли ва фоят келишган эмиш. Ана ўшангага совчи юбориб қўя қоламан. Қалинига минг динор бераман. Агар отаси кўнса – кўнтар, иш осон бўлади. Кўнмаса, пулнинг кучи билан зўрлик қилиб оламан. У ўйимга келгандан кейин ўнта ёш чўри оламан. Ўзимга шоҳлар кийими сингари кийимлар, турли қимматбаҳо тошлар қадалган от жабдуқлари оламан. Кўчага чиққанимда, олд томонимда ҳам, орқамда ҳам, ўнг ёнимда ҳам, чап ёнимда ҳам қуллар бўлади. Шаҳар айланаман. Одамлар менга салом берадилар. Сўнг хотинимнинг отаси – вазир олдига бора-ман. Қуллар атрофимда турадилар, вазир мени бу ҳолда кўргач, дарров ўрнидан туриб қарши олади. Мени ўз ўрнига ўтказади. Ўзи пастга тушиб ўтиради. Мен билан бирга юрувчи иккала қулнинг қўлидаги ипак халтачага минг динордан солингган бўлади. Вазирга қизининг қалини учун минг динор пул бераман. Қолган минг динорни вазирга тақдим қиласман. Ме-



нинг саховатли эканимни, пулдорлигимни, бунаقا пулларни назаримга илмаслигимни вазир билсин деб, албатта, шундай қиласман. У ўн оғиз гапирса, мен икки оғиз билан жавоб бераман. Сўнг уйга қайтаман. Хотиним томонидан бирор келса, унга, албатта, пул бераман. Сарпо кийгизаман. Агар у менга бирор нарса келтирган бўлса, такаббурлигимни кўрсатиш учун, уни олиб келган кишининг ўзига ҳадя қиласман. Сўнг ўзимга оро бериб, пардоз-андоз қиласман. Шундан кейингина қизни келтиришга буюраман. Уйларни ҳам жуда боплаб зийнатлатаман. Қиз билан кўришиш вақтида энг қимматбаҳо кийимларимни кияман. Қават-қават атлас кўрпачалар устига чиқиб, керилиб ўтираман. Ақлим кўплигидан, фикрим ўткирлигидан ўнга ҳам, чапга ҳам қарамайман. Хотиним олдимда қимматбаҳо кийимларими кийиб, ҳар турли зийнат асбобларини тақиб, ойдек бўлиб, қўл қовуштириб туради. Мен эса уни писанд қилмаганимни билдириш учун бир оғиз ҳам гапирмайман. Атрофимда турганиларнинг ҳаммаси: – Эй ҳурматли күёв, қаршингизда қулингиз қадалиб туриб қолди. Оёқлари толди, – деб қайта-қайта илтимос билан ер ўлганларидан сўнггина, бошимни кўтараман-да, бир қарамайман. Яна бошимни қуий соламан. Уни ётоқ уйга олиб кирадилар. Мен бу кийимларимни ечиб, яна ҳам қимматлироқ кийимларимни кияман. Хотинни ёнимга келтирганларидан то бир неча бор илтимос қилмагунларича, унга қарамайман ҳам. Кўп маротаба илтимос қилганларидан сўнггина бир қарамайман-у, яна бошимни қуий соламан. Қиз кўриш тамом бўлгунча шундай улуғворлик вазиятимни бузмайман».

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Ўттиз иккинчи кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этди Шахризод, – у хаёл суришда давом этибди: «Сўнг қуллардан бирига беш юз дирҳам пул келтиришни буюраман-да, бу пулни безовчиларга тақдим қиласман. Сўнг хотиним олдига киришларини сўрайман. Олиб киргандарида, унга қарамайман ҳам. Такаббур эканимни билсинлар учун у билан фақат кўз қири билангина сўрашаман. Қизнинг онаси келади. Пешонамдан ўлади. Ҳурматли куёв, дейди у, «Кулинга қара, у сенга яқинлашиш истагида. Унинг дилига даво қил!» деб ёлворади. Мен индамайман. Онаси яна келиб, бир неча қайта оёғимни ўлади-да: «Эй ҳурматли куёв! Қизим ҳурга ўхшаш чиройли, умрида эркакка кўзи тушмаган, сени бунча тажанг кўргач, кўнгли синади. Унга қара, у билан сўзлаш», деб менга қадаҳ тутади. Май келтирганни узоқ вақт оёқда турғазиб қўяман. Ўзим олтин чакмали ёстиққа сунганимча туравераман. У ўз ичиди, жуда ҳам улуғ даражали, баланд димоғ экан, демагунча ва менга қараб: «Бу қулингиз қўлидан қадаҳни қайтарманг, ахир мен сизнинг чўрингизман-ку», демагунча, тақаббурлик билан унга қарамасдан туравераман. Шунда ҳам унга ҳеч нарса демайман. Қулингиз қўлини қайтарманг, деб қистай бошлайди. Оғзимга олиб келади. Қўлим билан нари итараман. Ана шундай қилиб оёғим билан тегинаман», дебди-да, патнусни тегиб юборибди.

Патнус ердан анча баланд жойда экан. Чиннилари билан ағдарилиб тушибди. Патнусдаги чиннилардан бирортаси ҳам бутун қолмабди. Акам додлабди. «Бу ҳаммаси такаббурлигимдан», дебди. Акам тутақиб кетганидан кийимларини йиртиб йиғлабди. Ўзини урибди. Намозга шошиб кетаётган одамлар тўхтаб, баъзилари унга ачинишибди. Баъзилари кўнгилларида: «Қиммат сотишнинг жазоси шу», дейишибди.



Акам бечора нега йифламасин? Хаёлидаги фойдалар у ёқда турсин, нақд пулидан ҳам ажралибди. Шундан кейин ўша ерда анчагина йифлаб ўтириб қолибди. Қараса, жуда ҳам чиройли бир хотин зийнатли эгарланган хачир миниб ўтиб кетаётган эмиш. Орқасидан бир қанча қуллар мұхофаза қилиб бораётган эмиш. У ўтиши билан ҳамма ёқни мушк-анбар ҳидлари босибди. Хотин акам ёнида синиб ётган чиннилар, улар ёнида ғамгин йифлаб ўтирган акамни күрибди-да, раҳми келибди. Тұхтаб ақвол сүрабди. Акамда на эс, на тил бор эмиш.

– Бечора оғир қулфатта чидаёлмай йифлаёттир, – дейишибди ёнидагилар.

Хотин ўз қулларидан бирини чақирибди: – Ёнингдаги бор пулнинг ҳаммасини бу бечорага бер, – дебди у қулига. Қул акамга бир ҳамен пул берибди. Санаса, беш юз динор экан. Акам пулни қулига олар экан, шодликдан ўзини йўқотиб, жони чиқишига оз қолибди. Акам хотинга нима деб миннатдорчилик билдиришни билмай қолибди. Бой бўлиб, уйига қайтибди. Хаёлга чўмиб ўтирган экан, бирдан эшик тақиилабди. Бориб эшикни очибди. Қараса, нотаниш қари кампир эмиш.

– Эй ўғлим, – дебди у, – намоз вақти ўтиб кетаёттир. Уйимга етгунча намоз қазо бўлади. Агар рухсат этсанг, уйингда таҳорат қилиб, намозни ўқиб олсам. Акам «бош устига», деб кампирни уйига киришга буюрибди. Кампир киргач, акам таҳорат қилиш учун обдастага сув келтирибди-да, ўрнига ўтирибди. Қўлида динорлари кўплигидан терисига сифмасмиш. Уларни ҳамёнга солиб боғлабди. Бу пулни саранжом қилгунча, кампир ҳам таҳорат қилиб бўлибди. Кейин у акам ўтирган жойга яқин келиб, намоз ўқий бошлабди. Кампир намозни тугатиб, акамни узундан-узоқ дуо қилибди. Акам кампирнинг дуоси учун ташаккур билдирибди. Ҳамёнга қўл солиб, ундан кампирга икки динор пул берибди.

– Мен сени яхши кўриб дуо қиласам, сен менга гадой қатори пул берәётирсан, ол пулнингни, менга пул керак



эмас, буни қайтариб чўнталинга солиб қўй! – дебди кампир. – Агар сен ўша пул берган хотин билан кўришишни истасанг, у билан кўриштириб ҳам қўяман. У аёл менинг яқин кишим бўлади. «Уни топиш учун нима қилиш мумкин, эй она?» деб сўрабди акам. «Ўғлим, – дебди кампир. – У хотин пулдор одамларни севади. Ҳамма пулингни ол-да, менинг орқамдан юр, олиб бораман. Сен у билан учрашганингда қўлингдан келганча ёқимли, ширин, эркаловчи сўзларни кўп сўзла! Жамолига ҳам етишасан, пулларига ҳам ўзинг эга бўласан!»

Акам ўзининг ҳамма олтинларини олиб, ўрнидан турибди. Кампир йўлга тушибди. Акам ҳам унинг орқасидан бораверибди. Кампир бир катта дарвоза олдида тўхтаб, эшикни тақиллатибди. Румлик бир чўри хотин чиқиб эшик очибди. Кампир ичкари кирибди. Акамга ҳам бирга киришни буюрибди. Ичкари кирибдилар. Катта ҳовли экан, бир катта уйга кириб борибдилар. Уй жуда яхши жиҳозлар, ипак гиламлар билан безатилган эмиш. Акам ўтириб олтинларни олдига, салласини эса тиззасига қўйибди. Ҳали атрофга қараб ҳам улгурмаган эканки, жуда ҳам чиройли бир канизак кириб келибди. У жуда ҳам яхши кийинган эмиш. Акам ўрнидан турибди. Канизак уни кўргач, жуда хурсанд бўлиб, унга қараб кулибди. Кейин ўтиришга ишорат қилибди. Канизак эшикни ёпишга буюриб, ўзи акам ёнига келиб қўлидан ушлабди.

Улар икковлари бир четдаги ҳоли ҳужрага кирибдилар. Ҳужрага ҳар хил кўрпачалар солинган эмиш. Акам ўтирибди. У хотин ҳам акамнинг ёнига яқин ўтирибди. Бироз ўйнашгач, қиз ўрнидан турибди-да, акамга:

– Мен келгунча қимирлама, – деб қаёққадир чиқибди. У ташқарида анча вақтгача ушланиб қолибди.

Акам бир ўзи ўтираверибди. Ниҳоят, баланд гавдали бир қора қул кириб келибди. Унинг қўлида яланғочланган қиличи бор эмиш: – Ўлганинг яхши, – дебди у акамга, – ким сени бу ерга келтирди? Бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Акамда жавоб берарли ҳолат қолмаб-



ди. Аллақачон эси чиқиб кетган экан, тили тутилиб, жавоб берә олмабди.

Құл кийимларини ечиб, ура бошлабди. Қалтак зарбидан акамнинг күнгли озиб йиқилибди. Бераҳм құл уни «ўлдирдим», деб ўйлабди. Туз келтирүвчи қизнинг: «Үқани», деганини ҳам акам эшитиб турған экан, қыз унинг олдига бир идишда туз келтирибди. Құл акамнинг яраларига туз сепибди. Акам ўзининг тирик эканини билдирмаслик учун тишини-тишига қўйиб қимирламай ётаверибди. Чўри қыз кетгач, құл яна бақирибди. Акамнинг ёнига кампир кириб келибди. У акамнинг қўлидан тутибди-да, ўликлар тахланиб ётган ертўлага элтиб ташлабди. Акам ўша ерда роса икки күн қолиб кетибди. Яхши ям танасига туз сепилган экан. Ҳаётини шу туз сақлаб қолибди. Чунки туз қонларни тўхтатган экан. Акамга жон кира бошлабди. Аста-секин қимирлайдиган бўлибди. Ертўла устидан қопқоқни қўтариб, чиқиб олибди. Тонг отгунча қоронғи бир жойда яшириниб ўтирибди. Тонг отгач, лаънати кампир яна бошқа ов мақсадида кўчага чиқибди. Унинг кетидан акам ҳам кетаверибди. Лекин кампир буни сезмабди.

Акам ўз уйига келибди. Яраларини табибларга кўрсашиб, дори-дармон қилибди. У кампирнинг қандай қилиб одамларни қўлга тушуришини кузатиб юрибди. Лекин акам бу сирларни ҳеч кимга билдирмабди. Тамом соғайиб, кучга киргач, акам бир күн латтадан ҳамён қилибди. Унга чинни синиқларини солиб тўлдирибди. Белбоғига пул жойлагандек қилиб ўраб олибди. Сўнг ўзини ҳеч кимга танитмаслик учун кийимларини ўзгартирибди. Ўткир бир қилични тўни ичидан осиб олибди-да, кампирнинг йўлига чиқиб, уни кутибди. Кампирни кўргач, унга бошқача овоз билан: – Эй, она, – дебди у, – мен мусофириман. Шу күн шаҳарга келдим. Ҳеч кимни танимайман. Сенда тўққиз динор сиғадиган тарози йўқми? Бунинг учун сенга яхши ҳақ тўлайман. «Менинг ўғлим Сарроф, – дебди кампир. – Унда ҳар қандай тарози топилади.



Мен билан бирга юр! У уйдан чиқиб кетмасдан борайлик, олтинингни тортиб берар».

– Қани юр бўлмаса, – дебди акам.

Кампир олдинда, акам унинг кетидан бораверишибди. Кампир катта дарвозага етгач, эшикни тақијлатибди. Акамга таниш бўлган қиз эшикни очибди. Кампир қизга қараб қулиб: – Мен сизларга бугун жуда ёғлиқ гўшт келтирдим, – деб шивирлабди. Қиз акамнинг қўлидан етаклаб, илгари кирган уйга кирибди. Қиз акам ёнида озгина ўтиргач, ўрнидан турибди-да, «мен келгунча шу ерда қимирламай ўтир», деб чиқиб кетибди. Орадан кўп ўтмай таниш қул қилич яланғочлаб кириб келибди. «Ўрнингдан тур, лаънати», дебди у акамга. Акам ўрнидан турибди. Қул олдинда, акам унинг орқасидан бораверишибди. Акам йўлда кета туриб тўн ичидаги қиличини олибди. Қулни қилич билан уриб, калласини узибди. Оёғидан судраб ертўлага олиб борибди. «Туз қани!» – деб қичқирибди акам. Қиз бир идишда анчагина туз келтирибди-ю, акамнинг қўлидаги қилични кўриши билан эси чиқиб қочибди. Лекин акам уни қувиб тутиб олибди. Кейин қилич билан уриб, унинг ҳам каласини узибди. Акам: «Кампир қаерда?» деб бақирибди. Кампир келибди.

– Мени танийсанми, эй жиноятчилар бошлифи? – дебди акам кампирга ғазаб билан. «Йўқ», – дебди кампир титраб-қақшаб. «Мен, – дебди акам кампирга, – ўша сен уйимга кириб таҳорат олиб, намоз ўқигач, макр билан бу ерга келтирган пулдорингман».

Кампир ялина бошлабди. Лекин акам унинг сўзига қулоқ солмабди. Қилич билан уни уриб, тўрт бўлак қилибди. Сўнг у қизни излай бошлабди. Қиз уни кўриши билан ҳущдан озибди. «Мени кечир», – деб ялинибди қиз. Акам қизни кечирибди. «Сени бу ишга нима мажбур қилди», – дебди акам қизга даҳшат билан. «Мен бир бойнинг чўриси эдим, – дебди қиз. – Бу кампир бизникига кириб, мен билан дўстлашди. Бир куни у менга:

– Бугун бизникида катта тўй. Сен ҳам боргин, – деди.



– Бош устига, – дедим мен. Энг яхши кийимларимни кийдим. Қимматбаҳо зийнат асбобларимни тақдим. Юз динор пулимни ёнимга олиб, кампир билан йўлга тушдим.

У мени бошлаб шу уйга келтирди. Келишим билан қора қул мени хотинликка олди. Уч йилдан бери касофат кампир ҳийласи билан шу ерда, шу аҳволда кун кечирдим.

– Кампирнинг уйида ҳеч нарсаси борми? – дебди акам. Қиз: «Кампирнинг нарсаси жуда кўп. Агар олиб кета олсанг, олиб кет!» – дебди-да, кампирнинг сандиқларини очиб кўрсатибди. Сандиқда кўпгина халтачалар бор экан. Акам ҳайратланибди. «Мен пойлаб турай, – дебди қиз, – сен буларни кўтаришга одам чақир!»

Акам кўчага чиқиб, ўнта ҳаммол ёллаб келибди. Акам қайтиб келса ҳовлининг эшиги ланг очиқ эмиш. Ичкари кириб қизни ахтарибди. Қиз ҳам йўқ, сандиқдаги халтапар ҳам йўқ эмиш. Фақат бир озгина газмол қолибди, холос. Акам қизга алданганини тушунибди. Бироқ фойдасиз экан. Қолган-қутган нарсаларни олибди. Ҳужрага кириб, у ердаги қақир-қуқурларни ҳам йиғиштирибди. Кечни шодлик билан ўтказибди. Тонг отибди. Қараса, эшик олдида йигирмата аскар турганмиш. Аскарлар унинг қўлидан тутибдилар. Улар: «Сени ҳоким чақираётir», дебдилар-да, акамни олиб кетмоқчи бўлибдилар. Акам уларга анча ялинибди. Лекин улар кўнмабдилар. Уларга акам пул ҳам ваъда қилибди, кулоқ солмабдилар. Акамни аскарлар ўраб олиб борар эканлар, йўлда бир дўсти кўриб қолибди. Акам дўстидан ёрдам сўрабди.

– Унинг нима гуноҳи бор, – дебди дўсти.

– Ҳоким уни тутиб келишга буюрган. Бизлар олиб кетаётirmиз, – дейишибди улар. «У сизларга беш юз дирҳам пул берсин, сизлар ҳокимга уйдан топа олмадик, деб қўя қолинглар», дебди акамнинг дўсти. Соқчилар унинг сўзини рад қилиб, акамни ҳоким олдига элтибдилар.

– Бу пул билан молларни қаердан олдинг? – дебди акамга ҳоким.

– Мени құтқазсанғиз айтаман, – дебди акам ҳокимга. Ҳоким омонлик рүмолини берибди. Сүнг акам воқеани батафсил сүзлаб берибди-да: «Бу пул ва моллардан мен-га бироз қолдирашиб, қолганини ол», дебди. Ҳоким ҳамма-сини олмоқчи бўлибди-ю, яна сultonга хабар етиб қоли-шидан чўчиб, акамга бирозгина қайтарибди. Кейин:

– Тезлик билан бу шаҳардан чиқиб кет, бўлмаса сени остириб юбораман, – деб акамни қўрқитиби.

– Бош устига, – дебди акам.

У шаҳардан чиқиб, умрида кўрмаган бир шаҳарга бориб етиби. У ерда акамга ўғрилар ҳужум қилиб кийим-бошларигача шилиб олибдилар, ўзини эса ўласи қилиб урибдилар. Икки қулоғини кесиб, яланғоч ҳолда чуқурга ташлаб кетибдилар. Мен бу хабарни эшитиб, акамни қидириб топдим. Унга кийим-бош кийгизиб, олиб келдим. Ҳамон ўз қарамоғимда тарбиялаб келаман.

САРТАРОШНИНГ ОЛТИНЧИ БИРОДАРИ

– Энг кенжә акамнинг икки лаби кесилган, ғоят фақир эди. У кунлардан бир куни охири кўринмайдиган узун кўчада кетавериб-кетавериб шундай очиқибдики, ҳатто кўзи тиниб, юрган йўлини кўролмай қолибди. Бирдан рўбарўсидаги уйга кўзи тушибди. Эшик олдода одамларнинг кириб-чиқишини кузатувчи маҳсус дарвозабон турар экан. Бу ҳовли Бармакийлар авлодининг ҳовлиси экан. Гадой дарвозабон ёнига бориб, садақа беришни сўрабди: «Ичкари кир, бизнинг хўжайиндан бирор нарса сўра, хайр қилас», – дебди у.

Акам ичкари кирибди. Узун йўлакдан анчагина юриб, жуда ҳам чиройли, ҳашаматли бир уйга етибди. Ҳовли



ўртасида хушманзара боғча ҳам бор экан. Уйга кирадиган зиналар мармардан ишланган. Уйнинг атрофига пардалар осилган. Гадой умрида кўрмаган жойларни кўриб қолибди. Қаёққа боришини билолмабди. Ўйлаб-ўйлаб тўрдаги уйга қараб йўл солган экан, у ерда соқоли ўзига ярашган, басавлат бир кишини кўрибди. У кишининг кўзи ҳам акамга тушибди. У ўрнидан туриб, акамга салом берибди, унинг ҳолтахволини сўрабди. Акам ўз эҳтиёжини билдирибди. Бой акамнинг сўзини эшитгач, қўли билан ёқасини йиртиб: «Мен шаҳарда турайд-да, сен оч қол, бунга чидай олмайман», – деб бақирибди.

У акамга кўп нарсалар ваъда қилиб: «Сен, албатта, туз ҳаққини сақлашинг керак!» – дебди.

– Мен ҳозир жуда очман, озгина сабр қилишга ҳам тоқатим йўқ, – дебди акам.

– Эй бола, дарров одбастада сув билан чилопчин келтириб, бу кишининг қўлини ювдир! – дебди уй эгаси.

Акам қўл ювишга ҳозирланиб, билакларини шимариб турар, лекин на сув, на бола бор эмиш. Хўжайин унинг қархисида худди қўлини юваётган киши каби ҳаракат қиласи.

– Дастурхон ёз, – дебди хўжайин.

Акамга ҳеч нарса кўринмасмиш.

– Уялмасдан олавер, – дебди хўжайин гадойга.

Хўжайин худди овқат еяётгандек ҳаракат қиласмиш.

– Нега бунча кам ейсан, қўлингни артмай олавер.

Мен оч эканлигингни яхши биламан, – дебди хўжайин.

Акам ҳам овқат еяётган кишига ўхшаб ҳаракат қила бошлабди.

– Еяпсанми, қара, бу қандай мазали нон, оқлигини қара, – дебди хўжайин. Аммо акам ҳеч нарсани кўрмас эмиш. У «Бу киши одамларни масхара қилишни яхши кўрса керак», деб ўйлабди-да, «Эй тўрам, мен умримда бундан оқ, бундан мазали нонни емаган эдим», дебди. «Бу нонни олти юз дирҳамга сотиб олган чўрим ёпган», дебди хўжайин. «Биринчи овқатга гўштлик сомса келтир,



ёғлироқ бўлсин», деб буюрибди уй эгаси. «Эй меҳмон, умрингда шунаقا сомсани кўрганмисан? Мени хурсанд қиласман десанг, уялмай олавер. Ёғлиқ, зираланган ғоз гўшти келтир, эй бола», дебди хўжайин яна қичқириб.

– Еяпсанми, меҳмон? Ахир сен очсан, бир тўйиб ол!
– дермиш бой. Акам жағларини қимирлатиб, қўлларини оғзига олиб бориб туравериби.

Хўжайин эса овқат устига овқат чақирап эмиш. Лекин ҳеч нарса келтирилмас, аммо бой тез-тез ейишга таклиф қилиб тураг эмиш.

– Эй бола, – дебди бирдан, – писта мағиз билан боқилган жўжа кабобидан келтир! Худо билади, меҳмон умрингда бунаقا кабоб емагандирсан. Ахир мен бу жўжаларни махсус жойда писта мағиз билан боқтирганман. Уялма, тортинмай олавер.

– Бу жуда мазали, яхши овқат экан, – дебди акам.

Хўжайин ўз қўлини акамнинг оғзига олиб бориб ошатгандай бўлар эмиш. У овқатлар хилини санаб мақтаб кетибди: «Оч қоринга намакоп» дегандай, мақтовлар қоринни пиёз пўстидай шалдиратибди. У ўзича: «Кошки эди бир бурда қора арпа нони бўлса, минг марта шукр қиласдим», – дебди. «Шундай лаззатли овқатларни умрингда кўрганмисан?» – деб сўрабди хўжайин. «Йўқ» – дебди акам. «Ол е, уялма». «Жуда кўп едим», – дебди акам. «Дастурхонни йифиб олинглар, ширинлик келтиринглар», – деб буюрибди хўжайин. Бундан ол, бу жуда яхши овқат. Мана бу юмшоқ кўмачдан ол! Суви қочмасдан ол», – деб такрорлармиш, хўжайин.

– Сендан уялмайман, тўрам, – дебди акам. «Бунга қанча мушк солинган?» – деб сўрабди. «Одатим ҳар бир кўмачга бир мисқол мушк, ярим мисқол анбар солдираман», – дебди хўжайин.

Акам бошини силкитиб, жағларини бир нарса чайнагандай қимирлатавериби. «Мағиздан ол, уялма», – дебди хўжайин. «Мен жуда кўп едим, тўрам, – дебди акам, – бир луқмага ҳам жой қолмади». «Тағин оч қолмагин», –



дебди хўжайин. «Шундай овқатни еб, қандай қилиб оч қолади киши», – дебди-да, акам ва ўзича: «Сени шундай болпайки, бундан сўнг одамларни бунақа масхара қилишга тавба қилгин», – деб үйлабди.

Хўжайин: «Шароб келтириңлар», – дебди. Хизматкорлар худди идишларда май келтирётгандек келар эмишлар. Хўжайин акамга қадаҳ тутиб: «Шароб қалай, яхши етилганми?» – деб сўрабди. «Ҳиди яхши, – дебди акам. – Аммо мен камида йигирма йиллик шароб ичишга одатланганман». «Мана бу қадаҳни татиб кўр, сен бундай яхши шаробни ичмагансан», – дебди хўжайин. «Сенинг соғлигинг учун», – дебди акам, худди ичаётгандек ҳаракат қилиб. «Соғлиққа, яхши кетсин», – дебди хўжайин.

Хўжайнинг ўзи ҳам қуйиб ичгандай бўлибди-да, иккинчи қайта акамга тутибди. Акам ичган каби ҳаракат қилибди. Сўнг мастиларча тебрана бошлабди. У пайт пойлаб, хўжайнинг юзига шарақлатиб шапалоқ қўйиб юборибди. Тўранинг гардани қийшайиб кетибди. Тўра ўзини ўнглашга ҳаракат қилаётган экан, бу бетига урибди.

– Бу нима қилганинг, ҳой аҳмоқ, – дебди хўжайин.

– Мени бошда яхши қарши олдингиз, уйингизга олиб кирдингиз, турли-туман лаззатли овқатлар билан мамнун этдингиз, ичирдингиз, кайф ошди. Ахлоқ бузилди. Лекин сиз мени кечирадиган олижанобсиз, – дебди акам.

Бу сўзларни эшишиб, хўжайин хохолаб кулибди. «Мен кўпдан бери одамларни шу равишда масхаралаб кела-ман. Лекин шу кунгача сен каби ҳар бир ҳаракатимга зерикмай эргашиб келадиган кишини кўрмаган эдим. Шунинг учун мен сени кечирдим. Энди сен доимий улфатим бўл! Мендан айрилма», дебди-да, боя айтилган ҳар хил овқатларни келтира бошлабди. Акам хўжайин билан тўйгунча обдон ейишибди, ундан кейин майхона-га кирибдилар. Бирдан у ерда қизлар пайдо бўлишибди, улар баланд овоз билан ашула айтибдилар. Мехмон ва мезбон ичишни бошлабдилар. Кайф ошибди. Хўжайин кайф устида акам билан ака-ука сингари дўстлашибди.



Улар бир-бирларини жуда яхши кўриб қолишибди. Хўжайин акамга инъомлар берибди.

Тонг отгач, улар яна ейиш-ичишини бошлабдилар. Булар йигирма йил чамаси шу йўсинда кун кечирибдилар. Кунлардан бир кун хўжайнин вафот қилибди. Султон унинг ҳамма нарсаларини олиб қўйибди. Акамнинг ёнида бир чақа ҳам пули йўқ экан. У кўчага чиқибди, ихтиёрсиз бир катта йўл ўртасидан кетаётган экан, кўчманчилар унга ҳужум қилиб банди этишибди. Улар акамни ўз ўрдugoҳларига⁴ олиб борибдилар. Уни қўлга туширган кўчманчи акамга ортиқ азоб бериб:

– Жонингни сотиб ол, бўлмаса ўлдираман, – дебди. Акам йифлаб: «Ҳеч нарсам йўқ. Мен сенинг асирингман, хоҳлаганингни қил!» – дебди.

Кўчманчи пичофини олибди-да, акамнинг лабларини кесибди. Кўчманчи тобора ортиқроқ талаб қилиб, азобни ошираверибди.

Кўчманчининг чиройли хотини бор экан. Кўчманчи уйдан чиққач, хотини алоқа қилиш мақсадида акамни ўз ёнига чақирибди. Акам кўнмабди. Кунлардан бир куни хотин акамни йўлдан оздирибди. Акам у билан ўйнай бошлабди. Бир куни у хотинни уйида тиззасига олиб ўтирган экан, иттифоқо эри кириб келибди. Акамни бу ҳолда кўриб: «Ўлганинг яхши, паънати, ҳали хотинимни бузажирмисан», – дебди-да, ёнидан пичофини олиб, акамнинг олатини кесибди. Туяга ўтқазиб, бир тоққа олиб бориб ташлабди. У йўлдан йўловчилар қатнаб турар экан. Кўрганлар унга нон, чой бериб кетар эканлар.

Бу воқеани менга етказдилар. Мен унинг ёнига бордим. Уни шаҳарга келтирдим. Озиқ-овқат билан таъминладим. Сизнинг ҳузурингизга келдим. Шу ерга келганда, бу воқеаларни айтмаслик, шубҳасиз, хато бўлур эди. Ахир олти акам ҳаммаси менга қарам. Уларнинг ҳар бирига мен фамхўрлик қилардим.

⁴ Ўрдugoҳ – пойтахт, сарой.



Халифа сўзларимни эшитгач, илжайиб:

– Ҳақиқатан ҳам камсўз экансан. Лекин ҳозир бу шаҳардан чиқиб кет! – деди.

– Шаҳардан бадарға бўлдим. Кўп шаҳарларга бордим. Шоҳ ўлди, бошқа подшоҳ бўлди, деб эшитгачгина мана бу шаҳарга қайтдим. Акаларим ўлган экан. Сўнг бу йигитта йўлиқиб қолдим. Унга қўп яхшиликлар қилдим. Агар ўша ерда мен бўлмасам, бу йигитнинг ўлиб кетиши муқаррар эди. У мени нотўғри айблабди. Мажлисда менинг ҳақимда эзма, хира деб қилган шикояти бутунлай бўхтон. Бу ерга келиб, уни учратгунча озмунча азоб тортмадим. Ахир мен фақат шу йигитни деб қанча-қанча шаҳарларни айланиб келдим. Ахир бу менинг камоли яхшилигим эмасми, биродарлар? – деди у.

Биз сартарошнинг гапини чўза беришидан у йигит бечоранинг ҳам қулоғини қоқиб, қўлига топширганлиги-га ишондик. Сартарошни боғлаб, қамаб қўйдик. Йигитни ўртамиизда тинчтиб ўтиридик. Зиёфат ҳам шунинг учун кечга чўзилди. Сўнг мен уйга қайтдим. Шунда хотиним:

– Сен хурсандчилигинг билан юра берсанг, мен уйда очликдан тиришдим-ку. Куннинг қолганини мен билан бирга ўтказмас экансан, алоқани бир йўла узайлик, – деди. Хотинни эргаштириб кўчага чиқдим. Шаҳарни томоша қилдик. Кечқурун уйга қайтар эканмиз, маст букирига йўлиқдик. Ушбу байтни ўқир эди:

Қадаҳ тиниқлиги худди шароб тиниқлигидек,

Шаробнинг ўйқлигидан аҳли базм зиқлигидек.

Қани қадаҳнинг ўзи, кўрмадик шароб бунда,

Иккови ўйқлигидан, кайфимиз хароб бунда.

Мен уни уйга таклиф қилдим. Бозордан қовурилган балиқ келтирдим. Биз балиқ едик. Хотиним бир бўлак балиқни букирининг оғзига солди. Букири уни ютаман деб ўша ондаёқ ўлди. Мен уни ҳийла билан табиб уйига ташлаб қочдим. Табиб назоратчининг уйига ташлабди.



Назоратчи уни бозор растасига олиб бориб ташлаган. Мана, менинг кечиргандарим. Бу воқеа букири ҳикоясидан қизиқроқ эмасми?

Хитой шоҳ бу саргузаштни эшитиб бошини чайқабди.

Сартарош билан йигит ҳикояси, ҳақиқатан ҳам букири ҳикоясидан қизиқроқ экан, деб қуллардан бирини чақирибди. Қулга машиначи билан бирга бориб сартарошни келтиришни буорибди. «Мен унинг сўзларини эшитаман, – дебди шоҳ, – балки унинг ҳикоялари сизларни қутқазишга сабаб бўлар. Сўнг букирини кўмиб, унга мақбара ясаймиз. Ахир шунча ҳикоялар эшитишимизга букири сабаб бўлди-да».

Орадан бироз вақт ўтгач, қул билан машиначи сартарошни қамоқдан келтирибдилар. Шоҳ сартарошга разм солибди. У тўқсон ёшлардан ошган қора юзли, оқ соқол, оқ қош, қулоқлари кесилган, бурни узун, қотма бир киши экан. Қизиқчилиги афтидан ҳам маълум бўлиб турган эмиш. Шоҳ уни кўриб кулибди-да:

– Айтишларига кўра, – дебди, – сен камгап киши эмишсан. Лекин бизга ўз саргузаштингдан баъзи нарслар сўзлашдан тортинмассан. «Эй шаҳоншоҳ, – дебди сартарош, – бу одамларнинг тарихи, бу ерга йифилишиб ўтиришларининг сабаби, бу ўлган букирининг бу ерда ётиш сабабини билсан...» «Буни нега сўрайapsан, нима кераги бор?» – дебди шоҳ.

– Менинг камсўзлигимни, эзма эмаслигимни, сўралган сўзга ҳам зўр-базўр жавоб беришимни билинглар, деган мақсадда айттаётирман. Шоир шеърини эшитмаганмисизлар?

Ҳар бир лақаб: эгасига ўлчаб тикилган либос,
Кимдирки у лақабига феъл-атвори келмас мос.

Шоҳ сартарошга воқеани сўзлаб беришни буорибди. Улар сўзлабдилар. Сартарош бошини тебратиб: «Ҳақиқатан ажойиб экан», – дермиш. Кейин: «Букирини очинглар», дебди у.



Сартарош буқрининг тепасига бориб, унинг бошини ўз тиззасига олиб қўйибди-да, юзига қараб қаҳ-қаҳ уриб кулибди.

– Ҳар қандай ўлим ҳам, шубҳасиз, ажиб бўлади. Лекин буқрининг ўлими яна ҳам ажиброқ экан, – дебди сартарош. – Буни тарихга олтин сиёҳ билан ёзиш керак.

Ўтирганларнинг ҳаммаси сартарошнинг ҳаракатлариға ҳайрон бўлишибди. Шоҳ ҳам ажабланибди.

– Кулгинг сабабини англат бизга, эй камгап, – дебди шоҳ. Сартарош:

– Ҳали буқрининг жони бор, – дебди-да, ёнидан кичик қутича олибди. Қутичани очибди-да, ундан ёғ солинган бир идиш олибди. Ёғни буқрининг бўйнига суриб, анча вақт ишқалабди. Сўнг қўлига учи қайрилган иккита темир чивиқ олибди-да, уни буқрининг бўғзига тиқибди, балиқ қўлтоноғини тортиб олибди. Буқри акса урибди-да, сакраб ўрнидан турибди. Шоҳ ҳам, бошқа турганлар ҳам ўз кўзлари билан кўрган бу воқеага ҳайрон қолибдилар. Хитой шоҳи ағанаб-ағанаб кулармиш:

– Мана, буниси қизиқ, – дебди шоҳ. – Мен умримда бундан ажиброқ воқеани кўрмаган эдим. Ахир бу қандай гап? Агар сартарош бўлмаганда буқри ўлиб кетар эди. Уни сартарош сақлаб қолди.

Шоҳ воқеани олтин ҳал билан ёзишга буюрибди. Бу саргузаштни ёзиди, шоҳ хазинасига яшириб қўйдилар. Шоҳ яхудийга ҳам, насорога ҳам, оқсоқолга ҳам хуллас ҳаммага инъом-эҳсонлар берибди. Қимматбаҳо сарполар кийгизиб, уларга ижозат берибди. Улар кетибдилар. Сўнг шоҳ машиначига ҳам инъомлар бериб, уни ўз саройига машиначилик хизматига олибди. Уни буқри билан яраштирибди. Буқрини ҳам қимматбаҳо сарполар билан мукофотлабди. Буқрини ўзига улфат қилиб, унга маosh белгилабди, сартарошни сарой сартароши вазифасига тайинлабди. Улар умрларининг охиригача ширин турмуш кечирибдилар.



ИККИ ВАЗИР БИЛАН АНУСУЛЖАЛИС ҲИКОЯСИ

Басра шаҳрида бир шоҳ бўлган экан. Унинг исми Муҳаммад ибн Сулаймонуззайнинй бўлиб, икки вазири бор экан. Бирининг оти Алмуъин ибн Сови, иккимчисиники Алфазл ибн Хоқон экан.

Алфазл ибн Хоқон замонасининг олижаноб кишиларидан экан. Уни ҳамма севиб, ҳурмат қиларкан. Унинг маслаҳатларига ҳамма қулоқ солар, доим унга узун умр тилаб, дуо қилар эканлар. У адолатсизликни битириб, адолат ўрнатишга ҳаракат қилар экан. Иккинчи вазир Алмуъин ибн Совининг эса яхши одамларни кўргани кўзи йўқ экан. У фақат ёмонлик тарафдори бўлиб, турли йўллар билан кишиларни дорга остиришга ҳаракат қилар, яхшиликни кўролмасдан уларга ёмонлик қилишни ўзига қасб қилиб олган экан. Шоир шеъри унга мос айтилган:

Ўзи инсону бадкирдор бўлса,
Насаби доимо нафрат, ҳақорат.
Ҳамма дунёда гар шундай туғилса,
Келур таҳсин билан раҳматга форат.

Алфазлни халқ қанчалик яхши кўрса, Совини шунчалик ёмон кўраркан.

Бир кун шоҳ Маҳаммад ибн Сулаймонуззайнинй одатдагича таҳтда ўтирас экан, вазирлар ва барча давлат арбоблари унинг ҳузурида эканлар. Шоҳ Алфазл ибн Хоқонни чақириб, унга:

– Мен замонамиизда ундан ортиқроқ кўркли бўлмаган бир канизак истайман. У ҳар томонлама – ҳуснда ҳам, тарбияда ҳам мақтарли кўркам бўлсин, – дебди.

– Ўн минг динорга бундай канизак топиш мумкин, – дейишиби давлат арбоблари.



Султон хазиначини чақириб, Алфазл ибн Хоқонга ўн минг динор пул беришни буюрибди. Хазиначи буйруқни бажарибди. Вазир қуллар бозорига бориб, даллолларга воқеа тафсилотини гапириб берибди. Минг динордан ортиқ баҳодаги канизакларни вазирга кўрсатмай, сотмасликни буюрибди. Даллоллар бозорга келган канизакларни вазирга кўрсатиб турибдилар. Ҳеч қайсиси унга ёқмасмиш. Бир қанча вақт шундай ўтибди. Кунларнинг бирида вазир Алфазл ибн Хоқоннинг уйига даллол кириб келибди. У вазирга таъзим қилиб дебди: «Жаноби олийлари буюрган вазифаларини бажардим. Канизакни келтирдим». «Қани келтиринг!» – дебди вазир.

Даллол бирдан кўздан ғойиб бўлиб, канизак билан вазир қошига келибди. Қиз ғоят келишган, қомати расо, кўтарилиган кўкрак унинг қоматига зеб бағишлармиш. Кўзлари шаҳло, юзлари ширмон – қўйингки, ҳар бир аъзоси кўркда бир-биридан ошиб тушармиш. Кийимлари ҳам ўша вақтнинг энг аъло кийимлари эмиш. Шоирнинг қуидидаги байти, албатта, шу қиз ҳақида айтилган бўлса ажаб эмас:

Ой каби ул ҳусни атрофида кўп сайёralар,
Етти холидирки, етти мубтало, бечоралар.
Солди кўз ким, бу тароватга, бўлур у ҳангуманг,
Оз эмас, бир йўл боқиб, умри бўйи оворалар.

Буни кўргач, вазир ҳанг-манг бўлиб қолибди. Бунга шоирнинг шеъри тўла мос экан:

Вужуди барча ҳарирдан ҳариру жозибадор,
Сўзининг лаззати зўр-у, бироқ оғизчаси тор.

– Баҳоси қанча? – дебди вазир. «Ўн минг динор. Ҳўжасининг айтишича, ўн минг динор – унинг еган жўжалари, кийған кийимлари, тарбиячиларига қилинган сарфни ҳам қопламасмиш. Бу қиз кўп нарсаларни ўқиган:



чиroyли ёзув, усули фикҳ, дин илми, табиблик маълумоти, мусиқаларни ўрганган экан», дебди далпол.

– Хўжасини чақир! – дебди вазир.

Ўша ондаёқ далпол қизнинг хўжасини олиб кирибди. Хўжаси ажамлардан бўлиб, аллақачон ёшини яшаб, ошини ошаган бўлса-да, дунё унга раҳм қилиб, ўз қучоғида сақлаб келар экан. Шоир айтганидай:

Титратар доим вужудимни, замон титратмаси,
Чунки жам бўлмиш замонга қуввату куч ҳаммаси.

Вазир ундан: «Шоҳ Султон Муҳаммад ибн Сулаймоннуззайнйдан бу каниз учун ўн минг динор олишга розимисан?!» – деб сўрабди. «Модомики, канизимни султонга сўрар экансиз, пулсиз ҳадя қилишим лозим», дебди ажам. Вазир пулни келтиришни буюрибди. Пулни келтириб, ажамга берибдилар. Сўнг далпол вазир ёнига келиб: – Рухсат этсалар, бир муддао бор эди, – дебди далпол, – бугун қизни султон ҳузурига олиб борилмаса. Чунки у бугун сафардан келган. Бир тарафдан, ҳавони ўзгартирган, иккинчидан, унда сафар таъсири бор, чарчагандир. Менга қолса, уни ўн кун ўз саройингизда сақласангиз, қиз аввалги ҳолига келса, сўнг уни ҳаммомга олиб борилиб, яхши кийинтирилса, ундан сўнг шоҳ ҳузурига олиб борилса. Ана у вақтда шоҳ олдида юзингиз тамоман ёруғ бўлур.

Вазир далполнинг фикрини мувофиқ топиб, қизни ўз саройига олиб келибди. Унга алоҳида уй ажратиб берибди. Ҳар куни турли хил нозу неъматлар бериб турибди. Қиз шу йўсинда бир неча кун вазир саройида кун кечирибди.

Вазир Алфазл ибн Хоқоннинг бир ўғли бор экан. Унинг қадди-қомати келишган, ҳуснда яккаю ягона экан. Кўрган киши бир тикилмай ўтмас экан. Шоирнинг шеъри унга мос ёзилган экан:



Унинг сиймоси гулдир, боқса ким, кўзига ранг оққай,
У бир хуморки, ҳуснин баргидек, ағёр тўсмишдир.
Қаю кўздирки унга дафъатан журъат билан боққай,
Рақиблар тоши, қанча-қанчалар қонини тўклишдир.

Етишмоқ ҳасратида қанчалар ўз бағрини ёққай,
Вафосизлик қилиб, чин ошиғи қаддини буқмишдир.
Чирой нозиклигин нозик дилига кўплар ўхшатгай,
Чиройни ким кўриб, нозик дилга ким йўлиқмишдир.

Йигит уйида канизак яшаб юрганидан хабарсиз экан.
Вазир қизга шундай деб уқтирибди:

– Қизим, сени Султон Мұхаммаб ибн Сулаймонуззай-
ний учун сотиб олдим. Бир шўх ўғлим бор. У кўчада
кўрган ҳар бир қизга сўз отмай қўймайди. Ўзингни
эҳтиёт қил! Унга кўринма ва зинҳор гапира кўрма! Қиз:

– Жоним билан, – деб ваъда қилибди.

Бир куни қиз ўз уйидаги ҳаммомга тушибди. Кани-
заклардан бири унга ёрдамлашибди. Ювиниб бўлгандан
кейин янги кийимлар кийибди. Ҳуснига ҳусн қўшилиб,
вазирнинг хотини ёнига борибди.

– Ҳаммом қандай экан, ёқдими? – деб сўрабди вазир-
нинг хотини.

– Жуда ҳам яхши экан, сиз бўлмаганингизга ачиндим,
– дебди қиз. Шунда вазирнинг хотини: «Юринглар, ҳам-
момга борамиз», – дебди. Ҳаммалари ҳам: «Хўп бўлади»
дэйишибди, қўзғалишибди. Вазирнинг хотини қиз турган
уй эшигига иккита ёш қизни пойлоқчи қилиб, ҳеч кимни
бу уйга киритмасликни буюрибди. Қиз уйда ўтирган
екан, кўчадан вазирнинг ўғли келиб қолибди. Унинг
исми Нуриддинали экан. Пойлоқчи қизлардан онасининг
қаерга кетганини сўрабди.

– Ҳаммомга кетдилар, – дэйишибди қизлар.

Анисулжалис уйдан туриб вазирнинг ўғли Нуриддина-
лининг сўзини эшитибди-ю, ўз-ўзига: «Кўчадан ўтган қиз-
ларни ўз ҳолига қўймайдиган шўх ўғилни кўрай-чи, қанақа

экан», дебди-да, туриб эшик ёнига келибди. Қараса, жуда келишган, чиройли йигит экан. Унинг ҳуснига кўзи тушибди-ю, оҳ урибди. Шу орада йигит ҳам қизни кўриб қолиб, жонини қаерга қўйишини билмай қолибди. Пойлоқчиларга дўқ уриб бақирган экан, улар қочиб кетишибди. Қизлар пана бир жойга яшириниб, уларни зимдан қузатиб туришибди. Йигит эшикни очиб, қиз олдига кирибди-да: «Отам мен учун сотиб олган канизак сенми?» деб сўрабди. «Ҳа», деган жавобни берибди Анислужалис. Йигит қиз ёнига кирибди, у бироз маст экан. Пойлоқчилар, ёш хўжайнларининг канизак ёнига кирганини кўриб, бақирибдилар. Бироқ йигит ўз муддаосига етишга улгурибди. Сўнг қўрққанидан бекиниш учун жой излаб қолибди. Вазирнинг хотини пойлоқчилар товушини эшитиши билан ҳаммомдан югуриб чиқибди. Унинг баданидан тер оқиб турган эмиш.

– Ўлганларинг яхши, нега бақирдиларинг?! – деб сўрабди вазирнинг хотини пойлоқчи қизлардан. «Хўжайнимиз Нуриддинали кириб келиб, бизларни ура бошлади. Четта қочдик. У Анислужалиснинг ёнига кирди. Уни қучоқлади. Ундан кейин нима қилганини билолмадик. Биз бақирган эдик, у қочиб кетди». Вазирнинг хотини Анислужалис ёнига кириб: «Нима бўлди?» деб сўрабди ундан. «Эй маликам, – дебди Анислужалис, – уйда ўтирган эдим. Бирдан бир чиройли йигит кириб келди. «Отам мен учун сотиб олган канизак сенми?» деб сўради мендан. Мен «Ҳа», – дедим. – Худо ҳаққи, мен унинг сўзини рост деб ўйладим. Шу вақт у келиб мени қучоқлади». Вазирнинг уриб ўлдиришидан қўрққан она, оҳ уриб йиғлармиш. Чўри хотинлар ҳам қўшилишиб йиғлашибди. Шу пайт вазир кириб келибди. «Нима гап?» – дебди у.

- Менинг айтганларимни эшитишга қасам ич! – дебди она.
- Майли, розиман, – дебди вазир.

Нуриддиналининг қилган ишларини бирма-бир айтиб берибди. Вазир ғазабланибди. Ёқаларини йиртиб, ўз-үзини ура бошлабди. Соқолларини юлибди.



– Ўзингизни ўзингиз ҳалок қилманг, – дебди хотини унга. – Мен ўз пулимдан унинг баҳоси – ўн минг динорни бераман.

Вазир хотинига тикилиб: – Баракалла, сенинг ақлингага! – дебди. – Гап унинг баҳосида эмас, молим ҳам, бошим ҳам кетмаса деб қўрқаман!

– Нега бунча куйинасиз? – дебди хотини.

– Ахир тушунсанг-чи, вазир Алмуъин ибн Соби ашаддий душманимиз-ку. Агар бу воқеани эшилса, тўпратўғри султонга бориб айтади.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Ўттиз учинчи кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод, – вазир шундай дебди: «Алмуъин ибн Соби бу воқеани эшитиб қолгудек бўлса, султонга мақтаб юрган вазиринг Алфазл ибн Хоқон сендан ўн минг динор пул олди-да, тенгги йўқ бир чиройли канизак сотиб олди.

Канизак жуда ҳам чиройли бўлгани сабабли сенга беришга кўзи қиймади. Ўғлига: «Бу қизни сен ол! Султондан кўра бу сенга муносиброқ», деди. Ўғли уни хотинликка олди. Канизак тўғрисидаги хоҳишингни шу равишда бузди», деб ифво қиласди.

– Шоҳ ишонмаслиги мумкин, аммо вазир: «Рұксат берсангиз канизакни келтирай, дейди. Шоҳ қизни олиб келишга буюради. Қизни зўрлаб мажбур қилгандан кейин бўлган воқеани инкор этмайди. Шунда Алмуъин: «Эй шоҳим, ҳақиқий дўстинг, самимий маслаҳатчинг мемман. Аммо мен сенинг қаршингда обрўим йўқлигига таажжуб қиласман», дейди. Султон мени одамлар орасида шарманда қиласди. Одамлар менга ҳайрон қоладилар. Жоним кетади.

– Ундан бўлса, – дебди вазирнинг хотини, – бу иш ҳали ҳеч кимга маълум эмас, ишни маҳфий тутамиз.



Вазир ўзини бироз босиб олибди.

Нурилдин қўрқиб чиқиб кетганча бутун кунни боғларда ўтказиб, уйга кеч қайтибди. Онасининг ёнида ётибди-да, эрта билан вақтли ўрнидан туриб кетганини ҳеч ким билмай қолибди. Нурилдин отасига бир ой кўринмай қочиб юрибди. Кунларнинг бирида Нурилдиннинг онаси вазирга: «Агар бу иш яна шундай чўзилаверса қизни ҳам, ўғилни ҳам нобуд қиласиз. У бошқа ёқقا қочиб кетишдан ҳам тоймайди», дебди. «Қандай чора кўриш мумкин», дебди вазир хотинига.

– Кечаси ухламасдан уни пойлаш керак. У келгандан кейин уларни бир-бирига қовуштиromoқ лозим. Улар бир-бирларини севадилар. Қизнинг пулини сизга мен тўғрилаб берай.

Вазир ўғлини ухламай кутибди. Нурилдин келибди. Вазир ўғлини ушлабди-да, жаҳл билан уни ётқизиб сўймоқчи бўлибди. Бу воқеа устига онаси кириб келибди.

– Нима қўлмоқчисиз? – дебди вазирга титроқ овоз билан.

– Уни сўймоқчиман, – дебди отаси бўғилиб.

– Наҳотки, мени аямасангиз? – дебди ўғли зорланиб.

Вазирнинг кўзлари жиққа ёшга тўлибди.

– Эй ўғлим, – дебди у. – Нега сени аямайин. Пулим ҳам, бошим ҳам кетади.

– Шоир шеърига қулоқ сол, ота, – дебди Нурилдин:

Гуноҳим бўрттир-у, ё кеч гуноҳим,

Сенга қилдим ҳавола, подшоҳим.

Адоват айла-ю, қонимни тўккин,

Адолат айла-ю, бўлгин паноҳим.

Гуноҳкормен, қўлимдада мартабам йўқ,

Мени ёқловчи, ёлғиз ўтли оҳим.

– Эй ўғлим, сени кечирдим, – дебди ота. Бироқ ҳали ҳам ҳаяжонда экан. Ўғли ўрнидан туриб, отасининг юзидан ўпибди.



– Эй ўғлим, – дебди отаси, – агар сенинг Анисулжалисга содиқ эканингни билганимда, уни аллақачон сенга ҳадя қылган бўлар эдим. «Содиқ бўлмаслик мумкинми?» дебди Нуридин. «Унинг устига хотин олмаслигинги, бошқалар билан алоқа қилмаслигинги, бозорга чиқариб сотмаслигинги сўрайман», – дебди отаси. «Бундан сўнг ҳеч кимга уйланмаслика, сотмасликка қасамёд этаман», дебди ўғли.

Нуридин қиз билан қовушиб, у билан бир йил умр кечирибди. Вазир Алмуъин ибн Сови қулогига бу хабар етибди. Лекин у сultonга шикоят қилишнинг мавридини топа олмабди.

Бир куни вазир Алфазл ибн Хоқон ҳаммомга борибди. Ювениб, ҳаммомдан чиқибди. Иссиқ-совуққа чалиниб шамоллабди. Дармонизланиб, кўрга-ёстиқ қилиб ётибди. Кун сари аҳволи ёмонлаша борибди. Шунда у ўғли Нуридинни ёнига чақирибди: «Эй ўғлим, – дебди вазир, – ўлчовлик ризқ, киши ўлимдан қочиб қутилмайди. Жон бор ерда, қазо бор, қулоқ сол. Насиҳатим шуки, ҳар ишда эҳтиёт бўл, охирини ўйлаб иш қил! Анисулжалисга ғамхўр бўл. Бепарво ташлаб қўйма!»

– Эй ота, – дебди ўғли, – сенга ўхшаш киши борми-кан? Сен фақат яхши ишлар билангина танилгансан. Сени ҳамма эзгу ишлар билан ёдлайди ва алқайди. Худо уларнинг дуоларини ижобат қилсин.

Вазирнинг аҳволи ёмонлашибди. У калима келтира бошлабди, бирдан қаттиқ фарёд қилибди. Овоз бутун саройни янгратибди. Ўлим хабари дарров ҳар томонга тарқалибди. Подшоҳдан гадогача унинг бевақт ўлимига қайғурибдилар. Мадраса талабалари ҳам йифлабдилар. Нуридин таъзия маросимига ҳозирлана бошлабди. Жаноза учун амирлар, вазирлар ва бутун сарой ходимлари билан барча шаҳар халқлари тўпланибдилар. Шулар орасида вазир Алмуъин ибн Сови ҳам бор экан. Тобутни уйдан олиб чиқар эканлар, кимдир шу шеърни ўқибди:



Бирор ёзган бу шеър ёдимга тушди:
«Куни пайшанба, рүх йүқлийка учди.
Видолашмоқ учун күптар йиғилди,
Вақтсиз үлганимни ҳамма билди.

Эшикнинг устига ётқизди ғассол,
Туйилди кўп қизиқ менга, бу аҳвол.
Қимир этмай, на қиласа, жим туурмен,
Уларга хўмраярмен, на кўрармен.

Кийиндим оқ либос, киймас эдим ҳеч,
Тириклида уни севмас эдим ҳеч.
Ёмон кўрган кишим менга қуйинди,
Бирор дўстим эди, ҳозир севинди.

Тушиб тобутга, чиқдим елкаларга,
Тириклида етолмасдим аларга.
Етиб масжидга, бошланди жанозам,
Деди: «Оллоҳу акбар!..» шайхул аъзам.

Ўтирмасдан, ўқилди тезу чаққон,
Кутиб қолган каби гўёки меҳмон!..»
Ўқиб бу шеърни, ақлу ҳушим учди,
Яна қайтиб келиб, ўрнига тушди.

Васият бошлади тил, шоша-шоша,
Насиб бўлмай туриб, тилсиз томоша.
Аё ғассол! Менга қўйма совуқ сув,
Кетарда дунёдан мен энди мангур.

Тўкибмен ёшни кўп, шу сув кифоя,
Илиқ сув ҳам муаттар бениҳоя.
Ўшал ҳид, хок-тупроғимда қолсин,
Бориб айт, шайхул аъзам ҳам йўқолсин.

Рақиблар гўр қазиб аввалда тоза,
Мен ўлмасдан, ўқишгандир жаноза.



Уни күмгәнларидан кейин дўстлар, қариндош-уруғлар билан Нуриддин ҳам уйга қайтибди. У ғоят ғамгин эмиш. Отаси учун узоқ замон қайфурибди.

Кунларнинг бирида Нуриддинали уйида ўтирган экан, кимдир эшикни тақиллатибди. Нуриддин ўрнидан туриб, эшик очибди. Отасининг яқинларидан бир киши экан, саломлашибди. Нуриддиннинг қўлини ўплиб: «Ўлганларнинг қайси биридан сен каби ўғил қолди. Ўзингни тинч тут, қайфуни унут!» – дебди.

Нуриддин тинчланибди. У кишини меҳмонхонага олиб кириб, дастурхон ёзибди, патнис келтирибди. Унинг устига ўртоқлари ҳам келиб қўшилишибди. Келганлар бойвачалар бўлиб, ўн киши экан. Ўтиришиб ейишибди, ичишибди. Нуриддин тез-тез дастурхонни янгилаб турибди, беҳад сахий бўлиб кетибди.

Бир пайт Нуриддиннинг энг яқин ва ғамхўр кишиси – Вакил кириб келибди. «Эй ҳурматли йигит, – дебди у, – ҳисоблашмай сарф қилганлар тезда қашшоқликка, гадойликка йўлиқадилар», деган мақолни эшитганмисан! Шоир шеърига қулоқ сол:

Пул сақладим қалқон, қилич ўрнига,
Ҳимояда пул, қиличдан ўткирроқ.
Пулнинг ҳиди етса душман бурнига,
Хушсиз қилур, беҳуш доридан зўрроқ.

Пул сақладим: тилим бурро ҳар доим,
Ёмон сўзим яхши бўлиб тинглангай.
Ҳокимлар ҳам менга муте, мулоим,
Душманларим фуборимга белангай.

– Пулимни ҳар қандай бемазалардан, олчоқ, қадр билмаслардан сақлайман, – дебди Нуриддин. «Бойлиги бўлмаган кишилар, – дебди Вакил, – қуёш каби фазилатларга эга бўлсалар ҳам хўрланадилар». «Бу сўзларинга қулоқ солмайман. Шоир шеърини эшитмаганмисан», – дебди Нуриддин:



Хеч бир баҳил баҳилликдан мақталмас,
Сахийликдан ким ўлибди? Кўрмадим!
Оғзим қийишиқ, аммо пулим бўлса бас,
Ҳикматини ҳеч кимсадан сўрмадим.

– Эй Вакил, – дебди Нуриддин, – агар сенда бугунги тушки овқатга етарлик нарса қолган бўлса, кечки овқат қайғуси билан бошингни оғритма!

Вакил ўз йўлига кетибди. Нуриддин ўша-ўша сахийликни қўймабди, балки яна ҳам саховатини оширибди.

Улфатларидан қай бири «Бу нарса яхши экан» деса, «Сен ола қол», дер ёки унга бирор, «фалон уй яхши экан», деб қолса, у «сенга ҳадя бўлсин», деяверибди. Нуриддин шу йўсинда ўртоқларига ҳар куни бир неча дастурхон ёзиб, роса бир йилни ўтказибди. Бир йил ўтгач, кунларнинг бирида Нуриддин хаёлга чўмиб ўтирган экан, Анислужалис шу шеърни ўқибди:

Яхши турмуш кечирасан, доим яхши турасан,
Нима учун эртадан-кеч хавф қилмадинг, қўрқмадинг?
Тун тинчлиги сени алдар, ётиб, юлдуз қўрасан,
Аммо чақмоқ, булутлардан ҳайиқмадинг, ҳуркмадинг?

У шеърни битирган ҳамон бирор эшикни тақиилатибди. Нуриддин эшик очиб қараса, Вакил экан. Улфатларидан бири унинг орқасидан яширинча бориб, гапга қулоқ солиб турибди.

– Нима гап, – дебди Вакил. «Шу пайтгача сўзламай юрган гапим бор», – дебди у. «Хўш», – дебди Вакил. «Қўлимда бир дирҳамдан озроқ пул қолди, холос. Мана, чиқимларни ёзиб бораётган дафтарим», – дебди Нуриддин.

Нуриддин бошини қуий солибди. Уларнинг гапларини эшишиб турган Нуриддиннинг улфатларидан бири бу воқеани дўстларига етказибди.

– Энди нима қиласизлар, Нуриддиннинг ҳеч нарса-си қолмабди, – дебди у. Шу чоқ Нуриддиннинг ўзи



кириб келибди. Нуриддиннинг қовоғидан улар аҳволни аниқлабдилар. Улфатларидан бири ўрнидан турибди-да:

– Менга рухсат берсангиз, ҳурматли Нуриддин, – дебди. «Нега?» – деб сўрабди Нуриддин.

– Хотинимнинг кўзи ёрийдиган эди, – дебди у. – Ундан хабардор бўлиб, ёнида туришим зарур.

Нуриддин унга рухсат берибди. Унинг кетидан иккинчиси қўғзалиб, жавоб сўрабди.

– Нега бугун ҳамманг жавоб сўраб қолдинг? – дебди Нуриддин.

– Акам ўғлини хатна қилдирмоқчи эди. Унинг ёнига бориб, қарашиб туришим керак, – дебди у.

Улфатларнинг ҳар бири бирор баҳона кўрсатиб, кета бошлабди. Орадан бир соат ўтмай, ҳаммалари кетибдилар. Нуриддиннинг бир ўзи қолибди. У хотинини ўз ёнига чақирибди:

– Менинг аҳволимдан хабаринг йўқ, – дебди маъюс Нуриддин Анисулжалисга.

– Эй муҳтарам, – дебди Анисулжалис, – бундан анча илгари мен шу ҳақда сенга сўзлаш фикрида эдим. Лекин сен қўйидаги байтларни ўқир эдинг:

Дунё сенга карам қилса, сен ҳам қайтар вақтида,
Қарздорликнинг ташвишидан тезроққина бўл хориж.
Бу дунёнинг касби шудир: у турмас ўз аҳдида,
Ўз аҳдида турганида, мушкулингни тезроқ еч!

Сармояни дунё дер ҳалқ, дунё ҳам бир сармоя,
Дунё талаш қилган шоҳлар, тўлдирсам дер хазинам.
Эҳсон қилсанг вақтида қил, давлатинг бениҳоя,
Оч кўзларинг қондиролмас, тўлган дунё бўлмас кам.

– Бу фикрингни эшитганимдан сўнг, – дебди Анисулжалис, – тишимни-тишимга босиб туравердим. «Эй Анисулжалис, – дебди Нуриддинали, – сенга маълумки, мен



дунёни фақат дўстларимга бағишиладим. Улар мени эвазис⁵ қолдирмаслар. Ҳозир уларнинг уйига бораман. Улардан бирор нарса ундирам сармоя қиласман. Савдо қила бошлайман. Ўйин-кулгини ташлайман.

Ўша ондаёқ Нуридин ўрнидан турибди. Тўппа-тўғри дўстлари турадиган кўчага борибди. Ўнта бойваччанинг ҳаммаси ҳам бир қўчада туришар экан. У биринчи эшикни тақиллатган экан, чўри хотин чиқиб, эшик очибди:

– Сен кимсан? – деб сўрабди у. Нуридин жавоб берибди: «Хўжайнинингга кириб Нуриддинали эшик олдида эҳсонингни кутади, дегин», – дебди.

Чўри хотин ичкари кириб, хўжайнинга ҳалиги сўзларни айтибди. Сўнг дарров қайтибди-да: «Хўжайн уйда йўқ эканлар», – деб жавоб берибди. Нуриддинали хомуш қайтибди. Йўлда кетиб борар экан, ўзича: «Бу баҳиллик қилиб, менга учрашишдан бош тортди. Лекин бошқалар бундай қилмасалар керак», деб ўйлабди-да, иккинчи ўртоғининг эшигини тақиллатибди. Яна ўша ҳол такрорланибди. Нуридин шу байтни ўқибди:

Келганида кабоб билан меҳмон қилган дўстларим,
Энди келсам, мендан безиб, ерга қараб тургай, жим!

Нуридин уларнинг ҳаммасини синаб чиқишига қарор берибди. «Балки, – дебди ўзича, – булар орасида ҳаммасининг ўрнини босувчи бирор киши топилиб қолар». Нуридин ўзи ўйлаганча уларнинг ҳаммасиникига борибди. Бироқ уларнинг ҳеч бири унга эшик очмабдилар. Биронта куйган кулча синдиришга ҳам ярамабдилар.

Бахти кетса хазонрезлик фаслидек,
Болта тушар шу дараҳтнинг бошига.
Бебаҳт одам кеча-кундуз серҳадик,
Кўрпада ҳам тош ботар ёнбошига.

⁵ Эваз – қуруқ қолдирмаслик.



Ташлаб кетар бирга даврон сурғанлар,
Ёлғиз қолиши – шу ҳам ўзи баҳтсизлик.
Сўз дўндириб, ширин суҳбат қурғанлар,
Кўринади сенга бир бетамиздек.

Шум замоннинг фарзанди ҳам шундай шум,
Замонанинг ўзи каби ноинсоф.
Дуч келганда қулоқ беркит, кўзни юм,
Агар бўлса ҳақиқатан қалбинг соф.

Қайғу-изтироб чеккан Нуриддин Анисутжалис ёнига
қайтибди.

– Буларнинг ҳеч бири фойда бермайди деб айтибмидим», – дебди Анисутжалис. «Лоақал, – дебди Нуриддин, – уларнинг бирортаси менинг қаршимга чиқмади ҳам».

– Ҳафа бўлма, – дебди Анисутжалис. – Уй ашёларини сотсан ҳам анча яшаймиз. Нуриддин уй ашёларини сота бошлабди. Уйда бор нарсалар ҳам тугабди. Қоқишига қозиқ, осишга хурмача ҳам қолмабди. «Энди нима қила-
миз?» – дебди Нуриддин Анисутжалисга термулиб.

– Эй ҳурматлигим, – дебди Анисутжалис, – фикрим-
ча, ҳозир ўрнингдан тур, мен билан бозорга бор-да,
мени сот. Яхши биласанки, отанг мени ўн минг динорга
олган эди. Ҳозир ҳам шу баҳого яқинлашиб борсам
ажаб эмас. Зора яна баҳтинг қайтиб бирга турсак, –
дебди Анисутжалис. «Эй Анисутжалис, – дебди Нурид-
дин, – сендан бир дақиқа ҳам ажралишга тоқатим йўқ».

– Менга бу иш енгил деб ўйлайсанми, – дебди Ани-
сулжалис. – Лекин зарурат.

Шоир айтганидек:

Зарурият бошлар доим кишини,
Файри ахлоқ, номуносиб йўлларга.
Қилмоқ учун бу эҳтиёж ишини,
Бошинг оғар саҳроларга, чўлларга.

Зарурият юки оғир, елкангни
Букса агар, финг дейишга не чора.
Зарурият қылса яғир елкангни,
Түхтамайсан, интиласан тобора.

Зарурият очиқ күзни күр қилгай,
Күринмайды сенга дўсту қадрдон.
Чумолини, ҳатто шерни зўр қилгай,
Йўл босасан гоҳ ошкор, гоҳи пинҳон.

Нуридин ӯрнидан турибди-да, Анисутжалисни эргаштириб жўнабди. Кўз ёшлари ёмғирдай оқиб, хаёлидан шу байтларни ўтказибди:

Тўхта! Кетмай туриб, боқ менга қиё,
Хижрон дардларига бўлсин тасалли.
Ё кетма қошимдан, лутф аллагин ё,
Сен чиқмай, жоним ҳам чиққан йўқ ҳали.

Сен ҳаёт ёмғири, мен ташна бунда,
Қани инсоф сенда? Э шўхи дил санг!
Мен кезсам кўйингда, қон ютсам тунда,
Яна «Сени ташлаб, кетгайман», десанг!

Нуридин Анисутжалисни қуллар бозорига элтиб, уни далполга топширибди.

– Эй ҳожи Ҳасан, бунинг баҳосини аниқла! – дебди у.
– Хўжам Нуридинали, – дебди далпол, – бозор қоидапари кўзда тутилади. Бу канизни отанга ўн минг динорга олиб берганим, Анисутжалис эмасми? «Ҳа», – дебди Нуридинали.

Далпол бойлар ёнига борибди. Лекин улар ҳали ийғилмаган эканлар, ийғилишларини кутибди. Бозор турлитуман қуллар, канизлар билан тўлаверибди. Улар орасида ҳар турли тоифалар: турклар, румликлар, каркаслар, ҳабашлар, гуржистонниклар ва бошқалар бор экан. Ҳамма бойлар тўпланишибди. Далпол турган еридан юқорироқ бир ерга чиқибди.



– Эй савдогарлар, эй пулдорлар! Эшитмадим деманглар! Ҳар бир юмалоқ нарса ёнғоқ бўлмайди. Ҳар бир чўзинчоқ нарса қовун, ҳар бир қизил нарса гўшт бўлмайди, ҳар бир оқ нарса ёғ, ҳар бир қизил сув май бўлмайди. Менда бир бебаҳо дур бор, бунга қанча сўрашим керак?

– Тўрт минг беш юз динор деб қичқир! – дебди бир бой.

Жарчи унинг баҳосини тўрт минг беш юз динордан бошлабди. Жарчи биринчи бор чақиришидаёқ вазир Алмуъин ибн Сови пайдо бўлибди. Унинг кўзи Нуриддинга тушиб, ўзича:

«Отасидан қолган дунёга канизак олгани келгандир», деб ўйлабди. Вазир атрофга назар ташлаб, жарчига кўзи тушибди. Унинг атрофини бойлар ўраб олган эмиш.

Бу ҳодисани қўриб, вазирнинг фикри ўзгарибди: «Балки унинг ҳеч нарсаси қолмай канизаги Аниусулжалисни сотгани келтиргандир. Ана бу кўнгилдагидек иш бўлди».

У жарчини чақиртирибди. Жарчи келиб, вазирга салом берибди. Тиз чўкиб, ер ўпибди.

– Бу канизни мен оламан, – дебди вазир.

– Жуда соз, – деган жавобни берибди жарчи.

У канизакни келтирибди. Аниусулжалиснинг ширин сўзи вазирни мафтун этибди.

– Бу канизнинг нархи неча пул бўлади? – деб сўрабди вазир даллолдан. «Савдони очиш учун тўрт минг беш юз динор баҳо қўйдилар», дебди даллол.

– Тўрт минг беш юз динор мен бераман, – дебди вазир.

Бойлар вазирнинг бу савдога аралашгандигини қўриб, бир дирҳам ҳам қўшаолмадилар. Аксинча, Алмуъин ибн Сови даллолга ўқрайиб:

– Нимага қараб турибсан! Ҳўжасига бор-да, менинг номимдан тўрт минг беш юз динор таклиф қил! Беш юзи ўзинга, – дебди.

Даллол Нуриддиналиининг ёнига бориб:

– Эй ҳурматли! Канизагинг бекор кетди, – дебди.

– Нега? – дебди Нуриддин.



Далпол сўз бошлабди: «Ноинсоф вазир Алмуъин ибн Сови бозор айланиб юрган экан, олдимиизга келди. Анисула-лисни кўрди. Вазирга каниз маъкул бўлиб, менга шундай деб айтди: «Менинг номимдан тўрт минг беш юз динорга кўнди! Беш юз динор ўзинга». Канизакнинг сеники эканнини вазир билган бўлса керак, у атайлаб қистовга ола-ётири. У пулни нақд берса ҳам майли эди. Мен уни яхши биламан, сенга пул бермайди. Фақат бирорга тайинлаб қоғоз ёзиб беради, орқасидан унга ҳеч нарса бермасин, деб киши юборади. Пулга борганингда, ҳозир берамиз, деб галга солади. Ҳар куни сени қатнатиб чарчатадилар. Охири ўzlари ҳам бу ишдан зерикадилар. Сендан қоғозни сўрайдилар. Кўз олдингда уни йиртадилар: канизак учун оладиган пулинг тамоман йўққа чиқади».

– Нима қилиш керак, – деб сўрабди Нуриддин.

– Фикримча, – дебди далпол, мен бозор ўртасида турган вақтимда сен борасан-да қўлимдан канизакни тортиб оласан, уни урасан, унга дўқ қиласан-да: сени бозорга олиб бориб, жарчи чақиртирмасамми, деб сўз олган эдим, сўзимнинг устидан чиқдим. Бозорга келтирдим, деб канизакни олиб, йўлга тушасан. Вазир ҳам, бошқалар ҳам қасамни бажариш учун келтирган экан, деб ишонадилар.

– Жуда яхши маслаҳат, – дебди Нуриддин.

Далпол дарров бозорга бориб, канизакнинг қўлидан тутиб турибди. Нуриддинали далпол ёнига келаётган экан, далпол уни вазирга кўрсатиб: «Эй ҳурматли зот, мана, канизак соҳиби келаёттир», дебди. Нуриддин келиб, далпол қўлидан канизакни тортиб олибди-да, уни бир шапалоқ уриб: «Эй лаънати, энди сўзимнинг устидан чиқдимми, уйга кет, иккинчи мен билан ўчакишма! Пулга муҳтож эмасман. Уй асбобларимни сотсан ҳам пули сенинг ўн баҳонга тўғри келади», дебди Нуриддин. Вазир Алмуъин ибн Сови бу сўзни эшигтгач:

– Ҳайф сенга, сенда оладиган, сотадиган уй асбоби қолибдими, – дебди пешонасини тириштириб. У ғазаб-



ланганидан Нуриддинни тутиб ургиси келибди. Ҳамма Нуриддинга қарапмиш.

– Бу кишининг қўполлигини ҳаммаларингиз кўриб турбисизлар, – дебди Нуриддин одамларга. «Агар сизлар бўлмаганингизда, – дебди вазир, – уни шу ердаёқ ўлдирап эдим».

Турганлар Нуриддинга кўзлари билан «бўш келма» дегандек, ишорат қилибдилар. «Ҳеч биримиз сизларнинг ўрталарингизга тушмаймиз», дейишибди.

Нуриддин вазирнинг сўзларини эшитгач, тутақиб вазир яқинига борибди. Нуриддин баҳодир, довюрак йигит экан. У бирдан вазирни эгардан тортиб олиб, ерга урибди. Вазир чалқанча лойга йиқилибди. Нуриддин уни роса савалабди. Мушти билан тўғри келан жойига тушираверибди. Бир мушт унинг жағи устига тушиб, тиши қонаб кетибди. Соқоллари қонга бўялибди. Вазирнинг ёнида ўнта қули бор экан. Улар бу ҳолни кўргач, қилич бандига қўл узатибдилар. Қилич яланғочлаб, Нуриддинга ҳужум қилмоқчи эканлар, одамлар уларга:

– Бири вазир, бири вазирнинг ўғли бўлса, балки улар бир-бирлари билан ярашиб кетишар. Икки орада сизлар бунга ҳам, унга ҳам хунук кўриниб қоласизлар. Мободо қилич зарбаси Алмуъинга тегиб қолса, ҳаммангиз ҳам мудҳиш ўлимга маҳкум бўласиз. Сизлар учун энг яхши маслаҳат, булар орасига тушмаслик, – дейишибди.

Нуриддин уришдан тўхтабди. У ўзининг канизагини олиб, уйига кетибди. Вазир ўша ондаёқ йўлга тушибди. Унинг кийими лой ва қон билан бўялибди. Шу аҳволда у сulton олдига кириб борибди-да, «менга зулм қилдилар», деб фарёд қилибди.

Уни сulton яқинига олиб борибдилар. Сulton бундай қараса, қаршисида турган бош вазир Алмуъин ибн Сови эмиш.

– Сени бу ҳолга тушурган ким бўлди? – деб сўрабди сulton.

Вазир кўз ёш тўкиб, ёқаларини пора-пора қиласар экан, шу шеърни ўқибди:



Фам кўнгил уйини вайрон этди, эй жони ширин,
Ўзни олдинг четга, бу жонимга маҳрам бўлмадинг.
Кўрмадим сенда вафо расмиятигининг ҳеч бирин,
Синди кўнглим, бу синиқ кўнглимга малҳам бўлмадинг.

– Эй ҳурматли шоҳ, – дебди вазир, – сени дўст тутиб, қуллук қилувчиларга шундай зулм ва тажовуз лозимми?

– Сенга нима бўлди, ким бундай қилди, ахир сенинг ҳурматинг, менинг ҳурматим эмасми? – дебди бақириб султон.

– Мен бугун, – дебди вазир, – бозорга бир чўри олмоқ учун чиққан эдим. У ерда жуда ҳам чиройли бир канизакни учратиб қолдим. Бундай чиройли аёлни биринчи қўриш им эди. Уни жаноби олийлари учун олишга жазм қилдим. Далполдан канизакни ва унинг соҳибини суриштирдим. Далпол менга канизакни Алфазл ибн Нуриддинга тегишли эканини сўзлади. Маълумки, жаноби олий бир вақт унинг отасига ниҳоят ҳуснли бир каниз олиш учун ўн минг динор пул берган эдилар. Вазир шу пулга жуда ҳам чиройли бир каниз олган эди. Канизак ғоят даражада гўзал бўлгани сабабли уни жаноби олийларига лойиқ кўрмай, ўз ўғли Нуриддинга берган эди. Отаси ўлгандан кейин вазирнинг ўғли ҳамма бору йўғини сотиб еди. Ҳеч нарса қолмагандан кейин бугун бозорга ўша канизни келтириб, сотиш учун далполга топширган экан. Далпол бозорга солибди. Бойлар унинг баҳосини тўрт минг беш юз динорга олиб боргандар. Ахир бошдаёқ шоҳимиз унинг ҳаққини берган эдилар, пул ҳаромга чиқмади, деб суюндин. Нуриддинга тўрт минг динор ол, дедим. Бу сўзни эшитиши билан Нуриддин: «Эй аҳмоқ чол, – деб қичқирди.

– Мен яхудийга сотаман, сенга сотмайман». «Мен ўзим учун эмас, шоҳимиз учун оламан», – дедим. У бадтар ғазабланиб, мени отдан даст қўтариб олди. Муштлаб ура бошлади, тепди, кўриб турибсиз, мана шу ҳолга тушурди. Мен бу азобларга фақат сиз учун, сизга канизак сотиб олиш учун йўлиқдим». Вазир шу сўзларни деб ўзини ерга



отди. Кўз ёши тўқди. У титгари. Вазирни бу ҳолда кўрган султон ғазабланиб, қарсак чалибди. Бирдан қилич яланғочлаган қирқ киши унинг ёнида ҳозир бўлибди.

– Ҳозир Нуриддиналининг уйига боринглар, – дебди уларга шоҳ, – уйини тингинглар, бузинглар, Нуриддин билан канизининг қўлларини боғлаб, ҳузуримга судраб келинглар!

Улар «Бош устига», дейишибиди-ю, ўша ондаёқ Нуриддинали томонга йўл солишибди.

Шоҳнинг Алоуддинсанжар исмли бир сарой ходими бўлар экан. У илгари Нуриддиналининг отаси Алфазл ибн Хоқоннинг севган қулларидан ҳисобланар экан. Унинг вафотидан сўнг султон уни сарой хизматчиси қилиб олган экан. Алоуддин ўзининг собиқ хўжаси Алфазл ибн Хоқоннинг ўғли Нуриддин тўғрисидаги шоҳ фармонини эшишибди. Соқчилар уни ўлдиришга шайланаётганларини ўз кўзи билан кўрибди. Дарҳол шайланиб, Нуриддинали томонга от чоптирибди. Нуриддин чиқиб эшик очибди. У Алоуддинсанжарни яхши танир экан.

– Эй ҳурматли, – дебди Нуриддинга, – ҳозир соғлиқ сўрашиш, сўзлашишнинг вақти эмас.

– Нима бўлди? – дебди Нуриддин.

– Ўрнингдан тур! Ўзингни ҳам, канизакни ҳам қутқаз. Алмуъин ибн Сови ҳар иккингиз учун тузоқ қўйди. Кўлига тушишингиз билан ҳар икковингизни ҳам ўлдирали. Султон сизларни тутиб келтириш учун қирқ киши жўнатди. Улар йўлда келаётирлар. Менинг фикримча, тезлик билан бошқа бир томонга қочиш зарур, – дебди у. Кейин ёнига қўл солиб, қирқ динор пул чиқазиб берибди.

– Бор пулим шу экан. Агар бўлса қўпроқ берардим. Лекин ҳозир сўзлашиб ўтирадиган вақт эмас.

Нуриддин канизак ёнига кириб, воқеани баён қилибди. Икковлари ўша ондаёқ шаҳардан чиқиб, дарё лабига борибдилар. Баҳтларига кема тайёр экан. Кемачи кема ўртасида туриб олиб: «Кимларнинг қандай ишлари бит-



маган бўлса битирсинглар, унугтан нарсалари бўлса келтирилар, жўнаймиз», деяётган экан.

– Бошқа ишимиз йўқ, дорға, – дейишибди кишилар. Дорға кема қоровулига:

– Чаққон қозикки торт! Арқонни қўйиб юбор, – деб қичқирибди.

– Кема қаёққа боради, эй дорға? – деб сўрабди Нуриддин.

– Бағдод шаҳрига, – дебди дорға.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишини тўхтатди.



Ўттиз тўрлини кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этибди Шаҳризод, – Нуриддин билан канизак кемага чиқиб ўтирибдилар. Елкан қўйиб юборилибди-ю, кема қўзғалиб, худди қанотли қуш каби тебраниб, олға томон силжибди.

Шоир жуда тўғри айтган:

Кемага боқ, кўриниши қандай соз,
Ихтиёрни тортмоқдадир ўзига.
Сузиб борар сув юзида гўё роз,
Кенг фазодан тушмиш сувнинг юзига.

Бу сузишда, шамолдан мен тез дейди,
Билмайдики, дарё жадал оқмоқда.
Кўнглим менинг шу кемада кез дейди,
Билмайдики, ҳижрон мени ёқмоқда.

Шоҳ юборган қирқ қул Нуриддиннинг уйига келиб, унинг эшигини бузидилар. Ичкари кириб, изламаган жойлари қолмабди. Лекин уларни топа олмабдилар. Уйларни вайрон қилгач, ҳамма воқеани сultonга келиб етказибдилар. Сulton:



– Қаерда бўлса ҳам уларни топинглар! – деб хитоб қилибди.

– Бош устига, – дебди қуллар.

Шундан кейин султон вазир Алмуъин ибн Совига алоҳида сарпо кийгизибди. Вазирнинг кўнгли тинчибди. Султон унга:

– Қасосингни ўзим олиб бераман, ўкинма, – дебди. Вазир унга узоқ умр тилаб, дуо қилгач, уйига қайтибди.

Султон шаҳарда жар чақиришга буюрибди. Жарчи шундай деб овоза қилибди:

– Эй халойик! Кимда-ким Алфазл ибн Хоқоннинг ўғли Нуриддинали тўғрисида хабар келтирса, шоҳ унга минг динор пул ва бош-оёқ сарпо инъом қиласи. Уни ўз паноҳида яшириб сақловчи ёки кўриб хабар қилмаган киши қаттиқ жазоланади.

Нуриддинни излабдилар. Лекин у ҳақда ҳеч қандай хабар бўлмабди.

Нуриддин канизаги билан соғ-саломат Бағдод шаҳрига етиб борибди. Дорға уларга:

– Обод, тинч Бағдод шаҳрига етдик, – дебди.

Бу ердан қиш кетиб, баҳор келган, гуллар очилиб, дараҳтлар кўкарған, анҳорларда эса сув шарақтаб оқиб ётган эмиш.

Нуриддин дорғага беш динор пул бериб, канизаги билан кемадан тушибди. Бирозгина йўл юрган экан, бир ажойиб боғи азимга етибдилар. Кўчаларга сувлар сепилган, йўл четига курсилар қўйилган экан. Аммо боққа кириш эшиги берк экан.

– Жуда ажойиб жой экан, – дебди Нуриддин. «Бироз ўтириб дам олсак», дебди канизак. Улар курсига ўтирибдилар. Юз-қўлларини ювив, дам олибдилар. Эсиб турган ёқимли шамол уларнинг уйқуларини келтирибди. Улар бироз ухлабдилар.

Бу боғ шодлик боғи деб аталар экан. Боғ ичидаги халифа Хорун ар Рашид томонидан бино қилинган ажойиб сарой бор экан. Халифа хафа бўлган кезларда кўнгил очиш учун шу саройга келиб, дам олар экан. Сарой



атрофида саксонта дераза бўлиб, деразаларнинг ҳар бирiga биттадан шамдон осилган экан. Айниқса сарой ўртасига осилган катта олтин шамдон кишини ўзига жалб этаркан. Халифа саройга келганда, қулларга дера-зани очишни буюаркан. Қизлар билан надими Исҳоқ ибн Иброҳимга ашула айтишни амр қиласаркан. Шу билан ўз қайғуларини унутиб, хушвақт бўларкан. Боғда Шайх Иброҳим исмли қари бир боғбон яшаркан.

Нуриддин билан Анисулжалис келган чоғларида у бир иш билан боғдан чиқиб кетган экан. Кўп ўтмай қайтиб келибди-ю, боғда икки киши чойшаб ёпинишиб ухлаётганини кўриб ғазабланибди. Халифа боғбонга «Боғда кимни кўрар экансан, билганингни қил!» деган экан. Шайх пойлаб юрар экан.

«Бу ерга киргандарни ўлдиришга, халифа менга рухсат берганини булар билмагандир», деб ўйлабди-да, бундан кейин кишилар боғнинг дарвазасига яқинлашмасликлари учун уларни бу сафарча азоблаш билан чегараланмоқчи бўлибди. Уларнинг ёнига бориб, чойшабнинг бир чеккасини кўтарган экан, қўллари кўринибди. Жазолашни мўлжаллабди. Уришга қўл кўтарибди-ю, аммо урмай ўзича ўйлабди: «Буларнинг ҳол-аҳволини билмасдан туриб уриш мусулмончилликка тўғри келмас, балки булар мусофирдир, сайёҳдир. Бир ерга бирор иш билан келгандир. Яхиси, буларнинг устларини очай, юзларини кўрай», дебди-да, юзларини очибди. Қараса, ҳар иккиси ҳам жуда чиройли эмиш. Шайх жазо бериш фикридан қайтиб, уларнинг юзларини беркитибди. Нуриддиннинг оёқ томонига ўтиб секингина туртибди. Нуриддин кўзини очиб қараса, оёқ томонида бир мўйсафид турган эмиш. Нуриддин хижолат аралаш оёғини йифиб, салом берибди. Улар кўришибдилар. Нуриддин Шайхнинг кўлини ўпибди.

– Қаердан келдинглар? – деб сўрабди Шайх. «Биз мусофирилиз», дебди Нуриддин кўзларига ўш олиб. «Боғ жуда чиройли, айланиб томоша қиласанглар, кўнгиллап-ринг очилади», дебди Шайх Иброҳим. «Бу кимнинг боғи, ота?» дебди Нуриддин.



«Бу боғ отамдан мерос», дебди у (Шайх бу сўзни улар тортиномай боққа кираверсинглар деб жўрттага айтибди). Шайхнинг сўзини эшигтан Нуриддин унга миннатдорчилик билдирибди. Шу чоғ Анисуљалис ҳам ўрнидан турибди. Шайх уларни бошлаб йўлга тушибди. Эшик устига ўрнатилган чиройли қубба мисли кўрилмаган зийнатли эмиш. Эшик олдига чиройли қилиб ишланган ток сўриси, худди шийпон каби алоҳида манзара бериб турганмиш. Сўридаги қоп-қора чарос, сап-сариқ ҳусайнини узумлар кўзни қамаштирагмиш. Улар ичкарироқ кирибдилар. У ерда бир томонда бир неча хил мевалар бир дарахтга пайванд қилинган, иккинчи тарафда якка ўтирилган мевалар кишини ҳайратта солармиш. Дарахт шохларида сайраб турган турли-туман қушларнинг ёқимли овозлари кўнгилларга ором баҳш этармиш. Бу боғда ҳар хил шафтолилар, турли хил олма, нок-нашватилар, ўриклилар, опчалар, гипос, олхўри, ёнғоқдан тортиб лимон ва апелсинларгача, хуллас дунёда мавжуд бўлган меваларнинг ҳар туридан бир жуфтдан бор экан. Уларнинг ҳар бири ўз қатори билан ўрнатилган экан. Махсус гулзорда ҳар қандай гул навлари топилар, улар ўзларининг чечакларига мос, бир ерга хил-хили билан чиройли қилиб ўрнатилганлигидан, атайлаб қўл билан қилинган гулдаста манзарасини бериб туаркан. Киши бу гуллардан узоқ вақт кўз узолмай, мафтун бўлиб қоларкан.

Шайх Иброҳим уларни энг баланд қасрга олиб чиқибди. Нуриддин саройни кўриб, ҳайрат денгизига чўмибди. Юқорида айтилган деразалар ёнидаги шамдонларни ўз кўзи билан кўрибди.

– Буни сарой деса бўлади, – дебди Нуриддин.

Улар ўтирибдилар. Шайх Иброҳим овқат келтирибди. Улар овқатланиб бўлганларидан кейин кўлларини ювибдилар. Нуриддин деразалардан бирининг ёнига бориб хотинини ёнига чақирибди. Улар ўтириб, у ердан ҳали пишиб етилмаган турли дарахтлар мевасини томоша қилибдилар. Нуриддин Шайх Иброҳимга эгилиб:



– Бирор ичимлигингиз йўқми, ота, одатда овқатдан кейин одамлар ичимлик ичадилар-ку, – дебди.

Шайх Иброҳим муздек ширин сув келтирибди. «Эй ота, дебди Нуриддин, – бу мен айтган ичимлик эмас». «Сен мусаллас сўраётиссанми?» дебди Шайх Иброҳим.

– Ҳа, – деган жавобни берибди Нуриддин.

– Ҳудо сақласин, – дебди Шайх Иброҳим.

– Мен ўн уч йилдан бери шароб тайёрлашни ташлағанман. Зероки, пайғамбаримиз унинг ясовчисига ҳам, ичувчисига ҳам, сотувчисига ҳам қарғиши ёғдирадилар.

– Ота, – дебди Нуриддин, – икки оғиз сўзим бор эди. «Гапир», дебди Шайх. «Сиз уни тайёрламасангиз, ичмасангиз, сотмасангиз, сиз учун зарари борми?» «Йўқ».

– Бўлмаса, мана бу икки динору икки дирҳамни олинг-да, эшакка мининг. Ичимлик дўконидан узоқроқда туриб сотувчини чақиринг, унга «Хизматингга бу икки дирҳамни ол, мана бу динорга ичимлик келтириб, эшакка орт», денг! Сиз олган ҳам бўлмайсиз, келтирган ҳам бўлмайсиз, сизга ҳеч зарар етмайди.

Шайх Иброҳим унинг гапларига кулиб:

– Сендан шириңсўэроқ одамни дунёда кўрмаган эдим, – дебди-да, унинг таклифини бажарибди.

Нуриддин Шайхга ташаккур билдирибди:

– Биз сизнинг ихтиёрингиздаги меҳмонмиз. Қоидага мувофиқ биз билан улфатчилик қилмоғингиз лозим. Бизга шароб ичиш учун идиш керак.

– Ҳужрага кириб, хоҳлаганингни ола қол, бу ерда истаган нарсанг бор, – дебди Шайх Иброҳим.

Нуриддин ҳужрага кирибди. У ерда олтиндан, кумушдан ясалган ҳар турли май қадаҳлари бор экан. У олтин қадаҳлардан олиб чиқиб, май қуя бошлабди. Нуриддин жуда шод ва мамнун эмиш. Шайх Иброҳим уларга меваляр, гуллар келтирибди-да, ўзи узоқроқ бир жойга бориб ўтирибди. Улар ича бошлабдилар. Орадан кўп ўтмай, ичкилик ўз таъсирини кўрсата бошлабди. Хумор қараşлар бошланибди, соchlар тарқоқ тусга кириб, ранглари



ўзгарибди. Шайх Иброҳим ўзича: «Нега мен шундай ҳур каби меҳмонлар ёнидан узоқда ўтираман», деб ўйлабидида, яқинроққа – шийпонга келиб тиз чўкибди. Нуриддин унга: «Эй ҳурматли ота, ёнимизга кел», дебди.

Шайх Иброҳим келибди. Нуриддин қадаҳни тўлдириб унга тутибди-да: «Ота, мазасини татиб кўр!» дебди. Шайх бўлса:

– Худо сақласин, ўн уч йилдан бери бу ишни қилган эмасман, – дебди.

Нуриддин ўзини мастиликка солиб ётиб олибди. Шунда Анисулжалис Шайх Иброҳимга тикилиб:

– Унинг қилган ишини кўринг, ота, – дебди. «Нима бўлди?» деб сўрабди Шайх Иброҳим.

– У мен билан доим шундай муносабатда бўлади. Озгина ичиб олади-да, мени ёлғиз қўйиб ухлайверади. Бир ўзим қоламан. Мен билан бирга ичишадиган, сўзлашиб ўтирадиган, қадаҳ тутадиган, ашула эшитадиган киши бўлмайди. Юрагим сиқлади.

Бу сўзни эшитиб, Шайхнинг аъзолари ҳаракатга келибди. Қизга майли ортибди.

– Бу нобоп иш-ку, – дебди Шайх.

Анисулжалис қадаҳни тўлдириб, Шайх Иброҳимга қарабди: «Шуни иссангиз-чи, қайтарманг, кўнглимга даво қилинг», деб сўрабди қиз. Шайх Иброҳим қадаҳни Анисулжалис қўлидан олиб ичибди. Аёл иккинчи марта қўйибди-да, қадаҳни шамдон ёнига қўйибди. «Эй ҳурматли, – дебди қиз, Шайх Иброҳимга нозистигно билан, – мана, шу сизники». «Мен уни ичолмайман, – дебди Шайх, – бу ичганим ўзи етар». «Ичмаганингизга қўймайман», дебди қиз.

Шайх қадаҳни олибди. Оддингидан кўра енгилроқ ичибди. Қиз Шайхга учинчи марта қадаҳ тутибди. Шайх қадаҳни олибди. Энди ичмоқчи бўлиб турган экан, Нуриддин ўрнидан туриб ўтирибди.

Қисса шу ерга етгандан тонг отди. Шахризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Ўттиз бешинчи кеча

– **Э**й саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод, – Нуриддин дебди: «Шайх Иброҳим бу қандай гап, қанча илтимос қилдим. Ўн уч йилдан бери оғзимга олмайман деган баҳона билан ичмадинг». «Айб менда эмас», дебди Шайх, хижолат тортиб. Нуриддин кулибди. Улар ича бошлабдилар. Анисулжалис эрига назар ташлаб, Шайхга бермасликни ишора қилибди. Жувон май қуйиб, ўз хўжасига узатибди, хўжаси эса қуйиб унга қайтарибди. Улар шу йўсинда бир-бирларига май узатаверишибди. Шайх Иброҳим уларга қараб:

– «Улфатчилик шундай бўладими? Ахир мен ҳам сизларга улфат бўлдим-ку! Нега менга бермайсизлар? – дебди.

Улар Шайхнинг сўзини эшишиб кулибдилар-да, унга ҳам қадаҳ тута бошлабдилар. Суҳбат алламаҳалга чўзилибди. Канизак Шайх Иброҳимга:

– Бу шамдонлардаги шамларни ёқишига рухсат берсангиз, мен туриб ёқардим, – дебди.

– Тур. Фақат ҳар биридан биттадан ёқ, – дебди Шайх.

Қиз биринчисидан бошлаб саксонинчисигача ёқиб чиққаҷ, ўрнига келиб ўтирибди.

Нуриддин ҳам шамлардан бир нечасини ёқишини сўрабди.

– Майли, сен ҳам биттадан ёқа қол, – дебди Шайх Иброҳим. Нуриддин ўрнидан турибди. У ҳам биринчидан саксонинчи қандилгача ёқибди. Сарой биноси жонланиб кетибди.

Шайх Иброҳимга май таъсир қилибди, у ўрнидан туриб, ҳамма деразаларни оча бошлабди. Улар ўтиришиб, ичишни давом эттирибдилар. Шеърлар ўқиб, ашулаляр айтишибди. Шам нурлари қоронғи тунда саройни товлантирибди.

Шу пайт халифа ой ёруғида Дажлага қараган дераза олдида ўтирган экан. У Дажлага тушган қандил ва шам-



лар нүрини кўрибди. Шоҳ дарҳол вазири Жаъфар бармакини чақиртирибди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай вазир халифа қаршисида тиз чўкибди.

– Эй мурдор, – дебди халифа ғазаб билан, – нега сен ўз вазифанга совуққонлик билан қарайсан? Бағдод шаҳрида бўлаётган воқеа-ҳодисалардан мени хабардор қилиб туриш сенинг вазифанг эмасми?

– Шоҳ нима истайдилар, тушуна олмадим, – дебди Жаъфар.

– Агар Бағдод шаҳри мендан тортиб олинмаган бўлса, – дебди халифа, – санъат саройида шамлар ёнмас эди. Унинг деразалари очилмас эди. Ҳайф сенга! Бу жиноятни қилишга журъат этган ким бўлди? Бундай воқеа халифалик мендан тортиб олингандагина юз бериши мумкин.

Жаъфар бу ҳолдан ҳайратланибди. «Санъат саройи-нинг шамлари ёнган, деразалари очилганини ким айтди», – дебди Жаъфар халифага, изтироб билан.

– Ёнимга кел-да, ўз кўзинг билан кўр! – дебди халифа.

Жаъфар халифа ёнига келиб, боғча томонга қарабди. Ҳақиқатан ҳам сарой ёниб турганмиш. Вазир ўзича: «Бу иш, албатта, Шайх Иброҳимнинг разиллиги билан бўлган. У бирор манфаат юзасидан қилган бўлса керак», деб ўйлабди-да, Шайх Иброҳимни оқлаш, уни қутқазиш мақсадида халифага: «Ўтган ҳафта, – дебди у салмоқ билан, Шайх Иброҳим менга, – Эй хўжам, Жаъфар, жонаби халифамиз ва сенинг давлатингда, мен ўғилларимнинг хатна тўйини ўтказиш орзусидаман», – деган эди. Сенга нима керак десам, «болаларим тўйини саройда ўтказиш учун халифадан рухсат олиб берсанг», – деди. Хотиржам бўл, ҳозирлик кўра бер! Мен халифага айтаман, деб жанобларининг илтифотлари юзасидан розилик билдирган эдим. У менга ишониб кета берибди. Мен эса жаноби олийга хабар беришни унутибман». «Эй Жаъфар, – дебди халифа, – менинг наздимда бир жиноятинг бор эди, икки бўлди. Биринчиси: бу хабарни менга етказмагансан, иккинчиси: сенга бу сўзни айтишдан Шайх



Иброҳимнинг мақсадини тушунмагансан. Ахир у сенга келиб бу сўзларни айтганда, мақсади бироз ёрдам сўраш бўлган, сен унга ҳеч нарса бермагансан». «Мен унугтганман», дебди Жаъфар. «Мен, – дебди халифа, – қолган кечни унинг ёнида ўтказаман. Шайх Иброҳим жуда инсофли киши. Қариялар, фақирлар, қаландарларни ҳурмат қиласди, уларга ғамхўрлик кўрсатади. Улар ҳам Шайх ёнига йиғилишиб турадилар. Зора, улардан бирортасининг дуоси хосияти билан икки дунёмиз обод бўлса, боришимдан у ҳам, унинг дўстлари ҳам хурсанд бўладилар». «Эй муҳтарам халифа, дебди Жаъфар. «Вақт оғиб қолди. Улар, албатта, тарқалиш олдида бўлсалар керак».

Халифа бўлса, албатта, бориш кераклигини уқтирибди. Жаъфар ҳеч сўз деёлмай жим қолибди. Халифа Дажла қирғонидан ойнинг ёруғида боғчасарой шамларининг нурини аниқ кўрибди. Халифа шу ондаёқ ўрнидан туриб, йўлга тушибди. Жаъфар билан Масрур унинг олдида борибдилар. Улар қиёғаларини ўзгартириш учун савдогарларча кийинган эканлар. Орадан кўп ўтмай бокқа етибдилар. Боғнинг эшиги очиқ экан. Халифа ичкари кириб ҳайрон бўлибди.

– Буни қара, – дебди халифа, – боғнинг эшиги очиқ. Нега шу вақтгача Шайх Иброҳим боғнинг эшигини очиб қўйган экан? Бундай одати йўқ эди-ку!

Улар ичкари кириб борибдилар. Боғнинг охирига етгач, сарой ёнида тўхтабдилар.

– Эй Жаъфар, – дебди халифа, – мен ичкари киришдан олдин, шу ердан бир қарамоқчиман. Бугун боғда қандайдир бир ўзгача ҳол юз берган. Эшик очиқ. Биз шу ерга етдиг-у, аммо ҳеч қандай товуш ҳам эшитилмади.

Халифа сарой деразалари кўринадиган баланд бир ёнгоққа чиқиб ичкарига қарабди. Кўрсаки, худди ўн тўрт кунлик ойдек бир жувон билан бир йигит сархуш ўтиришганмиш. Улар ёнида Шайх Иброҳим қўлида қадаҳ тутиб, кайф сураётган эмиш, у қизга қараб: Мусиқасиз



шаробнинг завқи йўқ деганлар, шоир шеърини эшитмаганмисан деб, ушбу байтларни айтаётганмиш:

Соқий! Айлантиргин тез-тез паймона,
Ой майни сипқориб, тутмоқда коса.
Чолғу овозига тўлсин майхона,
Биз ҳам жўр бўлишиб, куйлайлик роса!

Халифа Шайх Иброҳимнинг бу жиноятини мушоҳада қилгач, фоят ғазабланибди. У дарахтдан тушиб, Жаъфарга дебди: «Мен бунгача авлиёларнинг бу ҳолатларини кўрмаган эдим. Сен ҳам дарахтга чиқиб томоша қилип, бу ҳолатдан баҳрасиз қолма!» Бу сўзни эшишиб, Жаъфар ҳайратга тушибди, нима қилишини билмай қолибди. Нуридин, Шайх Иброҳимни ва канизакни кўрибди. Шайх Иброҳимнинг қўлида қадаҳ бормиши.

Пастга тушиб, халифа олдида қўл қовуштирибди.

– Яхши ҳамки тариқатнинг ҳийлакор сирларига қараб эмас, шариатнинг очиқ қоидаларига мувофиқ амал қиласиз, – дебди халифа.

Камоли ҳайратдан Жаъфар оғиз ҳам очолмай қолибди. Бу ишга халифанинг ақли бовар қилмай:

– Буларни бу ерга ким олиб келди-ю, ким менинг саройимга киритди экан? Бундай чиройли йигит ва гўзал қизни умримда биринчи кўришим. Эҳтимол, буларга тенг ҳусндорнинг ўзи ҳам йўқдир, – дебди.

– Ҳақ гапни айтдингиз, – дебди Жаъфар халифага.

Жаъфар хурсанд бўлибди. У халифанинг ғазабдан тушганига, уларни кечиришига ишончи комил экан.

– Эй Жаъфар, – дебди халифа, – ҳали обдон кўрманинг, шохга чиқиб қара.

Ҳар иккиси ҳам дарахтга чиқишибди. Деразага яқин бўлған шохга ўтиришибди.

– Эй муҳтарам! Шароб ичилиб, катталик ўртадан кўтарилиди, – деяётган эмиш Шайх Иброҳим. – Шароб тор симларининг садоси билангина лаззатли бўлади.



– Эй Шайх Иброҳим, агар бизнинг созимиз бўлганда, ёчек шубҳасиз, базмимиз яна ҳам мароқлироқ бўлар эди, – деган жавобни берибди Анислужалис.

Шайх Иброҳим сакраб ўрнидан турибди.

Халифа Жаъфарга:

– Қараб турчи, нима қиласар экан, – дебди.

Шайх Иброҳим бироз вақт кўздан ғойиб бўлиб, қўлида соз билан кириб келибди. Халифа диққат билан қараса, соз халифанинг машҳур чалғувчиларидан Абу Исҳоқнинг сетори эмиш. Халифа Жаъфарга:

– Агар қиз ёмон чалса ҳамманги чор михга тортаман, агар яхши чалса бир ўзингни ўлдираман, – дебди. «Худоё ёқмасин, – дебди Жаъфар. «Нега?» дебди халифа. «Чунки, – дебди Жаъфар, – агар қиз ёмон чалса, сиз ҳаммамизни чор михга тортасиз, у ҳолда биз бир-биримизни овутамиш».

Халифа унинг сўзига кулибди. Қиз созни қўлга олибди. Авжларини тўғрилаб созлабди-да, торни черта кетибди. Дилларни нағма мафтун этибди. Ашуланинг ғазали шундай экан:

Ошиғинга раҳм айла, эй гўзал зотлар,
Ундан аҳвол сўрашдир сенинг эҳсонинг.
Қаҳр этсанг, шод бўлурлар шум, беуяtplар,
Лутғ этсанг сен, кетмайди сенинг жаҳонинг.

Соз чертиб, тебранса нозик бармоқлар,
Жонсиз пардаларга жонлар киргизар.
Қошимда куйласа момақаймоқлар,
Ўлиб кетган бўлсам, қайтиб турғизар.

– Худо ҳаққи, – дебди халифа, – мен умримда бундай овозни эшитмаганман». «Халифа, ғазабдан тушишингизни ўтинаман», – дебди Жаъфар. «Ҳўп», – дебди халифа.

Халифа ҳам, Жаъфар ҳам дараҳтдан тушишибди. Халифа Жаъфарга: «Мен уларнинг ёнларига кириб, бирга ўтираман», – дебди.



Қисса шу ерга етганды тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни түхтатди.



Үттиз олтинчи кеча

– **Э**й саодатли шоҳ, – деб давом этибди Шаҳризод, – халифа: «Қиз созини ва овозини ўзининг ёнида ўтириб тинглайман», дебди.

– Эй амир, – дебди Жаъфар, – агар сен улар ёнига кирсанг, уларни ташвишга соласан. Шайх Иброҳим эса кўркувдан ҳалок бўлади.

«Кириб ишнинг ҳақиқатини билиш учун бирон чора топ!» «Юринг бўлмаса», дебди Жаъфар. Ҳар икковлари Дажла бўйига боришибди. Қарасалар, дарё бўйида бир балиқчи балиқ тутаётган эмиш. Илгари халифа Шайх Иброҳимни чақириб: «Дераза остида шовқин қилишаётганлар кимлар», деб сўраганда, у: «Балиқ тутаётганлар», деб жавоб берган экан. Халифа Шайх Иброҳимга: Уларни жўнатиб юбор, деган экан. Шундан сўнг улар бу ерга келмайдиган бўлиб кетган эканлар. Шу кеч Карим деган бир балиқчи ўтаётиб қараса, боғнинг эшиги очиқ эмиш. У ўзича «Ҳозир пайти экан, вақтдан фойдаланиб, ов қилиб қолай», деб тўрни дарёга соглан. Ҳали тўрни бир марта ҳам кўтармай туриб оёқ товуши эшитилиб қолибди. Қараса, тепасида халифа турганмиш. Халифа уни танир экан. «Ҳа, Карим», дебди.

Карим эс-хушини йўқотибди: «Худо ҳаққи, – дебди у халифага илтижо билан, – мен бу ишни сизнинг фармойишингизга бўйсунмаслик мақсадида қилганим йўқ. Балки фақирлигим натижасида мажбур бўлдим».

– Қани менинг баҳтимга тўр ташла! – дебди халифа.

Овчи шодланиб, тўр ташлабди.

Бироз тургач, тўрни тортибди. Қараса, жуда кўп ҳар хил балиқлар тушибди. Халифа ҳам жуда хурсанд бўлибди. «Эй Карим, – дебди шоҳ, – менга тўнингни ечиб бер!» Карим тўнини ечибди. Унинг чопони юз ямоқ ва жуда кир, ғоят



күпоп, оғир ҳам экан. Карим бошидаги салласини олибди. Салласининг ўралганига уч йил бўлиб, бу вақт ичидаги ҳар ерда учратган латталарни калласига чулғай берган экан. Халифа эгнидаги икки тўнини балиқчига ечиб берибди. Тўнларнинг бири Искандарий, иккинчиси Баълабакки экан.

– Буларни кийиб ол! – дебди халифа.

Халифанинг ўзи эса балиқчининг салласини ўраб, тўнини кийибди. Юзининг бир қисмини рўмол билан беркитибди. «Йўлинга кетавер!» – дебди халифа. Балиқчи халифанинг оёғини ўпибди-да, унга ташаккур изҳор қилиб, шу байтларни ўқибди:

Менинг ҳаётимни айладинг таъмин,
Мени хурсанд қилдинг, ўлгунимча то.
Бунинг эвази шу: сен бўлгин амин,
Гўрда ётганда ҳам сўзлайман, ҳатто.

Шеърини тугатгани ҳам йўқ эканки, халифанинг баданида битлар ўрмалай бошлабди. У бўйинларидан гоҳ ўнг қўли, гоҳ чап қўли билан битларни олиб ташлай бошлабди. Халифа қулиб:

– Ўлмабсан! Ҳақиқатда бу кийим тўла бит экан! – дебди.

– Эй муҳтарам халифа, – дебди Карим, ҳозир ўрганилмаган, шунинг учун безовталанаётисиз, бир ҳафтадан сўнг сезмай ҳам қоласиз. Булар тўғрисида эсламайсиз ҳам». «Демак, мен бу тўнни доим кияр эканман-да», – дебди халифа қулиб. «Бир нарса айтмоқчиман», – дебди балиқчи илжайиб. «Нима демоқчисан, айт!» – дебди халифа. «Фойдали бир ҳунар ўрганиб қўйиш учун балиқ овлашни хоҳлаган бўлсангиз, сизга шу тўн жуда мос тушди». Халифа балиқчининг гапига қулибди. Сўнг балиқчи ўз йўлига кетибди. Халифа балиқли тўрвани олибдида, Жаъфар ёнига келиб тўхтабди. Жаъфар уни Карим билиқчи деб ўйлабди. «Карим, – дебди Жаъфар бақириб.

– Бу ерда нима қилиб юрибсан, тезроқ кет! Халифа бу



кеч шу ерда, боғда. Агар кўриб қолса бошинг кетади». Жаъфарнинг сўзини эшитиб, халифа кулибди. Жаъфар кулган киши халифа эканини сезибди. «Мұхтарам халифа-миз экансиз-ку», – дебди Жаъфар. «Ҳа, – дебди халифа. – Сен вазирим бўла туриб мени танимадинг-у, Шайх Иброҳим қандай танисин. Бунинг устига у ҳушёр ҳам эмас, маст. Сен шу ерда тур, мен ҳозир келаман». Шундай қилиб халифа сарой томонга йўл олибди. Сарой эшигига борибди. Секингина эшикни қоқибди.

Нуридин Шайх Иброҳимга:

– Эшикни бирор тақиллатаётир, – дебди.

– Ким у? – дебди Шайх Иброҳим. «Мен, эй Шайх Иброҳим», – дебди халифа. «Мен Карим балиқчиман», – дебди халифа. – Мехмонлар бор эканини эшитиб, бирор балиқ келтирдим. Яхши балиқ.

Балиқни эшитиб Нуридин ҳам, унинг канизаги ҳам курсанд бўлишибди. Улар балиқни яхши кўрар эканлар.

– Эй Шайх Иброҳим, – дейишибди улар, – эшикни оч, у киши балиқни келтирсан! Шайх Иброҳим эшикни очибди. Халифа балиқчи қиёфасида ичкари кириб, Шайх Иброҳимга салом берибди. Шайх Иброҳим:

– Ваалайкум ассалом, эй ўғри қиморбоз, – деб жавоб қайтарибди.

– Кел, бизга келтирган балифинг қани? – дебди у халифага.

Халифа уларга балиқни кўрсатибди. Қарашса, балиқлар тирик, типирчилаётган эмиш. Канизак хитоб қилиб:

– Эй хурматли! – дебди балиқчига, – бу балиқ шубҳасиз яхши. Бунинг учун сизга ташаккур, лекин қовурилган бўлганда яна ҳам соз бўларди. «Жуда тўғри», – дебди Шайх Иброҳим. Сўнг у халифага: «Нега буни қовурмай келтирдинг, бор қовуриб кел!» – дебди. «Ҳозир мен сизларга қовуриб келтираман» – дебди халифа. Улар:

– Тезроқ бўл! – дебдилар.

Халифа юрганича чиқиб кетибди. Ташқари чиққач, Жаъфарни чақирибди. Жаъфар «хизмат», деб югуриб келибди.



– Улар менга балиқни қовуриб келишни буюрдилар, – дебди халифа.

– Менга беринг, қовуриб берай, – дебди Жаъфар. Халифа: «Ота-боболарим ҳурмати, буни ўз қўлим билан қовураман», – дебди-да, боғбоннинг ҳужрасига кирибди. Ўерда сих, манқалдон, това ва бошқа анжомлар ҳозир бўлиб, туз ва зираворларгача бор экан. Шоҳ товани манқалдон устига қўйибди. Яхшилаб қовургач, туз сепибди. Тайёр бўлгандан кейин, балиқни отқулоқ барги устига қўйиб, ёнига боғчадаги лимон ва дориворлардан қўшибди, таомни олиб кириб, меҳмонларнинг олдига қўйибди. Нуриддин, канизак ва Шайх Иброҳим яқин ўтириб, ея бошлабдилар. Еб бўлгач, қўлларини ювибдилар. Нуриддин балиқчиға миннатдорчилик билдирибди: «Бу киши бизга, – дебди у, – жуда катта марҳамат кўрсатдилар». Сўнг қўлини чўнтағига тиқиб, балиқчиға уч динор чиқариб берибди. «Эй балиқчи, – дебди у, – мени кечиринг, агар аввалги аҳволим бўлганда, сизни, албатта, фақирлик азобидан қутқазган бўлардим. Ҳозирги ҳолимга яраша бу арзимас пул учун ранжиманг».

Халифа пулни олиб, миннатдорчилик билдирибди. Халифанинг мақсади канизакнинг ашуласини эшитиш экан. Ў Нуриддинга: «Карамингиз учун ташаккур айтаман. Лекин мен сизнинг чегарасиз марҳаматингиз соясида бу қизнинг ашуласини ўтинар эдим», – деб илтижо қилибди.

– Эй Анисулжалис, – дебди Нуриддин, – балиқчи ашулангни эшитмоқ истайди. Шу кишининг шодлиги учун бизга бирор нарса айтиб бер!

Канизак ўша ондаёқ созни қўлига олиб, торларини созлабди. Сўнг созга жўр қилиб қўйидаги ашулани айтибди:

Соз устида йўрғалар оппоқ, нозик бармоғинг,
Ингичка тор нола чекар, менинг қалбим сингари.
Ноз устида кўз сузилиб, ўйнаса қош-қовоғинг,
Яна жонни ҳовучлайман. Шундай эдим илгари...



Ҳар пардани босганингда мизроби бошқа-бошқа,
Ним пардалар кинояси олиб қочди хаёлим.
Тебранаман, кўзим ерда, нима кечар сўнг ҳолим,
Кўзларинга кўзим тушса, нима кечар сўнг ҳолим.

Кўшифингни тинглаб қўйиб, тоза қолдим балога,
Шундан бери насиҳатим кирмай қўйди қулоққа!
Кўнглимга кўп ўғит қилдим, учди бари ҳавога,
Кўшифингни яна қайтар, шу иккала муштоққа.

Сўнг яна ҳам дилни мойил этадиган «Ёқа пора» куйини чалибди. Ақиларни ўғирлаб, кишиларни бисмил қилибди.

Созга қўшиб шу байтларни ўқибди:

Шаҳрингизга келган куним қизиқ хабар эшитдим:
«Шаҳримизнинг кечалари ойсиз ёруғ, шуълагар...»
Бу хабарнинг маъносига, сени кўргач, сўнг етдим:
Бундай бўлмас бу шаҳарда ўзинг бўлмасанг агар.

Кундуз ухлаб, кеч сайр этдинг хиёбонлар, боғларни,
Тальятингдан боғ ёриши, ёруғ бўлди шаҳар ҳам.
Туннинг юзи қора эди, ювдинг қора доғларни,
Бу шаҳардан тун йўқолди, унга бўлиб сен маҳрам.

Халифа ҳайратга ғарқ бўлиб, ҳаяжонга тушибди. Камоли шавқдан у тўхтовсиз: «Худо ҳаққи яхши, Худо ҳаққи яхши», деб олқишилармиш.

– Эй балиқчи, канизак сизга ёқдими? – деб сўрабди Нуриддин. «Худо ҳаққи ёқди», дебди халифа. Нуриддин: «Бу менинг сизга қайтариб олинмайдиган совғам бўлсин», – дебди-да, ўрнидан туриб, балиқчига қизни олиб кетишни буюрибди. Анисулжалис Нуриддинга:

– Эй муҳтарам, хайрлашмасдан кетасанми? Агар бу мажбурий эса тўхта! Мен сен билан хайрлашаман, аҳволимни арз этаман, – деб шу шеърни ўқибди:

Үтмиш, ишқиң афсоналар мени эзар ҳар доим,
Үшалар ҳам мендек одам, мендек ошиқ, дарбадар.
Айтинг! Үша афсоналар түқиганлар ўзи ким?
Ошиқларга туҳматона муболага бу қадар!..

Кўз ёшидан дарё ясаб, оққан ошиқ ким экан?
Оқиб бўлса кўз ёш билан, оқмасмидим мен ўзим?
Кўз ёшини маржон қилиб, таққан маъшуқ ким экан?
Кўз ёш қайда? Бир бор кулиб боққан эди гул юзим!

Эй, шаҳзодам! Улуғ-улуғ ҳурматларга молик зот!
Сен мени деб қўлдан бердинг тахтга ворислигингни.
Мен ёнингда йўқман, аммо сенга тилаб баҳт, ҳаёт,
Кўзларимга суртадирман босиб ўтган ерингни.

Тортиқ қилдинг бир кишига мени, майли, мен рози,
Умидим бор, у буюк зот ғариб бошим силар деб.
Мұхаббатли қалбим билан сенга қилиб тавозеъ,
Узоқ ердан арз қиласман, унда туриб, билар деб.

Нуриддин канизакка шу байтлар билан жавоб қайта-
рибди:

Жудо бўлиш куни ёр, мен билан видолашди,
Деди: фироқим ила не кечар сенинг ҳолинг?
Дедим: бу жону кўнгул бирга аҳд боғлашиб:
Бориб, қўриқлаш учун лаб ва юздаги холинг...

Халифа қизнинг байтлари орасида «Сен мени мўтта-
бар кишига бердинг», деган мисрасини эшишиб, буларни
бир-биридан ажратиш ғоят оғир эканини сезибди. Сўнг у
йигитта: «Канизак ҳозир ўз байти орасида уни деб, се-
нинг шоҳ билан душманлашганингни эслатди. Менга айт-
чи, ким билан душманлашдинг, ким сенинг орқангдан
излайди?» «Худо ҳаққи, эй балиқчи, – дебди Нуриддин, –
бизларнинг бошимизга ғоят таажжуб воқеалар тушган. Бу
саргузаштлар кўзнинг оқига нина билан ёзса арзигулик-



дир». «Шу саргузаштни айтиб, бизни у ҳолдан хабардор қил. Зора, бирор енгиллик ёки маслаҳат чиқиб қолса. Ахир шундай ҳодисалар күп бўлади-ку», – дебди халифа. «Тизмада айтиб берайми ёки сочмада?» – деб сўрабди Нуриддин балиқчидан. «Сочилган нутқ сўздир. Тизилган нутқ дурдир», – деган жавобни берибди халифа.

Нуриддин бошини қуи солиб, байт билан ҳикоя қилибди:

Азиз дўстим яқин кел, тингла зорим,
Хазон бирла алишмиш навбаҳорим.
Отамнинг севикли фарзанди эрдим,
Эрдим ёлғиз ўғил, дилбанди эрдим.
Олиб берган эди менга каниз қиз,
Малоҳат бобида дунёда ёлғиз.
Менга у энг вафоли ёр бўлди,
Қошимда ҳар кеча бедор бўлди.
Вафот этди отам, тушди жудолик,
Унинг мол-мулкига бўлганда молик.
Дучор бўлдим талай шум ҳодисотга,
Заҳар қўшиди фалак айшу нашотта.
Бутун мерос менга бўлди баҳосиз,
Жавоҳирларки, бор эрди баҳосиз.
Кетиб у, келди менга бахтсизлик,
Кейин қизга тикилди бахтсизлик.
Етаклаб севганим бозорга элтдим,
Гуноҳсиз ёрни гўё дорга элтдим.
Менинг ҳолимнинг тасвирига тил йўқ,
Юриб бормоқдаман, ҳушу ақл йўқ.
Етаклаб ёрни мен бозорга кирдим,
Демай бозорга, қоронғу форга кирдим.
Кўзим очдим, қатор жазман харидор,
Не сўрсам, нақд тўлаб олмоққа тайёр.
Келиб даллол яқин, тутди қўлимдан,
Менинг чун бўлди бу ортиқ ўлимдан.
Келиб даллол яқин, деди аста:
« – Мени ур, ҳайда! Э кўнгли шикаста!»

Солиб даллоннинг кўксига бир мушт,
Етаклаб ёрни, мен айтдим-да пўшт-пўшт.
Олиб қайтдим уни уйга шу они,
Етиб келди сарой дарвозабони.
Менинг дўстим эди у, келмиш илдам,
Қадрдонлик қилиб, ҳолимга еб ғам.
Деди: «Тез қочмасанг бундан агарда:
Хаётинг ўтгуси хавфу хатарда!
Вазир истар сени тутмоққа тез кет,
Қўёш чиқмай, ўзинг хилватга беркит!»
Икков тун кечида бўлдик равона,
Бўлиб тор биз учун кенг ошиёна.
Юриб Бағдодга етдик, очу ҳоргин,
Тунашга истадик қушлар каби ин.
Кечирдик умр, мусоғир юртда кунлар,
Чиқиб оҳдан ўту ғамдан тутунлар.
Ўтиб кунлар, каниз бемор бўлди,
Улуғ Бағдод менинг чун тор бўлди.
Азиз дўстим, сенга шу дилдан арзим:
Дегин ростин менга, бўлса қарзим,
Шу қарзимга уни ол, майли, қутқаз,
Умрни у билан сен бирга ўтказ.
Бисотимда фақат шу, севгили ёр,
Софайди, очликдан эрди бемор.
Бу тақдир мен учун бўлганда нокас,
Жаҳонда давру даврон сурганим бас!

Нуриддин байтларни битиргач, халифа унга: «Эй муҳтарам Нуриддин, менга ўз тарихингни бошдан оёқ айт!» – дебди. Нуриддин ўз тарихини батафсил гапириб берибди. Халифа воқеага тушунибди. «Ҳозир қаёққа отланаётисан?» – деб сўрабди халифа. «Ҳудонинг ери кенг экан, бош оққан томонга», – деган жавобни берибди Нуриддин. «Бўлмаса, – дебди халифа, – мен бир мактуб битиб бераман. Сен шуни Султон Муҳаммад ибн Сулаймонуззайнийга берасан. У хатни ўқиб кўргандан кейин сенга ҳеч қандай зарар ҳам етказмайди, ранжитмайди ҳам».



Қисса шу ерга етганды тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни түхтатди.



Үттиз
еттинчи
кеча

– **Э**й саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод, – Нуриддинали: «Балиқчининг шоҳга мактуб ёзиши эшитилмаган бир гапдир», – дебди. «Гапинг түғри, – дебди халифа, – лекин мен бунинг сабабини айтай. Биз у билан мактабда бирга ўқидик. Мен унга ёрдам берар эдим. Бора-бора у султонлик мартабасига эришди. Мен балиқчилек ҳунарини эгалладим. Мен нима хусусида хат ёзсан, у, албатта, бажо келтиради. Агар ҳар кун мингта хат ёзсан ҳам у бош тортмайди».

– Қани кўурмиз, ёзинг бўлмаса, – дебди Нуридин. Халифа қўлига қалам олибди. Бисмиллоҳдан сўнг қуийдагиларни баён қилибди:

«Халифа Хорун ар Рашид ибн Маҳдийдан.

Марҳаматим соясига, шаҳарларимдан бирида менга ноиблик даражасига етган жаноби Муҳаммад ибн Сулаймонуззайнинийга. Бу мактуб вазир ибн Хоқон ўғли Нуридин орқали сенга етади. Мактуб етган ҳамон, сен ўзингни хизматдан азл қилиб, ўрнинга Нуридинни тайинла, фармонга қаршилик қилма, вассалом!»

Халифа хатни Нуридинга топширибди. Нуридин хатни қўлга олиб ўпиди-да, салласига санчиб, ўша ондаёқ йўлга тушибди.

Шайх Иброҳим, балиқчи либосидаги халифага тикилибди:

– Эй балиқчиларнинг тубани, – дебди у, – сен йигирма пул турмайдиган бир жуфт балиқ келтириб, уч динор олдинг, бунинг устига қизни ҳам олмоқчи бўляяпсан».

Халифа бу сўзни эшитиб, унга бақирибди. Масурни имлаб, ўзини танитибди. Шайх Иброҳимга лаънат ўқибди. Жаъфар халифанинг кийимларини келтириш учун киши



юборган экан. У одам кийимларни келтириб, халифа қаршисида ер ўпибди. Халифа устидагини ечиб, ўз кийимларини кийибди. Шайх Иброҳим ўтирган ерида донг қотибди. Халифа унинг ҳолига назар ташлабди. Шайхнинг ранглари ўчибди, ақлдан озибди. Бармоқларини чайнай бошлабди. «Тушимми, ўнгимми», дермиш ўзича.

– Сенга нима бўлди, эй Шайх Иброҳим? – дебди халифа. Шайх Иброҳим ҳушёrlанибди. Ўзини ерга отиб, шу байтни ўқибди:

Вазифадир қуллар учун авф сўраш, узр айтиш,
Бошни эгиш хўжасига, бу тузумнинг қонуни.
Оёқ тойди боратуриб, тошга тегиб, синди тиш,
Гуноҳимни кечинг, хўжам! Синдирмадим мен уни.

Халифа уни кечириб, қизни саройга элтишни буюрибди. У Анисулжалисга саройдан алоҳида уй ва маҳсус хизматчилар белгилабди.

– Сенинг хўжангни, – дебди халифа, – ўз шаҳри Басрага султон қилиб юбордим. Сени ҳам у ерга жўнатаман.

Нуриддинали ўша ердан чиққанча йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, Басра шаҳрига етибди. Султон саройига етибди. Баланд овоз билан чақирган экан, султон эшишиб, ўз ҳузурига киришга ундабди. Нуриддинали шоҳ ёнига кириб, қаршисида ер ўпибди. Сўнг салласидан хатни чиқариб, шоҳга тутибди. Шоҳ хатнинг бош қисмини кўриши биланоқ мактубнинг халифа – Хорун ар Рашилдан эканини англабди. Шошилиб оёқча турибди. Мактубни уч қатла ўпибди. Ўқиб чиққач, ўзича: «Худо ва амирнинг фармонига итоат этмоқ ҳам қарз, ҳам фарз», дебди-да, ўша ондаёқ тўрт қози ва амирларни чақирибида. Улар олдидা ўзининг вазифасидан озод этилганини эълон қилмоқчи бўлибди. Шу орада бирдан вазир Алмуъин ибн Сови кириб келибди. Шоҳ мактубни вазирга узатибди. Вазир мактубни ўқиб чиқибди-да, пора-пора қилиб улоқтирибди. «Ҳайф



сенга! – дебди шоҳ ғазаб билан бақириб. – Бу жиноятта юз тутмоққа нима мажбур қилди?» «Худо ҳаққи, – дебди вазир, – бу дор остидан қочган маккор, на халифани, на вазирни кўрган. Қаердандир халифа муҳри билан тасдиқланган бир қофозни қўлга туширган-да, ўз муддаосига етиш мақсадида ушбу мактубни ёзиб келтирган. Халифа уни жаноби олийнинг вазифаларига тайин этмаган. Зероки, унинг бу вазифага лойиқ илму дониши йўқлиги халифага ҳам аёндир. Шуниси ҳам борки, – дебди вазир давом этиб, – агар халифа шу ишни ихтиёр қилган бўлганда, албатта, бирор вазир, ҳеч бўлмаса аъёнлардан бирор кишини қўшиб юборган бўлар эди». «Нима қилиш керак», – дебди шоҳ. «Бу йигитни мен билан халифа ҳузурига жўнат! Уни халифа ёнига олиб борай. Агар рост бўлса – ишончли фармон келтирай, агар ёлғон бўлса – менга алам ўтказган бу ифлоснинг жазосини берурман!».

Шоҳ вазирнинг бу сўзини эшитиб, қулларни чақирибди. Вазир Нуриддинни ўз уйига олиб борибди. Қулларига буюриб, уни ҳушдан озгунча урдирибди. Оёқларига оғир кишанлар солдириб, зиндонга олиб боришни буюрибди. Кетма-кет ўзи ҳам зиндонга тушиб, зиндон бошлигини чақиртирибди. Зиндонбон вазир ҳузурида ер ўпибди. Унинг исми Қатит экан. «Эй Қатит, – дебди вазир унга амирона, – буни энг чуқур ва энг мудҳиш бир зиндонга жойла! Кеча-кундуз энг оғир азоб билан қийна!» «Бош устига», – дебди зиндон бошлиғи. Сўнг у Нуриддинни зиндонга олиб кириб, эшикни беркитибди. Зиндонбон Нуриддинга эшик орқасидаги ўриндиқни тозалаб, унинг устига шолча солишни буюрибди. Нуриддиннинг кишанларини ечиб, уни ҳалиги ўриндиққа ўтиришини буюрибди. Унга яхши қарабди. Вазир ҳар куни зиндонга киши юбориб, уни азоблаш лозимлигини таъкидлаб турибди. Лекин зиндонбон ҳамон ўз билганини қиласверибди. Нуриддинни авайлаб сақлабди. Шу йўсинда қирқ кун ўтибди. Қирқ биринчи кун халифадан сарпо инъом етиб келибди. Шоҳ хурсанд бўлиб, бу хусусда

вазир билан суҳбатлашар экан, кимдир биروف: «Балки сарпо янги султон учундир?» – дебди. «Яхшиси, унинг калласини олиб келиш керак», – дебди вазир. «Раҳмат! – деб сўз бошлабди шоҳ, – сен уни менга яхши эслатдинг. Бор энди, уни зиндандан келтириб, калласини ол!» «Бош устига, – дебди вазир севинч билан, – менинг бир истагим бор эди, – дебди у қўшимча қилиб. – Ўлдириш ҳақида шаҳарда жар чақирилса кўнглим кўтарилиб, душманимдан кўнгилдагидек интиқом олган бўлур эдим». «Билганингни қил», – дебди шоҳ.

Вазир шодланиб йўлга тушибди. Ҳоким маҳкамасига келибди. Унга Нуриддин ибн Хоқоннинг шаҳар саройи дарвозасида осилишини томоша қилмоқчи бўлганлар саройга борсинлар, деб жар чақиришишни буорибди. Жарчи хабарини эшигтан катта-кичик, эру хотин йифи-либди. Эшигтан ҳар бир киши саройга чопибди. Баъзилар Нуриддин билан бирга келиш учун зиндан томонга боришибди. Вазир ўнта қул билан зинданга тушибди.

– Уни нима қилмоқчисиз? – дебди зиндан бошлиғи Қатит. «У малъунни олиб чиқ!» – дебди вазир. «Мен уни ниҳоят даражада савалаганим туфайли у жуда ёмон аҳволда», дебди зинданбон. Сўнг у Нуриддиннинг ёнига кирибди. Шунда Нуриддин ушбу байтларни ўқибди:

Дўстларим бўлмас кўмакдош, ишим душвордир,
Кимга бош эгсам, насибам доимо озордир.
Эй жаҳон аҳли! Мурувват этгали мен хастага,
Шу орангизда мурувватпешадан ким бордир?

Айрилиқ даштида кезмоқдан тугади тоқатим,
Беаёв ҳижрон азобидан таним бемордир.
На ширин шеър, на гўзал ёр, на чамандан бор умид,
Орзу, истак, ҳаваслар барчаси бекордир.

Кимса зор кўнглим учун сўзлар висолу ёрдан,
Эслатар, жонимни қийнар, ўч олар ағёрдир.



Эй Худо! Раҳм айла жонимга, расулинг ҳурмати,
Ол менинг жонимни, тан ҳам боргали тайёрдир.

Нуридин байтларни ўқиб бўлган замон, зинданбон унинг эгнидаги ҳарир кийимларини ечиб, кир, ифлос иккита кўйлак кийгизибди-да, вазир олдига олиб чиқибди. Нуридин қараса, рўпарасида уни ўлдиришга қасд қилган душмани вазир – Алмуъин ибн Сави турганмиш. Уни кўриши билан кўзлари жиққа ёшга тўлиб:

– Сен даҳрдан омонлик тилайсанми? Шоир шеърини эшитганмисан? – дебди.

Бу жаҳон боғида кўплар давру даврон сурдилар,
Кийдилар тож, салтанатнинг таҳтига ўлтирилар.
Кетдилар дому дараксиз, таҳту тож қолди яна,
Бошқалар бу салтанатда айшу ишрат қурдилар.

– Мени бундай сўзлар билан қўрқитмай қўя қол! – дебди вазир. Бугун мен бутун Басра шаҳри халқининг кўзи олдида каллангни оламан, ҳеч нарсани ўйламайман. Сўнг тақдирда нима бўлса шуни қўраман. Мен сенинг пўписанг қараб ўтирамайман. Шоирнинг бир байтигагина эътибор қиласман:

Душманинг ўлган куни, дўстинг учун минг кун бўлур,
Дўстидан айрилса ҳар ким, унга кундуз тун бўлур.
Шу сабабдан дўст билан ўтган кунингни йил билиб,
Яхши ўтказсанг умрни, дўст ҳам мамнун бўлур.

Сўнг вазир қулларига Нуридинни хачирга ортишни буюрибди. Қуллар бу ишни қилгилари келмабди. Улар ишорат билан Нуридинга:

– Рухсат эт, агар жонимизни олса ҳам, бу ноинсофни тош билан уриб, ҳалок қилайлик! – деб англатишибди.

– Бу ишни зинҳор ихтиёр қилманглар, – дебди Нуридин, – шоир шеърини эшитмаганмисизлар:



Куним бор менинг, барҳаётман ҳали,
Ҳаёт дафтарин шеър билан тўлғазай.
Ёниб, ўчгунча шеърият манқали,
Унинг шуъласида қалам юргизай.
Ўзимга қуриб шеърият ҳайкали,
Кейин мен ёзишдан қўлимни узай.

Нуриддинни Басра кўчаларидан сарой дарвозасига элтгунча жарчи: «Халифадан сultonга сохта хат келтирувчининг жазоси шудир», деб қичқириб борибди. Ниҳоят, улар қаср панжарасининг тагига етиб борибдилар. Жаллод унинг ёнига келиб:

– Эй ҳурматли, – дебди, – мен бу ишда ихтиёрсиз қулман. Агар бирор ҳожатинг бўлса, айт! Мен уни бажарай. Чунки ҳаётинг жуда оз қолди, сulton келиши билан осилажаксан.

Нуриддин ҳар томонга кўз солибди. Теварак-атрофга назар ташлаб, орқага қараб, шу байтларни ўқибди:

Тутиб жаллод қилич, бошимда тургай,
Томошибинларим тез юзин бургай.
Менинг ўлмоқлигим халққа томоша,
Келурлар тўда-тўда, шоша-шоша.

Демас ҳеч ким: Надир, ошиқ гуноҳи?
Бўлолмас ҳеч киши ошиқ паноҳи.
Келинг! Ким бор? Менга сув ичкизувчи,
Гуноҳим йўқлигин фаҳмлаб, сезувчи.

Жасорат айламас ҳеч ким бу ишга,
Қилич тушгунча то, хурсанд қилишга.
На бўлғай бевафо сен сув узатсанг,
Қиличининг даҳшатин сўнгра кузатсанг!

Одамлар унинг ҳолига йиғлаб юборибдилар. Жаллод ўрнидан туриб, Нуриддинга бир пиёла сув олиб берган экан, вазир сувлик пиёлани уриб синдирибди. Жаллодга



унинг бўйини узишни буюрибди. Жаллод Нуриддиннинг кўзларини боғлабди. Тўпланган одамлар вазирга бақира бошлабдилар. Ҳар хил шов-шув кўтарилибди. Шу орада бирдан узоқдан чанг-тўзон тўзғибди. Султон саройида ўтирган экан, еру кўкни қоплаган бу тўзонни кўриб, ҳайрон бўлибди, у вазирни чақиртирибди. Дарҳол аҳволни билишга буюрибди. Вазир эътиroz билдириб: «Олдин бунинг бўйинни узайлик», – дебди. «Шошилма, олдин буни бил!» дебди шоҳ ғазаб билан.

Қарасалар, у тўзон халифанинг вазири Жаъфар бармаки билан унинг ёнида келаётган посбонлар отларининг туёғидан кўтарилган чанг экан. Нуриддинали жўнагандан сўнг ўттиз кун ўтгунча у халифанинг ҳам хаёлига келмабди, бошқалар ҳам у ҳақда эсламабдилар. Бир кеча халифа Анислужалис уйига кириш учун эшик олдига келган экан. У йиғлаб, шу байтни ўқиётган эмиш:

Мен сен билан яшагайман,
Хоҳ ҳозир бўл, хоҳ ғойиб.
Кейин билдим ишқ фанини,
Бўлар экан ажойиб.

Ўйимда ҳам, қуйимда ҳам,
Ҳар доимо сен бирга.
Ўлтиргандек туйиласан,
Кетсанг ҳам бирор ерга.

Унинг йифиси борган сари кучайибди. Бир пайт халифа эшикни очиб, ичкари кирибди. Йиғлаб ўтирган Анислужалис халифани кўргач, эсанкираб қолибди. Халифанинг оёғини ўпиб, шу байтларни ўқибди:

Эй, ҳаёт нашъаси, нозу неъмати,
Яшашнинг маъноси, фазли, ҳикмати!
Буздинг ўз аҳдингни, солдинг қовоғинг,
Меваси пишмасдан, куз бўлди бофинг.



Ёпилди юзимга бевақт дарвозанг,
Қани хотамлигинг, донғинг, овозанг?
Кўп кездим, топмадим баҳтдан нишона,
Сездим мен, у хаёл, у бир афсона.

– Сен ким бўласан? – деб сўрабди халифа.

– Мен, – дебди Анислужалис, – Нуриддин ибн Хоқон-нинг сенга қилган совғасидирман. Унга мени қимматли сарполар билан бирга юборишни вайда қилган эдинг. Вақт етган бўлса, юборишингни ўтинаман. Чунки мен бу ерда ўттиз кундан бери ухламайман.

Халифа Жаъфарни чақиртириб, унга шундай дебди:

– Ўттиз кундан бери Нуриддинали ибн Хоқон ҳақида хабар эшитмайман. Султон уни ўлдирган бўлса ҳам эҳтимол. Лекин мен қасам ичиб айтаманки, бунга сабабчи бўлган киши ҳар қанча қимматли бўлса ҳам бошини оламан. Сен ҳозир йўлга туш! Шоҳ Муҳаммад ибн Сулаймонуззайниндан Нуриддинали ҳақида хабар келтир! Агар йўл талаб қилган вақтдан бироз кечикар экансан, мендан хафа бўлма. Нуриддиналининг иши тўғрисида, у орқали султонга ёзиб юборган мактубим ҳақида хабардормисан, деб давом этиби халифа. – Мен уни Султон Муҳаммад ибн Сулаймонуззайнин ўрнига шоҳ қилиб тайинлаганман. Агар Султон Муҳаммад фармонни бажо келтирмаган бўлса, у билан вазири Алмуян ибн Совини ҳузуримга келтир. Йўл талаб қилган вақтдан озгина ҳам кечикма. Жаъфар «Бош устига», дебди-ю, ўша ондаёқ йўлга ҳозирланибди. У Басрага бориб етиби. Жаъфар шу томонга келар экан, сарой олдидаги тўполонни кўриб, ҳайрон бўлибди.

– Бу нима тўполон? – дебди у.

Унга Нуриддин ибн Хоқон воқеасини сўзлабдилар. Жаъфар шошилганча султон ҳузурига кириб, у билан саломлашибди. Не сабабдан келганини султонга баён қилибди.

– Агар, – дебди вазир, – Нуриддинали бирор фалокатга юз тутган бўлса, халифа унга сабаб бўлганларнинг ҳаммасини дорга осади».



Сүнг Жаъфар Нуриддинни озод қилиб, шоҳни ҳам, вазирни ҳам зинданга ташлатибди. Нуриддинни Султон Мұҳаммад ибн Сулаймонуззайний ўрнига шоҳ қилиб тайинлабди. Жаъфар бармаки Басрада уч кун дўстлар зиёфатида қолибди. Тўртингчи кун Нуриддин вазирга халифани кўриш орзусида эканини билдирибди. Жаъфар Нуриддинни ёнига олиб, Мұҳаммад ибн Сулаймонуззайний ва унинг вазири – Алмуъинни олдига солиб, йўлга тушибди. Вазир қилган ишига пушаймон бўлибди.

Улар Бағдодга етибдилар. Халифа ҳузурига кирибдилар. Жаъфар Нуриддин бошидан ўтган воқеаларни, уни дор олдидан қутқазганларини халифага сўзлаб берибди.

– Бу қилични ол, – дебди халифа Нуриддинга, – шу билан душманинг бўйинини уз!

Нуриддин қилични кўлига олиб, Алмуъин ибн Сови ёнига келибди. Вазир Нуриддинга тикилиб:

– Мен ўз хоҳиш ва қудратим билан иш қилдим. Сен ҳам ўз хоҳиш ва қудратинг билан иш қил! – дебди.

Нуриддин қўлидаги қилични улоқтирибди-да, халифа-га қараб:

– Кўйинг уни, – дебди. Сўнг у Масрурни чақириб, вазирнинг бошини танасидан жудо қилишни буюрибди. Масрур ўрнидан туриб, Алмуъиннинг калласини узиб ташлабди.

– Қандай орзунинг бор? – деб сўрабди халифа Нуридиндан. «Эй ҳурматли, – дебди Нуриддин. – Басрага шоҳ бўлиш орзусида эмасман. Менга ўз қошингиздан бир хизмат берсангиз, сизни кўриб туриш билангина шодланаман». «Жуда яхши», – дебди халифа. Кейин у канизакни чақирибди. Анислужалис кириб келибди. Халифа ҳар икковига ҳам инъомлар бериб, Бағдоддинг энг кўркам, чиройли саройларидан бирини жиҳозлари билан унга ҳадя қилибди. Нуриддинни ўзининг энг яқин улфатларидан ҳисоблаб, ўзига мувофиқ хизмат берибди. Нуриддин халифа ҳузурида бир умр фароғатда яшабди.



САВДОГАР АЙЮБ БИЛАН УНИНГ ҮФЛИ ФАНИМ ИБН АЙЮБ

Ўтган замонда бир савдогар бўлиб, мол-дунёси ниҳоят даражада кўп экан. Унинг тўлин ойдек чиройли Фаним исмли үфли бор экан. У ғоят ёқимли, шириңсўз экан. У кўрган ҳар бир кишини беихтиёр асир қиласр экан. Шунинг учун уни фитна деб атар эканлар. Кунларнинг бирида унинг отаси вафот этибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Ўтиз
саккизинчи
кеча

— Эй саодатли шоҳ, — деб давом этди

Шаҳризод. — Савдогардан болаларига кўп дунёлар: юз той ҳар турли ипак газламалар, қимматбаҳо мушклар ва бошқа аллақанча мол-мулклар қолибди. Бирмунча моллар сафарга тайёрланиб, уларнинг устига «Бағдодга юборилажак моллар», деб ёзиб қўйилган экан. Савдогар буларни тез кунлар ичидан Бағдодга жўнаш орзусида ҳозирлаган экан. Афсуски, муродига етолмай вафот этибди. Бир неча кун ўтгач, Фаним онаси ва қариндош-урӯғ, элу юрт билан хайрлашиб, молларни олибди-да, таваккал қилиб, Бағдодга сафар қилибди.

Бу даврда халифа Хорун ар Рашид сultonлик қиласр экан.

Фаним омон-эсон Бағдодга етиб борибди. У билан бирга бир қанча савдогарлар ҳам борибдилар. Фаним ижарага бир яхши ҳовли олибди. Уйига қимматбаҳо жиҳозлар солиб безатибди. Молларни жойлаб олгач, тинчланиб дам олибди. Бағдод савдогарлари ва бағдодлик катта-кичиклар келишиб, у билан ҳол-аҳвол сўрашибдилар. Сўнг у ўн бўлак энг нафис кийимлик ўралган



бир тугунни олиб, бозорга борибди. Савдогарлар уни иззат-хурмат билан қарши олиб, бозор оқсоқолининг дўйонига ўтқазибдилар. Оқсоқол кийимликларни сотишга ёрдам қилибди. Моллари катта фойда қилгани учун Фаним ортиқ даража қувонибди. Шу йўсинда у молларни бирин-кетин сота бошлабди. У бир йилни шундай ўтказибди. Бир кун Фаним, одатдагича бозорга бориб қараса, бозор эшиги қулфланган, одамлар йўқ эмиш. Ҳайрон бўлиб, бу ҳолнинг сабабини суриштирибди. Бир кимса савдогарлардан бирининг ўлгани, ҳамма унинг жанозасига кетганини, қолганлар ҳам энди бориш тараддуудида эканини айтибди. Ҳамкасбликка риоя қилиб, унинг ҳам бориши лозимлигини уқтирибди. Фанимга бу таклиф маъқул тушибди. Фаним ундан жанозанинг қаердалигини суриштирган экан, унча узоқ эмаслигини айтибди. Фаним одамлар билан бирга йўлга тушибди.

Кишилар тобутни елкаларига қўйиб масжидга элтгач, жаноза ўқилибди. Кейин шаҳар ташқарисидаги гўристонга етиб борибдилар. Ўлган кишининг туғишганлари ҳозирланган қабр устига чодир тикиб, шам ёқишиган, гуллар қўйиб, уд тутатаётган эканлар. Мурдани қўмибдилар. Ҳамма одамлар тиз чўкишибди. Фаним ҳам одамлардан ажralиб кетишни эп кўрмагани туфайли улар билан бирга бўлишга қарор берибди.

Кеч бўлгач, ҳолвайтар тортилибди. Одамлар овқатлангач, қўлларини ювиб, яна ўринларига келиб ўтирибдилар. Фанимнинг кўнгли ғаш бўлибди. У уйидан, молларидан хавотир олиб: «Мен мусоғир киши бўлсан, уйимда молларим кўплиги ҳаммага маълум, бу ерда қолсан, ўғрилар бор-йўғимни олиб кетишлари мумкин», деб ташвишланибди. Охири уэр айтиб, йўлга тушибди. Ярим кечада шаҳар дарвозасига етиб борибди. Бироқ дарвоза қулфланган бўлиб, теварак-атрофда ҳеч ким кўринмас эмиш. Кеча қоп-қоронфи, узоқ-яқинда итларнинг вовуллаши, бўриларнинг увиллашидан бўлак товуш эшитилмасмиш. Фанимни яна хавф босибди. У олдин мол ташвиши-



ни қылган бўлса, энди жон ташвишини торта бошлабди. Ноилож орқасига қайтибди. Тунаш учун бошпана мўлжаллаб юрган экан, тўрт тарафи ўралган, дарвозаси очиқ бир мақбараға кўзи тушибди. Мақбара ичидагунг дарахти ҳам бор экан. Ичкари кириб, ухламоқчи бўлган экан, нима учундир кўзига уйқу келмабди. Хавфи тобора ортиб, ўрнидан кўзғалибди. Чиқиб кетиш мақсадида эшик томонга юрибди. Шу пайт шаҳар дарвозаси ёнида аллақандай бир аланга кўринибди. Аланга тўғри мақбараға келаётгандек туйилибди. Фанимнинг кўнглига фулгула тушиб, дарров мақбара эшигини ёпибди. Ўзи изтироб ичидагурахт устига чиқиб, алангани кузатибди. Аланга секин-аста мақбараға яқинлашиб, тўхтагандек бўлибди. Қараса, учта қул келаётган эмиш. Уларнинг иккитаси сандиқ, учинчиси қўлига болта ушлаб, фонус тутиб олган эмиш. Улар мақбара эшигига яқинлашибилар. Сандиқ кўтарғанлардан бири (унинг исми Савоб экан) иккичисига «Нега кирмайсан», дебди. «Ахир биз кечгача шу ерда бўлиб, эшикни атайлаб очиб кетган эдик-ку», дебди иккичиси. «Қандай эсипаст одамларсиз, ахир билмайсизларми? – дебди чироқ кўтарған учинчиси, – Бағдоддан боғдорлар бу ерга ўйнагани келадилар. Кеч бўлгач, сизбизга ўхшаганлар зарар бермасин, қовуриб емасин деб, бу ерга кириб, эшикни беркитиб ётардилар» (унинг исми Бухит экан). «Тўғри айтасан, ақлинга балли, дарҳақиқат, орамизда сендан ақдли киши йўқ», дебдилар улар Бухитга. «Мақбараға кириб, бирорни қўлга туширмагунча, сўзимга ишонмасликларинг ҳам мумкин, – дебди Бухит, – менинг фикримча, бирор бўлса ҳам, алангани кўргач, аллақачон дарахт устига чиқиб, беркинган бўлса керак».

Бу сўзларни эшитган Фаним ўзича Бухитга лаънат ўқибди, булардан қутулиш хаёли билан чулғанибди.

– Бўлмаса, – дебдилар сандиқ кўтарғанлар Бухитга, – сен девордан туш-да, эшикни оч, бизлар сандиқ кўтариб бўйинларимизни кўтаролмаётирмиз, бу хизматинг учун ўлжалардан бирини ўзинга яхшилаб қовуриб берамиз. «Мен бу



гапни ақдим камлигидан гапирған бўлмасам, деб қўрқаман, – дебди Бухит давом этиб, – ким билади, балки бу ерга топған ўлжаларини бўлишиб олгани ўғрилар кириб олишгандир. Шунинг учун биз сандиқнинг ўзини девор орқасига ташласак – қандай бўлар экан?» «Ахир бу бизнинг бойлигимиз-ку, сандиқнинг ўзини ташласак синади», дебдилар улар. «Бу ерга ўғрилар кириб қолган бўлса, ўлжамиздан ҳам айрилмайлик деб қўрқаман», дебди Бухит. Унинг шериклари: «Эсинг йўқ экан-ку, бу ерга улар қандай қилиб кирадилар», дебдилар-да, сандиқни кўтаришиб, девордан ошиб тушиб, эшикни очибдилар.

Бухит улар ёнида фонус кўтариб турибди. Унинг бир қўлида болта билан бирга бир халтачада бироз оҳак ҳам бор экан. Эшикни қулфлаб, дам олгани ўтирибдилар. Улардан бири: «Қанча йўл юрдик, юк кўтардик, ер қазидик, яширдик, хуллас, жуда чарчадик, ҳозир ярим кечা экан. Энди ер кавлаб, сандиқ кўмишга мажолимиз етмайди. Уч соат дам олиб, ишни давом эттирамиз. Бу вақтда бизлар ҳар биримиз ўз саргузаштимизни, ахта қилинишимиznинг сабабини бошдан оёқ сўзлаб берсак, ҳам вақт тез ўтади, ҳам дам оламиз», дебди.

– Бўлмаса, – дебди фонус кўтарған Бухит, – мен ўз воқеамни айтиб берай. «Сўзла», – дебдилар улар.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Ўттиз
тўққизинчи
кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этибди Шаҳризод. – Бухит ўз воқеасини айтиб бера бошлабди:

– Эй биродарлар, – дебди фонус кўтарған қул – Бухит, – энди беш ёшга кирган чоғимда қулфуруш мени шаҳримиздан олиб кетиб, бир ҳарбий кишига сотди. Унинг уч ёшлиқ бир қизи бор эди. Мен у билан бирга ўйнаб-кулиб тарбиялан-



дим. Уни овутиш учун ўйин тушиб, ашула айтардим. Унинг ота-оналари менинг ҳаракатларимдан завқланар эдилар. Мен ўн икки ёшга, қиз ўн ёшга тўлгунча бирга ўсдик.

Кунлардан бир куни мен қизнинг ёнига кирдим. У бир уйда ёлғиз ўтирас эди, лекин у ҳар вақтдагидан кўра ўзгача тусга кирган, ҳозиргина ҳаммомдан чиққандек юзлари қип-қизил, ёқимли мушк ҳидлари гуркираб анқирди. Биз одатдагича бир-биримиз билан ўйнаша бошладик. Жуда ҳам қизишиб кетдик. Икковимиз ҳам ихтиёрсиз қолиб, унинг қизлигига халал етди. Бу ишдан чўчиб, бир ўртоғимниги қочиб кетдим. Онаси қизнинг аҳволини сезиб, хушдан озибди. Лекин у эҳтиёткорлик қилиб, бу сирни қизнинг отасидан яширибди.

Икки ойга қадар ҳеч бир ҳол рўй бермади. Улар ҳар вақт мени уйга чақирав, яхши муомала қиласар эдилар. Ниҳоят, мени турган жойимдан тутиб, олиб кетдилар. Мени яхши кўрганларидан шунгача ҳам бу сирни отасига билдирамадилар. Сўнг онаси қизини отасининг сочини олиб юрадиган бир сартарошга узатди. Маҳрларини ҳам онасининг ўзи тайинлади, тўй харажатларини ҳам ўз ёнидан сарф қилди. Шунгача ҳам отаси воқеадан воқиф бўлмади. Улар тўйга керак анжомларни ҳозирлаш билан машғул бўлдилар.

Бир куни мени тутиб олиб, тўсатдан бичдилар-да, қизга тавоши қилиб тайинладилар. Мени ҳам қиз билан бирга күёвникига элтдилар. Қиз қаерга борса, мен ҳам у билан бирга борардим. Сирни ҳеч кимга сездирмадилар. Никоҳ кечаси ҳам бир каптар сўйиб ҳийла қилдилар.

Мен унинг ёнида кўпгина вақт шу йўсинда кун кечирдим. Унинг қўркига мағрур эдим, қўриб завқланар, ёшлигимиздаги сингари ўйнашиб кайфланар эдим. Бир қанча вақт ўтгач, бирин-кетин қиз ҳам, онаси ҳам, отаси ҳам, эри ҳам дунёдан ўтди. Мен хўжасиз байтулмол⁶ бўлиб

⁶ Байтулмол – эгасиз қолган мол.



қолдим. Бу ерга келтирдилар. Сизлар билан бирлашдим. Мана, эрлигимдан айрилишимнинг сабаби.

Күллардан иккинчиси сўз бошлабди:

– Мен, – дебди у, – саккиз ёшлик вақтимда йилда бир марта ёлғон гапирадиган одатим бор эди. Бир куни менинг ёлғонимдан тинчсизланган хўжайин, мени далполга топширди. Айбимни айтиб сотишига буюрди.

– Айби нима? – деб сўради далпол.

– Йилда бир марта ёлғон гапиради, – дебди хўжайин.

Далпол мени бозорга солди. Айбимни айтиб, харидорларга таклиф қила бошлади. «Шу айби билан баҳоси қанча, – деди бир савдогар далполга. «Олти юз дирҳам», – деди далпол. Савдогар рози бўлди. Далпол ҳаққи учун йигирма дирҳам ваъда қилди. Далпол савдогардан пулни олди. Хўжайним қулфурушга пулни топширди. Мени янги хўжайин ўзи билан бирга уйига олиб борди. Далпол хўжайниндан ҳаққини олиб, ўз йўлига қайтди.

Хўжайин менга қулларга хос кийимлар кийгизди. Мен йил охиригача унинг хизматида кун кечирдим. Муборак янги йил кирди. Бу йил оби ҳаво яхши келган эди. Ҳосил мўл бўлди. Бойлар тўқма едилар. Хўжайним зиёфатни шаҳар четидаги боғида ўтказадиган бўлди. Керак нарсаларнинг ҳаммасини у ерга элтдилар. Мехмонларнинг ҳаммаси тўпланишиб, овқат ейишга ўтиридилар. Туш вақти эди. Хўжайнинга бир нарса керак бўлиб қолди. Хўжайнин тезлик билан шаҳар ҳовлисига тушиб, хотинидан у нарсани келтиришни буюрди. «Бош устига», дедимда, ҳаширни миниб, ҳовли томонга йўл солдим. Ҳовлига яқинлашгач, эшикдан бироз нарида додлай бошладим. Кўзларимдан ёш оқар эди. Узоқ-яқиндан катта-кичик атрофимга тўпланди. Хўжайниннинг хотини, қизи ҳам овозимни эшишган экан, эшикни очиб чиқишиди.

– Нима гап? – деб сўрашди мендан.

– Хўжайн мөхмонлари билан бир эски пахса остида ўлтиришган эди. Пахса ағдарилиб тушди. Бу воқеани



кўриб, нима қилишимни билмай, тезроқ сизларга билдириш учун хачирни миниб, йўлга тушдим, – дедим мен.

Бу гапни эшитишлари билан хўжайнинг хотини ҳам, қизи ҳам ёқаларини пора-пора қилдилар. Ўзларини ўзлари уришди. Уларнинг ёнига қўшнилар чиқиб келишди. Хўжайнинг хотини кўзига кўринган нарсани ерга отар, деразаларни синдирап, деворларни урар эди. У менга:

– Ёнимга келиб бу жавон, бу чинни асбобларни синдиришга ёрдам қиласанг-чи, – деб бақирди. Мен дарров ишга тушдим: кўзга кўринган, қўлга илинган ҳар бир нарсани синдира бошладим. Бутун бинода тиккайган бир нарса қолмагунча, тер тўкиб ишладим.

– Яна нима буюрасиз, – дедим мен хўжайнинг хотинига. У бошига бир кичик ёпинчиқ тутиб кўчага чиқди. Болалари ҳам у билан бирга эдилар. Улар:

– Сен олдинда юр, бизни пахса остида ўлган хўжайнин ёнига олиб бор, уни пахса остидан олайлик, уйга келтириб, ювив-тараб кўмайлик, – дейишди.

Мен олдинда йифлаб борар эдим. Улар орқада фарёд кўтариб келишарди. Кўчада бизни кўрган эркак ва аёллар йифига қўшилишар, анча жойгача биз билан эргашиб боришар эди. Уларнинг кўнгилларига қараб, шу йўсинда бутун шаҳарни айландим. Одамлар воқеани сўрашар, улар мендан эшитганларини сўзлаб берардилар. Кимлар «Худоё ўзинг асра», деб кетар, кимлар «Пешонадаги кўргиликдан қочиб қутулиб бўлмайди», деб уларни юпатишар эди. Кимдир бирор:

– У, албатта, улуғ киши бўлса керак, бу воқеани ҳокимга билдириш зарур, – деди.

Улар ҳокимни воқеадан хабардор қилишибди. Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Кирқинчи кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод, – улар ҳокимга хабар беришибди. Ҳоким бу хабарни эшитиши биланоқ бир қанча одамларга кетмөн, белкурак, занбил күтартыриб йўлга тушибди. Улар менинг орқамдан келар эдилар. Мен йигидан тўхтамас эдим. Бошимга тупроқ сочар, юзларимга урар эдим. Улардан олдин кетиб, боққа кирдим. Хўжайин мени бу ҳолда кўриши билан ранги учди, қони қочди. Мен эса: – Энди қайдан топармен, мен уларга фидо бўлсам бўлмасмиди, – деб бақирап эдим. «Нима гап бўлди?» – деб ҳовлиқди хўжайин. «Мен уйга кириб қарасам, – дедим йиғи аралаш, – уйнинг девори йиқилиб, нури чашмларингизни босиб қолган экан». «Хотиним омонми?!» – деди у ҳаяжонланиб. «Ҳеч ким омон қолмаган», – дедим. «Кичик қизим-чи?» – деди у ҳовлиқиб. «Йўқ», – деб жавоб бердим. «Хачир-чи?» «Йўқ! Ҳурматли хўжайин, – дедим мен, – уй ва молхонанинг девори ағанаб тушган, ҳатто товуқ, хўроzlар ҳам омон қолмай, ҳаммаси ҳалок бўлган. Гўштларини аллақачон кучуклар еб битирган».

Хўжайнинг кўз олди қоронғилашди. Юраги сиқилди. Дунё унинг кўзига тор бўлди. Эс-хушидан ажради. Кийимларини йиртиб, кўлларини чайнади, «Шундай ҳам оғир мусибат бўладими?» – деб, дод-фарёд кўтарди. Ҳамроҳлари ҳам унга ҳамдардлик қилиб йиғладилар.

Хўжайин ҳовлиқиб боғдан чиқди. У бошга тушган бу оғир мусибат туфайли нима қиласини билмай тебранарди. Бошқалар ҳам унинг орқасидан чиқдилар. Узоқдан осмонга кўтарилиган чанг-тўзон кўзга ташланди. Бир гуруҳ одамларнинг шовқин-сурони эшитилди. Қарасак, шаҳар ҳокими ўз одамлари билан келаётган экан. Уларнинг орқасидан бойнинг оиласи ва бошқалар келишарди. Хўжайнинг кўзи биринчи галда хотини ва болаларига тушди-ю, ҳовлиқиб:



– Нима рўй берди? – деб сўради. Улар эса оталарини кўриб ўзларида йўқ шодландилар, ўзларини оталари қучоғига отдилар.

– Фалокатдан қандай омон қолдинглар? – деди хотин эрига. «Сизлар қандай омон қолдинглар, уйда нима воқеа рўй берди?» деди хўжайин хотинига.

– Бизлар ҳаммамиз соғ, уйда тинчгина ўтирар эдик, сенинг қулинг юзларини юлган, кийимларини йиртган ҳолда бош яланг йифлаб бориб қолди. Сен билан дўстларинг девор остида қолиб ҳалок бўлганларингни айтди.

– Биз бу ерда тинч ва шод ўлтирар эдик, – деди хўжайин хотинига, – майда-чуйда келтириш учун мен уни ҳовлига юбордим. Бундан бирозгина илгари йифлаб келиб, ҳаммаларингизни девор босиб ўлдирганини айтди. Эсим оғди.

Шу ҳодиса натижасида хўжайин билан менинг орамизда нималар бўлишини ўзларингиз ҳам тушуниб олгандирсиз. Бичилишимнинг сабаби шу, – деди иккинчи қул.

Ҳикояни эшиктган ўртоқлари унга: «Ўтакетган ёлғончи эксансан-ку», дебдилар. «Сен ҳам бошингдан кечирганларингни айт», дебдилар учинчи қулга.

– Эй биродарлар, – дебди у, – Менинг саргузаштимга қараганда сизларники арзимайдиган воқеа. Лекин менинг ҳикоям узун. Тонг отишига оз қолди. Шунинг учун меникини бошқа вақтга қолдирсак. Ҳозир туриб сандиқни жойламасак, шарманда бўлиб, бошимиз кетиши аниқ. Эшикни очинглар, сандиқни жойлаб, сўнг саройга борамиз. Мен ўз ҳикоямни ўша ерда айтиб бераман, – дебди-да, девордан ошиб тушибди. Эшикни беркитиб, шам ёқибди, кейин улар теварак-атрофи қабр билан ўралган ердан бир сандиқ сифарли чуқур қазий бошлабди. Чуқур ичи одам бўйига тенг келарли бўлгач, сандиқни чуқурга туширибдилар. Унинг устига тупроқ тортибдилар. Сўнг мақбара эшигини ёпиб, чиқиб кетибдилар. Мақбара холи қолибди. Фаним сандиқда нима борлигини билишга орзиқибди. Уни очиб кўришга қасд қилиб, тонг



ғира-шира ёришиши билан дарахтдан тушибди. Тупроқни құли билан тортиб, сандиқни чүкүрдан чиқарип олибди. Сандиқ құлфланған экан, тош билан уриб, құлфни синдирибди. Сандиқнинг қопқоғини очиб қараса, бир чиройли ёш қыз ёттан эмиш. У наша билан хүшсизлантирилған бўлиб, оҳистагина нафас олиб ёттан эмиш, қўллари билан кўкраги пулга топилмайдиган, сultonлар хазинасидағина турадиган қўимматбаҳо зийнатли асбоблар билан безатилған эмиш. Фаним уни ҳушига келтириш чорасини излабди. Ҳар хил шаклларда ётқизибди, елпибди, сув пуркабди. Аста-секинлик билан қыз ҳаракатта кела бошлабди. Ниҳоят, бир акса урган экан, қизнинг оғзидан бир бўлак наша тушибди. Наша фил ҳидласа ҳам хўшсизлантирадиган даражада кучли экан.

Қыз кўзини очиб, атрофга назар ташлабди. Майин овоз ва очиқ чехра билан: «Ҳайф сенга эй шамол, қани сенда чанқоқларга шифо бериш ва уларни эркалаб ўйнатиш», дебди қыз. – Захрулбўстон! – деб чақирибди у. Лекин ҳеч ким жавоб бермабди. Орқасига қарабди. Баланд овоз билан қатор одамларни йўқлабди: «Шажара-туддур, Нурулхудо, Нажматуссубҳ дунёда бормисизлар? Назҳат, Хилват, Зарифа сўзланглар, ахир», дебди. Ҳеч ким жавоб бермабди. У дикқат билан атрофни кўздан кечириб, кўп нарсаларни хаёлидан ўтказибди-да: афсус, дебди. Шунгача ҳам Фаним унинг ёнида индамай тик тураверибди.

– Эй сайидам, – дебди Фаним ниҳоят, – бу ерда сенинг севгинг билан мафтун Фаним ибн Айюбдан бўлак ҳеч ким йўқ. Мени сирлардан хабардор Тангри, сени бу кулфатдан қутқазиши, ўз мақсадинга етказиш учун юборди.

Воқеадан хабардор бўлган қыз, Фанимга тикилиб, миннатдорчилик билдирибди. Фанимнинг кўкрагига қўлларини қўйибди. «Мени бу ерга ким келтирди», дебди қыз ёқимтойлик билан Фанимга. «Эй сайидам, кечаси учта бичилган қора қул шу сандиқни бу ерга келтирдилар», дебди-да, Фаним воқеани бошдан оёқ сўзлаб берибди.



Агар уни қутқазмаганда, балки ёмон бир фожиа юз бериши мумкин эканлигини айтиб, қиздан унинг тарихини сўрабди.

– Хайрият, мен сенга йўлиқибман, – дебди қиз сўз бошлаб, – энди сен мени шу сандиққа жойла, киракаш эшакми, хачирми топиб, мени ўз уйинга олиб бор. У ерда воқеани сўзлайман. Мендан кўп яхшиликлар кўрасан.

Фаним шодланиб, кўчага чиқибди. Кун ёришган бўлиб, кўчада қатнов бошланган эди. Фаним бир хачирли киракаш олиб келибди. Сандиқни хачирга ортибди. Қизнинг муҳаббати унинг дилига борган сари мустаҳкамроқ жойлаша бошлабди. Сандиқ ортилган хачир ёнида Фаним ҳам йўлга тушибди. Қиз шубҳасиз ўн минг динорга арзир, унинг безаклари ўзидан ҳам қимматбаҳо экан. Фаним ўзида йўқ шод, қизни ўз уйига олиб кетаётганига ўзи ҳам ишонмас эмиш. Ниҳоят, уйига ҳам етиб борибдилар.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Қирқ биринчи кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод. – Фаним қизни сандиқдан чиқариб олибди. Қиз атрофга разм солибди, қараса: ҳашаматли бино рангдор гиламлар билан тўшалган, ҳар турли қимматбаҳо безаклар билан зийнатланган эмиш. Қиз Фанимнинг катта бой эканига шубҳа қилмабди. Юзини очиб, Фанимга диққат билан тикилибди. Фаним ёш ва чиройли эмасми, бир кўришдаёқ қиз унга муҳаббат кўйибди.

– Емак учун бир нарса беринг, – дебди қиз Фанимга майин овоз билан. Фаним: «Бош устига», дебди-ю, даррор бозорга жўнабди. Қовурилган барра гўшт, ширин овқатлар, қимматбаҳо ичимликлар, газак учун ҳар хил



қуруқ мевалар, гуллар ва бошқалар келтирибди. Қиз буларни кўриб қулибди, шодланиб қучибди! Ёқимли сўзлар сўзлай бошлабди. Борган сари унинг муҳаббати ортиб бораверибди. Улар овқатланибдилар. Улар ёшда ҳам, ҳуснда ҳам бир-бирларидан қолишмас эканлар. Муҳаббатнинг кучи туфайли бир-бирларининг ҳуснларига тўймас эмишлар. Кеч бўлибди! Фаним ўрнидан туриб шам ёқибди. Май ва газаклар келтирибди. Фаним қуийб қизга тутар, қиз қуийб Фанимга тутармиш. Икковлари ўйнашибдилар, қулишибдилар, шеърлар ўқишибдилар. Шодлик ошиб бораверибди, бир-бирларининг муҳаббатлари борган сари зиёдалашаверибди. Тонг отай деб қолганда уйқу сиқибди, ҳар қайсилари ўз ўринларида ухлаб қолибдилар. Тонг отибди. Фаним бозорга чиқиб ёғ, гўшт, мева, май ва бошқа керак нарсалар келтирибди, овқатланибдилар. Сўнг Фаним май келтирибди, ича бошлабдилар. Сархушларча қулишиб, ўйнашиб, завқланиб, шодланибдилар. Юз яноқлари қизариб, мастана қарашлар бошланибди. Фанимда ўпиш-қучиш орзуси кучланибди.

– Бир ўпишга рухсат этиб, ёнган юрак ўтини сови-тишга ёрдам берсангиз, – дебди Фаним қизга мастана қараб.

– Бироз кут, май бошга чиқсин, ўзимни унутай, сўнgra менга сездирмай ўпсанг бўлар, – дебди қиз.

Шундан сўнг қиз ўрнидан туриб, бир қават кийимини ечибди-да, юпқа кийими билан ўтирибди. Фанимнинг бояги муддаоси яна ҳам ортибди. «Менинг айтганимга рухсат бермайсизми, эй ҳурматлим», дебди Фаним иккинчи қайта.

– Сизга бу иш ярамайди, – дебди қиз аллақандай бир тусда, – чунки менинг кийимим бофичларига жуда оғир сўзлар ёзилгандир.

Фанимнинг дили вайрон бўлибди-ю, бироқ ҳирси яна ошибди. Ҳоҳишининг амалга ошиши қийин бўлгач, шу байтларни ўқибди:



Топиб пайт, севгилимга қилдим изҳор:
– Жароҳатли дилим бермоқда озор.
Лабингдан бўса бер, битсин жароҳат,
Етиштири бўсадан жонимга роҳат!..

Деди: Осон эмас бу бўса! Хаста!
Никоҳиз бўсага бўлма ҳавасда!
Ҳаромга иффат аҳли лабни очмас,
Ҳалол қип йўлни олдин, бўса қочмас!

Гапир аввал менга сен кимлигингни,
Гадоми, юртга ё ҳокимлитаңгни!
Дедим: Бу сўзларни айтма дилбар,
Муҳаббатда гадо, ҳоким баробар!

Деди: Бу дуғ билан ўпмоқ қийиндири!
Дедим: Ноzing менга жондан шириндир!
Деди: Бу ноз эмас, туҳмат гапирма,
Таҳаммил эт, бу нафс сўзига кирма!

Қизнинг юрагига ўт тушиб, севгиси алангланибди. Лекин у ўзини қайтариб, «Менга етиша олмайсан», деяверибди. Бир-бирларининг ишқларида вақт ўтказишаверибди. Ҳар икковлари ҳам аллақандай хаёл денгизига чўмибдилар, бироқ қиз ўзини сақлашда давом этибди. Кеч бўлибди. Уйқу элтаёзибди. Фаним ўрнидан туриб, шам ёқибди. Дастурхонга яна янги егуликлар келтирибди. Қизнинг оёғини ўпа бошлабди. Оёқлари момиқдай майин эмиш.

– Ишқинг асири мафтунинг раҳм қип! Ахир сен бўлмаганда дилим бунча кулфатларга тортмас эди, – деб йиғлай бошлабди Фаним. «Эй азизим, эй кўзимнинг нури, – дебди қиз йигитта, – мен сени ортиқроқ севаман. Лекин шуни ҳам унумагинки, менга етиша олмаслигинг муқаррар». «Нима монеълик қиласди?» деб сўрабди Фаним қиздан ҳаяжон билан, қиз: «Бу кеч мен сенга ўз тарихимни сўзларман, у вақт сен менинг узримни қабул



қиларсан», – дебди-да, Фанимнинг қучоfigа отилибди. Унинг бўйнидан қучиб ўпиб, юпата бошлабди. Ваъдалар билан умидлантирибди. Улар ўйнашиб-кулибдилар, сўнг ётиб ухлабдилар. Шу йўсинда орадан бир ой ўтибди. Ҳар куни Фаним унга таклиф қилишини қўймабди, қиз ҳамон қаршилик кўрсатибди. Мұҳаббатлари ортиб, бир-бирларидан ажралмас дараражага етибдилар.

Бир кеч йигит билан маст ҳолда бирга ётар эканлар, Фаним қизга қўл ташлабди. Қўли аста-секин пастга туша бошлаган экан, қиз уйғониб қолиб, ўтириб олибди. У ёқ-бу ёқларини кўздан кечирибди. Ўзгариш йўқ эмиш. Яна кўзи илинибди. Фанимнинг қўли яна ҳаракатга кирибди. Лозим боғини тортган экан, қиз сесканиб уйғонибди. Яна аввалгидай ўлтириб олибди. Фаним ҳам ёнмаён туриб ўлтирибди.

– Нима истайсан? – дебди қиз Фанимга ярим жиддий.

– Бирга ётишни истайман, лаззатлансан дейман, – дебди Фаним. «Мен ҳозир сенга ўзимнинг сирларимни айтаман, шунда эҳтимол ўзинг ҳам тан берарсан», – дебди қиз. «Яхши», – дебди Фаним.

Қиз этагининг чокини сўкиб, у чокни бармоқ учлари билан ёйибди-да: «Бу ерга ёзилган хатни ўқи!» – деб хитоб қилибди Фанимга. У ерда олтин ҳал билан: «Мен сеники, сен меники», деган сўзлар ёзилган эмиш. Хатни ўқиб бўлгач, Фанимни титроқ босибди. «Саргузаштингни сўзлаб бер», – дебди у қизга. Қиз «Хўп», деб сўз бошлабди:

– Мен халифа тарбиясидаги канизаклардан бўлиб, исмим – Қутулқулбdir. Халифа мени ўз саройида тарбиялади. Катта бўлдим. Ҳусним, кўрким халифани мафтун этди. У мени ғоят севар эди. Халифа менга алоҳида жой белгилади. Хизматимга ўнта жория тайинлади. Мана бу безакларни тақдим қилди. Бир куни халифа бир ёққа кетганда Ситтузубайдага келиб, менинг жорияларимдан бирини йўлдан чиқарибди. Унга ухлаётганимдами, овқатимга солибми, бошқа йўл биланми, ишқилиб бир ҳийла



билан менга наша едиришни буюрган. Жория «Хўп», деб қабул қилган. Шодлик билан нашани қўлга олган (Жория илгари Ситтузубайда хизматида бўлиб, сўнг менга берилган эди). Жория нашани менинг овқатимга солиб берган. Овқатни ейиш билан ҳушим оғиб, ерга йиқилибман. Ситтузубайда бу аҳволни билгач, мени шу сандиққа жойлатган. Яширинча қулларни чақириб, уларга ҳам катта инъомлар ваъда қилган. Қуллар ўша кечаси мени олиб бориб мақбарага қандай кўмгандарини сен ўзинг кўргансан. Мен сен туфайли тирик қолдим. Сен менга улуғ марҳамат қилдинг. Мана менинг воқеам. Бу воқеадан сўнг халифа нима қилди, уни билмайман. Менинг даражамни билгану, лекин ҳеч кимга билдирмаган, – дебди қиз Фанимга.

Фаним қизнинг халифага тегишли эканини билгач, орқага тисралибди. У аллақандай хавф остида қолибди. Ёлғиз ўзи бир четга бориб ўтирибди. Хаёли чулғанибди. Айниқса, Қутулқулбга бўлган кучли севгиси, бироқ унга етишишнинг мумкин эмаслиги бутун хаёлинни банд қилиб ҳўнграб йиғлабди. Тақдирнинг тескари ҳаракатлари, душманлигидан ғазбланиб, шу байтларни ўқибди:

Ошиқ қалби ҳар доимо қийналади, ёнади,
Маъшуқалар тафофилда, ўз ишқидан тонади.
Шу боисдан улар шўхий, жафокор деб айтилур,
Жафо қилмас ёр бўлса у, вафодор деб, айтилур.

Шу вақт Қутулқулб ўрнидан қўзғалиб, Фаним ёнига келибди. Уни қучиб-ўпибди. Фанимга нисбатан муҳаббати янада ортибди. Қутулқулб ўзининг бутун севги сирларини очибди. Фаним эса халифадан чўчиб, бирор иш қилишга ботина олмабди. Улар севги денгизига чўмиб сўзлашар эканлар, тонг отганини ҳам сезмай қолиблилар. Фаним ўрнидан турибди-да, кийимларини кийиб, одатдагича бозорга чиқибди. Керакли нарсаларни олиб, уйга қайтибди. Қараса, Қутулқулб йиғлаб ўтирган эмиш. У Фанимни кўриши билан йигини тарк этибди.



– Эй севиклим, – дебди қиз Фанимга, – мени соғинтириб кетдинг. Сенсиз бир соат, роса бир йилдек туюлди. Мана, менинг сенга бўлган муҳаббатим даражаси. Менга яқин кел, ўтганларни унутиб, хоҳишингни бажар, – дебди қиз йигитга. Фаним:

– Ҳар ким ўзига муносиб иш қилиши керак, – дебди-да, ўзини четга олибди. Ёлғиз ўзи бир бурчакка бориб ўтирибди. Йигит четлашган сари қизнинг муҳаббати авжланар эмиш. Қиз ҳам унинг ёнига бориб ўтирибди. Ичишибдилар, ўйнаб кутишибдилар. Қиз маст бўлиб, шу байтларни ўқибди:

Оҳу десам сени ёрим, муболагам йўқ бунда,
Оҳуларнинг ҳунаридир, узоқ ердан кўз ташлаш.
Тош отасан менга десам, ёлфони ҳам йўқ бунда,
Кийикларнинг иши шудир, бунинг учун бўлма ғаш.

Ор айласанг охуликдан, қани, ўзинг айт менга,
Ишқ аҳлидан нега ҳуркиб, узоқларга қочасан?
Нима учун юз ўгириб, мендек кўнгли яқинга,
Қиё боқмай, сапчиб, ирфиб, тошу тупроқ сочасан?

Сен эй гўзал, дунёдаги гўзалликнинг париси,
Тонг отгунча кўп кўзларга бедорликни ўргатдинг.
Бой берилди бир кўрганнинг фикри, ақли, ҳам эси,
Бир боқища юракларга ўз ишқингни ўрнатдинг.

Фаним йиғлабди. Қиз ҳам унга қўшилиб, кўз ёши тўкибди. Кечгача қўзғалмай ичишибди. Фаним ўрнидан туриб, айрим-айрим ўрин солибди.

– Иккинчи ўрин кимга? – сўрабди Қутулкулб.

– Бугундан бошлаб алоҳида тарзда ётамиз, – дебди Фаним қизга. «Жаноби олийнинг ҳиссаси қулга мамнундир. Қўйинг бу гапларни, – деби қиз Фанимга, – ахир ҳар нарса қазову қадар⁷га қараб оқади». Фаним қаршилик

⁷ Қазову қадар – тақдир.



кўрсатиб, Қутулқулбнинг дилига ўт ёқибди. Унинг ҳирси тобора ортаверибди. Қутулқулб Фанимга ёпишиб олиб: «Бирга ётамиз, бошқача бўлиши мумкин эмас», деб хитоб қилибди. Фаним: «Худо сақласин», деб ўз сўзида қаттиқ тураверибди. Тонг оттунча ёлғиз ётибдилар. Қутулқулбнинг Фанимга нисбатан ҳирси дам-бадам ортаверибди. Шу йўсинда уч ой ўтибди. Қутулқулб кўп мартараб Фанимга илтижо қилибди. Лекин Фаним ҳар сафар ҳам рад жавобини бераверибди. Бу можаро чўзилган сари Қутулқулбнинг севги дарди зўрайиб, азоби ортиб, ғам-алам доира-лари тўлиб-тошибди, юрак-бағри сиқилибди.

Шу равишда бир қанча вақт ўтибди. Фаним қўрқув билан ҳамон ўзини сақлаб юраверибди.

Ситтузубайдага халифа йўқлигига Қутулқулбга қилган бу ишидан пушаймон бўлибди. Халифа келиб суриштирса, «Нима қиласман, қандай жавоб бераман?» деб ташвишланибди. Бир кампирни чақириб, сирни унга айтибди. Ҳасрат қилиб, маслаҳат сўрабди. Кампир воқеага тушунибди.

— Эй сайидам, — дебди у Ситтузубайдага, — халифа келишига оз қолди. Бир дурадгор чақириб, ёғоч одам ясашни буюр, унга мос қабр қазисин, қабр устига одатдагича шамлар осилиб, ёқилсан. Қасрдагиларга қора кийиш буюрилсан. Канизак ва жорияларга тайнинлаб қўй. Халифа келгач, улар эшик олдига чиқиб йифи солишсан. Халифа воқеани сўрайди. Шунда сиз: «Қутулқулб ўлди. Худо сизга сабр берсан. Мен уни ҳурматлаб, ўз қасрига қўйдим», дейсиз. Халифа йифлайди. Бениҳоя хафа бўлади. Унга Қуръон ўқитади. Борди-ю, халифа амакимнинг қизи Қутулқулбни Ситтузубайдага ҳasad туфайли атайлаб ҳалок қилган, деб шубҳаланиб, қабрни очишни буюрса, ундан қўрқмаслик керак. Қабрни очиб, қимматбаҳо кафандарга уралган мурдани кўриш ниятида кафанди очмоқчи бўлса, ҳамма бирдан шариат қоидасига зид эканини уқтириб, зинҳор йўл бермасин. У вақт халифа қизнинг ўлганига ишонч ҳосил қилиб, ўша ер-



нинг ўзига қайта кўмдиради. Сенга ташаккур билдиради, кулфатдан қутуласизлар». Ситтузубайдага кампирнинг тадбирлари маъқул тушиб, уни сарполар билан мукофотлабди. Кампирга кўпгина пул ва моллар берил, шу ишни амалга оширишни буюрибди. Кампир ўша ондаёқ ишга киришибди. Дурадгор чақириб, ёғочдан одам шаклини ясашга буюрибди. Дурадгор бу вазифани бир зумдаёқ адо этибди. Ситтузубайда уни кафанга ўратибди-да, ўз қасридан қабр қаздириб, уни кўмдирибди. Шамдонларга шамлар ёқибдилар. Қабр теварагига гилам ёйидилар. Ситтузубайда қора кийиб, канизакларни ҳам қора кийишга ундаиди. Қутулқулбнинг ўлганлиги овозасини бутун саройдагилар эшитибдилар. Бироз вақт ўтгач, халифа сафардан қайтибди. Шоҳ қараса: чўрилар, канизаклар, қуллар қора кийинишган эмиш. Цили ғашланиб, Ситтузубайда қасрига кирибди. Уни ҳам қорага ўралган ҳолда кўриб, аҳвол сўрабди. Қутулқулб ўлганлигини билдирган эканлар, шоҳ ҳушидан кетибди. Ҳушига келгач, унинг қабрини сўрабди.

— Эй халифа, — дебди Ситтузубайдага унга, — ҳар нарсадан кўра қимматли бўлган Қутулқулбни камоли ҳурматимдан ўз қасримга кўмдим.

Халифа сафар кийимдалигича тўғри Қутулқулб зиёратига йўлланибди. Қабр атрофида гиламлар, ёниғлиқ шамларни кўриб, Ситтузубайданинг қилган ишига таҳсиллар ўқибди. Лекин у бу ишдан ҳайратланибди. Бошига ҳар турли фикрлар келиб, кўнглида шубҳа пайдо бўлибди. Шубҳа ғалаба қилибди-ю, қабрни очиб, ўликни олишга буюрибди. Кафанин кўргач, уни очиб кўришни истабди. Бироқ Ҳудодан кўрқибди. Кампир мурдани ўз жойига кўйишни таклиф қилибди. Халифа дарров қариялар, муллаларни чақириб, Қуръон ўқитишни буюрибди. Ўзи қабр ёнига ўлтириб, тинмай йиғлабди, халифа роса бир ойни шу йўсинда ўтказибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шахризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Қирқ иккинчи кеча

– **Ә**й саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод. – Орадан түрт ой ўтибди. Аммо халифа ҳамон шубҳада экан. Бир кун амирлар, вазирлар ўз жойларига тарқалишгач, шоҳ ҳарамга кирибди. Бироз ухламоқ истабди. Унинг бош томонида ҳам, оёғида ҳам канизаклар ўлтирар эканлар. Уйқу ғалаба қилиб, кўзи илинибди. Орадан кўп ўтмай уйғонибди. Канизаклар сўзлашиб ўтиришган экан. Шоҳ кўз очмай, қулоқ солиди.

Халифанинг бош томонидаги Қазиб исмли канизак оёқ томонидаги Ҳайзарот исмли канизга шундай дермиш: «Улуғ хўжамиз – халифа бўлиб ўтган сирдан хабарсиз, дурадгор ишлаган ёғоч одамнинг қабри устида кечаларни уйқусиз, қайғу билан ўтказаётир». «Қутулқулб қаерда, унга нима бўлган?» сўрабди иккинчи канизак.

– Ситтузубайдада, – дебди Қазиб сўз бошлиб – Қутулқулбга наша едириди. Наша таъсир қилгач, уни сандиққа жойладилар. Сўнг Ситтузубайдада Сақоб, Бухит, Кофур номли хабаш кулларга уни гўрга елтиб кўмишни буюорди.

– Шундай дегин, Қутулқулб ўлмаган экан-да, – деди Ҳайзора Қазибга.

– Эшишимча, – дебди Қазиб, – Қутулқулб тўрт ойдан бери дамашқлик Фаним исмли бир савдогар йигит билан бирга эмиш. Бечора халифа бу воқеадан хабарсиз, ёғоч мурда қабри тепасида йиглаб, тонг отдиради.

Канизлар бу тўғрида узоқ сўзлашибдилар. Халифа диққат билан тинглабди. Канизларнинг гапи тугабди. Халифа воқеага тушуниб етибди. «Бу гўр – сохта гўр. Қутулқулб тўрт ойдан бери Фаним ибн Айюб ёнидадир», деган гапларни эшишиб, халифа беҳад фазабланибди. У ўрнидан туриб, давлат арбобларини чақиртирибди. Жаъфар бармаки халифа ҳузурида ер ўпибди. Фазабланган халифа Жаъфарга шундай дебди:



– Фаним ибн Айюб деганнинг уйини излаб топ. Уйини тафтиш қилиб, у ердан менинг канизагим Қутулқулбни келтир. Мен унинг таъзирини беришим керак.

– Бош устига, – дебди Жаъфар.

Жаъфар тегишли одамлар билан йўлга тушибди. Шаҳар ҳокимини ҳам ўз ёнига олибди. Фанимнинг уйини излаб, топиб борибдилар. Фаним бозордан эндингина таом келтириб, икковалари ҳам овқатта қўл узата бошлаган эканлар. Қутулқулбнинг кўзи ҳовли ичига кириб келувчиларга тушибди-ю, фалокатга йўлиққанини англабди. Вазир, ҳоким, уларнинг ёнларида қилич яланғочлаган жазо соқчилари ҳам бор эмиш. Кўз атрофини киприк ўрагани сингари одамлар ҳам улар атрофини ўраб олишган эмиш. Қутулқулб воқеанинг халифа қулоғига етганини сезибди. Ранги ўчиб, қони қочибди. Фанимга қарабди.

– Бошингни қутқар, – дебди у Фанимга оҳистагина.

– Нима қиласман, қаерга бораман? Ҳамма молу мулким шу ерда-ку, – дебди Фаним. «Жонингни қутқазиш учун тезроқ ўзингни четга ол», деб такрорлабди Қутулқулб.

– Эй севиклим, – дебди Фаним, – қандай қилиб бу ердан чиқиб кетаман? Ҳовлини ўраб олганлар-ку?

– Қўрқма, – дебди Қутулқулб Фанимга, сўнг унинг янги кийимларини ечинтириб, эски кийимлар кийгизибди. Гўштлик тогорани гўшти билан унинг бошига қўйибди. Қолган-қутган нон ва овқатларни ҳам унга солибди.

– Мана, энди баҳузур чиқиб кетавер, мендан хавотир олма, халифанинг ҳоли менга маълум, – дебди.

Фаним Қутулқулбнинг сўзини эшилтгач, бошига тогорани кўйганча чиқиб кетибди. Ўзининг пок ниятига яраша уларнинг жазосидан ҳам сақданиб қолибди. Жаъфар Қутулқулбнинг эшиги олдида арғумоқдан тушиб, уйга кирибди. Қутулқулбга қараса, у ғоят безанган эмиш. Уйда олтин, кумуш ва турли қимматбаҳо зийнат асблолари билан тўла сандиқ турган эмиш. Жаъфар кириши билан Қутулқулб оёққа туриб, салом берибди. «Тангри хоҳишини қалам ижро қиласди, эй хўжам», дебди Қутулқулб майинлик би-



лан. «Бизга фақат Фаним ибн Айюбнинг бошини олиш топширилган», дебди Жаъфар мағрур оҳангда.

– Ана муҳтарам вазир, – дебди Қутулқулб Жаъфарга,
– Фаним ибн Айюб бир қанча моллар тўплади-да, уларни олиб Дамашққа жўнади. Щундан бошқа ҳеч нимани билмайман, малол келмаса, мен бу сандиқни сизда сақланишини истар эдим.

Жаъфар «Бош устига», дебди-да, кишиларга уни кўтартирибди. Қутулқулб ва бошқалар билан халифа саройга йўл олибди. Қутулқулбни ҳурматлабдилар. Лекин Жаъфар, Фанимнинг уйини тамоман вайрон қилиб ташлабди. Сўнг улар халифага юзланибдилар. Жаъфар халифага воқеани сўзлаб берибди. Халифа Қутулқулбни қоронги уйга олиб киришни буюрибди. Халифа Фаним Қутулқулб билан алоқада бўлган, деб шубҳаланибди. Щунинг учун у Қутулқулб хизматига маҳсус бир кампирни белгилабди. Сўнг Дамашқ амири Мұхаммад ибн Сулаймонуззайнга: «Шу хатни олиши билан Фаним ибн Айюбни тутиб менга юбор», деган мазмунда бир хат ёзибди.

Амир хатни олиб, ўпибди. Сўнг у «Фаним ибн Айюбни таламоқ истаганлар унинг уйига борсинлар», деб жар чақиритирибди. Одамлар Фаним ибн Айюбнинг уйига борсалар, онаси билан синглиси уйларида Фанимга қабр ясад, унинг ёнида йиғлаб ўтирган эмишлар, уларни қўлга олиб уйларини талабдилар. Она-бона гапнинг нимада эканлигини тушунмай ҳайратланибдилар. Уларни шоҳ ҳузурига элтиб топширибдилар. Шоҳ улардан Фаним ибн Айюбни сўрабди. Улар бир йилдан бери унинг тўғрисида ҳеч гап эшитмаганликларини айтибдилар. Шоҳ уларни озод этибди: ҳижронда эзилган Фаним ибн Айюб борйў fidan ажраб, ҳайронликда қолибди. Сиқилиб, кўз ёши тўкибди, ихтиёrsiz кўчама-кўча кезиб юрибди.

Бир шаҳарга кириб борган чоғида қеч кириб, ҳаммаёқ қоронги бўлиб қолган экан. Қорни очган, кучдан толган, мадорсиз ҳолда бир масjidга кирибди-ю, деворга суянганича тонг оттирибди.



Очликдан ичи қалтиармиш, баданларидан битлар ўрмалармиш, кийим-бошидан аллақандай жирканч бир ҳид анқирмиш. Унинг аҳволи ўзгарибди. Бомдод намозини ўқиш учун кишилар кела бошлабдилар. Улар қарашса, бир киши жуда аянчли бир ҳолда ётганмиш. Бироқ унинг давлат эгаси бўлғанлиги сезилиб турганмиш. Кишилар намозни ўқиб бўлиб, унинг ёнига келибдилар. У оч ва йиртиқ ямоқ кийимда экан. Унинг устига эски тўнлар келтириб ёпибдилар. «Кимсан, қаерликсан, нега бунча заифлашдинг, эй мунгли?» деб сўрай бошлабдилар. Фаним кўзини очиб, уларга тикилибди. Кўзларидан тўхтовсиз ёш оқармиш. Лекин оғиз очиб, жавоб бера олмабди. Баъзилар унинг ғоят оч эканини дарров пайқабдилар. Турганлардан бир киши югуриб бориб, қулоқдай кичик бир идишда асал билан паррак кулча келтирибди. Фаним ебди. Кишилар кун чиққунча унинг ёнида ўлтирибди, сўнг ўз ишларига кетибдилар. Бир ойга яқин Фаним шу ерда қолиб кетибди. Унинг аҳволи тобора ёмонлашиб, касали ортаверибди. Фаним баъзилар билан ўз иши тўғрисида кенгашибди. Улар Фанимни Бағдоддаги касалхонага боришини маслаҳат берибдилар. Шу орада иккита гадой аёл хайр сўраб кириб келибди. Уларнинг бири онаси, иккинчиси синглиси экан. Фаним бошидаги нонни уларга узатибди. Шу кеч улар ҳам шу ерда тунабдилар. Фаним уларни танимабди. Эртасига ўша шаҳарлик кишилар бир түя келтиришибди. Улар тия эгасига шундай дейишибди:

– Бу бечорани кўтариб тияга ўтқаз-да, Бағдоддаги касалхона эшигига олиб бориб тушир. Тузалиб кетар, сенинг хизматингни бекор қолдирмасмиз.

– Бош устига, – дебди түякаш.

Фанимни кишилар масжиддаги йиртиқ, қуроқ шолчага ўраб, тияга ўтқазибдилар. Ҳалиги аёллар бунга томошабинлар қаторида қараб турибдилар. Улар Фанимни танимаган эканлар. Эндинина унга диққат билан қараб: «Азизимиз Фанимга ўхшар экан, ҳақиқатда бу Фаниммикан-а?» дебдилар бир-бирларига шу топда. Фаним эса ҳушсиз



экан. Туяга ётқизиб, арқон билан үраганларидагина қўзи-ни очибди. Уввос солиб, қўз ёши тўкармиш. Ҳамма унга қарап, онаси билан синглиси унинг ҳолига ачиниб йифла-шармиш. Ҳамон уни таний олмабдилар. Улар Бағдодгача бирга борибдилар. Туячи уни Бағдод касалхонаси эшиги-га элтиб, туядан туширибди. Сўнг ўз йўлига қайтибди. Фаним эрталабгача дам ҳушёр, дам ҳушсиз шу ерда ўлти-рибди. Йўловчилар унга қарармишлар. Унинг шу даражада озиб кеттанидан қаровчилар ҳам ҳайратланишибди. Бозор оқсоқоли келибди. У одамларни четлатиб:

– Мен шу ғарибга бир яхшилик қиласай, агар уни касалхонага киритилса, бир кунда ўлдирадилар, – дебди-да, ўғлига беморни олиб боришни буюрибди. Уни уйта олиб бориб ётқизибдилар. Оқсоқол унга янги қўрпа, янги ёстиқлар солиб берибди. Хотинига парвариш қилиб ту-ришни буюрибди. «Бош устига», дебди хотини.

Аёл енгларини шимариб сув иситибди. Фанимнинг оёқларини, қўлларини, баданларини ювиб, чўрисининг кийимларидан кийгизибди. Бироз ичимлик ичирибди, устига гулоб сепибди. Фаним ҳушига келиб, севиклиси Қутулқулбни эслабди. Қайфуси ортибди.

Энди Қутулқулдан эшитинг, унга халифа ғазаб қилибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Қирқ учинчи кечада

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод. – Халифа Қутулқулбга ғазаб қилибди. Саксон кунгача уни қоронғи уйда сақлабди. Иттифоқо халифа бир куни Қутулқулб турган жойнинг ёнидан ўтаётуб, Қутулқулбнинг шеър ўқиётганини эшитибди. Қиз шеърни тугатиб, шу сўзларни дебди:

– Эй севиклим Фаним, қандай кўркамсан, қандай содик ва қандай эҳтиёткорсан.



Сен менга ёмонлик тиловчига яхшилик қилдинг, сени ҳалокатга элтувчини хурмат қилдинг. Сен унинг канизагини ҳимоя қилдинг, у сенга ҳам, сенинг севиклинига ҳам кулфатни лойиқ кўрди. Майли. Сен билан халифа орасидаги бу сир Худо қози бўлиб, фаришталар гувоҳ бўлганда ажрим бўлур.

Халифа бу сўзларни эшитгач, зулм ўтганини тушунибди. Қасрига кириб, Қутулқулбни йўқлатибди. Қутулқулб шоҳ ҳузурида бош эгибди, унинг кўзи ёшлиқ, дили ғашлик эмиш. – Эй Қутулқулб, – дебди халифа унга, – сени мендан жабрланган сезаётирман. Мени золимликда айбллаётисан, яхшилик қилганга ёмонлик қилувчи, деб таниётирасан. Менинг ҳурматимни қилган, севиклисини таҳқирлаганим ким? «Фаним ибн Айюб, – дебди Қутулқулб, – сенинг ҳурматинг учун у менга яқинлашмади, ахир».

– Ундай бўлса тила тилагингни, муродингни бераман,
– дебди халифа.

– Севиклим Фаним ибн Айюбни истайман, – дебди Қутулқулб.

Халифа розилик билдириб, уни келтиришни буюрибди. Қутулқулб Фаним келгач, халифадан ўзининг унга ҳадя қилинишини ўтинибди.

– Уни келтир, мен сени унга ҳадя қиласман, сахийлар ҳадяларини қайтариб олмайдилар, – деб қўшимча қилибди халифа.

– Менга рухсат эт, мен уни излай. Зора, Худо бизларни қовуштиrsa, – дебди Қутулқулб.

– Истаганингни қил! – дебди халифа.

Қутулқулб шодланиб, ёнига минг динор тугибди да, йўлга тушибди. Шайхларни зиёрат қилибди. Уларга садақа берибди. Иккинчи кун савдогарлар қошига борибди. Очяланғочларга беришни сўраб, бозор оқсоқолига пул берибди, кейинги жўма куни яна минг динор олиб, бозорга борибди. Заргарлик раастасига кириб, раста оқсоқолини чақириби. Қўлига минг динорни топшириб, очяланғочлар, мусофиirlар ва ғарифларга топширишни сўрабди.

Оқсоқол пулни олар экан, Қутулқулбга қараб дебди:



– Менинг уйимда күркда, фазлда тенгти йўқ бир мусофир йигит бор. Менинг уйимга бориб, уни қўришга рози бўлсанг.

Бу Фаним ибн Айюб экан-у, лекин оқсоқол уни билмас, ўзича уни пулларидан ажраб, қарздор бўлиб қолган, жабрланган бир мусофир ёки севиклисидан айрилган бир ошиқ, деб билган экан.

Бу сўзни эшитган ҳамон Қутулқулбнинг юраклари ўйнай бошлибди. Ҳаяжонга тушибди. «Сенинг уйинга мени ким эттади?» деб сўрабди оқсоқолдан Қутулқулб. Оқсоқол бир кичик болани унга қўшиб юборибди. Қутулқулб оқсоқолга миннатдорчилик билдириб, йўлга тушибди. У оқсоқолнинг хотини унинг қаршисида ер ўпибди, хотин Қутулқулбни танир экан. Қутулқулб: «Мусофир йигит қаерда?» деб сўрабди ундан. Хотин йиглаб: «Ана у ерда, бу йигит бошидан кўп нарсаларни кечирган, ғоят етуқдир», деб уқтирибди хотин. Қутулқулб ётган йигитга кўз ташлабдида, бу, албатта, Фанимдир, лекин тамом ўзгарган, ориқлаган бўлса керак, деб ўйлабди. Кўп тикилиб, уми ёки ўзгалигини аниқлай олмабди. Унинг ҳолига раҳми келиб, кўз ёш тўкибди. «Ўз шаҳарларида амир бўлганлар – мусофирикда мискин бўладилар», дебди у. Касалга ичимлик тутибди. Дори ичирибди. Анчагина вақт унинг бошида ўлтирибди. Сўнг қасрига қайтибди.

Қутулқулб Фанимни сўроқлаб, ҳамма бозорларга бирма-бир борибди. Оқсоқол Фанимнинг онаси билан синглисини келтирибди.

– Булар она-бона, – дебди оқсоқол Қутулқулбга, – шу кун бизларнинг шаҳримизга келган мусофирилардир. Бу кўркам чеҳраларда улуғлик асари бор. Лекин улар қора шол кийганлар. Ҳар иккиси ҳам бўйинларига тўрва осган, кўзлари намлик, диллари аламлиkdir. Мен уларни сенга келтирдим. Буларни тарбия қилинса, зора сени ҳам, мени ҳам шу туфайли Тангри ярлақаса. Булар одамлардан хайр-садақа тилашга лойиқ кишилар эмас.



– Бу сўзлар билан менда уларни кўришга иштиёқ қўзғатдингиз, қани улар? – дебди Қутулқулб. Оқсоқол уларнинг киришини буюрибди.

Фитна билан онаси Қутулқулб ёнига киришибди. Қутулқулб уларга тикилибди. Улар ғоят кўркам эмишлар. Қутулқулб уларга қараб йиғлабди. Уларда улуғворлик сезибди.

– Эй маликам, сен билан биз савобилар учун эзилган фақирларни севамиз, – дебди оқсоқол. – Булар эса зулм ўтган, эзилган, хонумонидан ажralган кишилар кўринадилар.

Улар ҳўнграб йиғлаб юборишибди. Ҳижронда азобланган ўғиллари Фанимни эслашибди. Йифи яна авж олибди. Қутулқулб ҳам уларга ҳамдард бўлибди. Сўнг онаси: «Излаб юрган кишимиз Фаним ибн Айюбга йўлиқтиришини Худодан сўраймиз», дебди. Қутулқулб бу сўзни эшигтач, уларнинг бири севиклисининг онаси, иккинчиси унинг синглиси эканини билиб, ҳўнграб йиғлай бошлабди. Ҳатто ҳушидан ҳам кетиб қолибди. Орадан бироз ўтгач, ҳушига келибди. Уларга юзланиб шундай дебди:

– Сизлар хафа бўлманглар, буқун баҳтли ҳаётингизнинг биринчи куни, қайғули соатларингизнинг сўнгги дақиқасидир. Бундан сўнг ғам-алам сизларга ётдир.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Кирқ
тўртинчи
кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод. – Қутулқулб уларга:

– Хафа бўлманглар, – дебди-да, оқсоқолдан уларни ўз уйига олиб боришини сўрабди. Бироз пул бериб, уларни ҳаммомга олиб бориб ювинтириш, янги кийимлар кийгизиш, уларга ғамхўрлик қилиш зарурлиги, уларни ҳурмат қилиш кераклиги, бу гапларни бекаму кўст бажаришни хотинига уқтиришини ўтинибди.



Иккинчи куни Қутулқулб отланиб, оқсоқолнинг уйига борибди. Унинг хотини билан кўришибди. Оқсоқолнинг хотини уни ҳурмат билан қаршилабди. Қилган марҳаматлари учун ташаккур билдирибди. Қутулқулб оқсоқолнинг хотини уларни ҳаммомга олиб боргани, янги кийимлар кийизганини кўрибди-да, улар билан сўзлаша бошлабди. Сўнг Қутулқулб хотиндан уйларида ётган беморнинг аҳволини сўрабди. Хотин унинг бир хилда эканини айтибди.

– Туриңлар, – дебди Қутулқулб уларга, беморнинг ёнига бориб, уни кўрайлик. Қутулқулб, оқсоқолнинг хотини, Фанимнинг онаси, синглиси ўринларидан қўзғалибдилар. Ҳаммалари бемор ёнига кириб ўлтирибдилар. Ҳижронда эзилган Фаним ибн Айюбнинг қулоғига Қутулқулбнинг сўзи эшитилибди. У жуда ҳолдан тойган, териси бориб устихонга ёпишган экан. Майин, ширали овозни эшитиб, жони қайта киргандек бўлибди. Ёстиғидан бошини кўтарибди-да: «Эй Қутулқулб», дебди зўрға. Қутулқулб унга қараб, диққат билан кузатибди. Унинг Фаним эканини аниқлабди-ю, чақириғига «Лаббай», деб жавоб қайтарибди. «Менга яқин кел», дебди Фаним. «Севиклисидан узоқда азобланган Фаниммисан?» деб сўрабди Қутулқулб. «Ха, мен Фанимман», дебди йигит оҳиста. Онаси билан синглиси унинг сўзларини эшитиб, ихтиёрсиз додлаб юборишибди. Камоли шодликдан ҳушсизланиб, ийқилишибди. Ҳушларига келгач, Қутулқулб:

– Шукрлар бўлсин, Худо сен билан ҳам, онанг ва синглинг билан ҳам дийдор кўриштирди, – дебди-да, Фанимга яқинроқ ўлтириб, унга бутун воқеани сўзлабди. Халифа Фанимни афв эттанини, уни кўриш истагини, Қутулқулбни унга бағишлиганини мукаммал сўзлабди. Фаним ғоят шодланибди. Сўнг онаси, синглига қараб, улар билан сўзлашибди. Қутқулқулб:

– Мен келгунча шу ердан силжиманглар – дебди-да, ўрнидан туриб, қаср томон йўл олибди. Фанимнинг уйидан олиб борган сандиқни очиб, ундан динор олибди. Пулларни оқсоқолга келтириб берибди.



– Бу пулларни олинг-да, – дебди Қутулқулб оқсоқолга, – уларнинг ҳар бирига энг асл кийимлардан, тўрт бош-оёқ сарполик ва бошқа керак нарсалар олинг». Кейин ўзи уларни ҳаммомга элтибди. Ҳодимларга уларни ювинтиришни буорибди. Ҳаммомдан чиқишиларига олма ва бошқа мевалар сувидан шарбат тайёрлатибди.

Улар ҳаммомдан чиқишигач, кийимлар кийгизибдилар. Қутулқулб улар ёнида уч кун турибди. Энг лаззатли таомлар, шарбатлар тайёрлатибди. Улар анча тетиклашиб қолибдилар. Уч кундан сўнг Қутулқулб уларни яна ҳаммомга элтибди. Ҳаммомдан чиқишигач, яна янги кийимлар кийгизибди.

Қутулқулб халифа саройига йўл солибди. Халифа қаршисида ер ўпиб, воқеани халифага айтибди. Севги ўтида куйган Фаним ибн Айюб, ўғлиниң дарди туфайли эзилган она ва кўп азоб чеккан синглисининг ҳам топилганини сўзлабди. Халифа Қутулқулб сўзини эшитгач, қулларга Фанимни келтиришни буорибди. Жаъфар йўлга тушибди. Қутулқулб йўл бошлаб борибди. У Фаним ҳузурига кириб: «Халифа сени йўқлади. Биз сени халифа ҳузурига олиб кетиш учун келдик», дебди. Қиз Фанимни халифа ҳузурида дадил туриб, ёқимли иборалар билан нутқ сўзлашга ундаиди. Унга қимматбаҳо кийимлар кийгизиб, кўпгина динорлар берибди. Халифа ҳузурига кирганда, пулларни унинг ёнидаги одамларга эҳсон қилишини тайинлабди. Шу орада Жаъфар ҳам кириб келибди. Фаним Жаъфарнинг ҳурматини бажо келтириб, ўрнидан турибди. Салом бериб қаршилабди.

Фанимнинг баҳти тонги ёришибди, иқбол юлдузлари порлабди.

Жаъфар Фаним билан йўлга тушибди. Халифа саройига кириб борибдилар. Фанимнинг кўзи халифа ёнидаги вазирлар, амирлар ва бошқа савлатли давлат арбоблари га тушибди. У ўзидаги бор маҳоратини ишга солибди. Фоят ёқимли ва ниҳоятда фасиҳ сўзлашга киришибди. Бошини қуи солиб, шу байтларни ўқибди:



Мартабаси юксак, гўзал, лутф-эҳсони бепоён,
Э улуф зот! Саломинга подшоҳлар бош қўймиш.
Улуф мақсад эгалари кимлардир? Сенга аён,
Сендан қочиб қутулолмас махфий сир ҳам мушқул иш.

Ўт ҳам сувнинг балосига ким дучордир, сени дер,
Сажда қилур оёғинга, халоскори сендиран.
Ноҳақ ситам кўрганга эм даркордир, сени дер,
Зулмзадалар соябони, мадодкори сендиран.

Дашту саҳро торлик қилур лашкиринга, ҳашамга,
Юлдузларни қозиқ қилиб, чодиринг тик осмонга.
Ҳайрон қолса фаришталар, арконий муҳташамга,
Довруғларинг шамол каби тарқалсин кенг жаҳонга.

Ақлинг етти иқлим учун бўлсин доим баробар,
Ер юзида адолатинг дарё бўлиб, мавж урсин.
Мадҳиянгни шу шеър билан қилмоқчиман муҳтасар,
Сиёсатда адолатда камолатинг ўқилсин.

Фаним шеърни тугатибди. Халифа унинг ифодали ва
жуда жозибали шеъридан ғоят завқланибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя
айтишни тўхтатди.



Кирк
бешинчи
кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этди
Шаҳризод. – Халифа шеърдан ғоятда завқла-
нибди.

– Яқинроқ кел, бошингдан ўтганларни менга
сўзла, – дебди шоҳ. Фаним шоҳга яқин ўти-
риб, бошига тушган ташвишларни бошдан-
оёқ сўзлабди. Халифанинг Фанимга раҳми
келиб, унинг учун турли асбоблар билан мукаммал зий-
натланган махсус бино белгилабди. Онаси билан сингли-
сини келтиришибди. Қутулқулб Фанимга никоҳ қилиниб-



ди. Шу кеч Фанимнинг синглиси Фитна ҳам шоҳга ни-коҳланибди.

– Подшоҳ Умаруннуъмон, унинг ўғиллари Шаррикон ва Зуулмакон ҳикояси бундан ҳам қизиқ, – дебди қиз шоҳга.

– Қани, шу ҳикояни айт! – дебди шоҳ.

ПОДШО УМАР ИБН НУЬМОН, УНИНГ ШАРРИКОН ВА ЗУУЛМАКОН ИСМЛИ ЎҒИЛЛАРИ ҲИКОЯСИ

Бағдод шаҳрида Абдулмалик ибн Марвон хали-фалигидан олдин Умар ибн Нуъмон шоҳ бўлган экан. У фоят улуғ шоҳ бўлиб, Эрон шоҳларига ҳам, Рум шоҳла-рига ҳам ўз ҳукмини ўтказар экан. Ҳеч ким унинг ўтига исинмас, ғазабини сўндира олмас ва ҳеч ким у билан тенглаша олмас экан. Фазабланганда бурун парраклари-дан дуд чиқаркан. Умар ибн Нуъмон дунёнинг ҳар томонига ҳукмини юргизар, ҳар бир шаҳар ва ҳар бир вилоятга ўз амирни ўтказаркан. Барча унга бўйсунар, ҳамма шаҳарларда аскарлари бор экан. Кун ботардан кун чиқаргача унинг ҳукми остида бўлиб, Ҳинд, Синд, Чин, Яман, Ҳижоз, Ҳабаш, Шом, Рум, Диёрибакр ва ер юзидаги беҳисоб яйлов ва сахролар, Сайхун ва Жайхун, Нил ва Фирот каби дарёлар унинг тахти тасаруфида экан. У дунёнинг энг узоқ жойларига элчилар юборар, улар орқали шаҳарларининг тинч ва осойишта эканини, ҳалқлар унинг дуои жони билан машғул эканини, барча улуғлар унинг шону шавкатига таслим эканларини эши-тиб, хотиржам бўлар экан. Дунёнинг ҳар бурчагидан унга хирож ва тұхфалар келар экан.

Унинг Шаррикон исмли бир ўғли бор бўлиб, чирой ҳамда шижаатда ҳеч ким унга тенглаша олмас экан. Отаси уни ҳаддан зиёд севаркан. Шаррикон балофатга



етгач, Умар ибн Нұймон тожу давлат ва мамлакатни ўғлига топширишни васият қилибди. Шаррикон катта бўлиб, йигирма ёшга кирибди. У жуда баҳодир ва салобатли экан. Ҳамма қуллар унга бўйсунар эканлар. Умар ибн Нұймоннинг тўрт хотини бор экан. Лекин Шарриконнинг онасидан бошқа хотинлари бола кўрмаган эканлар. Шу билан баробар, унинг турли миллат фарзандларидан йил кунларининг сонича уч юз олтмишта канизаги бор экан. Сарой ичидаги уларнинг ҳар бирига маҳсус уч юз олтмиш уй барпо этилган экан. Бу бинолар шу тахлит экан: ойларнинг ҳисобига мувофиқ ўн иккита сарой қурилиб, ҳар бир саройга кунларнинг саноғига мослаб ўтизтадан хона бунёд этилган экан. Шундай қилиб, уч юз олтмишта маҳсус уй солинган экан. Канизакларнинг ҳар бирига маҳсус уй тайинлаб, унинг ўзи ҳар кеча шу уйларнинг бирида вақт ўтказар экан. Шундай қилиб, шоҳ улар ёнида бир йилда бир кечагина бўлар экан. Шу йўсинда бир қанча вақт ўтибди. Ўғли Шарриконнинг таърифи дунёнинг ҳар томонига ёйилибди. Отаси бу довруқларга илгаригидан ҳам фахрланибди. Қувватига қувват қўшилибди. Узоқ элларга яна ҳужум бошлабди. Кўп қалъя ва ерларни забт этибди. Иттифоқо шоҳга канизакларидан бирининг ҳомиладор бўлганини етказибдилар. Шоҳ бу хабардан беҳад севинибди. Зора, ҳомиласи ўғил бўлса, деган умидда канизакка яхши қарай бошлабди. Шаррикон отасининг канизаги ҳомиладор бўлганини эшитиб, қаттиқ хафа бўлибди. Энди мен билан мамлакатни талашадиган ворис дунёга келади, деб ўйлабди. Лекин унинг бу мулоҳазалари ҳали ўз дилидаги сир экан. Шаррикон канизак ўғил туғса – ўлдиришга қасд қилибди-ю, аммо қасд қилганини ҳеч кимга сездирмай, ўз дилида сир сақлабди.

Энди канизак воқеасини эшитинг: канизак румлик экан. Уни Рум шоҳи бир қанча инъомлар билан шоҳга тортиқ қилган экан. Унинг исми Сафия экан. У канизаклар ичидаги энг чиройли, энг ақдли ва покизаси экан.



Умар ибн Нуъмон унинг ёнида бўлган кеча Сафия шоҳга:

– Эй муҳтарам шоҳ, мендан бир ўғил кўрсанг, мен уни яхшилаб тарбияласам, таълим берсам, деган орзудаман, – дебди. Унинг сўзи шоҳга маъқул тушиб, жуда қувонибди.

Сафиянинг ой-куни тўлибди.

Шоҳ чўрилардан бирини унинг қиз ёки ўғил туққанини билиш учун юборибди. Ўғли Шаррикон ҳам шу ишни билиш учун одам қўйган экан. Сафиянинг кўзи ёрибди. Кўрганларнинг ҳаммаси чиройли бир қиз туғди, деб овоза қилишибди. Чўри ҳам дарров шоҳга шу хабарни етказибди. Шаррикон қўйган одам ҳам ҳовлиққанича чопиб, шундай маълумот келтирибди. Шаҳзода бу хабардан севинибди. Чўрилар кетгач, Сафия у ердагиларга:

– Менга эҳтиёт бўлинглар, яна бир нарса бордек сезаётирман, – дебди.

Кўп ўтмай яна бир ўғил туғибди. Чақалоқ тўлин ойдек чиройли экан. Кўрганлар ҳаммаси беҳад севинишибди. Сафия эсон-омон қутулибди.

Бу овоза бирпастда бутун саройга тарқалибди. Ҳамма канизак ва қуллар бу хабардан воқиф бўлибдилар. Канизаклар ҳасад қилибдилар. Умар ибн Нуъмонга ҳам бу хабар бориб етибди. У фоят севиниб, тезлик билан Сафия ёнига келибди ва унинг пешонасидан ўпибди. Янги туғилган ўғлини ҳам ўпибди. Канизаклар соз чалиб, қўшиқ айтишибди, ўйин тушишибди. Шоҳ ўғилга Зуулмакон, қизга Нуэҳатуззамон деб исм қўйишни буюрибди. Шоҳнинг фармони бажо келтирилиб, қиз билан ўғилни шу исм билан атай бошлабдилар. Шоҳ маҳсус доя, энага, хизматчилар тайинлабди. Уларнинг емоқ-ичмоқларига ширинлик, ичимлик, ёғ ва бошқа нарсалар тайин қилибди. Бағдод аҳолиси шоҳга Худо янги меҳмон берганлиги хабарини эшитибдилар. Шаҳар безатилиб, ҳамма севинч-қувончга тўлибди. Амирлар, вазирлар ва бутун сарой аҳли шоҳ Умар ибн Нуъмонни ўғли



Зуулмакон, қизи Нузҳатуззамон билан муборакбод қилишибди. Шоҳ уларга ташаккур билдирибди, сарполар кийгизибди, кўпларнинг мартаасини оширибди. Узоқ-яқинларнинг ҳаммасига кўпгина эҳсонлар қилибди. Шоҳ Сафия ва унинг болаларидан тез-тез хабар олиб, уларнинг аҳволларидан воқиф бўлиб турибди. Тўрт йил аҳвол шу йўсинда ўтибди. Тўрт йил ўтгач, кўпгина қимматбаҳо матолар, кийимлар, зийнат ассоблари келтиришга буюрибди. Уларни Сафияга тақдим қилиб, болаларига яхши тарбия бериш, илм ўргатишни таъкидлабди.

Шоҳнинг катта ўғли Шаррикон отасининг янги туғилган қизи Нузҳатуззамондан бўлак иккинчи ўғли Зуулмакондан хабарсиз экан. Бу воқеани улар Шаррикондан атайлаб сир тутибдилар. Шаррикон анча вақтгача бу сирдан бехабар, баҳодирлик машқлари, чавандозлик билан машғул бўлиб юра берибди.

Кунлардан бир кун Умаруннуъмон тахтида ўтирган экан, сарой соқчиси ҳузурига кирибди-да, ер ўтиб шундай дебди:

– Эй муҳтарам шоҳ, Рум шоҳидан элчилар келишибди. Улар ҳузури олийларига кириб, ер ўпмоқ истайдилар. Агар рухсат бўлса киритамиз, акс ҳолда ҳам фармонларини бажаришга тайёрмиз.

Шоҳ киришга амр қилибди. Улар киришгач, шоҳ саломга алик олибди, ҳол-аҳвол сўраб, келиш сабабларини билмоқчи эканини айтибди.

– Эй сахийликда тенги йўқ, улуф шоҳ, – дебдилар улар ер ўтишиб, бизни бу ерга Юнон шаҳарларининг соҳиби, насоро аскарларининг лашкарбошиси шоҳ Афридун юборди. У ўзининг кеккайган Рум соҳиби билан зўр курашда эканини билдиради. Бунга сабаб шуки, баъзи араб шоҳлари жанг вақтида Искандар замонидан қолган хазина топганлар ва уларни беҳисоб қимматбаҳо моллар билан бирга олиб кетганлар. Топилган хазинанинг бири – нуом, тухум катталигидаги учта тошлардир. Бу тошлар оқ гавҳарларнинг энг олийларидан. Қиммат



баҳо бўлиб, уларга юононча хат билан сеҳрли сўзлар нақш этилган экан. У тошларнинг турли хил хосиятлари ҳам бор экан. Масалан, агар янги туғилган гўдакка уларнинг бирини осиб қўйилса, у болага ҳеч қандай зарар етмас, сувга чўкмас, ўтда куймас экан. Афридун буларни қўлга киритиб, уларнинг хосиятини билгач, совғаларни бир кемага ортиб, иккинчи кемага ҳадя элтувчани ва қароқчилардан қўриқловчи қуроллилар тушган икки кема билан бирга шоҳимизга тортиқ йўсинида юборди. Зоти олий кемаларга ҳеч ким кўз олайтирмас, деб ўйлабдилар. Чунки бир тарафдан у кишининг ўзлари улуғ араб шоҳи, иккинчидан, ҳадялар ортилган кемалар йўли ҳам Қустантания мамлакатига қарамлиги маълум эди. Бу дengiz қирғоқларидан эса улуғ шоҳ Афридун фуқароларидан бошқа ҳеч ким бўлмаслиги аниқ эди. Улар шаҳарга яқинлашгандаридан қаршиларидан йўлтўсрлар чиқибдилар. Улар орасида Қайсария соҳибининг аскарлари бор экан. Улар икки кема молни ва ҳалиги тошларни олиб, одамларни ўлдирибдилар. Бу хабарни бизнинг шоҳ эшитиб, уларга қарши аскар юборди. Аскарларимиз улар қаршисида кучсизлик қилдилар. Шоҳ иккинчи марта кучли аскарлар юборди. Бироқ бу сафар ҳам аскарларимиз уларга бас келолмади. Шоҳ fazablаниб, ҳамма аскарлари билан ўзи чиқишга қарор берди. Рум ва бутун соҳиби Рум тасарруфидаги шаҳарларни тамом ҳароб қилмагунча қайтмасликка қасам ичди. Сиз қудратли сulton – Умар ибн Нуъмондан бизларга аскар билан ёрдам кўрсатишингизни умид қиласди. Сизнинг ёрдамингиз унинг учун шараф. Шоҳимиз сизга бизлар орқали тортиқлар бериб юборган. Шу совғаларни қабул қилишингизни, ёрдам қилиб, ҳожат чиқаришингизни сўрадилар. Элчилар шу гапларни деб, шоҳ қошида ер ўпибдилар.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Қирқ олтинчи кеча

- Эй саодатли шоҳ, деб давом этди

Шаҳризод. – Қустантания элчилари шоҳ Умар ибн Нұймон қошида ер ўтиб, ҳадяларни тақдим этибдилар. Келтирилган ҳадялар манзур бўларли экан: Рум шаҳрининг ҳуснда тенги йўқ нозанинларидан элликта канизак баробарида элликта қул ҳам бўлиб, улар ўзига хос олтин чакма тўнлар кийган, белларига олтин, кумуш, ҳар турли қимматбаҳо тошлар қадалган камарлар боғлаган бўлишиб, ҳар қайси қул ва канизак қулоғида ҳар донаси минг мисқол олtingа баробар лаъл тошлар бор экан. Шоҳ ҳадяларни қувонч билан қабул қилибди, элчиларни меҳмон қилиб, уларга ҳурмат кўрсатишни буюрибди-да, ўзи вазирларини маслаҳатта чақирибди. Уларга воқеани баён қилибди. Вазирлар орасидан Дандон исмли кекса бир вазир ўрнидан туриб, шоҳ қаршисида ер ўтибди:

– Эй муҳтарам шоҳ, – дебди у. Бу ишда катта бир аскарий куч ўюштириб, ўғлинг Шаррикон лашкарбоши бўлиши, бизлар эса унинг хизматида бўлишимиз икки жиҳатдан муносиб ва зарурдир. Биринчиси шуки, Рум шоҳи сендан мадад сўраб юборган элчиларни ва тақдим қилган тортиқларини қабул қилдинг. Иккинчиси шуки, бизнинг аскарларимиз душманни енгиб, Румдан ҳайдагач, улар бизнинг томонга бостириб келгани жасорат қила олмайдилар. Бу ишда сен ғалаба қозонасан. Бу воқеанинг шуҳрати узоқ жойларга тарқалади. Ҳусусан денгиз қирғоқларига эшитилгач, шубҳасиз мафриб халқларига ҳам бориб етади. Ҳамма таҳсин ўқииди. Ҳар томондан ҳадя ва тортиқ оқа бошлайди.

Шоҳ вазир Дандоннинг бу сўзларини тўғри деб топибди. У вазирга сарпо кийгизибди-да:

– Сенга ўхшаш шоҳ кенгашчилари аскарнинг бошида, ўғлим Шарриконнинг оёғида бўлиши керак, – дебди. Ўғли



Шарриконни чақиритирибди. Ўғли Шаррикон келгач, воқеадан уни воқиф қилибди. Элчилар келтирган хабар ва вазирининг фикрини унга баён қилибди. Ўғлини жанг яроқларини олиб, йўлга ҳозирланишни буорибди. Унга вазир Данондинг маслаҳатларига қаршилик қилмаслигини айтибди. Кўшиндан оғирликларга бардош берувчи, синалган ўн минг лашкарни айириб, қуроллантиришга ундаиди.

Шаррикон отаси Умар ибн Нұймон буйруғини бажарышга киришибди. Ўша ондаёқ ўн минг аскар айирибди. Саройга кириб, кўплаб мол ва пул олибди.

– Сизларга уч кун муҳлат, – дебди Шаррикон пулларни аскарларга улашиб. Улар лашкарбошилари қаршисида ер ўпибдилар. Чиқиб, қурол-яроф тайёрлаб, ҳозирлана бошлабдилар. Шаррикон қурол омборига кириб, керакли қурол-яроғларни олибди. Сўнг отхонага кирибди-да, алоҳида тамғали отларни айириб, қолганларини олибди.

Уч кун ҳам ўтибди. Лашкарлар шаҳарлар ташқарисига чиқишибди. Ўғли Шарриконни жўнатиш учун шоҳнинг ўзи ҳам шаҳардан ташқари чиқибди. Шоҳ қаршисида ўғли ер ўпибди. Шоҳ унга етти хазина мол ҳадя қилибди. Вазир Данонга юз буриб, ўғли Шарриконнинг аскарларига огоҳ бўлишини тайинлабди. Вазир шоҳ қаршисида ер ўпиб:

– Бош устига, – деб қабул қилибди.

Шоҳ ўғли Шарриконни ҳар ишда вазир Данон билан бамаслаҳат иш қилишга ундаиди. Шаррикон отаси қаршисида ер ўпибди.

Шоҳ ўз саройига қайтибди. Шаррикон ҳарбий нозирга аскарларни кузатиш зарурлигини айтибди. Айрим мулозимлардан ташқари, аскарларнинг сони ўн минг экан. Улар қўзғалибдилар. Нофора, карнайлар чалиниб, байроқлар баланд кўтарилибди. Шаррикон отига миниб, вазир Данон билан ёнма-ён йўлга тушибди. Уларнинг бошларида байроқ ҳилпираб бораркан. Улар тўхтовсиз йўл юра берибдилар. Элчилар уларнинг олдида йўл бошлаб бораверибдилар. Кун ботиб, кеч киргунча юришда



давом этибдилар. Қоронғи тушгач, отдан тушиб, дам олибдилар. Кечни ўтказиб, тонг ёришгач, отларига ми-ниб, яна йўлга тушибдилар. Йигирма кунгача шу йўсин-да йўл босибдилар. Йигирма биринчи куни кечаси атро-фи кенг ўтлоқ ва дараҳтзор бир водийга этиб бориб-дилар. Шаррикон аскарларига уч кун шу ерда қўниши буюрибди. Аскарлар қўнишга ҳозирланиб, чодир-лар тика бошлабдилар. Вазир Дандон отдан тушиб, водий ўртасида Қустантания соҳиби Афридун элчилари билан сұхбат қилибди. Шаррикон ҳамма аскарлар-нинг этиб келишини бир муддат кутиб турибди. Ас-карлар келиб бўлгач, отининг жиловини бўшатибди. У бу водийни айланмоқ истагида экан. Отасининг топ-шириғига мувоғиқ ўзини эҳтиёт қилиши зарур экан. Чунки бу ерлар душман ерининг бошланиш жойи экан. Ҳаммани қўнишга буюргач, от устида шаҳзоданинг бир ўзигина қолибди. Кечанинг тўртдан бири ўтгунча от устида водий атрофини айланибди. Нихоят, уни уйқу енгибди. Отини тўхтатишга ҳам ҳоли қолмабди. Одатда, у от устида ухлар экан, уйқу жуда ҳам ғолиб келгач, ухлаб қолибди. От уни ярим кечагача шу тахлитда олиб юраверибди. Ахийри қандайдир бир ўрмонзорга олиб кирибди. Шаррикон ҳамон уйғонмас эмиш. От бориб бир ерга урилгандагина Шаррикон уйғониб кетиб, ўзини ўрмонзорда кўрибди. Ой чиқиб, осмоннинг ҳар икки тарафини ёритган экан. Шарри-кон бу ерларга келиб қолганидан чўчибди.

Кишини хавф-хатардан халос қиласидиган «ло ҳавла...» дуосини ўқибди. Лекин ҳамон у йиртқич ҳайвонлардан хавфсирайверибди. Қаёққа боришини билмай ҳайрон бўлибди. Ой аста-секин чаманзорни ёрита бошлабди. Қаердандир кишини асир қилувчи ёқимли сўзлар, қаҳ-қаҳ урган кулги товушлари эшитилибди. Шаррикон отдан тушиб, отини бир дараҳтга боғлабди. Ариқ бўйига борса, арабча сўзлаётган бир аёлнинг овози қулогига чалинибди. У:



– Исо пайғамбар ҳаққи, бу иш сизлар учун яхши эмас, лекин бир оғиз сүз айтган кишини йиқитиб, ўзининг камари билан боғлайман, – дермиш.

Шаррикон товуш келган томонга юрибди. Қараса, анҳорда сувлар шалдириб оқаётган, тинмай сайраётган эмиш. Охулар ўйнашиб, йиртқич ҳайвонлар сакрашиб, құшлар үз тили билан үз шодликларини англатишармиш. Ерлар ҳар хил ўсимликлар билан безалган, шоирнинг байти шу жойга мос экан:

Ер юзин гул ҳам кўкатлар қопламиш жаннат мисол,
Кўллар усти жимжима, лим-лим ариқ сувлар зилол.
Ҳар томонга зеб бериб, гуллар очиб келгач баҳор,
Яшнамиш дашту дала ҳусни ошиб, топмиш камол.

Шаррикон атрофни кўздан кечириб, у ерда бир ибодатхона кўрибди. Ибодатхона ичидаги осмон билан туташган бир қалья бормиши. Қалья ўртасида боғчага чиқаётган сув оқиб ётганмиш. Қараса, бир қиз, унинг атрофида эса ойга ўхшаш, кўзни қамаштирувчи, зийнатли кийимлар кийган ўнта канизак ўтирганмиш.

Шоирнинг шу шеъри уларга мос айтилган:

Яшнар чаман, гўзал қирғоқ,
Ариқларда сув шарқироқ.
Чаманзорда бир тўда қиз,
Кўз қоп-қора, сийна оппоқ.

Қоматлари тик – сарвдек,
Қошлар камон, соч қўнфироқ.
Нигоҳлари фитна қўзғар,
Кўрган бўлур ҳушдан йироқ.

Шаррикон бу ўн канизакни диққат билан кўздан кечирибди. Булар орасида бири, айниқса чиройли бўлиб, тўлин ойнинг ўзи экан. Қалдирғоч қошлар, қора соchlар,



писта лаб, шаҳло кўзлар. Кўйингки, барча қўркамлик сифатлари унда жамулжам бўлиб, ҳар қандай кишини асир қилувчи, жозибадор экан.

Бу ҳақда шоир шундай деган:

Нур таратди кўз қараши фусункор,
Қоматидан Самхар найза хижолат.
Йоз ёноғин ранги гулдан нишона,
Лаб шираси жону жаҳонга офат.
Ёруғ кунда лаззат туни чўккандек
Зулфи бермиш руҳсорига латофат.

Шаррикон қулоқ солса, у канизакларга:

– Келинглар, ой ботиб, тонг отмасидан олдин сизлар билан курашай, – дебди.

Канизаклар бирма-бир унинг ёнига келар, аёл бир ҳамла билан уларни йиқитар, қўлларини камар билан боғлармиш. Ҳаммаларини шу йўсинда енгибди. Шу вақт улар орасидаги бир кампир ғазаблангандай унга мурожаат қилибди:

– Эй номуссиз, сен бу қизларни енгиб кериласан. Мен кампир ҳолим билан буларни қирқ марта йиқитганман, сен керилма! Қани, кучинг бўлса кел, мен билан кураш. Бошингни оёқларинг орасига жойлаб кўяй!

Канизак юзида кулимсираса ҳам ичидা ғазабга тўлибди. Ўрнидан туриб:

– Эй сайидам. Мусо пайғамбар ҳаққи, ростдан ҳам мен билан курашсанми ёки ҳазиллашаётиссанми? – деб сўрабди.

– Ростдан курашаман, деб жавоб берибди кампир.

Қисса шу ерга келганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Кирк
еттинчи
кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деди Шаҳризод давом этиб. – Канизак кампирга:
– Тур бўлмаса, синашамиз, – дебди.
Бу сўзларни эшитиб, кампир ғазабланибди. Сочлари кирпи нинасидек тиккайибди.
– Эй ахлоқсиз, – дебди кампир, Мусо пайғамбар ҳаққи, мен сен билан яланғоч курашаман.

Сўнг кампир ипак рўмолини бошидан олиб, кийимларини ечибди-да, уларни рўмолга тушиб боғлабди. Кампир қип-яланғоч бўлгач, худди туксиз жин ёки доғли илон тусига кирибди. У канизакка қараб:

– Сен ҳам мен қилгандек қил, – дебди.

Шаррикон ҳамон уларни кузатиб турар экан. Кампирнинг беўхшов қиёфасига қараб қулибди.

Канизак ўрнидан турибди. Яманда тўқилган рўмолини олиб, икки бураб, белига боғлабди. Мармардек оқ, билурдек тиниқ оёқлари, сонлари, юмшоқ, пола рангли баданидан роҳатбахш ҳид анқир, диркіллама кўқраклари қўшалоқ анорни эслатармиш. Кампир канизак қошида бош эгибди. Улар кураша кетибдилар. Шаррикон юзини кўкка тутиб: «Канизак кампирни енгсин», деб Худодан сўрармиш. Канизак кампирнинг биқинига кириб, уни азол тортибди, кампир қўлдан чиқишига уриниб, тигиричилабди. Лекин чиқолмай, чалқанча йиқилибди. Қаттиқ сиқилган оёқлари осмонга кўтарилигани туфайли икки марта кекирибди.

Шаррикон камоли завқланганидан думалаб-думалаб қулибди. Кейин ўрнидан туриб, қиличини яланғочлабдида, ўнгга-сўлга қарабди. Чалқанча ётган кампирдан бошқа ҳеч кимни кўролмабди.

Сўнг улар ораларидағи сўзни тингламоқ учун яқин борибди. Канизак кампирга ҳарир ипак кўйлак кийгишибди-да, ундан уэр сўрабди:

– Эй Зотуддаваҳи сайидам, мени кечир, чунки мен бундай бўлишини истамаган эдим, сен типирчилаб қўлимдан бехос отилиб кетдинг. Худога шукр, бунчалик саломат қолдинг.

Кампир жавоб бермабди, ўрнидан турибди-ю, уялганидан аранг қадам босиб, кўздан фойиб бўлиби. Жоријалар улоқтирилган жойларида қўллари боғлиқ ётар эканлар, канизак бир ўзи туриб қолиби. Шаррикон ўзича:

– Ҳар бир ҳодисанинг бир сабаби бор, мени уйқу босди. Бахтимга, отим мени бу ерга элтди. Зора, бу қиз канизаклари билан менга насиб бўлса, – дебди-да, оти томонга юриби.

Отга миниб жиловини қўйиби. От ўқдай учиби. У қўлида яланғоч қилич билан от устида «Улуғ Тангрим», деб боравериби. Қиз уни кўргач, шошилиб ўрнидан турибди, у турган катта анҳор қирғоғи беҳад тор бўлиб, кенглиги олти тўпуғ экан. Қиз сакраб, сувнинг нариги қирғоғига ўтиби-да, баланд овоз билан шундай деб қичқириби:

– Кимсан, қилич яланғочлаб, жангга ҳамла қилаётган-дек кайфимишни буздинг. Қаерликсан, қаёққа кетаяпсан, тўғрисини айт. Тўғрилик фойда беради. Ёлғон гапирма, чунки ёлғон гапирмоқ тубанлик ҳисобланади. Шубҳасиз, адашиб, бу ерга келиб қолгансан, бу ердан соғ қутулишинг сен учун катта баҳт. Сен ҳозир бир чаманзордасан, агар биз бир қичқирсак, тўрт минг ҳимоячи шу он ҳозир бўлади. Сен бизга ўз истагингни билдир. Агар биздан йўл кўрсатишни сўрасанг, йўл кўрсатамиз, мабодо биздан инъом кутсанг, уни ҳам бажарамиз.

Шаррикон унинг сўзини эшитгач, шундай жавоб бериби:

– Ўзим мусулмон, мусофириман. Кечаси бу йўлда ёлғиз кетаётиб адашдим. Бирор ғанимат излашга киришдим. Кечаси кўрганим тўлин ойдек ўн канизакдан қимматлироқ ғанимат учратмадим. Уларни олиб, дўстларимга элтаман.



– Фаниматга учрамагансан, буни билиб қўйгин, – дебди канизак. Худо ҳаққи, у жориялар сенга ўлжа бўлмайди, сенга ёлғоннинг ёмонлигини айтмадимми?!

– Бахтли одам Худонинг ўзигагина суянади, бошқалардан умидланмайди, – дебди Шаррикон канизакка.

– Мусо пайғамбар ҳаққи, – дебди канизак, агар ўз қўлимда ҳалок бўлишинга ачинмаганимда аллақачон бир бақирап эдим. Чаманзор сенга қарши ҳамла қилувчи отлик-яёвлар билан тўлиб кетарди. Лекин мусоғирларга меҳрибонман, уларни айман. Агар сен чиндан фанимат истасанг, сендан сўрайман, отингдан туш, дининг ҳаққи, қурол билан ёнимга келмасликка қасам ич, иккимиз курашамиз. Агар сен йиқсанг, бизларни ўлжа тариқасида отинга ўнгариб, олиб кет. Агар мен йиқсам, ўзинг менинг ҳукмимда бўласан. Шу ҳақда менга қасам ич, чунки алдайсан, деб қўрқаман. Китобларда: «Модомики, ваъдан бузиш табиий экан, ҳар кимга ишона бериш ожизликдир», дейилган. Агар қасам ичсанг, ёнинг бораман.

Шаррикон уни ўлжа қилиб олишга умид боғлабди. Ўз-ўзига «У менинг полвонлигимдан бехабар», деб ўйлаб, канизакни чақириб, шундай дебди:

– Қандай қасам истасанг ичай. Курашмоқ учун истаганингча ҳозирланиб, энди келавер демагунингча, ҳеч қандай қурол билан ёнинг яқинлашмайман. Қачон лозим кўрсанг бораман. Агар мени йиқсанг, эвазига қоплаш учун пулим бор. Борди-ю, сени йиқсам, мен учун улуф фанимат бўлади.

– Мен бунга рози, – дебди қиз.

– Муҳаммад пайғамбар ҳаққи, мен ҳам розиман, – дебди Шаррикон.

– Рухларни жасадларга қўшувчи, одамларга шариат қоидаларини тузувчи Худо ҳаққига қасам ич, – дебди канизак.

Қиз қўйган талабларга мувофиқ Шаррикон қасам ичибди. Қиз розилик билдириб, сувнинг бу қирғоғига ўтибди. Шаррикон унга яқин борибди. Қизнинг ҳусни



уни мафтун этибди. Чунки қизнинг кўрки ҳар кимни бир қўришда ўзига жалб этарли экан.

– Эй йигит, курашга тайёрлан, – дебди қиз енгларини шимариб. Шаррикон ўзини мутлақ йўқотибди. Икковлари бел сиқиб, кураша бошлабдилар. Бир онда Шарриконнинг кўллари титрай бошлабди. Канизак уни кўтариб, ерга урибди. Сўнг унинг кўкрагига ўтириб олибди-да:

– Энди нима дейсан? Хоҳлаган динингда ўлдиришим мумкин, – дебди.

– Эй санам, – дебди Шаррикон, бизнинг динимизда кишини ўлдириш тақиқланган.

– Ундан бўлса, ҳаётингни ўзинга бағишладим, – деб канизак унинг устидан турибди. Румлар ерига ҳужум қилмоқ истаганларнинг ҳоли шу.

Шаррикон яна бир бор беллашиш нияти борлигини билдирибди. Қиз унинг илтимосини қабул қилиб, яна кураша бошлабдилар. Бу сафар ҳам Шаррикон енгилибди. Учинчи қайта яна шу ҳол такрорланибди. Шундан кейин қиз табассум билан Шарриконга шундай дебди:

– Ҳамроҳларингдан ажраб қолишинг ачинарли ҳол, яххиси, тонг отмай улар ёнига боргин, паҳлавонлар келиб, сени найзага тортмасалар, деб қўрқаман. Ахир бир хотинга кучинг келмайди-ку, улуф паҳлавонларга қандай бардош қиласан.

Шаррикон ҳайрон бўлибди. Қиз Шаррикондан юз ўгириб, ибодатхона томон йўлланибди.

– Эй париваш, мен ғарифни умидвор қилиб, сўнг бағримни ёндириб, ташлаб кетишинг инсофданми? – деб илтижо қилибди Шаррикон. Қиз кулиб, унга боқибди:

– Тила тилагингни, берай муродингни, – дебди қиз.

– Сизнинг ерингизга келай, илиқ лутфингизни кўрай, жамолингизга мушарраф бўлиб завқланай-да, бирор таом емай-ичмай қандай қайтай. Ахир, мен ҳам қуллар қаторига кирдим-ку! – дебди Шаррикон. Қиз унга жавобан:

– Аҳмоқларгина меҳмоннинг ҳурматидан юз ўгирадилар, марҳамат қил, отинга миниб, дарё ёқалаб бор, бош



устига, – дебди. Ўзи сувнинг бу четидан Шаррикон рўпарасида бораверибди.

Шаррикон севинганича отига миниб, аста-секин йўл солибди-да, ёғочдан ишланган кўприк устига борибди. У ерда канизаклар туришган экан. Шаррикон кўприкка қараб, боя қиз ёнида турган ва у билан курашган канизакларни кўрибди. Улар қизни кутиб туришган экан. Қиз уларнинг бири ёнига бориб, Рум тилида:

– У йигит олдига бориб, отдан тушир-да, ибодатхонага бошлаб кел, – дебди.

Шаррикон йўлда давом этибди. У кўприкдан ўтиши билан канизак унинг ёнида ҳозир бўлибди, канизакни кўриб, Шаррикон ҳайратланибди. У ўзича: «Қани энди вазир Дандон ҳам шу ерда бўлса-ю, ўз кўзлари билан бу пари чеҳрани кўрса», деб ўйладби. Сўнг у канизакка қараб:

– Эй ой юзли гўзал, ҳозир сенга икки жиҳатдан ҳурматим бор: бири – меҳмонман, остоанга келдим, иккинчиси эса – дўстлик ҳурмати. Ҳозир тамоман сенинг ҳукминг остидаман. Агар сен мен билан бирга кетишга, мусулмонлар шаҳрини кўришга розилик билдиранг, у ердаги баҳодирларни кўриб, кимлигимни билар ва таҳсин ўқир эдинг, – дебди.

Қиз Шарриконнинг сўзини эшишиб, фазабланибди-да, унга шундай жавоб берибди:

– Мусо пайғамбар ҳаққи, мен сени ақлли бир киши, деб ўйлаган эдим, ҳозирги сўзинг менда бутунлай кўнгли бузуқ бир киши, деган таассурот қолдирди. Нега сен бундай бемаъни гапларни айтишни эп билдинг. Мен сизларнинг шоҳингиз Умар ибн Нуъмон олдига борсам, ундан осонлик билан қутула олмаслигимни яхши биламан. Гарчи, у Бағдод ва Хуросоннинг ҳукмдори бўлса ҳам, йил ва ойлар саноғига мувофиқ бино қурган, ўн икки қасрнинг ҳар бирида йил, кунлари саноғича уч юз олтмишта канизаги бўлса ҳам, улар орасида мен каби кўркка бой канизак йўқлиги, шу сабабли ундан қутула олмаслигимни биламан. Унинг олдига борганимда, мени



қўйиб юбормаслигига ишончим комил. Чунки сизларнинг Қуръонларингизда худди шундай қонун тарзида: «Авомалакат аймоникум», деб ёзилгандир. Шу ҳолда қайси юз билан менга бу таклифни қилдинг?

Мусулмон паҳлавонларини кўриб, таҳсин қилар эдинг, деб айтдинг. Мусо пайғамбар ҳаққи, бу сўзинг ҳам нотўғри, чунки мен бундан икки кун аввал бизнинг юртимизга келаётганда аскарларинга диққат қилдим. Улар шоҳона аскарлар тартибида эмаслар, қандайдир тўпланган одамлар гуруҳидир. Сен менинг кимлигимни билардинг, дединг, мен сени шундай улуғ мартабали зот эканинг учун ҳурмат қилаётганим йўқ, шараф учун ҳурмат қилаётирман. Сенинг ўрнингда шу кунларда бу ерда турувчи Умар ибн Нұймоннинг ўғли Шаррикон бўлганда ҳам, менга ўҳшаганларга бу гапни айтмасди.

Шаррикон қиз аскарларнинг келганини, уларнинг сонини, отам мени Қустантания шоҳига ёрдам бериш учун юборганини ҳам билар экан, деган хаёлга борибди.

– Эй сайидам, дининг ҳаққи-ҳурмати, росту ёлғонни айириб олишим учун бу воқеанинг сабабини сўзлаб беришингни илтимос қиласман, – дебди Шаррикон канизакка.

– Диним ҳаққи-ҳурмати, – дебди канизак, – агарда Рум шоҳининг қизи эканим овоза бўлишидан қўрқмаганимда, ўзим майдонга тушар, ўн минг аскар билан яккама-якка курашар эдим. Уларнинг йўлбошчиси вазир Дандонни ўлдирадим. Раҳбарлари Шарриконни қўлга олардим. Бу ишдан ҳеч ор қиласмас эдим, лекин мен китоблар ўқидим, араблардан тавлим олдим. Сенга ўз баҳодирлигим билан мақтанаётганим йўқ. Курашдаги куч-куvvатимни, ҳунаримни ўз кўзинг билан кўрдинг. Агар шу кеч сенинг ўрнингда Шаррикон бўлса эди, унга ана шу сувдан сакрашни буюрадим. У эса, албатта, ўта олмасди. Мен Мусо пайғамбардан уни шу ибодатхонага йўллашини истардим, ёнига эр-как суратида чиқиб, асир олардим. Занжирга боғлардим.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Қирқ саккизинчи кеча

– **Э**й саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод. – Шаррикон қизнинг бу сўзларини эшитиб, ғуурланибди. Жаҳди чиқиб, ғазабга тўлибди. Ўзини танитмоқ ва ҳужум қилмоқни истабди. Лекин қизнинг ҳусни бу ишга йўл бермабди. У шу байтни ўқибди:

Навқирон гўзал қисса бир гуноҳ,
Минглар афв сўраб, бўлишар паноҳ.

Қиз йўл бошлабди, Шаррикон унинг кетидан бораётуб, ушбу шеърни ўқибди:

Бир қараашда дилдан ғазаб қувилғай,
Ҳимоячи муҳайёдур кўзида.
Кўрган киши таажжубдан бўлгайдур лол,
Тўлин ойнинг акси бордур юзида.

Улар йўл юриб, гумбазлари мармардан ишланган ярқироқ эшик олдига етибдилар. Бир қиз чиқиб, эшик очибди, Шаррикон малика билан ичкари кирибди. Узун айвоннинг ўн ерига алоҳида ишланган қуббаларга биллур шамдонлар осилган, улар худди кун шуъласидек нур сочиб турармиш. Айвон охирида қизни канизаклар қўлларида алоҳида хушбўй шамлар билан қарши олибдилар. Ҳар турли қимматбаҳо тошлар қадалган пешонабоғлари ярақлаб, уларга алоҳида бир кўрк бағишлаб турганмиш. Қиз канизаклар билан, Шаррикон эса улар кетидан юриб дайрга етибдилар. Ибодатхонанинг теварак четида бирбирига қарши ўриндиқлар қўйилган, ўриндиқларга олтин чакмали пардалар тутилган эмиш. Ибодатхонанинг саҳнига турли ранг ялтироқ мармарлар ўрнатилганмиш. Ўртадаги катта ҳовузга олтиндан ишланган йигирма тўртта



чашма ўрнатилиб, улардан кумушдек сув отилиб турганмиш. Шарриконнинг кўзи тўрдаги тахтга тушибди. Тахт шоҳона ҳарир матолар билан безатилган экан.

– Шу тахтга ўлтири, эй хўжам, – дебди қиз ёқимли овоз билан Шарриконга. Шаррикон тахтга ўтирибди. Қиз ундан узоқлашиб, бироз вақт кўздан фойиб бўлибди. Шаррикон уни канизаклардан йўқлатибди.

– У ўзининг дам олар жойига кетди. Топшириғига мувофиқ, биз сенга хизмат қиласиз, – дейишибди улар.

Канизаклар Шарриконга алоҳида ҳозирланган таомлар келтирибдилар. У тўйгунча овқатланибди. Сўнг улар олтин жом билан кумуш қумғон келтирибдилар. Шаррикон қўл ювибди. У аскарларининг ҳоли нима кечганини билмай хаёл денгизига ғарқ бўлибди. Отасининг топшириғини унуганини ҳам эслай бошлабди. У тонг отгунча ўз қилаётган ишидан пушаймон бўлибди. Тонг отибди, у ҳамон ўз қилмишларига ачиниб, ташвишда шу байтларни ўқибди:

Мен сени кўрмасдан аввал эсли бир инсон эдим,
Бир боқиб сенга, паризод, менга ақдим бўлди ёт.
Гар мени этса халос севгидин одам боласи,
Қолганидан ўз кучим бирла топар эрдим најот.
Жону кўнглимни асир этмиш ҳусннинг аскари,
Менга бу ишқу муҳаббатда Худо берсин сабот.

Шаррикон байтларни ўқиб тугатмасданоқ бир гуруҳ қизлар кириб, салом беришибди. Қараса, йигирмадан ортиқ тўлин ойдек канизаклар ўртасида ўша қиз турганмиш. У юлдузлар орасидаги ой сингари очилиб-сочилиб, атрофга нур таратармиш. Шоҳона кийимлар, қимматбаҳо тошлар қадалган камар унинг қоматига алоҳида кўрк бағишилаган эмиш.

Шаррикон уни кўргач, шодликдан ҳушдан кетаёзибди. Аскарларини ҳам, вазирни ҳам унутибди. Қизнинг бошига кўз солса, қимматбаҳо жавоҳирлардан тўқилган тўр



ёпинганмиш. Канизаклар ўнгдан, чапдан унинг ўртигини күтариб туришганмиш. У хомуш, паришон ҳолда ҳар тарафга қарапмиш. Шаррикон камоли ҳайратланганидан сакраб ўрнидан турибди.

– Бу қандай қамар, бундан сақланинг, – деб қичқирибди-да, шу байтларни ўқибди:

Сокину оғир юриш фоятда салмоқдор экан,
Ҳар бир аъзо хўб келишган, мангу ҳусни бор экан.
Нуқра қўқраклар латофатда, кишини ой юзи –
Олғуси бир зумда ақлин, қўзлари хунхор экан.
Ой ёнида ҳур канизаклар қатор юлдуз каби,
Ипга тизган тоза маржондек қатор тайёр экан.
Моҳир эркан севгиси ҳиссин яширмоққа ўзи,
Мендаги ҳис-сезгилар офтоб каби ошкор экан.

Канизак анча вақтгача унга тикилиб қолибди. Сўнг унинг яқинига келибди.

– Муборак қадаминг билан бу ерлар шараф топди, эй Шаррикон. Биз сени ташлаб кетгач, тунни қандай ўтказдинг, – дебди қиз табассум билан. Ёлғон сўз – шоҳлар учун нуқсондир. Айниқса, шоҳларнинг улуғи сен учун ору номусдир. Сен Умаруннуъмон ўғли Шаррикон, ўз насабинг ва ишингни мендан яширма. Мени рост сўздан бенасиб қилмай, тўғрисини сўзла. Чунки ёлғон – нафрат ва душманлик туғдиради. Қазо ўқи сендан йироқлашди, шукр қилишинг ва севинишинг лозим.

Шаррикон қиздан бу сўзларни эшитгач, тонишга имкон тополмай, тўғрисини айтибди:

– Мен Умаруннуъмон ўғли Шарриконман. Мени замон хоҳиши бу ерларга келишга мажбур этди. Энди нимани муносиб кўрсангиз, қила оласиз, асирингизман.

Қиз бошини узоқ вақт қуий солиб турибди-да, сўнг Шарриконга қарабди:

– Хотиржам бўл, тинчлан, сен менинг меҳмонимсан, орамизда туз, нон, сўз ва улфатчилик алоқалари пайдо



бўлди. Сен менинг даргоҳимда, менинг ҳимоямдасан. Амин бўл, Мусо пайғамбар ҳаққи, қасамёд қиласманки, бу ердагилар мени ўлдирмагунча, сенга зарар бера олмайдилар. Сен Мусо пайғамбар билан менинг паноҳимдасан. Шундай деб Шарриконнинг ёнига ўтирибди-да, у билан сұхбатлаша бошлабди. Шарриконнинг кўнглидан хавф-таҳника кўтарилигунча шу тахлитда сұхбатлашиб ўтирибди. Шаррикон сирга тушунмай ўзича:

Агар ўлдириш нияти бўлганда, бу ниятни ўтган кечадаёқ бажариши мумкин эди, деб ўйлабди. Бироз ўтгач, қиз жорияларнинг бирига Рум тилида бир нарсалар дебди-да, шаҳзода кўзидан узоқлашибди. Сўнг қайтиб келибди. Сал ўтмай, жория май ва таомлар келтирибди. Шаррикон овқатга бирор нарса солинган бўлмасин, деб унга қўл урмай ўтираверибди. Қиз унинг шубҳасини сезибди.

– Мусо пайғамбар ҳаққи, хотиржам бўл, бу таомда сен шубҳаланган нарса йўқ. Агар кўнглимда сени ўлдириш бўлганида эди, ўша вақтдаёқ ўлдирган бўлардим, – деб, ҳар турли таомлардан оз-моз тотинибди.

Кейин Шаррикон ҳам таомга қўл урибди. Қиз шодланибди, икковлари бирга овқатлана бошлашибди. Овқатни тўйгунча еб, кўлларини ювибдилар. Қиз ўрнидан туриб, жорияларнинг бирига олтин, кумуш ва биллур май идишлари ҳамда турли рангдаги майлардан келтиришни буюрибди. Жория унинг айтганларини муҳайё қилибди. Май ичишда ҳам қиз олдин қўйиб, ўзи ичибди. Иккинч галда Шарриконга тутибди. Шаррикон ҳам ичибди.

– Қандай ёқимли ва қандай ширин эканини кўрдингми, эй мусулмон ўғли, – дебди қиз Шаррионга. Улар ҳаддан зиёд май ичишибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Кирк
түккизинчи

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этди
Шаҳризод. – Улар кўп ичишибди. Бошлари
қизибди.

– Эй Маржона, бирор ҷолғу асбоби кел-
тирибди тир, – дебди қиз жорияларининг бирига.

кече – Бош устига, – дебди жория. У бироз

кўздан ғойиб бўлибди-да, жалқча уд, ажам-
лар чангиги, татар найи ва миср қонунини келтирибди. Қиз
удни қўлга олиб, уни созлабди. Торларини таранг тортиб-
ди. Насим шамолидан ёқимлироқ, зилол сувдан шириноқ
майин овозини созга жўр қилиб, шу байтларни ўқибди:

Кўзларинг қон тўқди кўп, бу қилмишинг кечсин Худо,
Ўқ отар қош ёйидан қонхўр кўзинг ҳар доимо.

Мен севарман ишқ элига қаҳри бор ошиқни,
Чунки моне бўлган унга раҳму шафқат ҳам вафо.

Бахтилидир ул дилки ишқинг ҳирсига булмиш асири,
Қайси кўз тун уйқусиздур, кўрмасин дарду бало.

Қатл этишга ҳукм этибдурсан мени хўжам ўзинг,
Бир йўла ҳукминг билан сенга қиласай жоним фидо.

Сўнг канизаклар ҳар бири бирин-бирин ўз ҷолғулари
билан ўринларидан туриб, румча ашула айтга бошлабди-
лар. Шаррикон шодланибди. Уларнинг соҳибалари –
малика ҳам шу йўсинда қўшиқ айтибди-да, Шарриконга:

– Эй мусулмон фарзанди, менинг сўзларимни фаҳм-
ладингми, – дебди хитобомуз.

– Йўқ, бармоқларинга таҳсин ўқиётирман, – дебди
Шаррикон.

Қиз кулибди.

– Агар арабча ашула айтсанам, нима қиласар экансан, –
дебди қиз кулиб.

– У вақтда ақлимдан озсанам керак, – дебди Шаррикон.
Қиз созни қўлга олиб, ўзгача созлабди-да, шу байтларни
ўқибди:



Тотиб күрдим, аччиқ экан-ку, ҳижрон,
Етармикан сабру чидам бу замон.
Юз ўтироқ, ҳам айрилиқ, узоқ йўл,
Шу уч ҳасрат менга бўлмишдир аён.
Бир гўзални севиб асир бўлибман,
Аммо аччиқ ҳижронида юрак қон.

Қиз байтларни ўқиб бўлиб, Шарриконга қараса, у ҳушдан кетиб ётганмиш. Шаррикон анча вақтгача ўртада ҳушсиз ётиб, сўнг кўзини очибди. Ашулани эслаб, камоли шодликдан қизга букилиб, таъзим қилибди. Улар яна ичиш, ўйнашни давом эттирибдилар.

Улар кун ўтиб, яна кеч қанот ёйгунча шу йўсинда вақт ўтказибдилар. Қиз ўрнидан туриб, ўз оромгоҳига йўл олибди. Шаррикон у ердагилардан қизни сўроқлабди. Улар оромгоҳига кетганини баён қилибдилар.

– Худоё худовандо, ўзинг уни саломат сақла! – деб дуо қилибди Шаррикон. Тонг отгач, Шарриконнинг ёнига бир жория келибди.

– Соҳибамиз сени ўз ҳузурига таклиф қилаёттир, – дебди у Шарриконга. Шаррикон ўрнидан туриб, жория билан қиз ҳузурига йўл олибди. Қизнинг уйи ёнида канизаклар Шарриконни чолғулар билан қарши олибдилар. У фил суюкларидан ясалган, турли қимматбаҳо тошлар қадалиб зийнатланган катта эшикдан ичкарига кирибди. Ичкарида кенг бир ҳовли бўлиб, тўрида ҳар турли ипак матолар ёйилган катта айвон бормиш. Айвон теварагидаги деразалар очиқ бўлиб, орқадан дараҳтлар ва катта кўл кўзга ташланиб турганмиш. Бу ерга, ичига ҳаво кириши билан унга ўрнатилган асбоблар ҳаракатга келиб, ташқаридан қаровчи кишига гапиришиб тургандай таъсир берувчи ҳайкал ўрнатилган эмиш. Ўз ўрнида ўтириб, уларни томоша қилаётган малика Шарриконни кўриб, пешвоз чиқибди. Йигитнинг қўлидан ушлаб, ўз ёнига ўтказибди. Ундан тунни қандай ўтказганини сўрабди. Ўрталарида суҳбат қизибди.



- Ошиқларга, севги асирларига доир бирор нарса биласанми? – деб сүрабди қиз Шаррикондан.
- Шеърлар биламан, – дебди Шаррикон.
- Эшитишни истардим, – дебди қиз. Шаррикон шу байтларни ўқибди:

Гүзал Азза бўлсин доим саломат,
Шаъним топташ унга беради роҳат.
Яқин борсам – қочар мендан узоққа,
Кўп ёлворсам – оз-оз қилур иноят.
Азза севгисида фидо этиб жон,
Чидай олсан кўргай эдим ҳимоят.
Мен соябон қилганлардан булутни,
Уйқу олса, улар тарқайди албат.

Қиз байтни эшитгач, балоғат ва фасоҳат чўққисини эгаллабди. Шаҳзода унинг таърифида яна шу икки байтни ўқибди:

Азза ҳусни офтоб билан баҳс этса,
Ҳеч шубҳасиз, кунни қилғай хижолат.
Юзи бўлсин Азза кафшидек қаро,
Кимки қилса Азза ҳуснини фийбат.

- Эй шаҳзода, – дебди қиз, – сен бизга Жамил шеърларидан билганингни ўқиб бер.

Шаррикон:

- Мен уни ҳаммадан кўра яхши биламан, – дебди-да, қуйидаги шеърни ўқибди:

Мақсадинг қатлим эрур сенда тилак йўқдур бўлак,
Мен сени севдим, фақат ўзга бўлак йўқдур тилак.

Қиз буни эшитгач:

- Офарин, эй шаҳзода, биринчи мисрада Азза Жамилга нима демоқчи? – деб сўрабди.



– Сен менга нима қилишни истасанг, у ҳам севикли-сига шундай қилмоқчи бўлган, – деб жавоб бериди Шаррикон.

Унинг бу жавобидан қиз қулибди. Улар кун ботиб коинотни мудҳиш кеч қоплагунча тинмай ичибдилар. Кеч бўлгач, қиз ўзининг оромгоҳига кириб ётибди. Шаррикон ўзига белгиланган жойда кун чиққунча ётибди.

У уйғонгач, одатдагича, ёнига жориялар соз чалиб кириб келибдилар. Унинг қошида ер ўпид:

– Раҳм этинг, соҳибамиз сизни ўз ҳузурларига даъват этаяптилар, – дейишибди.

Шаррикон ўрнидан туриб, йўлга тушибди. Канизаклар унинг атрофида соз чалиб бораверибдилар. Улар ўтган кечдаги ҳовлидан чиқиб, ундан қўра каттароқ, ҳашаматли бир ҳовлига кирибдилар. У ердаги ҳар хил суратлар, моҳир рассом қўли билан чизилган турли қушлар, ҳайвонлар расми кишини ҳайратга соларли, чиройли экан. Шаррикон бу ердаги санъатдан лол бўлиб, шу байтларни ўқибди:

Гўё бунда марварид олтин билан ўралган,
Рақибим шода-шода узмоқда мева-маржон.
Яшнааб турган қизил гул ёноғида нишона,
Булоқдарнинг сувлари жилваланур нурсимон.
Ўшал сурма тортилган мужгонлари кўзлари,
Эслатди бинафша рангини бизга ҳамон.

Малика Шарриконни ўрнидан туриб қарши олибди. Унинг қўлидан ушлаб, ёнига ўтқазибди.

– Шаҳзода, шатранж ўйнашни севасанми? – дебди қиз унга.

– Ҳа, – дебди Шаррикон, – лекин сен шоир айтгандай бўлмаслигинг керак:

Шатранжини келтириб гўзал ёр,
Мен бирла дона суришга тайёр.



Гоҳ қораю гоҳи оқ дона,
Тахта узра сурди моҳирона.
Гоҳ ўт солур ишқи эҳтироси,
Гоҳ жилва қилур юзин жилоси.
Руҳ ўрнига шоҳини қилур жо,
Фарзин ила жангта отланур шоҳ.
Кўз боқиши худди барқ жонга,
Ҳар ғамзаси ўт солур жаҳонга.

Сўнг малика шатранжни Шаррикон олдига қўйиб, у билан ўйнай бошлабди. Малика қачон дона сурадиган бўлса, Шаррикон унинг чехрасига тиқилиб, от ўрнига фил, фил ўрнига от сураверибди. Малика кулиб:

– Агар ўйининг шундай бўлса, ҳеч нарса билмас экансан, – дебди.

– Биринчи гални соврин қил, – дебди Шаррикон.

Шаррикон биринчи гал мот бўлгач, яна доналарни қайта териб, уйнай бошлабди. Иккинчи марта ҳам малика мот қилибди. Учинчи, тўртинчи, бешинчи марта ҳам шу ҳол такрорланиб, ҳар сафар Шаррикон енгилаверибди.

– Сен ҳар ишда енгилаётисан, – дебди қиз.

– Сенга ўхашлар қошида енгилганим яхшироқ, – деб жавоб бериди Шаррикон унга.

Малика таом келтиришни буюрибди. Овқатланиб, қўлларини ювибдилар. Қиз май келтиришни буюрибди. Ичибдилар. Сўнг қиз қонунни қўлга олиб (у қонун чалишда жуда моҳир экан), шу байтларни ўқибди:

Гоҳ йифлатар, гоҳи ардоқлар жаҳон,
Гоҳ висол насиб этар, гоҳида ҳижрон.
Даҳр сенга кулиб боқдан чоғида,
Устма-уст май ичиб бўл шоду хандон.

Сўнг улар кечгача шу йўсинга ичишиб, ўйнашибдилар. Бугунги кун олдинги кунлардан яхшироқ ўтибди. Кеч киргач, қиз ўз оромгоҳига кетибди. Шаррикон ҳам

ўзи учун белгиланган хонага йўлланиб, тонг отгунча ухлабди. Тонг отгач, малика Шарриконга созандалар билан жорияларни юборибди. Улар Шарриконни кундагича малика олдига олиб келибдилар. Қиз Шарриконни кўриб, ўрнидан турибди. Унинг кўлидан тутиб, ўз ёнига ўтқазибди-да, кечани қандай ўтказганини сўрабди. Шаррикон унга узоқ умр тилаб, дуо қилибди. Малика қўлига созини олиб, шу байтларни ўқибди:

Ҳижрондан сўз очма, йўл берма асло,
Айрилиқ аччиқдир, у жонга бало.
Қўёшга бир боққил ботар чоғида,
Айрилиқ дардидан ранги қаҳрабо.

Булар шу йўсинда майшат қиласар эканлар, қандайдир шовқин эшитилибди. Қарасалар, бир гурӯҳ ёшу қари кишилар улар томон келишаётган эмиш. Уларнинг бошлиқлари қўлида яланғочланган қилич бўлиб, рум тилида:
– Эй Шаррикон, қўлимизга тушдинг, ўлимга жазм қил, – дермиш.

Бу сўзни эшитиб, Шаррикон ўз-ўзига:

– Бу қиз одамлари етиб келгунча мени ҳийла билан тутиб турган экан. Аввалда айтиб мени қўрқитмоқчи бўлган баҳодирлари шулар экан-да! Лекин жонимга ўзим жабр қилдим, ўзимни ўзим ҳалокатга ташладим, – деб ўйлабди.

Сўнг у лаънатлагандек маликага ўқрайиб қарабди. Қизнинг ранги ўзгариб, юзи сарғайибди. Ўрнидан туриб келганлардан:

- Сизлар кимсизлар? – деб сўрабди.
- Эй улуғ насаблик малика ва қимматбаҳо дурдона, ёнингизда турган йигит ким эканини билмайсизми? – дебди қизга уларнинг бошлиғи.
- Билмайман! – дебди канизак унга. – Ким экан?
- У шаҳарларни хароб қилган Умар ибн Нуъмон ўғли Шаррикондир. Қатъаларни забт этган, қадам етмас қўрғон-



ларни эгаллаган ҳам шудир, – деб давом этибди уларнинг бошлиқлари. – Бунинг хабари Зотуддаваҳи деган кампир орқали отанг шоҳ Ҳардубга етган. Сен эса душманни сақлаб, Рум аскарларига панд бераётиссан.

Малика бошлиқнинг бу сўзини эшитгач, унга юзланиб:

- Отинг нима? – деб сўрабди.
- Отим Масура, сенинг қулларингдан бўлган Мусура ибни Кашурда деган мингбошининг ўғлидирман.
- Бу ерга нега менинг рухсатимсиз кирдинг? – дебди фазабланиб қиз.

– Эй сайидим, эшик олдига келганимда дарвозабон ҳам, саройбон ҳам қаршилик қилмадилар, аксинча, уларнинг ҳаммаси, одатдагича, биз билан биргалашиб киришди. Биздан бошқа бирор бўлганда, уларни эшикда кутдириб қўйиб, рухсат бўлгандагина киритар эдилар. Лекин ҳозир сўзни чўзиш вақти эмас, шоҳ ана шу ислом аскарининг саркардасини олиб қайтишимизни кутмоқда. Бунинг аскарлари билан урушиб, ўзимизни қийнаб ўлтиргунча, унинг ўзини ўлдирсан, аскарларини жангга киришдан тўхтатган, ўз юртига тарқалиб кетишига йўл очган бўламиз.

– Бу яхши эмас, – дебди малика бошлиқнинг сўзини тинглагач, – кампир Зотуддаваҳи ёлғон айтибди. У гапнинг тагига тушунмай, нотўғри сўзлабди. Қошимдаги йигит Шаррикон эмас, мен буни асир қилганим ҳам йўқ. Бу киши бизга келган холис бир одам, меҳмон қилишимизни сўради. Биз меҳмонликка қабул қилдик. Агар ҳақиқатан Шаррикон экани маълум бўлганда ҳам, паноҳимга келган кишини сизларнинг қўлларингизга топшириш менинг улуғ насабимга нолойиқ бўлур эди. Кишилар орасида мени уялтирма. Отам олдига бор-да, унинг қошида ер ўп, воқеа кампир Зотуддаваҳи айтганча эмаслигини англат.

– Эй Абриза, мен шоҳ олдига унинг рақибисиз қайтмайман, – дебди Масура.



– Ҳайф сенга, – дебди канизак ғазабланиб, – бориб шу жавобни айт, сенинг қаллангни олмасымдан.

– Мен уни олиб кетаман, – дебди яна Масура, ранги ўчиб.

– Гапни ортиқ чўзма, – дебди малика, – бу одам бир ўзи юз отлиққа ҳамла қилувчи кучига ишониб, бу ерга кирган. Агар унга сен Үмаруннұймоннинг ўғли Шаррикөнмисан десанг, у албатта, «Ҳа», деб жавоб беради. Лекин сизларнинг унга ҳужум қилишингларга йўл қўймайман, агар унга ҳужум қилсангиз, шу ерда ҳаммангизни саранжом қиласди. Ҳозир мен уни қилич ва қалқонлар билан ҳозир қиласман.

– Сенинг ғазабингдан хавфсиз бўлсан ҳам, отанг ғазабидан ғоят хавфдаман, – дебди Масура, – мен уни кўргач, ботирларга ишора қиласман, улар Шарриконни асир қилиб, шоҳ олдига олиб борадилар.

– Бу иш эмас, – дебди малика унинг сўзини эшишиб, – бу олчоқлар иши. Бу ёлғиз, сиз юз баҳодирсиз. Агар уни асир олмоқ истасангиз, бирма-бир қурашинглар, қай бирингизнинг зўр баҳодир эканингиз шоҳга аён бўлсин.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Эмитинчи кеча

– **Э**й саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод. – Малика Абриза бошлиққа:

– Бу ёлғиз, сизлар юз баҳодирсиз. Агар уни асир олмоқ истасанглар, бирма-бир қурашинглар. Қай бирингизнинг зўр баҳодир эканингиз шоҳга аён бўлсин, – дебди.

– Мусо пайғамбар ҳаққи, ҳақиқатни сўзладинг, – дебди Масура, – лекин мендан бошқа ҳеч ким биринчи бўлиб унга қарши чиқмайди.

– Тўхтаб тур бўлмаса, мен унинг ёнига борай-да, бу воқеани сўзлай, нима жавоб бераркин. Агар рози бўлса,



тузук, рози бўлмаса, унга қаршилик қилолмайсизлар. Ўзим ҳам, жорияларим ҳам унинг учун қурбон бўламиш.

Абриза Шаррикон олдига бориб, воқеани сўзлаган экан, йигит табассум қилибди. Малика Шаррикон ҳақида бирор кишига хабар бермагани ҳолда, бу хабар ҳар томонга, ҳатто, шоҳга ҳам маълум бўлганини билдириб, ўкинибди. Шаррикон: «Нега Румга келдим», деб ўйлаб, қизга:

– Улар мен билан яккама-якка курашишга ожизлик қиласидилар. Огоҳ бўлсинлар. Ўнта-ўнтадан чиқиб курашсинлар, – деб жавоб берибди-да, қилич ва бошқа жанг яроқларини олиб, шошилганча ботирлар томон йўл олибди.

Бошлиқ Шарриконни кўриши билан унга қарши курашга ҳозирланибди. Шаррикон унга шердек ҳамла қилиб, қилич билан гарданига бир урган экан, Масура ҳалок бўлибди. Буни кўрган маликанинг олдида Шарриконнинг қадри ортибди. Қиз уни қуввати билан эмас, ҳусни, кўрки билан енганини англабди. У паҳлавонларга:

– Бошлиқларингиз ўчини олингиз, – деб мурожаат қилибди.

Бошлиқнинг биродари отилиб чиқибди. У гавдали, азamat йигит экан. Чиқа солиб, Шарриконга ҳамла қилибди. Шаррикон дам ўтмай уни ҳам қилич билан уриб, аввалгисидек ичак-чавоғини ағдариб ташлабди. Малика шу ондаёқ:

– Эй Мусо қуллари, дўстингиз ўчини олингиз, – деб қичқирибди.

Шу йўсинда улар Шаррикон билан яккама-якка курашни давом эттирибдилар. Шаҳзода бир ҳамла билан уларни саранжом қиласверибди. Баҳодирларнинг эллиги қиличдан ўтибди. Малика ва жориялар томоша қилиб турибдилар. Қолганларнинг дилига ваҳм тушиб, яккама-якка курашгани жасорат қилолмай, ҳаммалари бирдан ҳамла қилибдилар. Шаррикон ҳам белини маҳкам боялаб, уларга зарба бера бошлабди. Ўfirда дон туйгандек ҳаммасини янчиб ташлабди. Малика жорияларига:

– Ибодатхонада ким қолди? – деб қичқирибди. Улар дарвозабондан бошқа ҳеч ким қолмаганини айтибидилар. Малика Шаррикон қаршисига пешвоз чиқиб, уни қучоғига олибди. Бошлишиб қасрға йўлланибдилар. Паҳлавонлардан баъзилари ибодатхона бурчакларига биқиниб, жон сақлаб қолган эканлар. Малика уларни сезгач, Шаррикон ёнidan қўзғалибди. У енги тор, зирҳли кийимлар кийиб, қўлида ўткир қиличи билан қайтибди. Малика:

– Мехмонимдан жонимни ҳам аямайман, Румдагиларнинг маломатига қолсан ҳам, ҳеч вақт ундан ажралмайман, – дебди.

Малика Абриза паҳлавонлардан саксон кишининг ўлгани, йигирма киши қочиб қолганини аниқлабди. У Шарриконнинг шунча баҳодир билан курашганини кўриб:

– Сендеқ баҳодирлар билангина фахрланадилар, Худо ҳаққи, сен олий табиат зотсан, – деб уни мақтабди.

Шаҳзода ўрнидан туриб, қиличининг қонини артар экан, шу байтларни ўқибди:

Жангоро юзланди менга қанча эру, қанча шер,
Ҳаммасининг гўштини энди чўларо дарранда ер.
Яккана-якка олишдик биз қадимгилар каби,
Жангда достон бўлганимни сўрсангиз, халқ сизга дер:
Унга қанча қаҳрамон дуч келди чексиз чўл аро,
Лекин ул бир зарб ила барини этти қаро ер.

Шеър тугагач, малика табассум билан унинг ёнига келибди. Қўлини ўпиди, устидаги жанговар кийимларини ечибди.

– Нега бу сариқ зирҳли кийимларни кийиб, қилич яланғочладинг, эй маликам? – деб сўрабди Шаррикон.

– Ёвузлардан сени ҳимоя қилиш учун, – дебди малика. Кейин у дарвозабонларни чақириб:

– Нега менинг рухсатимсиз шоҳ кишиларини менинг ҳузуримга киритдингиз? – дебди.



– Шоҳ элчилари, хусусан, улуғ саркарданинг кириши учун рухсатингизни олиш одат бўлмагандир, эй маликам, – дейишибди дарвозабонлар. Малика:

– Сизлар мени шарманда қилиб, меҳмонимни ўлдиришни истагансизлар, – дебди да, Шарриконга уларнинг бўйинларини узишларини буюрибди. Шаррикон бу вазифани адо этгач, малика бошқа ходимларга:

– Сизлар бундан ортиқ жазога лойиқсизлар, – деб Шарриконга шундай дебди:

– Энди сир ошкор бўлди. Сенга ўз воқеамни адо қиласай: Мен Рум шоҳи Ҳардубнинг қизиман. Исмим – Абризадир. Зотуддаваҳи отамнинг онаси – бувимдир. Сен ҳақингда отамга маълумот берган ҳам ўша. У мени ҳалок қилиш учун энди, албатта, ҳийла излайди. Айниқса, отамнинг баҳодирларини ўлдирганинг ва бу ишда менинг мусулмонларга ёрдам берганим ҳар ёққа тарқалади. Модомики, Зотуддаваҳи ҳаёт экан, бу шаҳарда турмаслигим лозим. Менга бир яхшилик қиласанг. Чунки отам билан менинг орамда адоват пайдо бўлди. Бу ишларнинг ҳаммаси сен туфайли юз берди. Сўзларимни унутмаслигингни сўрайман.

Бу сўзларни эшитган Шарриконнинг шодликдан эси оғибди. Юраги гуп-гуп уриб, кўнгли кўтарилибди.

– Худо ҳаққи танамда жоним бор экан, сенга ҳеч ким қўйл теккиза олмайди. Лекин отангдан, элингдан, юртингдан узоқлашишга чидай олармикансан? – деб сўрабди.

– Ҳа, чидайман, – дебди Абриза. Шаррикон қўлидан келганча ёрдам беришга қасам ичиб, уни тинчлантирибди. Шундай қилиб, улар аҳдлашибдилар.

– Энди кўнглим таскин топди. Бироқ яна бир шартим бор, – дебди малика.

– Қандай шарт? – деб сўрабди Шаррикон.

– Энди аскарларингни олиб, ўз юртинга қайтасан, – дебди малика.

– Эй маликам, – дебди Шаррикон, – отам мени бу ерга сенинг отангни ўлдириб, мол-ҳолларини, айниқса,



кўп хосиятга эга бўлган қимматбаҳо учта тошни олиш учун юборган-ку!

– Кўнглингни тиндир, ғазаб ўтини сўндири, – дебди қиз, – сенга бу ишнинг сабабларини, Қустантания шоҳига бўлган душманлигимиз сирини тушунтирай: бизларда дайр байрами дейилган ҳар йили бўладиган байрам бор. Бунда ҳар томоннинг шоҳлари, уларнинг қизлари, аъёнлар, савдогарлар тўпланадилар. Етти кун дайрда қоладилар. Шу жумладан, мен ҳам дайрга борардим. Орамизда адоват пайдо бўлгач, отам мени етти йилгacha у ерга юбормай қўйди. Бир йили одатдагича байрамга ҳар тарафдан катталарнинг қизлари келган эди. Шунда Қустантания шоҳининг қизи ҳам келди. Унинг оти Сафия эди. Улар опти кун дайрда туришди. Еттинчи куни одамлар қайта бошладилар. Қустантания шоҳининг қизи дengiz орқали қайтаман, деб туриб олди. Унга кема ҳозирладилар. У кемага ўз жориялари билан ўтириди. Елканни қўйиб, йўлга тушдилар. Ҳадемай қаттиқ шамол туриб, кемани йўлдан чиқарди. Иттифоқо, Кофур жазирасида христианларнинг кемасига рўбарў келганлар. Беш юз қуролли фаранг жойлашган бу кема кўпдан шу ерда турар экан. Уларнинг кўзлари Сафия ва унинг жориялари кетаётган кемага тушган заҳотиёқ, ўша томонга отилганлар. Орадан бир соат ҳам вақт ўтмай, кема ёнига етиб борганлар ва чангак ташлаб, уни ўзларига тортганлар. Кофирлар елканларни тўғрилаб, жазираларига томон йўл согланлар. Улар озгина юрар-юрмас, иттифоқо, яна боди муҳолиф⁸ кўзғалиб, кемани йўлдан чиқарганда, бизнинг томонларга келтириб ташлаган. Биз уларни ўз оёғи билан келган ғанимат ҳисобладик. Кемадаги турли-туман қимматбаҳо молларни, Сафия ва унинг ёнидаги қирқ жорияни қўлга олиб, қолганларини қиличдан ўтказдик. Жорияларни отамга тақдим қилдик. Улар орасида Қустантания шоҳи Афридуннинг қизи борлигини

⁸Боди муҳолифлар – қаттиқ шамол.



бilmagan эдик. Otam ular orasidan ўн kишини aйириб oлди. Шоҳ қизи ҳам шулар ичida эди. Қолганларини турли мамлакатларга тарқатди. У ўнтадан ҳам бештасини aйирди. Шоҳ қизи ҳам шулар orасида эди. Otam ularni bir қанча мамлакатларнинг, чунончи Румнинг илак kийимликлари билан ҳадя йўсинида отанг шоҳ Умаруннўмонга тақдим қилди. Otang ҳадяларни қабул қилиб, беш жориядан шоҳ Афридуннинг кизи Сафияни ўзига танлаб oлди. Shу йилнинг бошларида Сафиянинг отаси otамга bir xat ёэди. Xat kуйидагича fazab va pўpisa билан тўлган эди:

«Бундан икки йил аввал bir гуруҳ фаранг қароқчиларининг қўлидан сиз менинг кемамни ўлжа олдингиз. Unда менинг қизим Saфия билан birга олтмишга яқин жория ҳам бор эди. Lекин bu ҳақда birор одамни менга юбориб, xабар ҳам қўлмадингиз. Men эса шоҳлар orасида қизим шаънига bўлажак таъна-андишада хавфланиб, bu сирни билдира олмай, shу кунгача яшириб келдим. Cўнг фаранг қароқчиларидан баъзиларига bu ҳақда xat ёздим. Қизимнинг қайси шоҳ жазирасида bўлгани tўғрисида xat ёздим. Tekшириб, жавоб беришларини таъкидладим. Uлар шундай жавоб ёздилар:

«Худо nomi билан қасамёд қилиб айтамизки, биз уни ўз шаҳрингдан четга чиқармадик. Уни Ҳардуб шоҳининг bir гуруҳ қароқчилари қўлга туширганлар ва butун voқeани unга сўзлаганлар, деб эшитдик». Afridun otama ёзган xатида шундай degan:

«Agar men bilan душманлашишни истамасангиз, мени taҳқирлаш ва kизimnинг nomusini bukiшга тарафдор bўлmasangiz, xat etgan он қизимни ҳузurimga жўнатинг. Agar bu talabimga эътиборсизлик билан қарасангиз, no-lойиқ ҳаракатингизга лойиқ мукофотлашга mажбурман».

Otam xатни ўқиб, мазмунига тушунгач, bu voқeадan қаттиқ таъсиrlанди. Жориялар orасидan шоҳ Afridun-nинг қизи Saфия борлигини bilmaganiга, уни ўз vaқтида отасига қайtarмаганига afсuslandi. Bu iш устида nima қilarini bilmай, ҳайратda қолди. Узоқ muddat

үтгани учун ўзи юборган ҳадяни Умаруннұмандан сүраб, қайтариб олишнинг ҳам иложи йүқ әди. Шоҳ Умаруннұмон үз канизаги, шоҳ Афридуннинг қизи Сафиядан бола күрганлиги ҳақида хабарни яқында әшилдик.

Хатнинг мазмунини тушуниб, балои азим юз бер-ғанлигига ақтимиз етди. Отам бу ҳақда Афридунга узр айтиб, кемадаги жориялар ичида унинг қизи бор-лигини билмаганлигига қасамёд қилиб, ниҳоят, маликани Умаруннұмонга ҳадя қылганини, сүнгги вақтда шоҳнинг ундан бола күрганини ёзишдан бошқа чора топа олмади. Отамнинг хати Қустантания шоҳи Афридунга етгач, Афридун ўзини йүқотаёзибди. Дам үтириб, дам турибди, бехуд қичқириб, ҳар турли ҳаракаттар қилибди.

– Бу қандай ҳолки, қызим никоҳсиз, маҳрсиз жориялар қаби шоҳлар құлида юрса! Мусо пайғамбар ҳаққи, қасос олмагунча, бу номусни гарданимдан құттармагунча тинчланмайман! Шундай бир иш құлайки, бу құлмишим мендан сүңг эл оғзіда достон бўлиб қолсин! – деб онт ичибди. У бу ҳақда арзирли ҳийла, етарли тадбир ўйлаб чиқмагунча тинчланмабди.

– Ниҳоят, у сенинг отанг Умаруннұмонга вакил юборибди, шу ўз қулоғинг билан әшилган воқеани хатта битибди. Мақсади, отанг сени қуроплантириб аскарлар билан юборса, сени ҳам, аскарларни ҳам асир қилиш ва шу йўл билан ўч олиш, холос.

Отанг мақтаган хосияти кўп уч тош Сафиянинг құлида әди. Сафия ёнидаги жориялар билан асир олинган пайтда отам у тошларни Сафиядан олиб, менга совға қилди. Ҳозир улар менинг құлымда. Ҳозир сен аскаринг ёнита қайт-да, уларни фаранг ва Рум ерларининг ичкарисига киргизмай олиб кет. Ичкарироққа киргач, қайтишга йўл қолмайди. Қиёматгача ҳам уларнинг құлидан қутула олмайсан. Билишимча, аскарларинг уч кундан бери сени кутиб турибдилар. Сени йўқотиб, нима қилишларини билмаётган бўлсалар керак.



Шаррикон бу сүзларни эшитиб, ўйга чўмибди. Сўнг у Абризанинг қўлини ўпиб:

– Сени менга йўллаб, ўзимнинг ҳамда ҳамроҳларимнинг саломат қолишига сабабчи қилган Ҳудога шукр. Лекин сендан узоқлашишга чидай олмайман, мен кетсам, ҳолинг нима кечишини билолмайман, – дебди.

– Аскарларинг ёнига бориб, уларни қайтар. Элчилар улар қошида бўлса, масала аниқлангунча уларни қўлга ол. Шаҳарларингиздан узоқда эмассиз. Мен уч кундан сўнг, сизлар Бағдодга кирмасларингдан олдин етиб оламан. Кейин ҳаммамиз бирга кирамиз, дегин, – деб ўргатибди қиз.

Шаррикон кетар экан, у:

– Орамизда бўлган ваъдани унутма, – деб қўшиб қўйибди-да, хайрлашгани, шавқ ўтларини сўндиргани ўрнидан турибди. Шаҳзодани қучиб, кўз ёшларини ёмғирдай тўкиб туриб, шу шеърни ўқибди:

Ўнг қўлимда ёшим артдим хайрлашар эканман,

Чап қўлимда ёрим тутдим, гул бўлди қучоғимда.

Чўчиб деди: таъналардан қўрқмайсанми, жонгинам?

Дедим: Таъна писанд эмас хайрлашар чоғимда.

Шаррикон Абриза билан хайрлашиб, дайрдан чиқибди. Унинг отини келтирибдилар. Отга миниб, кўприкка томон юрибди. Кўприкдан ўтиб дараҳтлар тагига борибди. Даражатлар орасидан ўтиб, ўтлоққа етибди. У ерда уч отлиқни кўриб, кўнглига ғашлик тушиб, ҳушёрлик қиличини яланғочлаб, улар томон аста-секин бораверибди. Шаррикон уларга яқинлашгач, улар ҳам синчиклаб қарашиб, нотаниш кишининг Шаррикон эканлигини пайқашибди. Шаррикон ҳам уларни танибди. Қараса, уларнинг бири вазир Дандон, қолган иккитаси амирлар экан. Улар Шарриконни танишгач, унга томон от сурибдилар. Вазир Дандон билан икки вазир Шарриконнинг ёнига етиб, салом берибдилар. Вазир унинг қаерга кетиб қол-



ганини сүрабди. Шаррикон уларга малика Абриза билан бўлган ҳодисаларнинг ҳаммасини бошдан оёқ сўзлаб бериб, бунинг учун Худога шукрлар қилибди.

– Бу ердан тезроқ жўнайлик, – дебди Шаррикон, – биз билан келган элчилар шоҳларига бизнинг келганимизни хабар қилгани кетибдилар. Бизни асир қилгани жадаллик билан келаётгани аниқ. Сўнг Шаррикон аскарларига «қўзғалинглар», деб буйруқ берибди. Жадал юриб, бир кенг даштга етиб борибдилар.

Элчи шоҳга Шарриконнинг келганидан хабар етказибди. Шоҳ Шарриконни аскарлари билан қўлга олиш мақсадида ўз сипоҳийларини қуроллантириб, жонлари борича курашишга фармон берибди.

Шаррикон аскарлари билан йигирма беш кун йўл юриб, ўз шаҳрининг бир чеккасига етиб борибди. Кўнгиллари тинчиб. Бир нафас дам олмоқчи бўлишибди. Шаҳар ҳалқи уларни яхши қаршилаб, хилма-хил озиқ-овқатлар билан зиёфат қилишибди. Отларини ҳам яхши парвариш қилишибди. Шаррикон қўшини шу ерда икки кун дам олишибди. Сўнг Шаррикон улар орасидан юзта отлиқ аскарни айириб, қолган аскарларга вазир Дандонни бошлиқ қилиб, ўз юртларига қараб йўл олишга фармон берибди.

Яна бир кун шу ерда ётиб, Шаррикон ҳам ўзининг юзта отлиқ йигитлари билан йўлга тушибди. Улар икки фарсаҳ чамаси йўл юриб, икки тоғ орасидаги тор бир ерга етиб борибдилар. Олдинда қуюқ чанг, тўзон кўтарилиб, тобора бурқираб кўринишибди. Шаррикон отини тўхтатиб, бир соат чамаси туриб қолишибди. Чанг тарқалиб, тўзон остидан темир кийимлар кийган, бадбашара, шер қаби юзта отлиқ пайдо бўлишибди. Улар Шаррикон билан ҳамроҳларига яқинлашиб:

– Юҳанно ва Марям ҳаққи, тилагимизга етишдик. Орқаларингиздан кеча-кундуз чопиб, шу ердагина тўқнашдик. Энди саломатлик истасаларингиз, отларингиздан тушиб, қуролларингизни бизга топширингиз, – дейишибди.



Бу сүзни эшитган Шарриконнинг кўзлари чақнаб кетибди. Юзларига қизил югуриб, даҳшат билан қичқирибди:

– Насоро итлари, бизнинг тарафга от суриб, ерларимизга оёқ қўйгани журъят этганингиз етмасми? Бунинг устига яна шундай сўзлар сўзлайсиз. Эҳтимол бизнинг қўлимиздан қутулиб, шаҳарларингизга қайтишни ҳам ўйларсизлар? Сўнг у ўз йигитларига:

– Қаршиңгиздаги итларнинг сони сиз билан тенгdir, – дебди-да, қилич яланғочлаб, душман томонга от қўйибди. Унинг кетидан йигитлари ҳужум бошлишибди. Фаранглар ҳам ўз душманларига от қўйибди. Унинг кетидан йигитлари ҳужум бошлишибди. Кун ботиб, кеч бўлгунча шу йўсунда уришиб, қоронғи тушгандагина бир-бираидан узоқлашибдилар. Шаррикон ўз йигитлари билан йиғилишибди. Ҳаммалари соғу фақат тўрт киши енгил яраланган экан.

– Умрим бўйи уруш денгизи гирдобидаман, – дебди Шаррикон ҳамроҳларига, – эрлар билан жанг қиласман, лекин шу кунгача яккама-якка жангда шундай баҳодирларни кўрмаган, тўқнашмаган эдим.

– Буларнинг орасида уларнинг бир фаранг бошлиқлари бор, – деб жавоб берибдилар унга, – у киши ҳайрон қолдирадиган даражада жасоратли экан. Лекин ҳеч биримизга зарар етказмади. Олдига бориб қолганимизда ҳам билмаганликка олди, қўл теккизмади. Худо ҳаққи, агар у бизларни ўлдирмоқ истаганида, ҳеч шубҳасиз ҳаммамизни ҳалок қиласди.

Бу сўзни эшишиб, Шаррикон ҳайрон бўлибди.

– Эртага саф тортиб, улар билан курашамиз. Улар ҳам юзта, биз ҳам юзтамиз. Тангридан мадад тилаймиз.

Улар шу фикр билан тунни ўтказибдилар. Фаранглар эса ўз бошлиқларининг атрофига тўпланишиб:

– Бугун биз кутганимизга эриша олмадик, – дебдилар. Эртага яна саф тортиб, улар билан яккама-якка курашамиз, – дебди бошлиқлари.

Улар ҳам шу фикрга келиб, тунни ўтказибдилар.



Тонг нур сочиб, теваракни ёритгач, Шаррикон ва унинг юз йигити отларига миниб, майдонга келишибди. Фаранглар аллақачон курашга саф тортган эканлар.

– Душманларимиз аллақачон сафга тизилгандар. Бу сиз учун ордир. Шошилишингиз зарур, – дебди Шаррикон йигитларига.

– Бу кунги курашимиз фақат яккама-якка бўлади, – дейишибди фаранглар.

Шу орада Шаррикон йигитларидан бири майдонга от солибди.

– Мен билан курашувчи паҳлавон борми? Лекин файратсиз, кучсизлар бекорга нобуд бўлишларини унутмасинлар, – дебди у.

Йигит ҳали гапини тугатгани ҳам йўқ экан, олтинкумуш совутли фаранг паҳлавон отилиб чиқибди. У хипча белли бўлиб, соқол-мўйлови йўқ экан. Фаранг от ўйнатиб, майдон ўртасига келибди. Қилич ва найзаларини ишга солиб, кураша бошлабди. Бир соат ҳам вақт ўтмай Шарриконнинг йигитини найза билан отдан ағдарибди-да, асир қилиб, хўрлаб олиб кетибди. Фаранглар шодланибдилар. Бошлиқларининг қайта чиқишлирага йўл бермай, бошқа паҳлавонни чақирибдилар. Бу тарафдан асирнинг биродари чиқибди. Икковлари кураша бошлабдилар. Сал ўтмай фаранг паҳлавони найза орқаси билан уриб, рақибини отдан ийқитибди. Асир қилиб, бошлифи олдига элтибди. Шу йўсинда кечгача майдонга чиққан мусулмонларни фаранглар асир қиласверибдилар. Кун ботгунча йигирма кишини асир қилибдилар. Шарриконга бу ҳол жуда ёмон таъсир қилиб, йигитларини тўплабди.

– Бу қандай қурбон, – дебди у хафа бўлиб, – эртага ўзим майдонга чиқиб, фаранг баҳодирларининг бошлигини чақираман. Юртимизга келиш сабабини биламан. Биз билан курашишдан қайтараман. Агар бўйин товласалар курашамиз, келишсалар ярашамиз.

Улар шу фикр билан тунни ўтказибдилар. Тонг отибди. Ҳар икки тараф ҳам отланиб, қарама-қарши саф



тортибдилар. Шаррикон майдонга чиқибди. Қараса, фарангларнинг ярмидан кўпи шошилганича ўз бошлиқлари билан майдонга келаётган эмиш. Улар майдон ўртасига келишибди. Шаррикон фарангларнинг бошлиғига тикилибди. Қараса, эгнига енгиз, ҳаво ранг чакмон кийган, чехраси чакмоннинг зебу зийнатлари шуъласида яна ҳам кўркамланиб турганмиш. Чакмони устида нозик, думалоқ зирҳли кийим, кўлида яланғочланган, ўткир қилич бормиш. У минган от чавкар бўлиб, тумшуғи танга-танга оқ доғли эмиш.

Фарангда соқол тугул, мўй ҳам йўқ эмиш. У отга қамчи урибди-ю, учиб келиб, майдон ўртасида тўхтабди. Мусулмонларга ишорат қилиб, араб тилида:

– Эй шоҳ Умаруннуғон ўғли Шаррикон, – дебди у.
– Эй қўрғонларни эгаллаб, шаҳарларни вайрон қилган зот, майдонга туш, сен билан тенглашувчига қарши кураш. Сен ўз уруғинг бошлиғи бўлсанг, мен ҳам қабилам бошлиғидирман. Курашда қайси биримиз ғалаба қилсак, халқларимиз ҳам унга бўйин эгадилар.

Фаранг сўзини тамом қилгани ҳам йўқ экан, Шаррикон ғазаб билан унга қарши ўқдай отилиб, ғазабланган шердай ҳамла қилибди. Фаранг уни майдонда кураш тажрибакори, жанг билимдони каби қаршилаб, баҳодирларча тутишибди.

Улар найза билан кураша бошлишибди. Икки баҳодир бир-бираидан четлашар, дам ўтмай худди икки тоғ олишгандай ёки икки денгиз тўқнашгандай қайта тўқнашармишлар.

Уларнинг курашлари кун ботгунча шу йўсинда давом этибди. Қоронғи тушгач, бир-бираидан узоқлашиб, ўз гуруҳлари ёнига қайтишибди.

Шаррикон ўз йигитлари ёнига қайтиб:

– Умрим бино бўлиб, бундай баҳодирни кўрмаган эдим, – дебди у, – лекин мен бу баҳодирда бошқа ҳеч кимда кўрилмаган бир ҳунар сездим. У ўзининг душмани зарбига дуч келиб қолганда ҳам найзанинг учи билан



эмас, орқаси билан урушга ҳаракат қиласи. Бизларнинг ишимиз қай тарзда якунланишига ақдим бовар қилмай қолди. Қани энди йигитларимиз ҳам унга, унинг шерикларига ўхшаса.

Шаррикон уйқуга ётибди. Тонг отгач, фаранг баҳодирлари майдонга чиқибди. Шаҳзода Шаррикон ҳам унга қарши отилиб, майдонга кирибди. Кураш бошланибди. Ҳамманинг кўзи уларда эмиш. Баҳодирлар кечгача курашибдилар, найзалар билан тўқнашибдилар. Кеч кириб, қоронғи тушгач, жой-жойларига қайтибдилар. Уларнинг ҳар бири ўз кишиларига душман билан курашишда кўрганларини сўзлабди.

Фақат ўз одамларига:

– Эртага ажрим бўлади, – дебдилар. Улар ётиб ухлабдилар.

Тонг отгач, паҳлавонлар отларига миниб, кураша бошлабдилар. Сўнг фаранг бир ҳийла қилибди. Отининг белига товони билан уриб, юганини тортибди. От чалишиб, фарангни йиқитибди. Шаррикон ишни чўзиб юргандан кўра пайтдан фойдаланиб, унга қилич солмоқчи бўлибди. Фаранг унга:

– Эй Шаррикон, баҳодир ундей бўлмайди, – деб қичқирибди. – Бу ҳаракат, – дебди у, – хотинлардан енгилганларнинг иши.

Фарангдан бу сўзни эшитгач, Шаррикон кўзини каттароқ очиб, диққат билан унга тикилибди. Унинг дайрда меҳмон қилган малика Абриза эканини пайқаб, қиличини қўлидан ирғитиб, қархисида ер ўгибди:

– Бу ишга сени нима мажбур қилди, – деб сўрабди.

– Сени майдонда синаб кўрмоқчи, курашда, жангда бўлган жасоратингни билмоқчи эдим. Ёнимдаги баҳодирлар – жорияларим, қиз болалардир. Улар сенинг баҳодирларингни қизғин жангда енгдилар. Агар менинг отим қоқилиб кетмаганида, куч ва қувватимни кўрадинг, – дебди малика.

Шаррикон кулиб:



– Сен билан қовуштирган Худога шукр, – дебди.

Малика Абриза шу он жорияларини чақириб, Шаррикон йигитларидан асир қилингандай йигирма паҳлавонни озод этишни буюрибди. Жориялар:

– Бош устига, – деб маликалари қаршисида ер ўлибдилар.

Шаррикон:

– Сизга ўхшаганлар паноҳига баҳтсиз кунларда шоҳлар сиғинади, – деб, йигитларига маликага салом қилишини ишора билан билдирибди. Уларнинг ҳаммалари малика Абриза қошида ер ўлибдилар (Улар воқеадан воқиф эканлар). Сўнг икки юз отлик отларига минибдилар-да, олти кеча-кундуз йўл босиб, шаҳарларига яқинлашибдилар. Шаррикон малика Абрисага, унинг жорияларига устларидаги кийимларини ечишини буюрибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Эллик биринчи

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод. – Шаррикон малика Абриза ва унинг жорияларига устларидаги кийимларини ечиб, Рум қизларининг кийимларини кийишни буюрибди. Улар фармонни адо этибдилар. Шаррикон Бағдодга – отаси Умаруннульмон ҳузурига бир гурӯҳ киши юбориб, ўзининг бориш хабарини етказиш, у билан бирга Рум шоҳининг қизи – малика Абриза келаётганини билдириш, қаршилаш учун истиқболга киши чиқариш зарурлигини хабар қилишни буюрибди. Сўнг ҳаммалари етиб борган жойларига қўнишибди. Шу ерда тунаб, тонг отгач, Шаррикон ҳам, малика Абрисага ҳам ҳамроҳлари билан отларига минишиб, шаҳар томон йўл олишибди.

Йўлда мингта отлик билан вазир Дандон уларни қарши олишибди. У Шарриконнинг отасига ёзган хатига мувофиқ, шоҳ Умаруннульмоннинг амри билан малика Абрисагининг



истиқболига чиққан экан. Улар Абриза билан Шарриконга яқынлашиб, ер ўпид, таъзим қилиб, ҳол-аҳвол сўрашибди. Сўнг қайта отларига миниб, шаҳарга киргунча икковларини кузатиб борибдилар.

Улар шаҳарга кириб, шоҳ саройига йўлланибдилар. Шаррикон отаси қошига кириб борибди. Отаси ўғлини кўриши билан ўрнидан туриб, уни қучибди. Бўлган воқеалар тўғрисида сўрабди. Шаррикон малика Абризанинг сўзларини, у билан бўлган воқеаларни ва нима учун малика мамлакатини ташлаб келганини сўзлабди:

– Малика биз билан бирга келишни, бизнинг ёнимизда туришни истади. Қустантания шоҳи – ўз қизи Сафия жиҳатидан бизга ҳам бир ҳийла ишлатмоқчи бўлибди. Чунки Рум шоҳи қизнинг саргузаштини унга билдирган. Фаранг шоҳи эса унинг Қустантания шоҳи Афридуннинг қизи эканини билмаган. Агар у билса сизга тортиқ қилмай, уни отасига қайтарар эди. Биз бу ишда фақат малика Абриза туфайли омон қолдик. Мен умримда бундай жасоратли аёлни кўрмаганман. Кейин Шаррикон отасига малика билан бўлган яккама-якка курашларни батафсил гапириб берди. Ўғлининг гапларини эшитгач, отаси малика Абризага ҳурмат билдириб, уни кўрмоқ истади. Шаррикон дарров малика ёнига бориб:

- Шоҳ сени чорлаяпти, – деди.
- Бош устига, – деди малика.

Шаррикон Абризани таҳтда ўтирган шоҳ ҳузурига олиб кирибди. Шоҳ айёнларини чиққариб юборибди. Унинг олдида маҳсус хизматчиларидан бўлак ҳеч ким қолмабди. Малика шоҳ Умаруннуймон қошига киргач, шоҳни ҳурматидан ер ўпибди. Шоҳ ҳузурида ғоят ёқимли сўзлар сўзлабди. Шоҳ унинг ажойиб сўзларидан ҳузурланиб, таҳсинлар ўқибди. Ўғли Шарриконга кўрсатган ғамхўрлиги учун унга миннатдорчилик билдириб, ўтиришга буюрибди. Малика ўтириб, юзини очибди. Шоҳ уни кўргач, ҳушини йўқотаёзибди. Малика Абризага ҳам, жорияларига ҳам маҳсус қаср тайинлабди.



Сўнг шоҳ юқорида айтилган уч тош тўғрисида маликадан сўрай бошлабди. Малика ўрнидан туриб:

– Эй замон шоҳи, ўша учта тош менда, – дебди-да, бориб, сандиқни очибди. Сандиқдан олтин қутича олибди. Қутичани очиб, ичидан қимматбаҳо учта тошни олибди. У тошларни ўпибди-да, шоҳга тақдим қилиб, ўзи учун маҳсус ажратилган қасрга қайтибди. Лекин малика ўзи билан шоҳ қалбини бирга олиб кетибди.

Малика кеттандан кейин шоҳ ўғлини чақиритирибди. Шаррикон келгач, шоҳ унга ҳалиги тошларнинг бирини топширибди. Шаҳзода қолган икки тош тўғрисида сўрабди.

– Эй ўғлим, – дебди шоҳ, – уларнинг бирини уканг Зуулмаконга, иккинчисини синглинг – Нузҳатуззамонга бердим.

Шаррикон Зуулмакон исмли укаси борлигини билмас эди. Отасидан бу сўзларни эшишиб:

– Эй ота, мендан бошқа ҳам ўғлингиз борми? – деб сўрабди.

– Ҳа, – дебди шоҳ, – ҳозир у олти ёшда. Исми – Зуулмакон, синглисининг исми – Нузҳатуззамон. Улар бир замонда Фотима-Ҳасан бўлиб туғилишган.

Шарриконга бу хабар оғир ботди-ю, лекин сир бой бермади. У отасига:

– Хайрли бўлсин, – деди-да, тошни ирфитиб юбориб, кийимларини қоқибди.

– Бу гапларни эшитиб хафа бўлдинг шекилли. Ҳолбуки мендан сўнг тахтга сен ўтирасан. Аскарларимга, амирларимга сенга итоат қилишларини амир қўлдим-ку. Бу тошларнинг биттаси сенга тегишилдир, – дебди отаси.

Шаррикон бошини қўйи солибди. У отаси билан жанжаллашгани уялиб, тошни олмабди. Лекин камоли ғазабдан нима қилишини билмай, ихтиёrsиз пиёда йўл босиб, тўғри малика Абризанинг қасрига кириб борибди. Малика уни кўриши билан ўрнидан туриб, қарши олибди. Унга ҳам, отасига ҳам раҳмат айтиб, иккаласини ҳам дуо қилибди. Малика ўтириб, Шарриконни ҳам ёнига



үтқазибди. Шаррикон үтиргач, Шарриконнинг хафалиги-ни сезибди. Унинг ҳолини, хафалик сабабини сўрабди. Шаррикон отаси Умаруннуъмоннинг Сафиядан Фотима – Ҳасан кўрганини, ўғлиниң оти – Зуулмакон, қизининг оти – Нуэҳатуззазмон эканини айтибди. Отаси тошнинг иккитасини уларга, биттасини ўзига берганини, у отиб юборганини сўзлаб берибди.

– Мен ҳозиргача бу воқеадан бехабар эдим, ҳозирги-на эшигдим. Борлиғимни ғазаб қоплади. Хафалагимнинг сабаби шу. Сендан ҳеч нарсани яширмадим. У сенга уйланишга ҳаракат қилмаса, деб қўрқаман. Чунки мен унда шундай орзу аломатларини сезаётирман. Бу ҳақда сен нима дейсан? – деб сўрабди маликадан.

– Отангнинг менда ҳеч қандай ҳақ-хуқуқи йўқ, эй Шаррикон, – дебди малика. – У менинг розилигимсиз ҳеч нарса дея олмайди. Агар у мени зўрлик билан олмоқ истаса, ўзимни ўлдираман. Аммо уч тош масаласи-га келсак, бу ишда адашибман. Унинг бирортасини ҳам бировга беради, деб ўйламовдим. Мен уни ўз хазинаси-да сақлайди, деб тушунибман. Лекин сендан отанг бер-ган ўша бир тошни менга беришингни сўрайман.

– Бош устига, – дебди Шаррикон.

– Хавфланма, – дебди малика Шарриконга. Кейин малика у билан анча вақт сұхбатлашиб ўтирибди.

– Отанг бу ердалигингни эшитиб, мени ўлдиришга ҳаракат қилмаса, деб қўрқаман, – дебди малика. – Бу эҳтимолдан холи эмас. Шоҳ Афридун ҳам отамни ишга солади. Чунки унинг қизи Сафия ҳам отанг қўлида-ку. Ҳар икки шоҳ бирлашиб, жанг қўлсалар катта жанг бўлади.

– Эй маликам, – дебди Шаррикон. – Бизнинг олди-мизда қолишга рози бўлсанг, у тўғрида ўйлама. Агар қуруқликдаги ва сувдаги ҳамма кучларимиз йиғилиб кел-са, ҳеч шубҳасиз уларни енгамиз.

– Бу ишнинг биргина яхшилик томони бор, – дебди малика. Агар менга яхши қарасаларинг – ҳузурларингда қоламан. Ёмон қарасаларинг – ўз элимга қайтаман.



Малика шу сўзларни деб жорияларига дастурхон ёзишни, овқат келтиришни буюрибди. Улар дастурхон ёзибдилар. Шаррикон бироз овқатланибди-да, ғазабланган, аламли ҳолатда ўз қасрига қайтибди.

Отаси Умаруннуъмонга келсак, Шаррикон кетгач, у ўрнидан туриб, канизаги Сафия ёнига кирибди. Шоҳнинг қўлида ҳалиги тошлар бор экан. Сафия шоҳни кўриши билан ўрнидан қўзғалибди. У ўтиргунга қадар оёқда турибди. Зуулмакон билан Нузҳатуззамонлар ўринларидан туриб, салом беришибди. Уларни кўргач, шоҳ ҳар қайсисининг бўйнига биттадан тошни осибди. Болалар севинишиб, оталарининг қўлини ўпишибди. Шодланиб, оналарига кўрсатишибди. Оналари ҳам шодланибди. Шоҳга узоқ умр, битмас-туганмас давлат сўраб, дуо қилишибди.

– Нега шу кунгача Қустантания шоҳи Афридуннинг қизи эканлигинги билдирамадинг? Ҳурматингни оширап, мартабангни кўтарар, аҳволингни яхшилар эдим-ку, – дебди шоҳ гинаномуз.

– Эй шоҳим, – дебди Сафия бу сўзни эшилгач, – бундан ортиқ яна қандай яхшилик, мартаба кутиш мумкин. Ахир мен бу ерда сенинг инъом ва эҳсонларинг билан мамнун яшайман. Худо сен билан менга икки нафар фарзанд берди.

Унинг ёқимли сўзлари, зийраклиги, одобли муомала-сидан шоҳ Умаруннуъмон бениҳоя лаззатланибди. Сўнг маликанинг ёнидан чиқиб унга ҳам, болаларига ҳам маҳсус олий қаср белгилабди. Маҳсус олимлар, қонунушнослар, ҳакимлар, ҳар хил ихтисосдаги табиблар ва бошқалар тайинлабди. Уларнинг мартабаларини оширибди. Кўп эҳсонлар қилиб, одамлар билан муомала қилувчи ҳукмхонасига йўл олибди.

Шоҳнинг малика Абриза тўғрисидаги фикрига келсак, шоҳнинг бутун фикри-зикрини малика эгаллаб олибди. Кечакундуз фақат уни ўйладиган бўлиб қолибди. Ҳар кеча малика Абриза ёнига кирар, у билан гаплашадиган



одат чиқарыбди. Унга кинояли сүзлар отадиган бўлибди. Малика унинг таклифини қабул қилмай:

– Менда ҳозир турмуш қуриш орзуси йўқ, – дермиш. Унинг қаршилигини кўриб, шохнинг ҳирси ортиб, севгиси тобора зиёдалашаверибди. Бу ташвиш унга азоб бериб, вазир Дандонни чақирибди. Шоҳ унга Ҳардубнинг қизи малика Абризани севиб қолганини айтибди. Унинг ишқида азобланаётганини, лекин қизнинг ҳеч итоат қипмайтганини билдирибди. Бу сўзларни эшитгач:

– Бу кеч бир мисқолча наша олиб, унинг ёнига кир, – деб маслаҳат берибди вазир Дандон. – У билан озроқ мусаллас ич, мусаллас тамом бўлаётгач, охирги қадаҳга наша сол-да, унга тут. Ичишга мажбур қил. Ўрнига ётмасданоқ наша уни элитади. Мақсадинга етасан. Бу ҳақда менинг фикрим шундай.

– Жуда яхши маслаҳат бердинг, – дебди шоҳ севи-ниб. Сўнг у ўз хонасига кириб, фил ҳидласа келар йилгача беҳуш ётадиган тоза нашадан озгина олиб, кўйин чўнтағига яширибди. Кеч кириб, қоронғи тушишини орзиқиб кутибди. Қош қораймасданоқ малика Абризанинг қасрига кирибди. Малика шоҳни кўриши биланоқ ўрнидан турибди.

Шоҳ ўтиришга ружсат этибди. Малика ўтириб, шоҳ унинг ёнидан жой олибди. Шоҳ ичкилик тўғрисида сўз очиб, канизакларга шамларни ёқиб, газак ва бошқа зарур нарсаларни келтиришни буорибди.

Малика Абризага май таъсир қилгунча ичибдилар. Шоҳ Умаруннуъмон маликага май таъсир қилганини сезиб, ёнидан нашани олибди-да, билинтирмай бармоқла-ри орасида тутибди. Қадаҳга май тўлдириб, ўзи ичибди. Иккинчи қайта қадаҳни тўлдириб, чаққонлик билан сез-дирмай нашани малика қадаҳига ташлаб юборибди.

Сўнг маликага:

– Буни ол, ич, – деб таклиф қилибди. Малика Абриза олиб ичибди. Бироз ўтмай, наша таъсир қилиб, малика хушини йўқотибди. Шоҳ унинг тепасига борибди. У



чалқанча ётар, этаклари күтарилғанмиш. Унинг бош ва оёқлари томонида ёниб турган шамлар бутун аязосини ёритиб турғанмиш. Шоҳ уни бу ҳолда күргач, шайтон йўлдан оздириб, ўзини маликанинг устига ташлабди...

Шоҳ ўрнидан туриб, маликанинг Маржона исмли жорияси ёнига кирибди да:

– Соҳибанг олдига кириб, у билан сўзлаш, – дебди.

Маржона соҳибаси ёнига кирибди. Қараса – оёқлари қон, чалқанча ётғанмиш. Маржона шу кечадекаси ёнида ётиб қолибди.

Тонг отгач, Маржона бекасининг юз-қўли, оёқларини ювибди. Гулоб келтириб, юzlари, оғизларига сепибди. Шу пайт малика Абриза эснаб, тўлфонибди, сесканиб акса урибди. Оғзидан нўхатдан каттароқ, юмалоқ наша отилиб чиқибди. Малика қўл-оғизларини ювибди:

– Менга нима бўлганини билдингми? – дебди у Маржонага. Маржона кўрганларини сўзлабди. Малика шоҳ Умаруннұймоннинг қилған ҳийласини пайқаб, юз берган воқе-адан ғоят хафа бўлибди. Ўзини ҳаммадан пана тутибди.

– Кирмоқчи бўлғанларни қайтаринг, Абриза касал дэнг. Худонинг хоҳлагани бўлар, – деб таъкидлабди малика жорияларига.

Маликанинг bemорлик хабари шоҳ Умаруннұймон қулоғига етибди. Шоҳ турли шифобахш нарсалар: маъжун, шарбатлар юбора бошлабди.

Малика бир ой шу йўсинда ўзини панада сақлабди. Шоҳнинг севги ўти пасайиб, маликадан кўнгли совибди. Малика ҳомиладор бўлиб қолган экан. Бир неча ойлар ўтпач, ҳомиласи сезила бошлабди. Кўзига дунё тор бўлибди.

– Ҳеч ким мени ранжитгани йўқ, – дебди у Маржонага. – Ота-онамдан, шаҳримдан кечиб, ўз жонимга ўзим жабр қилдим. Ҳаётим заҳарланди, руҳим сўнди. Жасорат ва кучим битди. Олдин отнинг жилови менинг қўлимда эди, энди отга минолмайман ҳам. Агар шу ерда туғсан, жорияларим лаънат ўқидилар. Қасрдагилар шоҳнинг менга ёндашганини билиб қоладилар. Мен энди қайси юзим



билан отамга қўринаман. Унга нима деб бораман. Бу ҳақда шоир жуда яхши айтган:

Халқу юртдан мен йироқда, бегам ўлғайму кўнгил,
Ёрсиз ҳам бодасизмен, хуррам ўлғайму кўнгил...

– Нима десанг тайёрман, сенинг фармонингдаман, – дебди Маржона.

Бу ердан яширинча чиқиб кетишни истайман. Лекин буни сендан бошқа ҳеч ким билмаслиги керак. Ота-онам ёнига бораман. Сасиган мурда ёнидан яқин қариндошлиридан бўлак ҳамма қочади-ку. Худонинг хоҳлагани бўлар, – дебди малика.

– Ажаб қиласан, эй маликам, – дебди Маржона.

Абриза шу қарорга келибди. Лекин сирни яширин тутиб, бир неча кун кутибди. Шоҳ овга жўнабди. Шаҳзода Шаррикон ҳам бир неча кун туриш учун қальбага кетибди. Малика Абриза жорияси Маржона ёнига чиқиб:

– Шу кеча йўлга чиқаман. Тақдир ишига қарши нима ҳам қилиб бўлади. Кўзим ёришига жуда оз қолди. Агар яна тўрт-беш кун қоладиган бўлсан, бу ерда кўзим ёрийди. Сўнг юртимга қайтолмай қолиб кетаман. Пешонамга ёзилган азалий тақдир шу экан, – деб ҳар турли хаёлларга чўмибди. Сўнг Маржонага:

– Мени кузатиб борувчи бир киши топ, чунки қурол кўтаришга мажолим йўқ, – дебди.

– Бош устига маликам, – дебди Маржона. – Газбон исмли бир қора қулдан бошқа кишини билмайман. У Умаруннуъмоннинг қулларидан бўлиб, сарой дарвозасига қўйилган ботир. Шоҳ уни бизга хизмат қилиш учун тайинлаган. Лекин биз унга хизмат буюрмай эркин қўйдик. Мен ҳозир унинг ёнига бораман. Воқеани айтаман, бироз пул ваъда қиласман. Агар сен у ерда қолмоқ истасанг, хоҳлаган қизинга уйлантириб қўямиз, дейман. Кеча у менга ўзининг йўлтўсар тўдада бўлганини айтган



эди. У таклифимизга рози бўлса, ишимиз ўнгидан кела-ди. Шаҳримизга хатарсиз етамиз, – дебди Маржона.

– Уни ёнимга чақир, ўзим сўзлашаман, – дебди малика.

Маржона қул ёнига бориб:

– Эй Фазбон, агар беканг сўзларига кирсанг, Худо сени ярлақайди, – дебди-да, қўлидан ушлаб, малика ёнига олиб кирибди. Қул маликани кўриши билан унинг қўлини ўпибди. Малика уни кўрган замониёқ жирканиди-ю, ичида: «Зарурат ўз ҳукмини юргизади», деб ўйлаб:

– Эй Фазбон, замон аламларига қарши бизга ёрдам қилишинг мумкинми, агар сенга сиримни айтсан, яширин сақдайсанми? – дебди унга қараб.

– Қул унга тикилибди. Ўша ондаёқ унинг ҳусни уни мафтун этибди.

– Бўйруғинг бош устига, – дебди у.

– Дарров бориб, – дебди малика қулга, – мен билан жориямга икки түя эгарла. Шоҳнинг отларидан иккита яланғоч от ол. Ҳар бирига бир қопдан пул ва озроқ озуқа орт. Сен биз билан бирга бизнинг элга борасан. Агар ўз юрtingга қайтмоқ истасанг, истаганингни бераман. Мол-ҳол олиб, шаҳринга қайтасан.

Фазбон бу сўзни эшитиб, ғоят шодланибди.

– Эй маликам, мен сизларга жон-дилим билан хизмат қиласман, – дебди у. – Сизлар билан бирга бораман, отларингизни боқаман. Ўзича «Иш мен кутганча бўлди. Агар менга бўйсунмасалар ўлдираман. Молларини оламан. Бу ишни ҳаммадан сир тутаман», деб севинибди. Фазбон дам ўтмай бирига миниб, қолғанларини етов қилиб, икки түя, уч от олиб келибди. Малика Абризага рўбарў бўлиб, уловларни унга тутибди.

Малика дард билан отга минибди. У оғриқнинг зўридан ўзини қўярга жой тополмай қолибди. Отнинг бирига Маржона мингач, йўлга равона бўлибдилар. Кечакундуз йўл юриб, икки тоғ оралиғидаги бир манзилга етиб борибдилар. Шаҳарларига бир кунликкина йўл қол-



ган экан. Шу пайт малика жуда танг аҳволда қолиб, отда туришга тоқат қилолмабди.

– Мени отдан тушир! – дебди у Фазбонга. Маржонани ҳам тушишга буюрибди. Маржона ҳам, Фазбон ҳам отдан тушибдилар. Фазбон отларнинг жиловини бир-бирига боғлабди. Малика Абриза ҳам ҳушидан кетибди-ю, дардни енголмай ҳуши учибди. Шу пайт Фазбонни шайтон йўлдан оздирибди. У малика ёнига қилич ёланғочлаб келибди-да:

– Эй малика, менга раҳм қил, васлингдан бенасиб қилма, – дебди. Малика қулнинг сўзини эшигтгач, унга қараб:

– Бу ишда шоҳга рози бўлмадим-у, энди куним қора қулга қолдими, – дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Эллик иккинчи кеча

– **Э**й саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод. – Малика йиғлабди. Фазбондан фазабланибди.

– Ҳайф сенга Фазбон, бу нима деганинг. Бундай нарсаларни менинг олдимда сўзлама. Заҳар ичирганингда ҳам айтганинга ҳеч қаҷон рози бўлмайман. Сабр қил, бироз тузалай. Қувватга кирай. У вақтда менга кучинг келса, ҳар нарса қил. Агар бундай бемаъни гапларингни қайтиб олмасанг, ўзимни ўзим ўлдириб, дунё билан хайрлашаман. Буларнинг ҳаммасидан тинчийман, – дебди-да, шу байтларни ўқибди:

Менга дунё ташвиши бас, қўй мени, э Фазбон,
Қанча кулфат ва маломат бошима солди замон.
Тангри ман этмиш фаҳшни, ҳам ғазаб бирла деюр:
Ким гуноҳкордир унга дўзах ўти бўлғай макон.



Бу бузук йўлга қадам қўймайман асло, бошлама,
 Кўп тиқилма менга орсиз кўз билан, бўлғай ёмон.
 Тангри номи бирла сендан илтимосим шул турур:
 Беҳаёлик қилма, сақла номусни, бергил амон.
 Гар бузук бул ниятингдан қайтмасанг бил, ҳозироқ,
 Дод солурмен, тўпланурлар бошим жумлаи жаҳон.
 Майли, бечора бошимни кесса ҳам тифи яман,
 Фосик ила бўлмағаймен, майли кўйсун хон умон.
 Оқсуяк бўлганда ҳам, ҳеч бўлмас эрдим мен ризо,
 Асли қул, ҳам насли қул, кўнгли қўтири, э нотавон.

Ғазбон бу сўзларни эшишиб, ғоят ғазабланибди. Кўзлари
 қонга тўлибди. Ранги оппоқ оқарибди, пешонаси тири-
 шиб, лаблари пириллиб, бадтар ёқимсиз бир тусга ки-
 рибди. У шу байтларни ўқибди:

Яманча қараш билан кўнглимни тешиб, э Абриз,
 Бундоқ бесабру қарор, қолдирма мени бежон.
 Зулму ситаминг бирла кўнглимни этиб пора,
 Қаддимни этибсан дол, йўқ сабрим, дилим нолон.
 Ҳар сўзки дединг менга, ақдимни сеҳр қилди,
 Ҳирс бирла тўлиқдир тан, бошимга тепибдур қон.
 Ўз майлима етмасдан кечмасман сира бу ишдан,
 Майлига қўшин бирла қопланса еру осмон.

Ғазбондан бу сўзларни эшигтан малика янада қаттиқ-
 роқ йиғлаб:

– Кучинг шу сўзни айтишга етдими, эй ҳаромзода.
 Ёки ҳаммани бир деб ўйлайсанми? – дебди унга.

Ғазбон бу сўздан ғоят қаттиқ ғазабланиб, маликанни
 қилич билан уриб, ўлдирибди. Молларни отга ортиб,
 тоққа қараб йўл олибди.

Малика Абриза ерда, тупроққа беланиб, суксурдек
 ўғил туғибди. Маржона уни артиб-суртиб, онасининг
 ёнига қўйибди-да, уввос солиб йиғлабди. Бошига тупроқ
 сочиб, кийимларини йиртибди, юзларини юлибди.



– Бу қандай зулм. Шундай баҳодир маликани бир чақалик қиммати йўқ қора қул ўлдирди, – деб ҳўнг-ҳўнг ийғлабди.

Ҳар томонни қуюқ чанг-тўзон қоплабди. Чанг босилгач, жуда кўп аскарлар кўринибди. Улар малика Абризаннинг отаси – Рум шоҳининг аскарлари экан.

Воқеа шундай бўлган экан: маликанинг отаси – Рум шоҳи қизининг жориялари билан Бағдолдга қочгани ва унинг шоҳ Умаруннуъмон саройида турганини эшигтгач, кишилари билан қизини ҳақиқатан ҳам ўша ерда эканлигини мусоғирлардан суриштиргани йўлга чиқибди. Ўз шаҳридан бир кунлик йўл юргач, узоқда келаётган уч кишига кўзи тушибди. Улар Абриза, Фазбон ва жорияси Маржона экан. Шоҳ сўраб-суриштириш учун улар томонга йўл солибди. Уларнинг шу томонга келаётганини кўрган Фазбон маликани ўлдиргани учун шошилганча тоққа қочибди. Шоҳ уларга яқинлашгач, тупроққа беланиб ётган қизи ва унинг ёнида йифлаб ўтирган жориясини кўрибди. Бу ҳолни кўрган шоҳ от устидан ўзини отиб, хушсиз йиқилибди. У билан бирга келган баҳодирлар, амирлар, вазирлар шошиб қолишиб, дарров тоққа чодир тикишибди. Шоҳ Ҳардубга маҳсус қуббалар ўрнатилган доирали чодир тикибдилар. Сарой аҳдлари чодир ташқарисида кузатиб турибдилар. Хўжасини кўрган Маржонанинг йигиси яна авж олибди. Шоҳ ҳушига келгач, Маржонадан воқеани сўрай бошлабди. Маржона воқеани баён қилибди:

– Қизингизни Умаруннуъмон қулларидан Фазбон исмли қора қул ўлдирди, – дебди у йиги аралаш. Кейин у шоҳ Умаруннуъмоннинг маликага нисбатан хатти-ҳаракатларини сўзлабди. Шоҳ Ҳардуб бу хабардан воқиғ бўлгач, қўзига дунё қоронғи бўлибди. Алам билан йифлабди. Тахтиравон келтиришга буюрибди. Қизини унга солиб, Қайсарига жўнабди. Қизни саройга олиб келишибди. Шоҳ онаси Зотуддаваҳи ёнига кириб:

– Мусулмонлар қизимга ҳаддан ортиқ зулм қилганлар. Шоҳ Умаруннуъмон уни жабрлаб, жинояткорона зўрла-



ган. Уларнинг бир қора қули қизимни ўлдирган. Мусо пайғамбар ҳаққи, қизим қасосини олиш лозим. Гарданимдан бу номусни соқит қилишим лозим. Бўлмаса, ўзимни-ўзим ўлдирман, – деб йиғлабди.

– Қизингни Маржонанинг ўзи ўлдирган, – дебди Зоттудаваҳи. – У қизинга яширин кек сақлаб юрар эди. Энди сен ундан ўч олиш тўғрисида қайғурма. Мусо пайғамбар ҳаққи, мен уни ҳам, ўғилларини ҳам ўлдирма-гунча қайтиб келмайман. Бир иш қиласайки, дунё фусунлари ва баҳодирлари ҳайрон қолсинглар, дунёнинг ҳар бир бурчагида достон қилиб юрсинглар. Фақат айтганларимни ўз вақтида бажаришинг зарур. Ана шунда мақсадинга етишасан.

– Мусо пайғамбар ҳаққи, айтганларинга зарра қаршилик қилмайман, – дебди шоҳ.

– Менинг қошимга бир нечта кўкраклари кўтарилиган қиз жориялар ва замонамизнинг дононларини чақириб келинглар, – дебди шоҳнинг онаси. – Уларни мукофотлайман. Ҳакимларга, жорияларга ҳикмат, одоб, шоҳ билан муомала қилиш, ҳикматли сўзлар сўзлаш, ваъз айтишни ўргатишни, шеър ёдлатишларини топшираман. Дононлар мусулмонлардан бўлиши керак. Чунки улар араблар воқеалари, халифалар тарихи, машҳур испом шоҳлари ҳақида таълим беришлари зарур. Ўн йил шундай тайёргарлик кўрсак, мақсадга эришамиз. Араблар интиқом олиш учун қирқ йил керак, деганлар. Ҳолбуки бизнинг муддат қисқа. Биз жорияларни шу тариқа тарбиялаб, сўнг душман устидаги тилакларимизни айтамиз. Шоҳ Умаруннуъмоннинг жорияларни севиши ҳақиқатдир. Унинг уч юз олтмиш олтита канизаги бор. Бунинг устига қизинг билан бўлган энг доно юз жория қўшилган. Жориялар мен айтганча тарбиялангач, уларни олиб йўлга чиқаман.

Шоҳ Ҳардуб онаси Зоттудаваҳидан бу сўзларни эшишиб, фоят шодланибди. Онасининг бошидан ўпибди. Шу



ондаёқ мусулмон ҳакимларни топиб келгани атрофга киши юборибди. Элчилар шоҳ амрини бажариш учун узоқ шаҳарларга сафарбар қилинибди. Улар шоҳ истаганча ҳаким ва донишмандлар келтирибдилар, шоҳ уларни бениҳоя иззат-хурмат билан кутиб олибди. Бошдан оёқ сарполар тақдим қилиб, юксак имтиёзли мансаблар белгилабди. Буюрилган вазифаларни бажарғанларидан сўнг яна катта инъомлар билан мукофотлашга ваъда берибди. Ўша ондаёқ улардан маҳсус таълим олиш учун жориялар тайинланибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отибди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатибди.



Эллик учинчи кеча

— Эй саодатли шоҳ, — деб давом этибди Шаҳризод. — Ҳардуб жорияларни улар қўлига топширибди. Уларга ҳикмат ва одоб ўргатишлиарини таъкидлабди. Улар вазифаларини бажаришга сидқидилдан киришибдилар.

Энди шоҳ Умаруннуъмонга келайлик, шоҳ овдан қайтгач, малика Абризани излабди. Уни қасридан тополмабди. У ҳақда ҳеч ким бирор хабар айта олмабди. Шоҳ беҳад ташвишланибди. У ўзича:

— Қандай қилиб қасрдан чиққан экан?! Унинг чиқиб кетганини ҳеч ким сезмагани қизиқ, — деб ўйлабди. — Агар шоҳлик шу тахлитда давом этса, мамлакат барбод, юрт хароб бўлиши муқаррар. Энди эшикларга ишончли посбонлар қўймай туриб, овга чиқмайман.

Абризадан айрилгани учун қайфусига қайфу қўшилибди, юраги сиқилибди.

Шу кезларда Шаррикон ҳам сафардан қайтибди. Отаси унга овдан қайтгунча Абризанинг қочганини айтибди. Шаррикон бениҳоя ачинибди.

Шундан кейин шоҳ Сафиядан кўрган болаларига алоҳида ғамхўрлик қила бошлабди. Уларни тарбиялаш учун



максус олимлар, фозиллар чакиришибди. Уларга катта инъомлар бериб, юқори мартабалар белгилабди. Буни кўриб Шарриконнинг ғазаби яна ортибди. Рашки рангруйидан ҳам кўрина бошлабди. Шу сабаб жуда кўп хасталанибди. Бир куни отаси Шарриконга:

– Кундан-кунга соғлигинга путур етиб, рангинг сарфайиб кетаётганини сезаяпман, – дебди.

– Тўғри, ҳар вақт сизнинг укаларимга ширин муомалангизни, улар тарбиясига ортиқ аҳамият бераётганингизни кўриб, раشكим ортаяпти. Бу ҳолда рашк кучайиб, уларни ўлдирсам, бунинг учун мени ўлдирмасангиз, деб қўрқаман. Рангим сарғайиши, соғлигим йўқолишининг сабаби шу. Шунинг учун менга бирор қатъани инъом этсангиз, умрим борича ўша ерда яшасам, деб орзу қиласман. Билимдонларнинг «Севиклимдан узоқлик мен учун яхшироқ ва фойдалариоқ. Кўз кўрмайди, дил қайғурмайди», деган гаплари бор, – деб отаси қаршисида бошини қўйи солибди.

Шоҳ Умаруннуъмон бу сўзларни эшитгач, ўғлининг хафаҳоллик сабабини англабди. Унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилибди:

– Истаган шаҳрингни беришим мумкин. Шаҳарларим орасида Дамашқдан каттароғи йўқдир. Ҳозирдан бошлаб сенга Дамашқ ҳокимлигини бераман, – дебди-да, ўша ондаёқ мирзаларни чакириб, ўғли Шарриконнинг Дамашққа ҳоким қилиниши тўғрисида фармон ёзишни буюрибди. Фармон ёзилибди. Шаррикон зарур йўл жиҳозлари билан таъминланибди. У ўзи билан вазир Данлонни олибди.

Отаси вазир Данлонни унинг ёнида бўлишга, ишларига ёрдам беришига унлабди. Отаси, барча амирлар ва сарой аҳллари Шаррикон билан хайрлашибдилар. Улар аскарлар билан бирга йўлга чиқишиб, Дамашққа етиб борибдилар. Дамашқ аҳолиси уларни карнай-сурнай билан қарши олибди. Шаҳарни безатишибди. Истиқболига катта аскарлар гуруҳи чиқибди. Чап тараф аъёнлари чап

тарафдан, ўнг тараф аўёнлари ўнг томондан саф тортиб келишибди.

Шаррикон кетгач, ҳакимлар Умаруннуъмон ёнига киришиб:

– Эй хўжамиз, болаларингиз илму ҳикматни, одоб ва мумалани мукаммал ўргандилар, – дейишибди.

Шоҳ фоят шодланиб, ҳакимларга қўп инъомлар берибди. Зуулмакон ўн тўрт ёшга кирганда отга минадиган, диний ибодатларни бажарадиган, фақирларни, илм аҳлларини, фозилларни севадиган бўлиб қолибди. Бағдод шаҳрининг аҳолиси уни жуда яхши кўрар экан.

Бир куни Зуулмакон Бағдод орқали ўтиб, Маккага борувчи йўловчиларни кўрибди. Унинг дилида ҳам Маккага бориш ҳаваси уйғонибди. Отаси ёнига кириб:

– Маккага бориш учун изн сўрашга кирдим, – дебди. Отаси розилик бермай:

– Сабр қил, келаси йил ўзим Маккага бораман. Шунда сени ҳам олиб кетаман, – дебди. Ишнинг чўзилишига ақли етган Зуулмакон синглиси Нуҳатуззамон ёнига кирибди. Нуҳатуззамон намоз ўқиётган экан. У намозини битиргач, Зуулмакон:

– Мен ҳажга бориш, пайғамбар (с.а.в.) қабрларини зиёрат қилиш иштиёқидаман. Бу ишга отамдан рухсат сўраб кирган эдим. Розилик бермадилар. Бироз пул олиб, уларга билдирамай, яширинча кетиш истагидаман, – дебди.

– Худо ҳаққи, мени ҳам бирга олиб бор, – дебди Нуҳатуззамон. – Пайғамбар (с.а.в.) қабрини зиёрат этишдан мени маҳрум этма.

– Бўлмаса, ярим кечада ҳеч кимга билдирамай, бу ердан чиқ, – дебди Зуулмакон синглисига.

Ярим кечада Нуҳатуззамон ўрнидан турибди. Эркакча кийинибди. Бироз пул олибди. Кейин акаси томон йўл олибди. Акаси Зуулмакон қаср эшиги олдида туюхозирлаб турган экан. Ўзи ҳам туюга минибди, синглисими ҳам миндирибди-да, тун қоронғусида йўлга чиқибди.



Бироз юргач, бир гурух карвонга етиб олибдилар. Яна бир қанча йўл босгач, Ироқ карвонига қўшилибдилар.

Тинимсиз йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, соғсаломат Маккага етиб борибдилар. Арофат тоғига чиқиб, ҳаж қоидаларига мувофиқ барча расм-руслумларни адо этибдилар. Сўнг пайғамбар (с.а.в.) қабрига бориб, зиёрат қилибдилар. Ниҳоят, ҳаж қилганлар билан бирга шаҳарларига қайтмоқ бўлганларида:

– Мен Қуддуси шарифга бориб, Иброҳим Халилулоҳни зиёрат қилишни истайман, – дебди Зуулмакон синглисига.

– Мен ҳам бораман, – дебди синглиси.

Шундай қарор қабул қилиб, Зуулмакон ўзига ҳам, синглисига ҳам киракашлардан түя олдирибди. Бошқа йўл ҳозирликларини кўриб, йўловчилар билан бирга йўлга тушибдилар. Шу кеч Нузҳатуззамон иситма олибди, ҳийла тинчсизланибди. Ҳайтовур тезда тузалибди. Лекин Зуулмакон жуда қаттиқ оғриб қолибди. Кечакундуз юриб, Қуддуси шарифга етишибдилар. Зуулмаконнинг касали тобора оғирлашибди. Улар саройга тушиб, ўзларига бир ҳужра олишибди-да, ўша ерда истиқомат қила бошлабдилар. Зуулмаконнинг касали енгиллашмай, борган сари оғирлашаверибди. Синглиси хаёлга чўмибди:

– Худонинг хоҳлагани шу экан, нима қиласа, ўзи билади.

Шундай қилиб, улар ўша ерда туриб қолибдилар. Зуулмакон тузалмабди. Нузҳатуззамоннинг бор пули таомом бўлибди. Бир динор у ёқда турсин, бир дирҳам ҳам пули қолмабди. Саройдаги болалардан бирини кийимларидан биттасини сотиб келишга жўнатибди. Бола олиб келган пулни ҳам акасига сарфлабди. Бисотида йиртиқ рўмоли ҳам қолмабди. Қиз йиғлабди:

– Аввалу охир ҳаммаси Худонинг ҳукми, – дебди ўзига-ўзи. Зуулмакон кўзини очиб:

– Ўзимни бироз тузук ҳис қилаётирман. Кўнглим бироз тотли таом истаётир, – дебди.

– Афсуски, қўлимизда ҳеч нарса қолмади, гадолик қилишга юзим чидамайди. Эртага бирор бадавлатроқ одамнинг уйига бориб, хизматини қиласман, зора, емоқча бирор нарса топсак, – дебди у Зуулмаконга ва ўйланиб қолибди:

– Сени бундай аҳволда ташлаб чиқиб кетиш, албатта, оғир. Лекин нима қилайки, озиқ-овқатга муҳтојмиз, – дебди.

– Иззату ҳурматдан айрилиб, хўрланасанми, Худодан бошқа ҳеч ким қувватга молик эмасдир, – дебди Зуулмакон йиғлаб. Синглиси ҳам акасига қўшилиб, зор-зор йиғлабди.

– Эй ака, – дебди Нузҳатуззамон Зуулмаконга. – Бизлар мусофиришимиз, роса бир йилдан бери шу ерда турдимиш. Анчадан бери шу аҳволдамиш. Бирор одам аҳволимиздан хабар олмади. Энди очдан ўлиб қолмаслик учун сен тузалгунча кўчага чиқиб, бирорининг хизматини қилиб, бирор нарса топишдан бошқа чорам қолмади. Сен тузалгач, шаҳримизга қайтамиш.

Нузҳатуззамон шу сўзларни айтиб, анчагача жим қолибди. Кўзларидан ёш оқибди. Охири ўрнидан туриб, тячи-ларнинг кийимларидан узилиб қолган бир парча латта билан бошини танғибди. Акасининг пешонасидан ўлиб, йиғлаганча боши оққан томонга чиқиб кетибди.

Нузҳатуззамон кетгандан бошлаб акаси уни кута бошлабди. Шомгача кутибди келмабди. Тиқ этса эшикка энтикиб, эрталабгача кутибди. Шу куйи икки кунгача термулиб кутибди. Нузҳатуззамон келмабди. Акаси қаттиқ ташвишланибди. Бир томондан уни очлик қийнаб юборибди. Эмаклаб ҳужрадан чиқибди-да, сарой ходимини чақирибди:

– Мени бозорга элтиб қўй, – дебди.

Ходим уни опичлаб, бозорга элтиб ташлабди. Йўловчи қуддусликлар унинг атрофига тўпланишиб, ачиниб йиғлабдилар. Зуулмакон зўр-базўр ишорат билан бирор нарса емоқ ишоратини англатибди. Бозордаги савдогарлар-



дан пича пул йифишиб, бирмунча овқат сотиб олиб келтиришибди. Эски-туски, парча-пурча наматлар солиб ётқизишибди-да, бошига бир идишда сув қуийб қўйишибди.

Кеч киргач, одамлар бечоранинг аҳволига дилдан ачиниб, ёнидан кетишибди. Зуулмакон ярим кечада синглисини эслабди. Дармони қуриб, ейиш-ичишдан қолибди, ҳушидан кетибди. Эрта тонгда бозорга келган одамлар бир пулдордан ўттиз дирҳам олиб, киракаш туячиларнинг бирига топширишибди.

– Буни туяга орт-да, Дамашқдаги шифохонага тушир, зора, у ерда соғайса, – дейишибди улар.

Туякаш уларга:

– Бош устига, – дебди-ю, аммо ичидা «Ўлай деб турган одамни қандай олиб бораман», деб қўйибди. Киракаш уни бир ерга олиб бориб, яшириб қўйибди-да, кечкурун ҳаммом ўтхонаси ёнидаги ахлатлар ичига ташлаб, ўз йўлига кетаверишибди.

Тонг отгач, гўлах ишга келиб, у ерда ётган бир кимсани қўрибди.

– Бу ўлимтикни нега бу ерга келтириб ташлашди экан, – ўйлабди гўлах ва беморни оёғи билан туртибди. Бемор қўмирлабди. Гўлах:

– Бир парча наша еб, қаер бўлса – шу ерда ухлаб қоладиганлардан бўлса керак, – дебди фижиниб. Унинг юзига қараса, ҳали соқоли чиқмаган, ғоят кўркам ва чиройли йигитча эмиш. Гўлахнинг унга раҳми келибди. Унинг бир мусофир bemор эканлигини фаҳмлабди.

– Мен бу болага жабр қилдим, бунинг учун тавба, – дебди ўзига-ўзи. Кейин:

– Мусофирни, хусусан агар у bemор бўлса, ҳурмат қилишни пайғамбаримиз (с.а.в.) буюрганлар, – дебди. Кўтариб, уйига олиб кетибди. Хотинига кўрга-ёстиқ қилиб ётқизиши, парвариш қилиш зарурлигини уқтирибди. Хотини унга ўрин ҳозирлабди. Сув келтириб, юз-кўзларини, оёқларини тозалаб, ювибди. Гўлах бозордан шарбат келтириб, ичирибди. Юзларига гулоб сепибди. Тоза



кийимлар кийгизибди. Йигитда соғайиш белгилари кўринибди. У ёстиққа суяниб ўтирадиган бўлибди. Гўлах буни кўриб, беҳад севинибди. Йигитнинг соғайгани учун Худога шукрлар қилиб:

– Ё Худо, яширин құдратинг билан бу йигитга менинг қўлимда шифо беришингни сўрайман, – дебди.

Қисса шу ерга етганида тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Эллик тўртинчи кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этди

Шаҳризод. – Гўлах унинг соғайшини Худодан сўраб, дуо қилибди. Унга ўз қўли билан шарбатлар ичириб, гулоб сепибди. Қўлдан келгунча тарбия қилиб, ширин сўзлар билан овугибди. Гўлах уч кечак чундуз бир қадам ҳам силжимай уни парвариш қилибди. Йигит анча соғайиб, ўзини яхши ҳис қила бошлабди. Бир куни гўлах уйига кирса, у анча дармонга кириб ўтирган эмиш.

– Энди ҳолинг қандай, ўғлим? – дебди у.

– Жуда яхши, – дебди йигит.

Гўлах Худога шукр қилибди. Сўнг ўрнидан туриб, бозорга жўнабди. Ўнта жўжа сотиб олиб, хотинига келтирибди. Ҳар куни иккитадан сўйиб, бирини эрталаб, бирини кечқурун пишириб беришини тайинлабди. Хотин жўжаларни сўйиб, йигитта пишириб берибди. Уни еб бўлгач, хотин шарбат дори берибди. Иssiқ сув келтириб, қўлини ювдирибди. Зуулмакон ёстиққа бош қўйиши билан уйқуга кетибди. У кечқурунгача ухлабди. Кечқурун хотин иккинчи жўжани пишириб келтириб:

– Ол, егин, ўғлим, – дебди.

Зуулмакон овқатланар экан, гўлах кириб келибди. Унинг овқатланаётганини кўриб, йигитнинг бош томони-



га келиб ўтирибди. Ҳол-аҳвол сўрабди. Зуулмакон миннатдорчилик билдирибди. Гўлах бунга суюнибди. Сўнг у чиқиб, бинафша ичимлиги ва гулоб келтирибди-да, Зуулмаконга ичирибди. Гўлах ҳаммомдан ҳар куни беш дирҳам пул топар экан. Бир дирҳамга беморга ширин сув, гулоб, бинафша ичимлиги ва бир дирҳамга жўжа келтириб берар, ширин сўзлар билан уни овутар экан.

Зуулмакон роса бир ой шу йўсинда тарбия қилинибди. Йигитда ҳеч қандай касаллик аломати қолмабди. Тузалганини кўриб, эр-хотин суюнишибди.

– Эй ўғлим, ҳаммомга олиб борайми? – сўрабди гўлах.

– Кўнглимдагидай бўларди, – дебди Зуулмакон.

Гўлах бозорга бориб, киракашлардан бир эшак келтирибди. Зуулмаконни эшакка миндириб, ўзи эшак жиловидан ушлаб, ҳаммомга олиб борибди. Зуулмаконни ичкарига ўтқазиб, ўзи бозорга йўл олибди. Миср лоси ва бақла унидан сотиб олиб келибди.

– Эй хўжам, баданингни ўзим юваман, – дебди-да, бақла унини лосга суриб, унинг баданларини ишқалай бошлабди. Зуулмаконни ювинтириш учун ҳаммомчи келиб қараса, уни гўлахнинг ўзи қилаётган эмиш.

– Бу иш ходимлар ҳаққига тажовуз-ку, – деб ўпкалабди ходимгир.

Гўлах ҳам, Зуулмакон ҳам ювинишибди. Сўнг гўлах Зуулмаконни уйига бошлаб келибди. Ўзининг янги кийимларини кийдирибди. Ҳайит кунлари ўрайдиган салласини ўрабди. Камарларини унга тақдим қилибди. Гўлахнинг хотини иккита жўжа пишириб, тайёрлаб қўйган экан. Зуулмакон келиб, кўрпачага ўтириши билан гўлах унга беҳи сувига шакар қўшилган шарбат келтириб берибди. Сўнг дастурхон ёзиб, гўштни тўғрагач, Зуулмаконни обдан тўйгунча, шарбат ичишга таклиф этибди. Зуулмакон обдан тўйгач, қўл ювибди. Соғайгани учун Худога шукрлар қилибди.

– Менинг даво топишмуга Худо сени сабабчи қилган экан, – дебди Зуулмакон.



– Бу гапларни қўй. Бу ерга келиш сабабингни айт, қаерликсан, чехрангда давлат нишонаси кўраётирман, – дебди гўлах.

– Мени қаерда учратдинг, шуни айт, сўнг мен ўз саргузаштимни сўзлайман, – дебди Зулмакон.

– Тонг саҳарда ишга бораётган эдим, ҳаммом гўлахонаси ёнидаги ахлатлар ичидаги ётганингни кўрдим. Ким келтириб ташлаганини билмайман. Раҳмим келиб, сени уйга олиб келдим. Мана, менинг билганим, – дебди у.

– Ташландиқ сўнгакларни тирилтирувчига шарафлар бўлсин! Сен яхшиликни арзидиган одамга қилгансан. Албатта, натижасини кўрасан. Мен ҳозир қайси шаҳарданман?! – сўрабди Зулмакон.

– Куддуз шаҳрида, – деб жавоб берибди гўлах.

Зулмакон ғариблигини, синглисидан ажралганини эслаб, йифлай бошлабди. Ўзининг қайси юртдан эканлигини гўлахга изҳор қилибди. Бошидан кечирган саргузаштларини унга айтиб бериб, шу байтларни ўқибди:

Булар ишқи билан бошда қиёмат,
Шулар ҳижронидин жонимда оғат.
Менга бегоналардан ёғди раҳмат,
Нечун сиздин кўринмас зарра шафқат.
Бахиллик қилмангиз, наззора айланг,
Шунинг-ла мавҳ бўлур қийноқ, маломат.
Чида ҳижронга десам, дилим дер:
Менга одат эмасдур сабру тоқат.

Байтни ўқиб бўлгач, Зулмаконнинг йифиси яна ортибди.

– Йифлама, жонинг омон қолганига шуқр қил, – дебди гўлах.

– Бу ер билан Дамашқ ораси қанчалик йўл, – сўрабди Зулмакон.

– Олти кунлик йўл.

– Мени Дамашққа жўнатмайсизми?



– Бир ўзингни қандай қилиб жўнатаман. Ахир сен ёш йигитсан. Агар Дамашққа кетишни истасанг, ўзим сен билан бирга бораман. Хотиним кўнса, у ҳам бирга кетади. Мен ҳам у ерда қоламан. Сендан ажралишга тоқатим йўқ, – дебди гўлах. Кейин хотинига:

– Мехмонимиз Дамашққа боришни орзу қилаётир. Мен ўзим бирга ҳамроҳ бўлиб элтиб қўяман. Йўлтўсарлардан қўрқаман. Сен ҳам биз билан бирга кетасанми ёки шу ерда қоласанми? Сен қолгудек бўлсанг, мен яна қайтиб келаман, – дебди.

– Сизлар билан бирга кетаман, – дебди хотини.

Маслаҳат бир ердан чиққани учун гўлах шукр қилибди. Сўнг у ўрнидан туриб, ўзининг ҳам, хотинининг ҳам бисотидаги ортиқча нарсаларни сотгани отланибди.

Қисса шу ерга етганида тонг отибди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Эллик бешинчи кечা

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этибди Шаҳризод. Гўлах ва унинг хотини Зуулмакон билан бирга Дамашққа боришга қарор қилибдилар. Гўлах уй анжомлари ва хотинининг бисотини сотиб, эшак кира қилибди. Зуулмаконни эшакка миндириб, ҳаммалари йўлга тушибдилар. Олти кун йўл юриб, кечқурун Дамашққа этиб борибдилар. Гўлах емак учун бирор нарса олгани кетиб, одатдагидай бироз нарса кўтариб келибди. Беш кун шу йўсинда кун кечирибдилар. Бир куни гўлахнинг хотини тўсатдан оғриб қолибди. Бечора аёл бир неча кунгача ётиб, дунёдан ўтибди. Бу ҳол Зуулмаконга ҳам қаттиқ таъсир қилибди. Аёлнинг Зуулмаконга кўп меҳнатлари сингани учун у марҳумага ўрганиб қолган экан. Гўлах фоят қаттиқ қайғурибди. Зуулмакон гўлахга:

– Қайғурма, ҳаммамиз ҳам бир куни у эшикка кирамиз, – деб тасалли берибди.

– Эй ўғлим, Худо ишларингни ўнгидан қипсин, – дебди у Зуулмаконга. – Худои таоло ўз қарами билан бизга сабр бериб, қайфуни бошимиздан аритсин. Кўнгилни ёзиш учун кўчага чиқсак, Дамашқ ажойиботларини томоша қипсак.

– Ихтиёр сизда, – дебди Зуулмакон.

Гўлаҳ ўрнидан туриб, Зуулмакон билан икковлари йулга тушибдилар. Дамашқ ҳокимининг ошхонаси чегарасига етибдилар. У ерда сандиқлар, гиламлар, ҳар турли ипак мато ва бошқа нарсалар ортилган түялар, эгарланган отлар, жориялар, қулларни кўрибдилар. Одамлар ҳаяжонда эмиш.

– Бу қуллар, бу матолар, бу түяларни қара, – дейишибди бир-бирига.

– Бу нима? – сўрабди Зуулмакон ўша ердагилардан.

– Булар Дамашқ амирининг тортифидир. Амир бу молларни шоҳ Умаруннуъмонга Шомнинг хирожи билан бирга юбормоқчи, – дейишибди улар. Бу сўзларни эшигтгач, Зуулмаконнинг кўзлари ёшга тўлибди. Қуидаги байтларни ўқибди:

Оҳким, бул кун йироқсиз кўзларимдан, ёрлар,
Номингиз кўнглимга жодур, э азиз дилдорлар.
Мафтун этгувчи жамолингизни кўрмоқ йўқ менга,
Эҳтиросингиз билан санчилди дилга хорлар.
Ёру дўстлар бир кўриш бўлса насиб сизни яна,
Айлагаймен саргузаштимни шу он изҳорлар.

Шеърни тугатиб, Зуулмакон яна йифлай бошлабди.

– Эй ўғлим, – дебди гўлаҳ, – сенинг соғайишинга ишонмаган эдик. Энди тинчлан. Йифлаб жонингни қийнама. Яна касалинг қайтадамасин.

У Зуулмаконга тўхтовсиз тасалли бериб, ёқимли сўзлар билан овутмоқчи бўлибди. Лекин Зуулмакон хўрсиниб, мусофириллиги, фариблиги, синглисидан, мамлакатидан ажralганлигига қайфуриб, маржон-маржон кўз ёшларини тўкиб, шу байтларни ўқибди:



Охир ўтарсен ушбу жаҳондан,
Йиғлаб кетарсен ноҳақ замондан.
Дунё лаззати боқий эмасдур,
Олгил насибанг сен ҳар бир ондан.
Ўтқунчига бир қўналға дунё,
Шом келдинг, кетдинг тонгда жаҳондан.

Байтларни ўқиб бўлгач, ғариблигига ўкиниб, яна ийғлабди. Гўлаҳ ҳам хотинидан ажралганига қайғуар экан-у, лекин у тонг отгунча Зуулмаконни овутишга интилибди. Кун чиққач гўлаҳ Зуулмаконга:

– Сезишимча, шаҳрингни соғинганга ўхшайсан, хаёлинг паришон, – дебди жиддий бир тусда.

– Ҳа, – дебди Зуулмакон, – энди бу ерда туришга тоқат қилолмайман. Сени Худога топшириб, ўзим шу одамлар билан бирга шаҳримга қайтаман.

– Мен ҳам сен билан бирга бораман. Айрилиб қолишга сира тоқат қилолмайман. Сенга яхшилик қилдим. Бу хизматимни охирига етказаман, – дебди гўлаҳ.

– Менга қилган яхшиликларинг эвазига Худо сени марҳаматидан кам қилмасин, – дебди йигит.

Гўлаҳнинг бирга боришига Зуулмакон ғоят шодланибди. Гўлаҳ шу ондан бошлаб йўл тайёргарлигини кўра бошлабди. Йўлга керакли анжомлар ва бир эшак сотиб олибди. Зуулмакон ёнига келтирибди.

– Йўлда эшакка минасан, минишдан чарчаганингда яёв юрасан, – дебди гўлаҳ.

– Худо сенга хайр берсин ва менга қилган яхшиликларингни қайтаришга ёрдам қилсин, – дебди Зуулмакон шодланиб. – Сен менга ҳеч ким ўз aka-укасига қилмайдиган яхшиликларни қилдинг.

Улар кеч кириб, қоронғи бўлишини кутибдилар. Йўлга керак яроқлар ва анжомларни эшакка юклаб, икковлари йўлга равона бўлибдилар. Ҳозирча гўлаҳ билан Зуулмакон воқеасини тўхтатиб, синглиси Нузҳатуззамон воқеасига қайтайлик.



Нузҳатуззамон акаси билан хайрлашгач, сарой ҳужрасидан чиқибди. Енгиз, узун уст тўнига ўранганича, бирорвларга хизмат қилиб, пулига акаси истаган қовурдокқа гўшт сотиб олгани кўзида ёш билан боши оққан томонга бораверибди. Қаёққа боришини билмас, дили акаси тўғрисидан ғаш, кўнгли паришон экан. Элини, юртини эслаб, бошларига тушган мусибатларни даф қилишни Худодан сўраб, шу байтларни ўқибди:

Дунё юзини ўраб зимистон,
Ишқ этди дилимда ғамли тугён.
Йўқликка мени этиб равона,
Ўт солди кўнгилга дарди ҳижрон.
Пинҳон тутайин десам бу дардни,
Ошкор этар икки кўзда тўфон.
Васлига етиш йўлин тополсам,
Бўлғай эди хаста дилга дармон.
Ҳажрида танамга ўт кетибдур,
Дўзах ўтида куяр тану жон.
Э, қилғувчилар мени маломат,
Басдур чидадим не берди даврон.
Ишқим ҳаққи мен этай қасамёд,
Дилда абадий қолур бу достон.
Э тун, сен ўзинг гувоҳ эрурсан,
Мен тонггача уйқусизу нолон.
Айтгил, борибон у ровиларга,
Ишқ донғи таралсин энди ҳар ён.

Сўнг Нузҳатуззамон яна йўлда давом этиб ўнгга, чапга қараб бораверибди. Бирдан бир бурчакда кетаётгандан чолга кўзи тушиб қолибди. Чол Нузҳатуззамонга тикилибди, қиз унга ғоят гўзал ва ёш кўринибди. Унинг бошида тилка-пора ёпинчиғи бор эмиш. Чол бундан ажабланиб, ўзича «Хусни асири қиласарли экан-у, лекин жуда қашшоқ экан-да. Шу шаҳарлик бўлса ҳам, мусофир бўлса ҳам уни, албатта, эгаллашим зарур», деб ўйлабди. Чол аста-секин уни кузатиб бораверибди. Ниҳоят, улар



бир ерда бир-бирларига түқнашибдилар. Чол қиздан баъзи нарсаларни сўрамоқчи бўлиди.

– Эй қизим, озодмисан, чўримисан, – дебди унга.

Қиз чолга қараб:

– Аламларимни янгилама. Ҳаётимни васила қилиб, қасам ичаман, – дебди.

– Олтита қиз кўрдим. Бештаси ўлиб, ёлғиз кенжаси қолган. Сенинг ёнинга мусофири, шаҳарликми эканингни сўраб, қизим олдига олиб бориш учун атайлаб келдим. Зора, сен билан овуниб, опалари тўғрисидаги қайғуларини унутса. Агар ҳеч киминг бўлмаса ўша қизим қатори қиз қиласман, – дебди чол.

Нузҳатуззамон чолдан бу сўзларни эшитиб, ўз-ўзича: «Балки бу чол даргоҳида ўзимни саломат сақларман», деб ўйлабди-да, бошини қуи солиб:

– Эй амаки, мен мусофири қизман, бир бемор акам бор. Уйинга боришга розиман, лекин шарт шуки, кундузлари уйингда бўлиб, кеч акам олдига қайтаман. Агар шу шартга кўнсанг, сен билан бирга бораман. Мусофири, иззатлик эдим, хорландим. Акам билан Ҳижоз шаҳридан келдик. Менинг қаердалигимни билмай, акам ташвишда қолмаса, деб қўрқаман, – дебди қиз.

Бадавий қизнинг сўзларини эшитгач, ўз-ўзича «Мақсадимга етдим», деб ўйлабди-да, қизга қараб:

– Мен ҳам сендан бошқа ҳеч нарса истамайман. Фақат ёлғизимни овутсанг бўлгани. Кеч аканг олдига бораверасан. Хоҳласанг, акангни ҳам бизнинг уйга келтир, – дебди. Кейин у қизга юмшоқ ва жуда ёқимли сўзлар айтиби. Бадавий олдинда, қиз орқада боришавериби. Чолни кутиб турган ҳамроҳлари ёнига етишибди. Улар тяга керакли яроғлар, сувлар ортиб, ҳозирланиб турган эканлар.

Бадавий йўлтўсар, бузуқ, ҳийлакор ўғрибоши экан. Унинг на қизи ва на ўғли бор экан. Бу сўзларни у бечора қизни алдаш учун айтган экан. Бадавий Куддус-



дан чиққунча қизга ёқимли сўзлар сўзлабди. Сўнг у туяларга минган ҳамроҳларига қўшилибди. Бир туяга миниб, орқасига қизни мингаштирибди. Кечгача йўл юрибди. Шундагина Нузҳатуззамон бадавийнинг сўзлари ёлғон эканини, ҳийла-найранг билан алдаганини тушуниб етибди. Йиғлаб, додлай бошлабди. Қароқчилар бирорвлар кўриб қолишидан қўрқиб, тоққа қараб, шошилинч равишида йўл олибдилар. Тонгга яқин тудан тушибдилар. Бадавий Нузҳатуззамон ёнига келиб:

– Бу йифи нимаси? Худо ҳаққи, агар йифини бас қиласанг – ўлгудай дўппослайман, – дебди бўкириб.

Унинг бу гапларини эшитган Нузҳатуззамоннинг хўрлиги келиб, ҳаётдан жирканиб, ўзига ўлим тилабди.

– Эй мурдор чол, эй жаҳаннам намунаси, – дебди қиз. – Мен сенга қандай қилиб ишона қолдим. Мени ҳийла-найранг билан қўйнаётиссан.

Унинг бу сўзини эшитган бадавий:

– Ҳали сенда ҳам жавоб қайтарадиган тил борми? – дебди-да, ўрнидан туриб, қўлидаги қамчи билан қизни бир урибди.

– Агар жим бўлмасанг ўлдираман, – дебди ғазаб билан. Бир қанча вақт қиз жим қолибди. Сўнг акаси ва унинг касалини ўйлаб, юм-юм йиғлабди. Иккинчи кун бадавийдан:

– Нима сабабдан ҳийла ишлатиб, мени бу тоққа олиб келдинг, мақсадинг нима, мендан нима истайсан? – деб сўрабди.

Бу сўзни эшитган бадавий бадтар ғазабланибди:

– Ҳали терс гапирадиган тилинг ҳам борми? – деб қизни қамчиси билан ҳушидан кетгунча урибди. Қиз унинг оёғига йиқилиб, оёқларини ўпибди. Бадавий қамчинини ташлаб, сўкинибди:

– Худо ҳаққи, агар яна йиғласанг, тилингни қиймакийма қилиб, фаржинга жойлайман!

Нузҳатуззамон жавоб қайтармабди. Қамчи зарби бадалларини ачитибди. Чўйка тушиб, бошини қўйи соглунча ўзининг аҳволи, иззат-хурматидан айрилиб, хўрланга-



ни, акасининг бетоблиги, унинг ёлғиз қолгани, бетоблигини үйлаб, кўз ёши тўкиб, шу байтларни ўқибди:

Даҳр иши шундай саботсиздур мудом,
Гоҳи чикка, гоҳи пукка дам-бадам.
Ҳеч бири эмас боқий инсон учун,
Гоҳ навозиш қилса, гоҳ қилгай ситам.
Дунёда ҳар нарсанинг бор муддати,
Охир ўтгай ҳар киши, ҳар жонли ҳам.
Даҳр токай қылғуси кўнглим хароб,
Бир дамим ўтмайди чекмай қайғу-ғам.
Тангри, шону шавкатимни қисқа қил,
Шавкатим хўрлик экан, йўқдир чидам.
Менда энди қолмади орзу-умид,
Барисини фурбатта йўқ этди алам.
Кўз ёшим мўл-кўллигидин сўзлангиз,
Эй менинг юртимга босганлар қадам.

Бу байтларни эшитгач, бадавий ўрнидан туриб, қизнинг ёнига борибди. Бир қанча мақтov сўзлар айтибди. Арпа унидан ёпилган кулча бериб, шундай дебди:

– Ачигим чиққан вақтда сўз қайтарган кимсани ёмон кўраман. Бундан сўнг бундай bemаза одатингни тарқ қил. Сени ўзимга ўхшаш бир яхши кишига сотаман. У сенга мендан ҳам яхши муомала қиласди.

– Сен ҳали менга яхши муомала қилассанми? – дебди Нуздатуззамон.

Тун қизга жуда узоқ сезилибди. Очлик жонидан ўтиб, бояги нондан озгина ебди. Ярим кечада бадавий ҳамроҳларига йўлга чиқиши буорибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отибди. Шаҳризод ҳикоя айтишдан тўхтабди.

МУНДАРИЖА

Машиначи ҳикояси	6
Сартарошнинг биринчи биродари	21
Сартарошнинг иккинчи биродари	26
Сартарошнинг учинчи биродари	31
Сартарошнинг тўртинчи биродари	34
Сартарошнинг бешинчи биродари	37
Сартарошнинг олтинчи биродари	46
Икки вазир билан Анусулжалис ҳикояси	54
Савдогар Айюб билан унинг ўғли Фаним ибн Айюб	102
Подшо Умар ибн Нуъмон, унинг Шаррикон ва Зуулмакон исмли ўғиллари ҳикояси	131

Адабий-бадиий нашр

МИНГ БИР КЕЧА

Араб эртаклари

28-55 кечалар

Иккинчи китоб

Қайта нашр

Мұҳаррір	Насиба ЮСУПОВА
Техник мұҳаррір	Елена ДЕМЧЕНКО
Бадиий мұҳаррір	Баҳриддин БОЗОРОВ
Мұсақхұқ	Зебо НУРМОНОВА
Компьютерда сақиfalовчи	Феруза БОТИРОВА

Босишига рухсат этилди 02.12.2008. Бичими 84x108 1/32

Босма тобоги 6,25. Шартли босма тобоги 10,50.

Адади 1000. Буюртма 262. Баҳоси келишилган нархда

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбая марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими 278-36-89; Маркетинг бўлими 128-78-43.

Факс 273-00-14, e-mail: yangiasr@inbox.ru